


# ЁШ ГАРДИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ  
МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ЁЗУВЧИЛАР  
СОЮЗИНИНГ  
ОРГАНИ



**(65)**  
**Май**

Ойлик  
адабий —  
бадиий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Улуғбек МУСАЕВ,  
Фарҳод МУСАЖОНОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ,  
(масъул секретарь),  
Урие ЭДЕМОВА,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Ғаффор ҲОТАМОВ.

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти

## НАСР



Темур ПУЛАТОВ. Торозий тошбақаси. Романнинг давоми . . . . . 6

## НАЗМ



Йўлдош ЭШБЕК . . . . . 3  
Асқар МАҲКАМОВ . . . . . 28  
Усмон КУЧҚОРОВ . . . . . 29  
Оллоёр БЕГАЛИЕВ . . . . . 30

## ТАНИШУВ



Олим ТОШЕВ. Шеърлар . . . . . 5  
Бобомурод ЭРАЛИЕВ. Шеърлар . . . . . 51

## АДАБИЙ ДУСТЛИК — АБАДИЙ ДУСТЛИК



Валентин КАТАЕВ. Девордаги кичкина темир эшик. Киссининг давоми . . . . . 31

## НАФИС МАЖЛИСЛАР



Зебо МИРЗАЕВА . . . . . 56  
Туроб НИЕЗОВ . . . . . 56  
Фулом МИРЗАЕВ . . . . . 57

## ПУБЛИЦИСТИКА



Жонибек СУВОНЖУЛОВ. Сирли китъа . . . . . 52  
Қудрат ДУСТМУҲАМЕДОВ. Кўз илғамас қаҳрамонлар . . . . . 58  
Аҳмад АЪЗАМ. Туташ ҳалқалар . . . . . 64  
Юнус ОДИЛОВ. Шодлик минтақасида . . . . . 73

## ИНҚИЛОБ ЕЛҚИНЛАРИ



Садриддин АЙНИЙ. Хуррият марши . . . . . 61

## САНЪАТ



Ҳалоскор қўшиқ . . . . . 62  
Рўзи ЧОРИЕВ. Пейзаж ҳақида ўйлар . . . . . 75

## АДАБИЙ ТАНҚИД



Салимжон ХИДИРНАЗАРОВ. Шеър фош қилади . . . . . 66  
Шомирза ТУРДИМОВ. Бирнинг минг жилваси . . . . . 70  
Тил сандиғи . . . . . 55  
Яшар ҚОСИМОВ. Шеърятда гражданлик руҳи . . . . . 67

## НЕВАРАКУЛЧА



Рустам НАЗАР. Шеърлар . . . . . 72

## НАВОИЙХОНЛИК

Афтондил ЭРКИНОВ. Сукут, сукут . . . . . 76

## ЕЛПИҒИЧ



Қилич НУРМУҲАМЕДОВ. Шинаванда . . . . . 79  
Абдураззоқ ОБРУЕВ. Савол . . . . . 79

## ТОМОШАБОҒ

# ЁШЛИК

**«Молодость»**  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник редактор: Т. РАҲИМОВ  
Корректор: Н. ТОЖИЕВА

Адресимиз:  
700117, ЧГСП, Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй

Телефонлар:  
Бош редактор — 78-94-05  
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83  
Масъул секретарь — 78-97-07  
Проза бўлими — 78-97-58  
Поэзия бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 27.03.87 й. да туширилди. Босишга 22.04.87 й. да рухсат берилди. Р-13850. Қоғоз формати 84×108/16. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 328342 нусха. Буюртма № 457.

Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

Тошкент,  
«Ёшлик», № 5, 1987. «Ёш гвардия» нашриёти.



Хуш, мулойим сут каби илиқ  
Саҳарларинг симирганимда,  
Орзуларга юрагим тўлиб,  
Йироқларга югурганимда,

Ҳар тарафда мушқу анбарлар,  
Лолаларинг ёлқинин сездим.  
Ҳа, мен билан алвон саҳарлар,  
Райҳон исли шомларинг кезди.

Энтикади далаларингда  
Турфа рангли нафасинг бедор.  
Ўзбекистон, аллаларингда  
Уйғотувчи илтижолар бор!

\* \* \*

Бир қуш учар осмонда,  
Қаноти толғин-толғин.  
Қувонади бечора,  
Сайрайди ҳорғин-ҳорғин.

Ўйлайдики жонивор:  
«Элтмоқдаман мен баҳор»  
Билмайди бу юртнинг ўз  
Бойчечаги, қуши бор.

\* \* \*

Мен ердан думалаб қочаман,  
Юрагим олинган нишонга.  
Турмоққа фурсат йўқ. Боғчадан  
Қочаман тик боқмай душманга.

Думалаб-думалаб қочаман,  
Юрагим олинган нишонга.  
Зўр, қисқа ўқиниш сочаман  
Ўзимга, кўксимга, пушмонга.

Қўрқувга аралаш надомат  
Айланар бошимда, дилимда.  
Айланар жуда тез. Йўқ нафрат.  
Қўрқув бор. Сўз келмас тилимга.

Мен ўзим айланиб бораман  
Қаролмай қуролсиз қўлимга.  
Мен оққан қонлардан, қораман,  
Бораман айланиб ўлимга.

Мен сочиб бораман ҳаёдан  
Тўкилган қонларни тупроққа.  
Мен қочиб бораман ҳаётдан  
Айланиб буюк бир қўрқоққа.

Қочаман... қочаман... фурсат йўқ.  
Етказмай бир собит ҳаёлга.  
Барибир отади ҳаёт ўқ,  
Айланди у улкан қуролга.

Ер қаттиқ. Кўк йироқ. Қочаман.  
У қурол манглайга тақалар.  
Кўзимни мен аста очаман,  
Уйғондим. Эшигим таққиллар.

Асли ҳеч ким қилмайди таъқиб  
Кўп қатори мен ҳам яшайман,  
Шу тупроққа мафтункор боқиб,  
Олисларга нигоҳ ташлайман.

Нечун очмай эшикни дадил,  
Тешикдан қарайман қалтираб?!  
Эшикни уришар. Туришар  
Қўлларида недир ялтираб.

Тушимда бир таъқиб — ҳушимда таъқиб,  
Мен тўйиб кетаман жонимдан.  
Эшикни очаман тик боқиб,  
Ёввойи ғалаён қонимда.

Ўйларимни қилганча таъқиб,  
Туйғуларим айлаб ярадор.  
Остонамда қуроллар тақиб  
Гуноҳларим туришар қатор.



\* \* \*

Ҳамма тарқаб бўлди. Хонамда шамол —  
Эсмаган шамолнинг шовқини кезар.  
Кўнгилда ҳувиллар қандайдир малол,  
Гўё берк хонада эсар елвизак.

Гўёки булутсиз осмонлардан қор,  
Емғирлар ёғади бу берк уйимга.  
Қандайдир адашган баҳордан ғубор —  
Туманлар қўнади тоза ўйимга.

Барибир хонамда қўшиқлар айтдим,  
Барибир кўмилдим ҳур эртақларга,  
Мен бўм-бўш қадахни сипқорар эдим,  
Мен сувлар қуярдим йўқ чечакларга.

Рухимда боладай йиғлади баҳор,  
Рухимда қайғулар очилди обод,  
Менинг шундан бошқа қандай дунём бор,  
Қандай аъмолим бор мақтагулик шод.

Еруғ сувратинга тўлиғдир жаҳон,  
Ҳеч ким босолмаса ўрнингни наҳот?!  
Қорларин ёғдирар тип-тиниқ осмон,  
Менинг берк хонамга гул отар ҳаёт!

## Юрак

Кўнглимда қандайдир хижиллик, тугун,  
Қайдан пайдо бўлди бундайин хитлик.  
Ҳаёт берилган-ку яйрамоқ учун,  
Завқ сурмоқ учун-ку ахир, йигитлик.









Эчкиэмарлар ҳам аллақачон шитир-шитир қила бошлашган — улар юмронқозикларни пойлашар эди.

Мўъжазгина уя ёнида қоп-қора соя қотди; эчкиэмар кучини чамалаётгандек бўйини айлантирди ва яна тек қотди. Энди токи юмронқозик ширатдан маст бўлиб, осмондаги юлдузга қараб увлаш учун уясидан сал нарига кетмагунича, у соатлаб шундай ҳолда — қимир этмасдан, бўйини чўзиб, ҳавони искаб, теваракка қулоқ солиб тураверади.

Торозий саҳродан таралаётган барча товушларни ички бир сезги билан бир-биридан фарқлаб ётар, кўзига сира уйқу илинмас эди. Хаёлида эса, энди қаёққа бораман деган ўй. Бу ўй уни ҳар гал бир ўзи ёлғиз қолганида, саёҳатлардан чарчаб кўнгли инсоний муомалаларни тусганида қийноққа ола бошларди.

Ниҳоят, у бир қарорга келди: «Оризга бораман! Саройда Армоннинг отасининг нуфузи баланд, бизнинг бемалол ишлашимиз учун имкон сураб, унинг ёрдамида амир билан яраштириб қўймоқчи бўлган... Эшитишимча, Оризнинг ҳокими билан амир ўртасида гап қочибди, энди ҳоким Бухородан бадарга қилинганларнинг бошини силаётганмиш...»

Шитир-шитир товуш ҳамда бир умидсиз фарёд таралиб, унинг маънос ҳаёллари бўлиниб қолди. Торозий кўзларини асабий пирпиратиб, теваракка олазарак назар ташлади ва ойдада ўлим олди талвасасида титраб ётган бир юмронқозикга кўзи тушди.

Афтидан, эчкиэмар ишқий ўйиндан маст бир аҳволда, уясига борадиган йўлни ҳам йўқотиб, ҳатто ўз изини топа олмай қолган юмронқозикни тоқат билан пойлай-пойлай, ахирни ниятига етган: юмронқозик чақалақлар орасида модасини ширин-тотли ҳолат оғушида донг қотириб, тамшана-тамшана чиқиб келгани ҳамано думи билан шип урган-да, шу биргина туртки билан унинг белини чиқариб қўйган...

Сўнгра илоннинг думига ўхшаб кетадиган ингичка, силлиқ тилини чиқариб, дарҳол юмронқозикнинг кулранг танасини ялай бошлади — дашт майсаларидан пайдо бўлган иссиқ қон таъмини туяйин деб ҳатто тананинг совишини кутиб ўтирмади.

Оғир, тушкун бир кайфиятда хўрсинаётганидан, тошбақа ҳам бу воқеаларни кўриб тургани аён эди. Лекин Торозийнинг ҳайрат билан боқиб турган кўзига кўзи тушши билан юзини терс буриб олди, эчкиэмарнинг қонхўрлигидан заррача кўрқмаётганини, хўрсиниғи эса, шунчаки, ёмон туш кўрганидан эканини билдириб қўймоқчи бўлди.

Тошбақанинг мўғомбирлик қила олиши Торозийга ғайритабиий туюлди... ахир, шундай зерикарли, ланж бир махлуқ... ва шу заҳоти эчкиэмарни унутиб, шу пайтгача олам-жаҳон тошбақани ўрганиб чиққанига қарамай, бунақасини сира учратмаганини ўйлаб кетди.

У овлаган тошбақаларнинг барчаси ниҳоятда кўпол, калтафаҳм, ҳатто ўзларига тегишли бўлган масалаларда ҳам мулақо бефарқ бўларди, бу эса худди малайя тошбақасига ўхшаб ақлли. Малайя тошбақасини бир синаб кўришганида, у кўзлари боғлиқ ҳолда айқаш-уйқаш йўллардан ҳам адашмай ўтиб, ўткир бурни билан ҳид олиб, белгиланган манзилга етган — сув солинган идишни топиб келган эди.

Дашт бўйлаб ўлимдан дарак бериб бир хўрсиниқ таралди. Ҳуштак эмас, чалқанча ётиб олиб ҳадеб оёқларини типирлатаётган юмронқозикнинг чийиллаши ҳам эмас, бирдан атрофга ёғиладиган офтоб нури сингари сассиз-садосиз бир хўрсиниқ. Бу хўрсиниқнинг саҳрога таралиши юмронқозикнинг сўнги марта икки букилиб, бошини думи остига тикиб, шундоғича қимир этмай қолган паллага тўғри келди.

Саҳрода содир бўлган ҳар бир ўлим шамол кўзғайди. Қумларни кунгира-кунгира қилиб, учириб, шамол турди, майсалар чайқалиб кетди, туз тақирлари қасира-қусур қила бошлади. Қумтепаларнинг учи емирилди, қум ариқ-ариқ бўлиб паства шувиллаб оқаверди, турли инлар, уялар очилиб қолаверди, у инлар уялардан нима бўлаётганига тушунолмай эчкиэмарлар, юмронқозиклар ҳамда юлдузларнинг ўруғига чиқиб қолганидан норози бўлиб кўзларини қисиб олган дашт тулкилари чиқиб келаверди.

Бутун теваракка юборилган хабар — ажал хўрсиниғи бир хил ҳайвонларга улар овдалик пайти, бошқаларига ўз инларида ухлаб ётган маҳали етиб борди. Бу хабар овга кундузи чиқадиганларни сескантириб юборди, ҳаммаси бирдан атрофга олазарак қараб қўйди. Қари, кўр бўлиб қолган ва энди кўзларини юмиб ухлашга ўрганган калхат эса қовоқларини

очиб, табиийки, ҳеч нимани кўрмади, фақат, устига арча шохлари тўшалган қоянинг ёриқ жойидаги тошни тумшуги билан дарғазаб тирнаб қўйди.

Эчкиэмар шовилмасдан юмронқозикнинг қорнини ялаб чиқди, кейин бошини кўтариб, зиёфат олдиан бировнинг ўзига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга бир-бир қараб чиқди — Торозий буларнинг барини ҳеч бир ҳаяжонга тушмасдан, бафуржа томоша қилди. Эчкиэмар бу атрофда ўзига ҳалақит берадиган бирор нимани топмай, энди юмронқозик қорнининг терисини тишлади, найзадак тўғри ва қаттиқ бўлиб қорнинг тилини бирдан қоринга суқди ва эҳтиёткорлик билан, лаззат онларини узайтириб, у махлуқчанинг ичларини кавлаштириб чиқди. Бу ҳам бир маросимдек берилиб кетган эди у. Шундан кейингина бир бўлак этни юлиб олди-да, лўқ этиб ютди.

Сўнг сўлагини шилқиллатиб ичига тортди ва оёқларини кертганча, қулоқларини динг қилиб, эҳтимол димоғида ҳали ҳам мазали гўштининг лаззатини туйиб, пича жим қотди, фақат думлари миннатдор итникига ўхшаб ликиллаб турарди.

Бироқ юмронқозик сўнг бор хўрсинган пайтдан бутун саҳро бўйлаб — тап-тақир дарёларнинг тубида ҳам, саксовулзорларида ҳам, қумтепалар бағрида ҳам, тоғдан тўкилган сариқ-кўнғир тошлар ораларида ҳам — барча ерда саҳий табиатнинг ўзи уюштирган зиёфатбозлик бошланган эди.

Кундузи қорни тўймай қолганидан уйқуси қочиб қийналиб ётган бирон-бир тошбақа ҳам имконият туғилганидан хурсанд бўлиб, ўз қурбони қумкаламўшининг устига мук тушди. Чиябўри подадан опқочиб келинган оққуйруққа қараб тишларини ғижирлата бошлади. Саҳрода ўлим юз бергани тўғрисидаги хабарни Торозий кўриб турган анави эчкиэмар эмас, ўша чиябўри таркатган бўлиши ҳам мумкин.

Эҳтимол, бу ерларга ғам-ғусса келтирган ва шафқатсизликни бошлаб берган бу кучсиз бўрон бирор ерда бўлма илон қуённи энди ейман деб (қуённинг тумшугидан момақаймоқнинг нордон барги ҳамда илдизининг ҳиди келиб, илоннинг димоғини қитиқлаган-да) оғиз очган лаҳзада кўзгаландир? Бу дабдабали зиёфатга чорлов бизнинг сэйёҳимиз ҳордиқ чиқариш учун ётган қумтепа атрофидангина тарқаш шарт эмас. Карнай-сурнай чалиб, айланасига бир-бирига юлдузлар хабар тарқатаётганга, саҳрога эса ҳамма бир пайтда эшитадиган заиф акс садосигина етиб келаётганга ўхшар эди.

Ҳар хил товушларга қулоқ солиб ётиб, Торозийнинг кўзи илинган экан, туйқус ёнгинасида тошбақа турганини кўриб дод деб юборишига сал қолди: тошбақанинг бесўнақай оёқлари ноҳос унга тегиб кетган эди.

Тошбақа хўжайинининг олдига ҳимоя истаб келган кўринади, бутун вужуди зир-зир титрайди. Шундай бўлса ҳам, Торозийни безовта қилгани учун гуноҳдорларча, тумшугини қумга эгиб тураверди.

«Ҳа, бу тошбақа бошқача экан, — деб қўйди яна Торозий. — Илонни ўлдирмайдиган, каламуш емайдиган, фақат ўт билан майса еб кун кўрадиган, қон деса даҳшатга тушадиган хилдан...»

Бироқ, кўриниши қандай бўлмасин, қаерларда яшамасин — ҳайвон зоти борки, ҳар бирининг феъл-атвори ўзига хос бўлса ҳам, бир-биридан минг фарқланса ҳам, емакни барибир асли битта қонун асосида танлашади. Ўз вақтида Торозий тавсифлаб берган тимсоҳлар, баҳайбат калтакесаклар, эчкиэмарлар ҳаммаси қонхўр ҳайвонларга кирази. Тошбақаларнинг орасида у ўт ейдиганини, яна ҳам аниқроғи, фақат ўт еб кун кўрадиганини шу пайтгача учратмаган. Оёғи остида нафасини ичига ютиб ётган манави тошбақа бўлса, юмронқозикни еб ташлаган эчкиэмарга ҳадиксираб қараб-қараб қўяди. Торозий унинг кўзларидан нафақат ҳадик аломатини, балки чексиз нафрат нишонасини ҳам кўрди. Тошбақа худди эчкиэмарнинг ваҳшиёна бу ишини қоралаётгандек қиёфада эди.

— Бу сен, дейман, авлиё экансан-ку, биродар! — деди Торозий ҳазил йўсинида ва тошбақанинг косасига шапатиллаб қўйди. Сўнг қоронғида пайпасланиб унинг оёғини ушлади, у ердаги бўғинлардан асирининг неча ёшда эканини билиш мақсадида ортигини санай бошлади.

Юқоридан паства томон кичрайиб борадиган садаф бўғинларини осонгина санаб чиқди; тошбақа эса оёқларини чўзиб, Торозий санаб бўлгунча сабр-тоқат билан кутиб тураверди. Бўғинлар еттита — олтитаси ҳақиқий бўғин, еттинчиси эндигина учма-уч бўлаётган бўғин эди. Ушлаб кўрса, ҳали

юмшоқ, сиртида садаф тангачалари ҳам йўқ, хуллас, тошбақа-нинг ёши йигирма еттида эди.

«Айни кучга тўлган жаноб!» деб Торозий мийғида кулди, шу билан бирга, чекига тушган тошбақа жуда унақа кўнгилдагидек эмаслигидан афсусланиб қўйди.

Тошбақа ҳали пешонасига ёзилган муддатдан учдан бирини ҳам яшаб бўлмаганига қарамай, одаллари қатъийлашиб қолган, жимитдай бўлса ҳам, ҳайвонларга хос ўзининг нуқтаи назарини топган эди, бу эса, маълумки, бўлажак тажрибаларни қийин аҳволга солиб қўярди.

Бунинг ўрнига ҳам у бошқа жиҳатдан эътиборга лойиқ — айёр, табиатан хушомадга, ўйнашишга мойил, қолаверса, ўт ейдиган хилидан, хуллас, ҳар қандай тошбақашуносда фикр кўзгатишга қодир эди у.

Жойига кириб ётаётиб, Торозий тагин эчкиэмарга қаради: у аллақачон овқатини еб бўлган, энди ҳозиргина зиёфат кечган жойини искаб-искаб юрар эди. Ниҳоят, изларни йўқотиш учун думи билан қумни титиб юборди...

## VIII

Худди анчадан бери чакалакзор орасида пойлаб ётиб, сўнг лип этиб чиқиб келадигандек, саҳрога тун туйқус чўқади, кундуз бўлса, аксинча, қумтепалар учидан анчагача тушгиси келмай туради, кумда шитир-шитир товуш чиқариб керишади, эпкинга айланиб хўрсинади, бурганларни думалатиб энгилбошини қоқади, сўнгра у бутадан-бу бутага кўчиб ўтиб, ўша ерга беркиниб олганча, юзини ҳар хил антиқа кўйларга солиб, қора шабнамни узоқ ялайди.

Йиртқишлар хўракбазмларини тугатиб олсин учун ҳам кундуз унча шошилмайди. Ялқов эчкиэмарлардан биттаси ниҳоят сўнгги парча гўштни ҳам қоринга жойлаб, бир бутани думига илаштириб, чакалакзордан чиқиб келади ва... бута кетиб очилиб қолган бўшлиқдан энди бир парча ёруғлик атрофга фуси билан термилиб тураверади — Торозийнинг кўргани шу.

Маълум бўлишича, уясини тополмай сандироқлаб юрган ҳайвонларнинг сояси тун шарпалари экан — ўша соялар кўздан йўқолгани ҳамоно тун ҳам ғойиб бўлади ва ўрнини кундузга бўшатиб беради.

Бизнинг сайёҳимиз буни аллақачон сезган: мана шу соялар бўлмаса, саҳрода зериктирарли, кўнгилларга таскин ҳам, салқинлик ҳам бахш этмайдиган абадий кундуз ҳукмрон бўлар эди.

Саҳрога фақат тунда жон киради. Кундуз эса ҳаммаёқ ўлик, маънисиз, вақт ва макон туйғусидан холи бўлади. Узингизни ҳаётдан узилиб қолгандек сезасиз, оёғингиз остидаги чағир қум ҳам бу ерда ҳаётнинг тўхтаганига ишора, холос. Лекин Торозий тунда ҳам йўл юришдан чўчийди, унга ўзи ниманидир уйқудан уйғотиб юбораётгандек, нималаргадир халақит бераётгандек туюлаверади. Ва теварақдаги барча нарса унинг йўлга тўғаноқ бўлаверади, ҳатто кумда қолаётган от туёғининг изи ҳам, Торозий қайрилиб қарар-қарамас, шу заҳоти кўмилиб кетади. Қамғоқ ўзи кундузги ўтлардан саналади, лекин ўша-да тунда қимирлаётганидан уялаётгандек бўлади. Сиз ҳам ёлғиз, қамғоқ ҳам ёлғиз, лекин кўнглингиз таскин истаб, унга бир қараб қўйсангиз тамом — ўша заҳоти бирорта дўннинг панасига бекиниб олади-да, то бу ердан кетмагунингизча кутиб ётаверади. Кейин ўғриқараш билан атрофга аланглаб, ўзига ҳам номаълум бўлган бир йўлга тушиб олиб, думалайверади...

Торозий кундузлари ҳам истар-истамай йўл юради, ҳолбуки фақат кундузигина ҳеч нарсдан хавфсирамай юриш мумкин, ахир, саҳро тунда буткул йиртқишлар ихтиёрига бериб қўйилган бўлади. Тунда от ҳам кўп пишқиради, ҳадеб эчкиэмарларнинг думини босиб олаверади, туёғи уларнинг уясига ботиб кетаверади ва юмронқозиклар жон аччиғида отнинг оёғига чанг солишади. От қоронғиликда йўл топиб юриш осонлигини билса ҳам, чўчийди. Кундузи эса, тўғри йўлдан юриб бораётганга ўхшайсиз, холос, аслида адашиб кетасиз. Мабодо манзилни топиб келсангиз ҳам, тасодифан шундай бўлганини сезиб турасиз.

Бас, мана, тонг ҳам отди, йўлга чиқиш керак энди. Торозий кўзларини ишқалади: оббо, ухлаб қолибди-ку. Қуёш нурлари аллақачон қумтепани айланиб ўтган, энди унинг оёқларига тушиб турар эди. Яна жиндай ётганида юзлари шишиб кетиши, ёноқлари осилиб, ияги оғирлашиб қолиши тайин эди. Ухлаб ётган одамнинг юзига эрталабки қуёш нури тушса, уни

буриштириб қўяди, шунданми, Торозий уйғонганида от уни кўпинча танимай қолар, ҳуркиб ўзини ҳар ёққа ташлай бошлар эди.

Бирдан шовқин-сурон эшитилди. Торозий сапчиб ўрнидан турди. Тошбақа қумтепанинг этагида депсиниб турар, бунга сари отнинг жаҳли кўзиб, ҳадеб уни тепишга чоғланар эди. Торозий қамчинини кўтариб дағдаға қилди, лекин от қайтмади, тошбақа эса оёқлари қумга шу қадар чуқур ботиб кетибдики, юришга ҳоли йўқ. Ҳимоя истаб тагин Торозийга калласини бурди, айни чоқда думи билан отни ёнидан ҳайдамоқчи бўлар эди.

Торозий қумтепанинг ёнбетидан сирғалиб уларнинг ёнига тушди-да, пўпсага қамчинини кўтарди, лекин, тошбақа тумшугини яширишга улгуриб қолган бўлса ҳам, барибир от уни бир тепди.

Кейин ажаб мағрур қиёфада янада пастга эна бошлади, Торозий бор овозда уни қарғаганча қолаверди.

— Жин чалиб кетгурлар! — деб яна бир марта бақирди. — Энди бош-шимга мунақа аҳмоқона қилиқларинг ҳам бормиди!

Тошбақа тумшугидан қумларни тушириб оёққа туришга уринар, лекин тура олмас эди; яна қулади ва тевараққа телбаларча мўлтираб, шу ҳолда ётаверди.

Торозий кечаси тошбақа билан бирга тунаган эди, шу атрофда отнинг излари ҳам пайдо бўлибди Демак, эгаси билан ёнма-ён бир бегона махлуқнинг ётиши отнинг ғашини кўзгадан ва келиб туриб уни қаттиқ тепган. Ахир, Торозийнинг ёнида уни нафаси билан иситиб, кўчманчи қумтепалардан асраб, ҳамиша ўзи ётарди-да.

Отнинг бу ҳолдан қандай ҳайратга тушганини ва алам билан тумшугини чўзиб, биқинларини қандай шиширганини тезда кўз олдига келиб туриб, Торозий кулиб юборди. Тошбақа унга ҳайрон қолди, бетидаги қора-қура тиришлар ёйилиб, бир чети ияккача борган оғзи ёқимсиз буришиб-кенгайиб кетди.

Торозий ижирғаниб, отни эгарлаш учун юрди. Тошбақа тумшугини унинг қўлига суйкаб, тарафини олгани учун гўё миннатдорлик билдира бошлади.

— Уччига чиққан ялтоқ ҳам экансан-ку! — дея тўнғиллади Торозий кўнгли бузилиб. Сўнг тангачалар билан қопланган думини сийпалади. — Худди Фарруҳ иккаларинг эгизакка ўхшайсизлар...

Сайёҳ эгарни тўғрилаб, қафасни маҳкамроқ тортиб қўйди, от эса офтобдан кўзларини қисиб, йўлга шай турар эди. Табиатан мағрур бу от, сўкиш эшитса ҳам, қамчин еса ҳам индамас, ёлғизликни, кўчманчи ҳаётни эгаси билан баҳам кўрар, мана шу итоаткорлиги, ҳамдам-ҳамқадамлиги учун ҳам Торозий уни яхши кўрар эди.

Торозий бир силтаниб отга минди-да, тошбақа ҳам кетдик дегандек имо қилиб, йўл бошлади.

Энди чакалагу қумтепаларнинг сўнгги сояси ҳам ёйилиб кетган, қуёш бутун борлиқ тепасида кўнгишларни гўсага чулғаб осилиб қолган. Тунда шамол уюб қўйган дўнгликларнинг сирти ҳали қотиб улгурмаган, қуёшнинг нури уни учидан то тубигача ёритиб турар эди.

Мана, калхат ҳам тепаликка қўнди ва шу заҳоти қум бўйлаб ёйилган нур уни қуршаб олиб, бижир-бижир қила бошлади, қушнинг теварагида ҳалқа-ҳалқа бўлиб айланаверди. Кўрган одамда, худди йиртқиш қуш нурдан ясалган тўп ичида ўтиргандек, тўп сув юзасида қалқигани сингари туманликда чайқалаётгандек таассурот уйғонар эди.

Фақат от туёқларининг остида, шўр ёрнинг сал тепасида ғира-шира қоронғилик сақланиб қолган. Қуёш нурлари туз дончаларида аранг бир йилт этиб, орқага қайтади, чирсиллайди, сачраётган учқунлари камалак рангларига товланади. Мабодо шу пайт биронта от ўғриси сайёҳнинг кетидан пусиб келаётган бўлганида, ғаройиб манзарани кўрарди: гўё от ерда юрмасди, ҳалиги учқунларга оёғини куйдириб олишдан чўчиб, ердан сал баландда учиб бормоқда...

Бизнинг сайёҳимизнинг орқасидан фақат иккита юмронқозикгина кузатиб қолаётган эди, холос. Орқа оёқларида тик турганча, такаббуруна чиқарилган қоринчалари устига олдинги калта оёқларини қўйиб, турмушнинг пучлиги ҳақида бош қотиришар, ора-орада атрофга қараб қўйишар эди. Иккалови ҳам Торозийни дарров таниди, чунки Торозий йўлдан адашган одамдек аввал ҳам бу ерлардан у ёқ-бу ёққа ўтган — унинг кетидан маъюс-ғамгин қолишларининг боиси эҳтимол шудир.



Бироқ бу жойлар қанчалик зерикарли ҳам юракни сиқадиған бўлмасин, Торозий ҳар гал саҳронинг камтарин ҳаётидан ўзига ҳос гўзалликларини илғар эди.

Ҳозир унинг фикри-ёди илоҳи борича тезроқ Оризга етиб боришда; етса, турқида мусибат ифодаси қотган манави тошбақани Армон иккаласи тезроқ ўрганиб чиқишса...

Ёлғизлики Торозий айниқса саҳрода кучли ҳис этарди. Албатта, ёнида ҳеч ким бўлмагани учун эмас. Ҳаракат фақат сароб ва хомхаёл бўлган бу макон унинг кўнглини безовта қилар эди.

Атрофингиздаги бор нарса ҳаракатсиз қотган ва шу туришини ҳақ деб билган бўлса, сиз эса юриб кетаверсангиз, бу ҳаракатингиз уларнинг назарида ҳақиқатга қарши бўлиб туолади, деб фикр юриртарди бизнинг сайёҳимиз тез-тез. Гарчи унинг шошадиган жойи йўқ, гарчи уни ҳеч ким кутмаётган бўлса-да, сабрсизлик билан ҳадеб отни қичайверишининг сабаби шу эди. Олдинда бирор қумтепа ё чакалақзорни кўрса, салқинда дам олволиш ниятида от ҳам шошилларди. Худди орқаларидан биров кузатаётганини ҳис қилгандек. Мана, ҳозир ҳам, жарликдан чиқар-чиқмасларидан, Торозий олдинда бирдан ўзларига қарата аллақандай хира нур юборган бир қумтепага кўзи тушди.

От пишқира бошлади ва калласини четга буриб, қадамини секинлатди.

Лекин сайёҳ отини ҳамон савалар, ҳамон тезлар эди, ноилоҳ от хавотирланиб қумтепага яқинлашди. Бирдан Торозий отининг бу ғалати қилиғининг боисини англаб қолди ва уни беҳуда савалагани учун хижолат тортиб, отдан сакраб пастга тушди.

Ҳа, бу шу кеча ўзлари ариғида тунаб қолишган қумтепа эди. Ёнбетидаги манзаралар таниш, ариқчалари ҳам ўша, ҳатто туёқ изларини қум босиб улгурмабди...

Фақат, учи сал юмшаб, оз-моз тўкилибди — қумтепанинг айланма йўл билан сайёҳни қувиб ўтганини шундан билса бўларди. Демак, Торозий ҳали жарликда турган пайти қумтепа илгарига ўтиб олган ва ҳеч нарса кўрмагандек, йўлларига кўндаланг бўлган.

Торозий дарбадар ўтаётган умри давомида бунақа қора қумтепаларни кўп кўрган. Улар ёлғиз сайёҳлар, бутун бошли карвонлар кетидан эргашиб юришади, мақсадлари — йўлдан оздириш. Кундузлари пана-паналаб ўрмалашади, тезроқ қоронғи тушишини кутишади. Дўнглиқларнинг, чакалақзорларнинг орқасида дамларини чиқармай пойлашади. Одамлар ҳориб, уйқуга кетганларидан кейин кўринг уларнинг хавфли ўйинини: оёқ учида юриб келишади-да, одамларнинг йўлини ҳар томондан қуршаб, тўхташади. Сайёҳларни чалғитиб юбориш ниятида шаклу шамойилларини таниб бўлмас қадар ўзгартириб олишади — ё минора сингари буй чўзишади, ёки аксинча, пакана-пакана тизма бўлиб ёйилиб кетишади. Шамол уларнинг қиёфасини тўғрилай қўйса, жарлик ўз бағрига олиб, кўздан пана қилади.

Ёки бошқача ҳол ҳам рўй беради: қора қумтепалар сайёҳларни ҳайратга солиб тагин, айтийлик, кечаги қиёфада қаршиларида чиқади. Шунда сайёҳ, нуқул дарди бедаво йўлдан юриб, яна кечаси тунаган жойимга келиб қолдимми, деб ўйлайди.

Қумтепа ёнида от безовталаниб типирчилай бошлади, тошбақанинг башарасида эса тасвирлаб бўлмайдиган шунақа бир даҳшат балқиган эдики, ҳатто қумтепаларнинг бунақа одатини яхши биладиган бизнинг совуққон сайёҳимиз ҳам қаттиқ ташвишга тушиб қолди.

Қумтепа энди уларнинг гоҳ ўнг томонида, гоҳ чап томонида пайдо бўлаверади — кета-кетгунча энди шу ҳол. Унинг ёнига бошқа қумтепа ҳам ўрмалаб бориб олиши мумкин, кейин отлик одам билан тошбақани улар биргаликда таъқиб қила бошлашади ва то олдинда бирор воҳанинг нафаси сезилмагунча келаверишади. Сўнг, энди бошқа дарбадарларни излаб, орқаларига қайтиб кетишади...

Ўтган сафар Оризга бораётиб Торозий саҳрода ҳали калхату чиябўрилар ташиб кетмаган отнинг ўлигини кўрди. Сал нарироқда тўхтаб, шу пайтгача ўзини таъқиб қилиб келган қумтепанинг хатти-ҳаракатларини қизиқиш билан томоша қила бошлади: қумтепа отнинг ўлиғига қараб ўрмалади, етгач, устига шув-шув қумини тўкиб, бутунлай қоплаб олди.

Ниҳоят, Торозийни кўздан қочириб қўйишдан чўчигандек, қумтепа бир сесканиб тушди-да, сайёҳ яшириниб олган

чакалақзор томонга қараб ўрмалади, ҳалигина отнинг ўлиғи ётган жойда эса, ғажиб ташланган суюқларгина қолди.

Мабодо қора қумтепа йўлақай эчкиэмарлар билан юмронқозикларнинг уяларини ҳам босиб олса, бу махлуқчалар ваҳимада ўзини ташқарига отмайди, уяларини ташлаб қочмайди, чунки улар биладикки, худонинг бу ҳайвончалари қоринларини тўйғазиб олмагунча, қумтепа назокат ила кутиб тураверади.

Бундан ташқари, оқ қумтепалар ҳам бор. Лекин улар анчагина эринчоқ бўлади, жуда секин, истаб-истамай ўрмалашади, ўрмалаганда йўлақай қиёфаларини ўзгартириб боришади. Шамол уларни бирор тош ё бутанинг гирдида тўплайди ва улар то шу тош ё бута мустақкам умуртқага айланиб кетмагунча, катталлашиб бораверишади.

Энди таянчини топди, бир жойда абадий тураверади энди, деб ўйлайсизми? Қаёқда. Сал шабада эсди дегунча бўлмай оқ қумтепа тагин шувиллаб оқа бошлайди, емирилади, сўнгра яна бошқа бирор тош ё бута ахтарди, ўрмалаб кетади. Дунё яралгандан бери уларнинг билган иши шу — доим турланиб туришади; мижғов, шу биргина зерикарли ташвиш билан банд. Совуқ, ўнғайсиз бўлишларининг боиси шундан, уларнинг ёнбағирларидаги шабнам ҳам узоқ қуримай туради. Торозий бир нарсани аллақачон сезган: оқ қумтепаларга ҳайвонлар ҳам истаб-истамай ин қуради, қуш ҳам кўнавермайди. Мабодо кўнса, ўша заҳоти ижирғаниб оёқларини қоқа-қоқа, қора қумтепаларни истаб учиб кетади, нега деганда, саҳро уларни ўлганларнинг хокидан юзлаб йиллар давомида заррама-зарра тўплаб боради...

Торозий отга минди-да, қумтепани айланиб ўта бошлади. Тошбақа ортга қарай-қарай, уларнинг изидан тушди. У ҳам қора қумтепанинг сирларини англаганга ўхшар эди. Бояги ғамгин тиришлар ёйилиб, энди мамнуният балққан башарасидан, бу сир унинг дунёсини ҳозирча номаълум, лекин кўнгилга яқин алланарсалар билан бойитгани кўринар эди.

## IX

Бошидан-оёғигача рангдор кийим қиққан чиққан Армон қалъа деворидан ташқаридаги бир тепаликда, от устида бетоқат-безовта ўтирар эди, узоқдан Торозийни кўриб отини пастга елдириб кетди. Бирор ўн қадамлар қолганда эгардан тушиб унга пешвоз чиқди, фасоҳат ила узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрашгач, устозининг ҳам отдан тушишига кўмаклашиб юборди.

Ташқи кўринишидаги унча-мунча олифталикка қарамай, Армон жиддий, олижаноб йигит эди, устозига ҳам сидқидилдан ихлос қўйган.

Торозий унинг ожиз томонларини билади, бироқ садоқати боис кўпини кечириб юборади. Ҳозир ҳам, шогирди билан қучоқлашиб кўришдию вужудидаги асабий таранглик бир қадар юмшаб, оёқлари бўшашаётганини ҳис этди. Ва жилмайганча, ташбақага ишора қилди.

Тошбақа башарасини бужмайтириб, ерга ётиб олди.

Аваллига Армон тошбақага унча эътибор қилмади, устозига ҳадеб шоша-пиша нималарнидир гапиришга тушиб кетди. Лекин Торозий ҳозир унга қулоқ осадиган ҳолатда эмас, вужудида рўй берган кескин ўзгариш асабига ёмон таъсир этишидан хавотирда эди. Кўнгли айниди, бу эса мазаси қочаётганидан далолат. Торозий тез-тез йўталиб, кўнгли айнишини босиб юборишга уринди.

Армон уч кундан бери устозининг пойқадамига мунтазир бўлиб, шаҳардан ташқарида ётиб юрганини бутун тафсилотлари билан сўзлаб бераётган эди, Торозий:

— Ҳа, мен узоқиб кетдим, — деди пойинтар-сойинтар.

— Ҳов анави қапада, — дея Армон тепалик ёнида қорайиб кўринаётган бостирмани кўрсатди. Худди Торозий унинг бу ерда ётиб юрганига ишонмай қоладигандек алоҳида таъкидлаб айтди. — Фаройиб ҳодиса, устоз... Хўжа Аҳмад Яссавий тариқати муридларидан Асадулло деган йигит сизни уч кечакундуз пойлаб чиқди... Шу ернинг ўзидаёқ сиз билан масала талашмоқчи эди... «Ялқовликка мадҳия» билан «Оллоҳнинг қабулида» рисолаларингиздан шунақа бир зиддиятлар топганмиши... Кейин шу зиддиятларни тўплаб, фойда олмақчийми... Нақ Яссавий таълимотини бўйитишга, дегандай...

— Фойда, дедингизми? — Торозий ўзини қўлга олиб, мийиғида илжайди. — Начора, ихтиёри ўзида... Муҳаббат

нафрат, ҳамдардлигу ёвузлик, гул-гул яшнашу турмуш қаршида нотагонлик кимники қийноққа олса... — Торозий фикрини яқунлаётмади. Илҳомлиниб бэланд оҳангда жўшиб гап бошлашга бошлади-ю, бирдан чарчади, сўнг қўл силкиб қўйди.

Шундан сўз очиб, одамови, камгап устозини қийнаб қўйганидан Армон ҳам хижолатга тушди. Бунинг ўрнига дарҳол шахарга йўл олганлари маъқул эди, у ёқда Торозийга уй-жой тахт қилиб қўйилган.

Тошбақанинг безовта бўлаётганини, ҳадеб ҳар ёққа аланглаётганини пайқаб, Торозий имо қилди:

— Жонивор сирли, лекин ўлғудай қўрқоқ. Бўйнидан арқон ташлаб олмасангиз бўлмайди, шахарнинг эрмакталаб бекорчи-хўжаларидан қўрқиб юрмасин тагин...

— Отимга ўнгариб олиб кетсам-чи? — деб сўради Армон. Лекин ҳали яқин бормасиданоқ, тошбақа қапа томонга қочди. Шу чоққача эринчоқлик билан, ҳориб-чарчаб юриб келган тошбақа шундай эпчил бўлиб кетдики, отда қувиб етмаса...

Торозийнинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди.

— Армон! Қувманг! Майли, қапага кириб олаверсин, биз шахарга кетаверамиз. Керак бўлсак, ўзи бизни топиб олади. Бўлмаса... унда ихтиёрини ўзига қўямиз-да. — Гапларини тошбақа ҳам эшитаётганига, тушунаётганига амин ҳолда Торозий яна нималарнидир айтмоқчи бўлди. Тошбақанинг кўп жиҳатлари унинг тахмини тўғрилигига гаров, ишонмаслик мумкин эмас эди.

— Ҳа-я... — дея Армон чопагон тошбақанинг орқасидан қўлини силкиб қўйди. — Қапага пойлоқчи қўяман... — деб Торозийга қараб кела бошлади. Сайёҳ бўлса аллақачон отига миниб олган, тошбақанинг ҳар бир ҳаракатини кузатаётган эди. — Рост айтасиз, ғаройиб жонивор экан, — деди шивирлаб Армон. — Майдақам жаноблар ичида бунақа чопагонини сира кўрмаганман...

— Кўзим билан кўрганларимни айтсам гапларимга ишонмайсиз, — деди Торозий сирли қилиб. — Отингизнинг эгарини тўғрилайтган бўлиб, пича кутинг эди, кўрасиз: тошбақанинг ўзи бош этиб келади олдимизга.

Армон атай отининг гоҳ у, гоҳ бу туёғини кўздан кечира бошлади, туёқлари мустаҳкам тақаланганми, йўқми эканини текширди, айна чоқда, кўз қири билан тошбақага қарашни ҳам унутмади.

Тошбақа бу ўйинни сезиб қолдими, капанинг ёнида тўхтаб, ўт-ўланни ҳидлай-ҳидлай, жойида депсиниб тураверди. Гўё эгасининг сабр-тоқатини синамоқчи бўлиб, атрофидан хира пашшани қўриган тахлит ҳадеб калласини чайқар, у ҳам атай вақтни чўзар эди...

Торозийнинг тоқати тоқ бўлиб, Армонга қичқирди...

— Чақиринг пойлоқчингизни! — деди ер тепиб.

Армон ҳовучини оғзига карнай қилиб, чўзиб қичқирди:

— Обидто-о-ой!

Шу заҳоти яроғ-аслаҳасини жаранг-журунглашиб норғул бир йигит пусиб ётган чуқуридан чиқиб келди. Унинг хушфёъл экани ҳатто мудроқ юзларидан ҳам билиниб турарди.

Келди-да, азиз меҳмонни кута олмай ухлаб қолгани учун ўзини ниҳоятда гуноҳдор ҳис қилиб, Торозий билан, олдиндан ёдлаб олган сўзларини айтиб, узундан-узоқ саломлаша кетди, лекин бизнинг сайёҳимиз унинг ҳаяжонига озгина сув сепиб қўйди.

— Қапага боринг-да, ҳов анави газанданинг яқинига бировни йўлатмай пойлоқчинг қилинг! — дея қамчинининг учи билан тошбақага ишора қилди.

Йигит қиличини шартта қинидан суғуриб, ёнламаси билан кўксига босди.

— Бош устига!

Сўнгра қапага қараб чопқилаб кетди.

Тошбақа ўзига пойлоқчи этиб тайинланган бу одамнинг ёвқур қиёфасидан ваҳимага тушиб, ортиқ чидаб туролмади ва даҳшат ичида пилдираб Торозийнинг олдига қайтиб келди.

Обидтой бўлса, тошбақанинг кетидан юришини ҳам, юрмасини ҳам билмай, уялиб тўхтаб қолди... У Торозийнинг жодугарлик ишлари тўғрисида кўп эшитган, бинобарин нафақат олимнинг ўзига, ҳатто унинг манави таъвия тошбақасига ҳам ҳурмат кўзи билан қарар эди.

— Мана, — деди Торозий энгил ҳўрсиниб, сўнг Армонга ўғирилди: — Энди бемалол отингизга ўнгариб олаверинг. Пойлоқчидан қўрққанидан ақли ҳам жойига келиб қолди.

Тошбақа эса ўзининг ҳамишалик ҳолатида — калласини итоткорона солинтириб, аллақачон Армоннинг ёнига бориб олган эди.

Армон бирмунча ҳадиксираб уни кучоқлади, лекин ердан уза олмади: ҳарҳолда, жониворнинг оғирлиги икки одамнинг оғирлигидан кам эмасди. Ерданга Обидтой шошилди, фақат, бундай ёвузкор қиёфада тошбақани тагин қўрқитиб юбормаслик учун бошидан дубулғасини ечиб қумга ирғитди, кетидан қиличини ҳам отди.

Сўнгра иккаласи тошбақанинг оёғидан ола бошлашди. Обидтой маҳлуқнинг қулоғига нимадир эркаловчи сўз шивирлади. У ўзича ҳадеб куймаланаверар, тошбақага сал бўлсинда озор бериб қўйишдан чўчиб қаттиқ хавотирланар эди. Ниҳоят, тошбақани отнинг белига кўтариб қўйишди, бироқ боши босиб кетиб бўйни пастга осилди, натижада эгарни олиб ташлаб, уни аргумоққа кўндалангига жойлаштирдилар.

У ёлар ҳолатда эди. Тошбақа-да. Асабий тарангликдан оёқлари букилмай қолган эди, аммо отга миндирилгач, қулайроқ жойлашиб олиш учун қимирлай бошлади.

— Ана бу бошқа гап, — деди Торозий кўнгли тўлиб ва шахар дарвозаси томон йўл бошлади.

Қолганлар унинг кетидан шошилишди. Обидтой қўлида от жиловни, ишқилиб тошбақа сирғалиб кетиб ерга шалоплаб тушмасин-да, деган хавотирда орқасига қараб-қараб кўярди.

Меҳмонни шахарга ўзи бошлаб кириш учун Армон Торозийни қувиб ўтди. Торозий эса отда тетик, савлат тўкиб ўтирар, Армон кутиб олган пайтдаги ҳорғин, лоқайд одамга ҳозир сира ўхшамас эди.

Бизнинг сайёҳимиз туйқус ўзини яхши ҳис қилиб қолгани балки қадрдон кишиси ҳозир ёнида эканлигидандир ёки кўз ўнгида ўзига ҳозирлаб қўйилган уйда олажақ роҳат-фароғати намоен бўлганидандир. Саргардон ҳаётидан лоқал салга кутулади-ку, ҳордиқ чиқаради-ку, ахир! Шундан кейин қайта изланишларга, илмий фаразларга, хуллас, ўзининг кўзи олдида ўзини улуғлайдиган, ҳаётига жўшқинлик ҳада этадиган нимаики бўлса, барчасига яна иштиёқ уйғониши мумкин.

Илмли меҳмоннинг келаётгани дарвозабонга аввалдан шипшитиб қўйилган чоғи, Торозийни ичкари киритаркан, у шоша-пиша орқасига тисланди.

Айна чоқда, бу қадар йирик тошбақага кўзи тушиб, маҳлуқнинг ўзига ташланиб қолишдан хавфсираётгандай, беихтиёр қўлини бошга пана қилди. Бақирмоқчи ҳам бўлди, лекин ички ҳаяжонини сездириб қўймаслик учун дарров тескари ўғирлиб олди.

Шу билан бирга, мутлақо бепарво кўриниб қолмаслиги ҳам лозим: Армонга қараб, гўлдирарди:

— Азиз меҳмонимизни мунтазирлик билан кута-кута, ахирий ниятингизга мушарраф бўлганингиздан камина ҳам шодман! — Яна нималарнидир қўшгиси, Торозийнинг ёнига чопиб бориб, уни кутиб олган манави олижаноб кишилар уч кечаю уч кундуз қапада яшаб ёмғирда шалаббо бўлганларини ўз кўзи билан кўрганни гапириб бергиси келди, аммо... Обидтой унга бу одамнинг таърифини роса келтирган, айтишича, Торозий Қуръонни ёддан билар, Арасту, Луқмони Ҳаким, ибн Сино рисоаларини, табаррук Фирдавсийнинг «Шоҳнома»синию Хўжа Аҳмад Яссавийнинг барча муқаддас китобларини сув қилиб ичиб юборган эмиш... Дарвозабон эса табиятан тортинчоқ одам, шу боси бундай улуғ инсон қошида кўнгидагиларни айтолмай қолди.

Улар аввал кимсасиз майдонни кесиб ўтишди, кейин бир кўчага чиқишди. Йўловчилар уларга йўл бўшатиб, ўзлари деворларга қапишиб олишарди. Савдо аҳли шарақ-шуруқ этказиб, дўконларининг дарпардаларини тушира бошлашди — улар мутлақо эсанкираб қолган, кўчага чопиб чиқини ҳам, ё қазноқ-пазноққа кириб яшириниб олишни ҳам билмай туришар эди.

Бу ғалати меҳмон кутиш маросими тантана билан ўтмоқда эди: олдинда шахардаги нуфузли қозининг ўғли Армон — совуққон устозига тақлид қилиб, паришон қиёфада қадам ташлайди; унинг кетидан тоновини босиб олай-босиб олай деб от келмоқда; ёгарда тик қоматли, келишган, зоҳидларга ўхшаб кетадиган Торозий ўтирибди; улардан сал орқада қиличини тик тутиб Обидтой, отни етаклаб олган; от устида эса — тошбақа. Улай-ўлай деб турган бу ҳайвон қандай йиқилмай келяпти — номаълум...

Одамларнинг нигоҳи, табиийки, тошбақада эди. Ҳамма



ҳозир ҳайратдан хитоблар қилишга, кўрган нарсаларини бор овозда муҳокама этишга шай эди, бироқ ўзларини хотиржам, ҳатто бир оз бепарво тутиб, ҳаяжонларини босиб тураверди. Ахир, жинни-пинча ишлари билан эл орасида машҳур бу олимлар анов газандани бекорга овлашмаганини оломон мяясининг қайсидир нуқтаси билан тушунар эди. Аслини олганда-ку, улар кўпроқ Армоннинг ғазабидан чўчиб туришарди. Вақти келиб қолса қознинг ўғли ёшига ё мавқеига қарамай, ким бўлишдан қатъи назар пачакилашиб ўтирмас, таъзирини бериб қолар эди-да.

Тижорат аҳлининг ҳар хил бўлмағур миш-миш тўқишларига сабаб бериб қўймаслик учун Армон у эрмакталаб жамоат томонга бир марта ҳам қараб қўймади. Юрган йўлида Торозийга бир нималарни ғоят ишонч билан, шундай оҳангда ҳижоа қилиб борардики, бунинг тошбақашуносимиз охири ўзини туюлмай, эгардан учиб кетгудек бўлиб, хоҳолаб юборди.

Шу тариқа бамайлихотир суҳбат қурганча, улар анча-мунча юриб қўйдилар. Тўғри кўча уларни аста-секин баландликка олиб чиқиб қўйганини ҳам сезмай қолишди. Баландликда исқандария усулида қурилган оқ устунли бир иморат қад тиклаган, бу иморат шаҳардаги бошқа мусулмон уйларига сира ўхшамас эди.

Торозий уйга хавотирланиб қараб қўйди, хаёлида эса... ҳозир уни шу ерда ишлайдиган биронта хира амалдор эзиб сўроқ қилади, унга узоқ тушунтиришга тўғри келади, кошки тушунса... оддий-содда қилиб тушунтиришга минг уринмасин у барибир тушунмайди, кейин Торозий юрагида бир тош билан кетишга мажбур... сайёҳнинг хаёлида шу каби ўйлар тинчлик бермасди. Лекин бахтига уйдан ҳеч ким чиқмади — улар уйнинг темир панжаларини ёнлаб ўтиб кетаверишди ва яна гавжум бир кўчага кириб қолишди.

Ориз шаҳри тошбақа ушланган шаҳардан кескин фарқ қилишини Торозий бир қарашдаёқ илғади. Оризда айланма кўчалар ҳам, ёрлар ҳам йўқ, уйлар нуқул тепаликларда жойлашган, синчиклаб қарамаса, дарров кўзга ташланавермайди — бу ҳам душманларни чалғитишни мўлжаллаб қилинган айёрлик-да.

Ҳар бир дўнгликда биттадан ҳашаматли уй жойлашган, кўчалар шунга келиб тақалади. Шу ҳашаматли уйнинг ёнидан ўтиб, билдирмасдан кейинги тепаликнинг пойига тушиш, кейин яна тепаликка ўрлаш мумкин...

Ориз шаҳрининг қурилиш сирини ўрганишга беҳуда уринманг, ёт кишилардан уни сир тутиади. Мабодо бу сирни очганларида ҳам, худди Денгизхон юртида бўлганидек, ҳалиги ёт киши бунинг эвазига жазо олиши лозим.

Хаёлида шундай антиқа ўйлар билан банд бўлиб, кўча аллақачон ортда қолиб кетганини, энди улар тепаликда — катта бир уйнинг олдидаги майдонда туришганини Торозий сезмай ҳам қолди.

— Етдик, устоз! — деб хитоб қилди Армон енгил тортиб.

— Наҳотки? — Торозий тўхтаб, бирдан ҳушига келди. Уйга у қанча тикилмасин, барибир таниёлмади.

Армон олимнинг нигоҳидан сарқ эсанкираётганини сезди: одатда, кўп бегона хонадонларда ётиб юрган, бунисида ҳарҳолда аввалгиларидан ёмон бўлмас деган умидда энди янги жойга кўникишга тиришаётган одамнинг нигоҳи шундай бўлади.

Армон ҳайрон сўради:

— Танимадингизми, устоз? Ахир, сиз бу ерда яшагансиз... тўрт йил олдин.

— Ростданми? Ҳа, ҳа, эслаяпман... — деди Торозий. Аслида, бу уйни у энди кўриб туришим, деб баҳслашишга ҳам тайёр эди. Хотираси ғалати: бир пайтлар ўзи кўноқ бўлган уйларни бутунлай — ташқи кўринишларию ички тўзилишлари билан қўшиб унутиб юбораверади.

Ҳар қайсиси бир хилда қаттиқ, ҳар қайсисидан бегоналарнинг ҳиди анқиб турадиган кўплаб ўрин-жойларда ётиб чиққан мусофирнинг табиати шундай эди. У Бухородаги ўзи туғилиб ўсган уйни ҳам фақат ранглар, ҳидлар, шаклларнинг мураккаб қурмаси ҳолатида эслар, кўпинча, ҳатто ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ кўзига айвон тоқчасида турган ёғли кўк хум ёки шифтда лип-лип этиб ўргимчак билан қувлашмачоқ ўйнайдиган бир парча нур кўриниб, юрагини ғусса чулғаб олар эди. Торозийнинг болалиқдан қолган бор-йўқ хотиралари шулар... Лекин Армон рост сўзлаган эди: Торозий мўғул даштлари-

дан қайтаётиб бу уйда бир марта кўноқ бўлган. Мўғул даштларини эса, Бухоро савдогарларига қўшилиб кезиб чиққан. Тасодифни қарангки, чанг-тупроққа беланган туяларда роса йўл юриб, бирдан аллақандай қабилаларнинг улкан базми устидан чиқиб қолишган эди ўшанда. У одамлар ҳар бир гапни, худди зуваласини тилда роса пишитиб олгандай чертиб-чертиб, қисқа-қисқа ифода қиларкан. Уларнинг гап-сўзларига кўлоқ солиб, ичишларига, худди бу поёнсиз бўшлиқ торлик қилиб қолгандай, худди бошқа ерларнинг тоза ҳавосидан симириш истагида юраклари зик бўлиб ёнаётгандек, маст-аласт ҳолда кўйлаklarини ёқавайрон қилиб, ўринларидан сапчиб туриб кетишларига қараб туриб, ҳозиргина шу одамларга ҳукмдор этиб сайланган ва энди Чингизхон деб ном олган Темучин қизғишоб мийиғида қувлик билан кулаётганини кўриб, Торозийнинг хаёли қочди: Бухородан анча олис бу даштларда аста-секин шундай бир куч ийғилантики, беш-ўн йил ўтмасдан бу куч бошқа мамлакатларни босиш учун қирғоғидан тоша бошлайди.

Савдогарлар Чингизхон сийловидан сўнг Торозийни Оризга келтириб ташлаши-да, ўзлари яна қадрдон йўллардан Бухоро сари ўтиб кетаверишди. Албатта, бу телбатабиат ҳамроҳлари ўзи келтирган совғаларни шаҳарнинг барча гадоларига тарқатиб, ўша заҳоти ўтириб «Ёввойи кўчманчилардан қалъаларни ҳимоя қилиш тўғрисида» деган ҳарбий рисола ёза бошлашини у савдогарлар хаёлларига келтиришмаган эди. Торозий бу рисола туркий тилда ёзди. Туркий тилнинг қисқалигини, лўндалигини у қадрлар эди.

Бошқа барча асарларида бўлганидек бу рисолада ҳам Торозийга гоҳ бир-бири билан келишмайдиган зиддиятларни келиштиришга, гоҳ фикрини тўла юзга чиқариш учун ўзи иккига бўлиниб олиб, яъни ўзини бир шаҳарни олишга интилаётган кўчманчи ўрнига қўйиб кўрса, (бу унча қийин эмас, чунки ўзи ҳам бадарға қилинган, саргардон одам), бир қалъа ҳимоячиси ўрнига қўйиб кўради (туғилиб ўсган уйни ҳамisha кўмсаб юришлари кўл келиб, бу ҳам осон кечади).

«Душман учун энг қийини — шаҳарни қамал қилиш, — деб ёзар эди Торозий. — Агар қалъа мустаҳкам, шаҳарликлар эса жасоратли бўлишса, таҳликага тушиб қолишмаса, дастлабки ҳужумда кўчманчилар лашкарнинг учдан бир қисмигача талофат бериши мумкин.

Лашкарнинг бир қисмидан айрилган, кўчманчилар энди найранг йўлига ўтишлари — худди бутунлайга қайтиб кетгандай бўлиб шаҳардан анча олисга чекинишлари мумкин. Ирода сусаймасин десалар, шаҳарликлар бундан ҳаддан ташқари сўнониб, ғалаба нашидасига берилмасликлари лозим. Унинг ўрнига айғоқчи юборсинлар, улар кўчманчиларнинг шаҳардан қанча узоққа чекинишганини билиб келадилар.

Кўчманчилар қайсар халқ, улар ҳеч қачон ўз мақсадларидан воз кечишмайди. Ҳозир шаҳарни ташлаб қайтиб кетишса ҳам, орадан бирор икки йил ўтказиб, қалъа дарвозалари очик бўлган пайт тўсатдан келиб қолаверишади.

Шаҳарнинг девори хитой деворига ўхшаб мустаҳкам эканини кўрганман, бундан ташқари яна қалъадан то олисдаги қишлоқларга чиқиб борадиган қилиб лаҳмйўллар қазилса ёмон бўлмас эди, шундай қилинса, шаҳарликларнинг бир қисми бу маҳфий йўлдан орқага ўтиб олиб, кўчманчиларга қутилмаганда орқадан зарба беришлари мумкин бўларди. Қисқаси, душман исқанжага олиниб, ҳам олдиндан, ҳам орқадан яқсон қилиб ташланар эди...» Ва ҳоказо... Торозий шунақа узун рисола битардики, бунда лашкарбошиларнинг саховату ҳимматлари ҳақидаги, қалъаларни бузадиган қуроқлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳам, уларни зарарсизлантириш йўллари ҳақида, лашкар орасидаги интизом, уларда ғалабага ишонч руҳини лашкарбошилар қандай сингдиришлари лозимлиги тўғрисида, қочоқлик, ўз халқини таловчию шилувчиларга бериладиган жазолар тўғрисида, лашкарнинг озик-овқати масаласи тўғрисида гап борарди. Бироқ рисола муаллифи кўчманчиларнинг аввалдан ўзаро аҳил яшаб келган мамлакатларни, элларни бир-бирига гижгижлаб қўя олиш маҳоратларига алоҳида аҳамият берди. Чиндан ҳам, улар маккорона фитналар уюштиришга жуда уста халқ. Уз пушти камаридан бўлган ўғилни отага, бир вилоят ҳокими бўлган акани бошқа бир мусулмон вилоятининг ҳукмдори укага оппа-осон қарши қилиб қўяди, кейин уқанинг ҳам, аканинг ҳам бошини олиш учун қон-қариндошлар ўртасида ўзи туғдирган низодан фойдаланади...

Турондан то Ироқча, Жайхундан то Фуротгача ерларда

жойлашган барча юртларнинг ҳукмдорларига биттадан юбориш ниятида Торозий ёзганларини шошилмасдан оппоқ қоғозга қора ҳарфларни тўлдириб, неча кун кўп нухсада кўчириб чиқди. Уша ҳукмдорлардан фақат биттасидан — Майяфарикани подшоши Малик Ғозийдангина жавоб келди. Торозий юборган қўлёзманинг ҳошиясига дилгир форс тилида «Савдойининг алаҳлаши» деб ёзиб қўйилган эди...

## X

Торозий ажабсиниб қараб турган бу уй ёғочдан тикланган, болохонали бўлиб, кўҳналикдан синчлари қисир-қисирлаб турарди. Тўрттама, бештама ихчам-ихчам чўзинчоқ деразаси бор биринчи қават тепадагисига қараганда анча паст кўринади, болохонанинг оғирлиги уйнинг бир қисмини ерга киргазиб юборган гўё.

Уйнинг деразалари кўп бўлиши ҳам мумкин, лекин деворларни айланасига чирмовуқмисол ўсимликлар қоплаб кетганидан улар кўринмасди. Саҳроларда ўсувчи йўсинга ўхшаш бу қизғиш ўсимликлар деворларнинг қаерида тешик ё ковак бўлса ўша еридан туртиб чиқиб, пастдан баландга қараб ёки, аксинча, томдан пастга қараб ўсиб ётар, шунақа чалкашиб-чатишиб кетган эдики, улкан эпчил ўргимчаклар тўқиб ташлаганга ўхшарди.

— Уй ичига умуман шовкин кирмайди, — деди Армон устозидан мақтов кутиб. У ҳамон Торозийнинг хотираси сустигидан таажжубда эди. — Ёлғиз турадиган одамга бундан зўр ҳаёт топилмас...

— Раҳмат, чиндан зўр уй экан! — деб қўйди Торозий.

Дарвоза ҳам аллақандай ачимсиқ-чучмал ҳид таратиб турган ўсимликлар билан қопланган эди. Яқинига келишганида, Обидтой вайсай-вайсай борасолиб ўсимликларни қиличдан ўткази бошлади.

— Бошга битган бало-я! Ишонсангизлар, кечагина йўлни тозалаб қўйган эдим... Тунги билан тагин ўсиб чиқишибди, — дея ўзини оқлар эди Обидтой. Гап ораси ўсимликнинг йўғон, суви чиқаётган пояларини оёғи билан суриб ташлайверди.

Қилич яна бир бор сермалиб, ўсимликнинг сўнгги пояси ҳам кесилдию дарвоза елвизак таъсирида оҳишта очилиб кетди.

Ажабки, уй ичи ақл бовар қилмас даражада чароғон эди. Худди офтоб нурлари деворларни тешиб ўтаётгандай. Ҳавосининг тозалигини айтмайсизми — анчадан бери одам яшамаган уйларда чанг ё моғор ҳидлари бўлгучи эди, бу хоналарда ўшандай ҳиддан асорат ҳам йўқ.

Даҳлиз кенг-мўл, ўртасидан тепа қаватга пиллапоя кетган. Даҳлизнинг ўзи иккита йўлакдан иборат, йўлакларда кета-кетгунча эшик, охири бориб эса нимқоронғи катта хоналарга чиқилади; иккинчи қаватга олиб чиқадиغان пиллапоялар бу хоналарда ҳам бор, лекин аввалгисидан анчагина ингичка.

Торозий буларнинг барини бирма-бир кўриб чиқаркан, ярим ҳазил билан:

— Бу ерда фикр хонадан қочиб чиқиши, ўсимликлар орасида адашиб исзис йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин, — деди. — Ҳаётда бир маротаба келадиغان, муқаддас фикрни қайтариб бўлармикан кейин...

Тошбақа ҳам камида сайёҳникидек қизиқиш билан ҳар томонга олазрак қараб борарди. Шунда унинг турқи-таровати Торозийни жиркантариб юборди ва олим тошбақадан шунақа безор бўлдики...

— Манавини бу ердан йўқотинг, илтимос, — дея илтижо қилди Обидтойга. — Меникининг ёнидаги хонага...

Обидтой итоаткорона тошбақанинг изидан тушди. Пиллапоядан лапанглаб чиқишидан тошбақа ҳам одамлардан безгани кўриниб турарди.

Торозий билан Армон унинг ҳар бир қадамини кузатиб туришар, уларнинг нигоҳини ҳис қилиб тошбақа сиқилар эди.

— Ҳақиқатда турган-битгани жумбоқ экан, — деди Армон жиддий тусда, лекин шу заҳоти эсига бир нарса тушиб, Торозийга қаради: — Узр, устоз, йўлдан келгансиз, дамингизни олинг. Мен бўлсам дарров ишдан гап очибман... Чунки мен сизни кўп соғинганман, келишингизга кўп интизор бўлганман, суҳбатларингизни куну тун тинглашга ҳам тайёрман.

— Ҳа, ўзи бу тошбақа хўп ғалати чиқди, — деди Торозий Армон хижолат чекмасин учун унинг сўзини маъқуллаб. — Қондан кўрқади. Биз турган жойдан уч қадамгина нарида бир эчкизмар юмронқозикни еган эди, шунда бунинг кўрқувдан қандай титраганини кўрганингизда... Унинг устига, ўлгудай

айёр, муғомбирликни, хушомадгўйликни ёқтиради. Ҳа, жумбоқ, бошдан-оёғигача жумбоқ...

Суҳбатлари бўлинди. Обидтой ҳаяжонда, тез-тез қадамлар ташлаб пиллапоядан тушиб келарди. У аллақачон уст-бошини алмаштириб олган, эғнида оппоқ кўйлагу оппоқ узун иштон, лекин нимагадир бошидан дубулғасини ечмаган, зинапояларига ҳар сакраб тушганида дубулға унинг тақир бошида ўннга, чапга чайқалиб қўяди...

— Бирор гап бўлибдими? — деди Армон хавотирлиб.

— Ҳеч гап, хўжайин, ҳеч, — дея тўнгиллади Обидтой, лекин ўзини тутиб туролмай, кулиб юборди. — Хўжайин, тошбақанинг сув ичишини кўрганингизда эди. Қоп-қора, кўрқинчли тилини чиқариб, худди тоғорадаги сув қайноқдек, секин энгашади, денг. Бир аҳмоқона, бир алам билан тикилади... ахир, бояқишнинг оғзига бир томчи ҳам... гап бор-ку: оғзига олса, мўйловидан тўкилади... — Обидтой алланечук болаларча дўворлик билан ҳўқор қилар эди.

— Тошбақалар сувсиз-емишсиз узоқ яшашга қодир бўлади, — деди Армон хизматкорига кескин оҳангда. Кейин Торозийга ўғирилди: — Обидтойни тухум билан илон опкелишга бозорга юборсаммикан?

— Майли-да... — дея мужмалгина жавоб қилди Торозий. У ҳали ҳам диққатини бир ерга ҳеч жамлай олмас, янги сароитда одатда ўзи ҳам ҳис қиладиغان паришонлик, дамдузлик ҳолатига тушган эди ҳозир.

Обидтой эса, тошбақани овқатлантириш баҳонасида уни яна маза қилиб кўриб қолиш имкони туғилганидан шод бўлиб, ҳар қандай буйруқни бажаришга шай ҳолда:

— Қанақа тухумдан, хўжайин? — деб сўради.

— Каптарниқидан... бедананиқидан.

— Хўп бўлади!

Шундай дея Обидтой ташқарига отилди, тошбақашунослар эса, аввалдан меҳмонга тахт қилиб қўйилган юқори ошёнга чиқиб боришди. Тошбақа турган хона эшигининг ёнидан ўтаётганларида ичкаридан энгил пишиллаш эшитилар эди.

Торозий эшикни оҳишта қия очди: тошбақа Обидтой тўшаб берган юмшоққина кигизда, муздекина деворга тумшугини тираганча, ухлаб ётибди. Обидтой кула-кула айтиб берган тоғора эса бўм-бўш, бир томчи ҳам суви қолмабди. Демак, чанқоғини бостириш учун тошбақа бир йўлини қилган-да, чақонгина...

Худди ичкарида тошбақа эмас, бемор киши ётгандек оҳангда Торозий шивирлади:

— Майли, уйқусини бузмайлик.

Аввалги келганида бўлганидай Торозий бу гал ҳам камтарона жиғозланган, деворлари шип-шийдам бир хонага жойлашди, чунки шунақа вазиятда у ўзини энгил ҳис ётар, бу хислати билан у шарқликларга сира ўхшамас эди. Одатда шарқ одами ўзини юмшоқ, рангдор, хушбўй нарсаларга ўраб-буркаб яшайди-да. Мана масалан, шу Обидтойнинг зина тагидаги қоровулхонасида ҳам учта қизил гилам осилди...

Кичкина деразадан Торозийнинг хонасига ҳам йўсин ўсиб кирган, узун пояси оёқ остида эшилиб ётар эди.

Армон анчадан бери, гарчи Торозий сир бермасликка тиришаётган бўлса-да, унинг нимагадир ҳаяжонланаётганини, асабийлашаётганини сезиб турарди. Хонада бир неча қадам юргандан кейин Торозий бирдан тўхтаб, шоғирдининг юзига хавотирлиб қаради.

— Тухумни ҳам, илонни ҳам емаса, унда нима қиламиз?

— Тошбақа майсахўрлар зотидан эмасмикан, демоқчимисиз, устоз? Ақл бовар қилмайди... — Лоп этиб ташланган саволга нима деб жавоб қиларини билмай, Армон елка қисди.

Торозий яна мужмалроқ қилиб: «Эҳтимол...» деди-да, ўртага чўккан оғир вазиятни юмшатиш ниятида жилмайишга ҳаракат қилди.

— Мен ҳам гартак мизғиб олсам... нима дейсиз? Тошбақанинг ширин ухлаётганини кўриб, аъзои баданим уйқуга тортяпти...

— Марҳамат, дамингизни олинг, устоз. Унғача мен чопиб бориб отамга сизнинг келганингизни билдириб қайтаман... Қози ёдига тушиб, беихтиёр Торозийнинг афти бужмайди. У мухтарам зот ўғлини сипоҳликка бериб, келажакда ундан катта мансабларни кутган, бироқ бу олим ҳар хил бўлмағур машғулотлар билан ўғлигига ёмон таъсир ўтказмоқда, истиқболлини бузмақда, деб ҳисоблар, шунинг учун Торозийдан норозии эди.



— Муҳтарам падари бузургворингизнинг саломатликлари қалай? — дея суриштирди Торозий.

Бунга жавобан Армон кескин бош силкиди, лекин хонадан чиқар олдидан, бирдан шод оҳангда:

— Чамамда, отам менинг бемаъни ишларимга аста-секин кўникиб бораётимди, — деди.

Сўнгра таажжубга тушиб жимиб қолди. Гап шундаки, Торозий аллақачон катга чиқиб ухлаб ётар, аянчли, бечора бир аҳволда букчайиб олган эди...

## XI

Бизнинг тошбақашуносларимиз уйнинг теварагида сайр қилиб юришаркан, кичкина эшикчадан кириб бориладиган боққа дуч келишди.

Уй, уйни ўраб турган боғ қозининг мулки эди, лекин Армон тошбақашуносликка муккасида кетиб ҳарбий соҳадан бутунлай юз ўйригач, уни бошқа мерослардан маҳрум этиш ниятида ота шоша-пиша бебош ўғилга мана шу эски уйни боғи билан тортиқ қилиб қўя олган.

Шунда ҳам Армон отаси билан яшайверди, фақат онда-сонда, қачонки Торозий Оризга ташриф буюрганда, у ҳам тепаликдаги уйга кўчиб ўтар эди. Қарови дуруст бўлмагач, боғ буткул яланғочланиб бораверди, ёввойи ўтлару чакалакзорлар босиб кетди ҳаммаёқни. Натижада, майсаларнинг заҳарли наmidан озиқлана бошлаган дараклар ҳам айнаиб, аввалги хусусиятларини йўқотди, ёввойи-дуварак, еб бўлмас олма тугадиган бўлиб қолди.

Бу пайтда Обидтой билан тошбақа ҳам боғда сайр қилиб юришарди. Торозий билан Армон иккаласи тўсиқ ёнидан ўтиб бораётиб тапир-тупур қадам товушларини эшитишди, қарашса, Обидтой тошбақани овқатлантираётган экан.

Қўлида сават билан Обидтой ялангликда чопиб юрар, тошбақа эса тумшуғи тагига хизматкор ташлаб қўйган илондан қочиб чакалак орасига яширинишга уринар эди. Обидтой бир нарсани ўйлаб сира тагига етмасдики, нимага энди бу тошбақа илонни тепкилаб-тепкилаб, ҳузур қилиб тановул этмасдан, ундан ўлардай қочиб юрибди?..

Тўхтаб, тошбақага нималарнидир тушунтира бошлади, сўнгра илонни тутиб, тагин буталарнинг орасига қочган майдақадамни қувиб кетди. Обидтой айтилган гапни адо этиб ўрганган эмасми, у ниҳоятда хижолат чекаётган эди: ахир, тошбақани дурустгина боқиб қўйиш топширилган унга...

Тўнқага чўкиб, ҳорғин фўлдирради:

— Илонни ўзим ўлдириб оғзинга солиб қўярдим-у, аммо сен, жин ургур, қандай йирткисанки, янги қон ҳиди келиб турмаган ўлакани яхши кўрсанг?!

У аламу ачиниш билан яна бир нималар демоқчи эди, бироқ тошбақа буталарнинг яна ҳам ичкарасига кириб кетди: афтидан, ўлик илон тўғрисидаги ўйнинг ўзиёқ уни даҳшатга солиб юборган эди.

— Тушунсанг-чи, ахир, — деб Обидтой ҳамон тошбақага тоқат билан гап уқарди, — бу сенга гурза илон ё кўзойнакли илон эмас; бу сувилон ахир, жуда мазали, ўзим ҳовуздан тутиб келдим. Худо кўрсатмасин-у, мабодо тошбақа бўлганимда, эгаларимнинг ҳавасини келтириб шунақа овқатланардимки...

Тошбақа унинг гапларига қимир этмай қулоқ солар, чакалак орасидан думининг учию орқа оёқларигина кўриниб турар эди. Обидтойга ўхшаб у ҳам озгина дам олволди, лекин лозим топилди дегунча яна қочиб қолишга тайёр эди.

Обидтой гўё олимлар гапини эшитиб туришганини ҳис этиб, хавотирда теваракка кўз югуртириб чиқди, сўнгра улар олдида ҳам ўзини оқламоқчи бўлиб, гапда давом этди:

— Бошга битган бало бўлди, тухумниям емаепти! Каптарники эди, катта-катта. Гардишга солиб олдига йигирматача тухум қўйдим, у бўлса жирканиб тумшуғини буради. Бу туришда ҳаммамизни касод қилади, шундоғам замон оғир... ҳамма нарса борган сари қимматлашиб кетяпти... Ўғилларининг машғулотларига қози жаноблари нега қарши бўлганларини энди тушуняпман-ов. Албатта, бу иш чиқимбозликдан, диққатпазликдан бўлак фойда келтирмайди одамга... Самарқанд бозоридаги кофирнинг ишига ўхшаб, на қувонч ва на пул...

Шу пайт Торозий билан Армон унинг қаршисида пайдо бўлишди.

— Бас қил, Обидтой, — деди Армон унинг сўзларини кесиб. — Саннашга бало борми?!

Обидтой сапчиб турган эди, қўлидаги савати ерга учиб тушди. Юзида айёрона ҳайрат аломати, дакки-дашном беришларини кутар, айни чоқда, бирор ҳазил биланми ё ҳатто бирор кўпол қилиқ кўрсатибми, Армонни кулдириб юборишга, шу йўсин ўзини оқлаб олишга чоғланиб, тошбақашуносларга қараб турар эди.

Бироқ ҳозир тошбақашуносларни Обидтойнинг хатти-ҳаракати қизиқтирмасди, улар ҳозир думи чакалак орасидан ликиллаб чиқиб турган тошбақага қараб қолишган эди.

Торозийнинг бу аҳволидан Армон англадики, шу пайтгача уни қйнаб келган ўй, ўткир ғоя ногаҳон фикри равшанлашиб бирдан ойдинлашгану энди уни буткул қўлгаб олган эди.

Ва бу ғоя уни қувонтириш тугул кўпроқ даҳшатга солаётганга ўхшарди. Эҳтимол шунинг учундир Армоннинг ёдига туйқус Торозийнинг кунлардан бир кун, хотиржам, бежаб-бўямасдан, ҳатто, пешонага ёзилгани шу-да, дегандек оҳанг билан айтган гаплари тушди. Ушанда устози бундай деган эди: умримни бағишлаганим шу барча иш битта катта, фожиали хато бўлиб чиқиши мумкинки, уни ҳеч нима билан оқлаб бўлмас. Албатта, аччиқ бўлади, одамга жуда алам қилади, лекин бу кўрқинчли эмас. Тақдир қаршисидаги мана шу жасорат менга ишонч бағишлайди, яшашга чорлайди...

— Начора, — деб кескин гап бошлади Торозий, аммо шундан бошқа бир сўз ҳам гапирмади. Қўлини мужмал бир силтади-да, куруқ, ўтган йилги ҳазонларни босиб, чакалакзорга қараб кетди. У ҳар қадам ташлаганида тошбақанинг бадани титраб-титраб қўярди. Орада уч қадамлар қолганда Торозий тўхтаб:

— Сизлар мириқиб сайр қилиб олдиларинг, — деди тошбақага, сўнг Обидтойга мурожаат қилди: — Уйга бораверинг...

Тошбақа бошпанасидан тисарилиб чиқди-да, мағрурона сарбаст қиёфада Торозийнинг изидан пилдираб йўлга тушди. Фақат унгагина ишонинчи кўриниб турарди, бироқ бегоналар олдида ўзининг қусурларини кўрсатгиси келмадимки, аввалгидақа хушомад қилмади, паноҳ тиламади.

Уйга кириб боришгач, Торозий индамасдан эшикни ёпиб, ўзининг хонасига кириб кетди: у ҳозир ҳеч кимни кўргиси келмаётган эди.

Тошбақа ҳам ҳужрасига кириб ётди. Армон эса Обидтойга остона тагига пойлоқчи бўлиб туришни топширди...

## XII

Тез орада тошбақашунослар Обидтойни бундан ҳам антиқа иш устида учратишди. Биқинида қилич, бошида дубулғаси, остонада ўтирганча, башарасини минг бир кўйга солар, хоҳолар кулар, тошбақа эса бунга сари бор кучи билан косасини деворга ура-ура хона бўйлаб у бурчакдан бу бурчакка югуриб-елар эди. Деворга шунақа жон-жаҳди билан урилардики, эркинликка қочиб чиқмоқ ниятида ҳозир девордан тешик очиб юборадиганга ўхшарди.

Лекин иш унгача бориб етмади: тошбақага раҳми келгандай Обидтой бошидан дубулғасини ечди-да, муштини иягига тираганча, шумтақага бегуноҳларча мўлтиради — қилган қўполликлари учун ўзини ўзи койиди гўё. Буни кўриб тошбақа ҳам оғир-оғир нафас олиб, деворга сиқилиб, аммо-лекин пойлоқчининг ҳар дақиқада яна қилиқ кўрсатиб қолишига шайланиб, туриб қолди.

Обидтой муттаҳам тошбақага бир-икки таъзим қилди-да, хайрлашувга думидан тортиб қўйиб, худди уни ўз ҳолига ташлаб кетаётганга ўхшаб, эшикни ёпди.

Тошбақа похолга қулайроқ ўрнашди; у ҳам ўзини ухлаганга солиб ётди. Пойлоқчи бўлса, дубулғасини тагин бошига кийган, қиличини чаккасига тираган ҳолда, гўё бу муттаҳамга дам бермасликка онт ичгандек, дағдағали қиёфада тагин эшикни очаверар эди.

Тошбақа шўрлик яна кўрқувдан зириллаб қолган, мабодо девор мустаҳкам бўлмаганида тошкосаси билан уриб ўпириб кетиши турган гап эди...

Торозий бу ғалати ўйинни анчагача кузатиб турди, кейин Армонга гап қотди:

— Дубулға билан қилич нимага уни бунча даҳшатга соляптикан? Ё меҳмонимизнинг чиндан ҳам айби бору шунга жазо олишдан кўрқяптими?

— Обидтой! — дея бақирди Армон. Шу заҳоти пойлоқчи

уларнинг қошида қад ростлади. — Бу нима аҳмоқона қилиқ? Дубулғага бало борми...

— Ахир, мен... шунчаки, ўйнашиб... — дея Обидтой бошини эгди. Дубулға жаранглаб оёғи остига учиб тушди. — Кийиб юришимга ўзингиз рухсат берган эдингиз...

— Ҳа, устозни қутаётган пайтимиз рухсат берганман. Азамат бўлиб кўрингинг келяпти-да жуда? Ҳолбуки, бошингда бу тувак билан бемаъни кўриняпсан...

Тошбақа похолга тумшугини тираганча, бўлаётган ҳодисаларга ўзини лоқайд кўрсатиб, уларнинг гапларига қулоқ солиб турар эди. Обидтойнинг ҳақоратларидан халос этаётганлари учун тошбақанинг нақадар миннатдор эканини ёлғиз Торозийгина фаҳмлаётган эди.

— Жўна! — деб уни ҳайдаб юборди Армон.

— Хўп бўлади! — дея қичқирди Обидтой ва ўзини оқлашга яна нимадир қўшимча қилмоқчи эди, бироқ Торозий аллақачон уларнинг гапига қулоқ солмай қўйди. У мутлақо дармонсизлик ва лоқайдлик босиб келмасдан бурун юраги хавотирда безовта сиқилаётганини ҳис қилди. Ҳатто хаёлидан галати бир фикр ўтди: бордию бу ҳувиллаган уйда танҳо ўзи бўлганида, тошбақа билан ёнма-ён шубҳасиз уйқуси келмаган бўларди.

У ҳозир қони қайнаб, тажанг бир ҳолда эди, чунки аввалги тахминлари нотўғри чиққанини тушуниб қолди-да. Уни энди янги тахмин қийноққа солган, бу тахминни рост чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги ўйнинг ўзиёқ Торозийни тушкун ва парижон қилиб қўйган эди.

Лекин Армон қараши биланоқ ўзини қўлга олди ва:

— Менимча, бу ерда гап бошқа ёқда, — деди шунчаки. Сўхбатларига ҳалақит бераётгандек, тошбақага ўқдек тикилди, тошбақа беихтиёр орқасига бурилди-да, деворнинг мустақамлигини синадимми, тирнаб қўйди. — Ҳайвонларнинг табиатини ўзгартириш мақсадида биз уларни одамлар билан боғлаб турган ипни қидирган эдик, ўрнига мутлақо аксинча ҳолга дуч келиб ўтирибмиз. Бундан чиқдики, манави танасух!... — Афтидан, Обидтой билан тошбақанинг олдида сирни очишни истамай, Торозий жимиб қолди. Давомини Армоннинг қулоғига шивирлаб айтди, шундай бир нарсаларни айтдики, шогирдининг юзи оқариб, қарақт бўлиб қолди.

Армоннинг шу қиёфаси фаҳм-фаросатидан айрилган кимсанинг қиёфасига ўхшар эди. Торозий гапининг яна ҳам ишонарли чиқиши учун бошини силкиб-силкиб қўяр, ўзиникини маъқуллаб турар эди.

Армон тошбақадан кўзини узмай орқага тисарилди, бироқ Торозий жонкуярлик билан унинг тирсагидан тутди. Обидтойга эса, эшикдан бир қадам ҳам нари кетмасликни тайинлаб, қўли билан ишора қилди.

— Агар бошда дубулға билан беҳавотир бўламан деб ўйласангиз, бемалол кийиб олаверинг, — деди киноя аралаш.

Обидтой типирчилаб, буйруқни бажаришга шошилди. Эшикдан хонага қиличини суқиб, бир-икки кескин силкиб қўйди ва... йўлакдан тобора узоклашиб бораётган тошбақашуносларга тагин шовқин-сурон, оёқ товушлари ва тошқосанинг деворга урилаётганлари эшитилди: унга яна пойлоқчи қўйиб қўйганлари учун тошбақа шунақа жазавога тушар эди. Тошбақа ҳар деворга урилганида Армон бир чўчиб тушар ва қовоғини уяр эди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Торозий секингина. — Қайтага қанча қийналса, бу қанжиққа шунча фойда бўлади...

— Менимча, бу урғочи эмас, эркак тошбақага ўхшайпти! — дея шивирлади Армон. Сўнг ўзининг сўзларидан ўзи чўчиб, деворга қапишиб кетди ва аламдан мўйловининг учини тишлади.

— Айтганингиз келсин, — деди Торозий тўнғиллаб ва қўшиб қўйди: — Урғочи зотининг ҳамиша ташвиши кўп бўлади... Обидтойга тайинланг: эшикдан жилмасин. Ким билади дейсиз, айби фош бўлишдан чўчиб меҳмонимиз бирон-бир ҳунар кўрсатиб қоладими...

Армон Обидтойнинг олдида қайтди. Аввалига қулоғига махфиёна шивирлади, кейин шошилмасдан, қўлларини шоп қила-қила, нималарнидир ўқдира бошлади.

Ниҳоят, тушунди шекилли, Обидтой бошини силкиди, худди асабий касалликка йўлиққандек, Армон ёнидан кетиб бўлгач ҳам ихтиёрсиз равишда силкиверди.

Торозий эса аллақачон ўз хонасида, одатдагидай нохуш бир

<sup>1</sup> Танасух — рухнинг бошқа вужудга кўчиб ўтиши; эврилиш (арабча).

алфозда ўтирар эди. Армон эшикка суянганча, унга тикилган. Устози кўнглидаги ҳадик-хавотир, шубҳа-гумонлар унга ҳам тушунарли. У ҳали ёш, қизиққон эмасми, ишнинг қалтислигини, бўлғуси ихлос қайтишлари хатога йўл қўйишларни ҳам ўйламасдан, шу бугуноқ тажрибани бошлаб юбориш иштиёқи билан ёнар эди.

Ниҳоят, Торозий бошини кўтарди.

— Ишни бошлаймиз... Бунинг учун мен аввал қоннинг тузилишини ўрганишим, таркибинию тенг ўлчовини ёзиб чиқишим лозим. Салгина хатога йўл қўйдикими, тоза қон ўттиб бориши керак бўлган томирлар дош бермайди, унда тошбақани адо бўлди деяверасиз — миясига қон қуйилади... Илтимос, қонни энг ишончли табиблардан олинг, келтираётганингизми, ҳеч ким билмасин...

— Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади! — дея хитоб қилди Армон ва сабрсизлик билан эшикка қараб юра бошлади. Бироқ Торозий уни тўхтаб қолди.

— Шошмай туринг... Яна бир гап: биз қилажак тажриба, ҳатто энг муваффақиятли тажриба ҳам тошбақанинг ҳаётига таъсир этмай қўймайди... Бу шунақа ички кураш, шунақа ларзаки, қанча иплар узилади, қанча асаблар ўлади... Бир сўз билан айтганда, меҳмонимиз қаршимизда одам қиёфасида намоён бўлганда, у нақ ўн йилга қариб кетади... Мабодо тажрибамиз ўзимиз кутганчалик қиқмай у яна манов ҳолатга қайтса, умрининг тагин ўн йили кетди ҳисоб... Мана шунақа... нимадандир ютаман десангиз, ниманидир бой беришингиз керак. Зўрға ютган нарсангизни бой берсангиз эса, эвазига икки баравар товон тўлашингизга тўғри келади — ҳам мулла-жиринг, ҳам бир неча йил... Биласизми, мени нима қийнапти? тажриба ўтказишга маънавий жиҳатдан бизда ҳуқуқ борми? Жониворнинг тили йўқ, бизга «ҳа» ҳам дея олмайди, «йўқ» ҳам... Ижод қил! Тажриба ўтказ! Харажатлар ҳисобдан ўчирилади... Майли у газанда бўлсин, лекин бир жониворнинг умридан ўн йилини йўқ қилиш... — Торозий фикрини тугатолмади, йўлакдан келаётган шовқин билан оёқ товушлари ҳалақат бериб қолди. Ҳозир салгина товуш ҳам унинг жиғига тагар эди: жаҳли қўзиб, хонанинг ўртасида тўхтади.

Нима гаплигини бўлиш истагида Армон чопиб йўлакка чиқди. Маълум бўлишича, Обидтой эшикдан сал нари кетиши билан тошбақа йўлакка лип этиб чиқибди-да, зинадан сакраб-сакраб, дарвозага қараб қочибди. Обидтой қарғана-қарғана энди уни қувмоқчи бўлиб турганида... қувмабди-да, пиллапояга ўтириб олиб, иржайганча, тошбақанинг чопабориб косаси билан дарвозага урилганига, қараб тураверибди. Лекин дарвоза табақалари ғичирлаб қўйибди холос, очилмасди. Тошбақа, ҳеч нарсага ақли етмай, ҳайратдан донг қотиб, дарвозага тикилганча қолаверибди.

Обидтой ҳамон хихилаб ўтирарди, лекин Армонга кўзи тушиб, ўрнидан салчиб турди-да, ҳузурланиб изоҳлаб берди:

— Бугун озгина ухлаб олай деб, хўжайин, дарвоза орқасидаги ўсимликларни кесиб қўймаган эдим. Қаранг-а, бизнинг манов ҳайвонимизни ўшалар ушлаб қолди! Э, худойимга шукр-э...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Мана, ниҳоят ярим йилдан кейин, бир жойда қотган вақт қатламини не-не шубҳа-гумонлар қоронғилиғидан пайпаслана-пайпаслана ёриб ўта олган кун ҳам келди: Торозий билан Армон ёнларига Обидтойни олиб, илгарилари ҳеч бир оғоҳлантиришсиз, бемалол кириб юришган сарқ эшикнинг олдида келишди ва тақиллатишди.

Узоқ жимликдан сўнг эшик олдида ғимир-ғимир ҳаракат бошланди, хўрсиник ва ғичирлаган товуш эшитилди, аммо таклиф бўлмади. Торозий хотиржам кутарди, Армоннинг эса юзлари оқарган, у сабр қилиб туролмасди; Обидтой мўйловини бураб-бураб, асабий питирлайди.

Торозий эшикни яна, лекин энди дадилроқ қоққач, ичкаридан бўғиқ товуш чиқди:

— Ҳай... киришлар... бош устига.

Торозий эшикни итарди, эшик бориб тошбақага урилишига сал қолди. Тошбақа тезда ўзини олиб қочди-да, ҳансирай-ҳансирай, минг машаққат билан юмшоқ ўриндиққа чиқиб жойлашди. Бироқ нимадир Торозийни остонада ушлаб турарди. Жилмайишга ҳаракат қилди, лекин унинг ўрнига ҳорғин, кинояли савол ташлади:



— Аҳволлар қалай энди?

Тошбақа ўриндиқдан сирғалиб тушди, йиқилди гўё, деворга бурилиб олди-да, қўлларини икки ёнга ёйди: уларнинг олдида шундай шармандала ҳолда тургани камми, ўлганнинг устига тепган қилиб, саволларига жавоб талаб этса...

— Емон эмас, — деб гўлдираб қўйди норози оҳангда.

Ҳайрат оғушида Обидтой ундан кўз олмай турган эди, ўзини тутолмай қолди ва туйқус қичқириб юборди, сўнг йўлакдан зинага қараб чоққиллаб кетди. Қон қуйиш қон олиш билан боғлиқ тажрибаларни ундан яшириб келишган эди, шўрлик ирим-сиримчи эмасми, сал бўлмаса тилдан қолаёзди.

Обидтойнинг бақриғи тошбақани хижолатга солди ва у беихтиёр олд оёқларини иягига юбориб, башарасини шундай сийпалаб қўйдик, одатда ниҳоятда бадбурушлигидан уялган одам шунақа қилиб юзини тўсади.

Бироқ тумшугига тегиб турган бу «нарса» оёқ бўлиб оёқ ҳам эмас, одамниқига ҳали унча ўхшамаса ҳам, кўпроқ қўлни эслатар эди — бармоқ, қафт ва панжалар то елкагача буткул тангачали тери билан қопланган. Бироқ косаси елкасининг қорамғиз терисини яланғочлаб кўчиб тушган ва у энди хонанинг бир бурчагига ётган эди.

Одамниқига ўхшаш овознинг қайта тикланганини ҳисобга олмаганда, тошбақанинг бўлак ҳамма жойи илгаригидай қолган: филниқи тахлит йўғон оёқларига таяниб ўтиришига думи ҳамон ҳалақит беради, турқи ҳам ўша-ўша — ўзгармаган.

Лекин бизнинг тошбақашунослар эришган шунчалик ўзгариш ҳам умидбахш эди. Ахир, даволаш муддатининг эндигина дастлабки ярим йили ўтди, олдинда ҳали яна ярим йил — ҳал қилувчи муддат турибди...

Тошбақани узоқ ва синчиклаб кўриб чиққан Торозий мамнунят ҳосил қилиб қўлини артди.

Армон эса ҳали ҳам ўзига келолмас эди — дастлабки лаҳзаларда уйғонган кўрқинч тажриба муваффақиятли чиққанига ишоншига ҳалақит берарди.

— Нима қилсак ўриндиқда қўлай ўтирасиз? — деб сўради Торозий тошбақага яқин бориб. У эса ҳурмат юзасидан алпанг-талпанглаб ўрнидан кўзгалди-да, қўлларини қорнига қўйиб турди. — Қани, думингизни бир текшириб қўй-чи...

Тошбақа истамай олдинга энкайди, Торозий унинг думидан ушлаб кўрди. Ҳадиксираб-ҳадиксираб думни Армон ҳам пайпаслаб қўйди.

— Қандай экан? — деб сўради Торозий ундан.

Армон негадир уялиб кетган эди.

— Мушаклари сал-пал юмшагандек...

— Менга ҳам шундай туюлди... Энди думни белига боғлаб қўйсак бўлади, оғримайди.

— Йўқ, керакмас, менга у ҳалақит бераётгани йўқ. —

Тошбақа нимагадир қайсарлик қила бошлади. Торозийнинг бир ўзи эмас, Армон ҳам думидан тортиб кўргани унинг аламини келтирган эди.

— Айтилган гапни қилинг, жаноб! — деди Торозий ҳокимо-на оҳангда. — Дарвоқе, исмлари қандай эди?

— Бенишон, — деди тошбақа ва муҳим сирни ошкор қилиб қўйгандек гўжанақ бўлиб кетди. У ўйлаб туриб, исмига ҳурмат белгиси сифатида «хон»ни ҳам қўшмоқчи эди, лекин ҳозир, манави қиёфада бу қўшимча қанчалар ноўрин эшитилишини англаб, ўзини тўхтатиб қолди.

— Э, Бенишон, — деди Торозий эски танишига мурожаат қилаётгандек оппа-осон, тошбақанинг исми шундайлигини аввалдан билгандек. Қўли одамнинг қўлига ўхшайдиган, сал бўғиқ, хириллоқ овозли бу таъвия охир-оқибат эркак киши бўлиб чиққанидан Торозий мамнун эди.

Торозий ҳаяжон ичида ҳар хил имо-ишоралар қилиб, хона бўйлаб юра бошлади. Ахир, у тажрибалар ниҳоясида кўз ўнгида елкасидан косасини иргитиб бирдан бирор заифа — қайсар, асаблари бузилган, мантқиққа бўйсунмайдиган бирор аёл зоти намоеён бўлишдан қанчалар кўрқиб юрарди; чунки аёл халқи айёр келади, ҳамма нарсани чалкаштириб юборарди, биронта керакли гап олиш амримаҳол ундан. Бу соф ички кўрқув эди, негаки Торозий аёлларнинг табиатини яхши билмасди.

Торозий ўйларига товушини чиқариб яқун ясади:

— Аммо-лекин биз ҳам сизни эркак бўлсангиз керак деб ўйлаган эдик...

— Ҳа, сизларнинг гапларингизга аралашолмаганман. Чунки... мол-мулким, жамиятдаги ўрним, ниҳоят, инсоний қиё-

фам — шулар билан бирга тилдан ҳам ажралган эдим-да,— деди тошбақа алам билан.

У гапирётганда Торозий яна бир ўзгаришни пайқади: лабсиз, фақат бир тилимгина қийшиқ оғзининг шакли шу туришида ҳам нимаси биландир одамнинг оғзини эслатар, яъни анчагина ҳаракатчан бўлиб қолган эди. Мабодо у ҳеч қандай товуш чиқармай фақат лабларини қимирлатиб турган тақдирда ҳам, лабининг шу қимирлашиданоқ унинг нима истаётганини — бирор нима сўраётганини ёки койиняптими — тушуниб оلسа бўларди...

Текширувга берилиб қолган Торозийнинг оёғи ноҳос тошқосага тегиб кетди: тана ҳароратидан айрилиб шакли бошқача бўлиб қолган, қонтомирлардан узилган тошқоса деворга урилиб, худди ёғочдан ясалгандек бўғиқ товуш чиқарди.

Торозий истеҳзоли-шум бир кайфиятга тушиб, Бенишонга тошқосани кўрсатди ва:

— Тошингизни йўлакка чиқариб ташланг,— деди. У айни чоқда Бенишоннинг юришини ҳам кўрмоқчи эди. Тошбақа юзидан норозилик аломати балқиб ўрнидан тураётганида яна кўйиб қўйди:— Сиз кўпроқ ҳаракат қилишингиз лозим. Осиёча танбаллигингиз билан энди абадий видолашаверинг...— Кўзларини заҳархандали қисиб, шу заҳоти қатъият билан гапида давом этди:— Е сиз осиелимасисиз? Балки, немисдирсиз? Е олижаноб римликдирсиз? Жазоир арабларидандирсиз ё?

Тошбақа бир сўз ҳам демасдан энкайиб, ҳеч қандай қийинчиликсиз тошқосасини ердан кўтарди ва башарасида ошқора ғам билан хийла фурсат уни томоша қилиб турди — ким нима деса десин, лекин коса ҳарқалай ўзининг бир аъзоси эди, от текисидан, ундан илгари эса шахарликлар ёғдирган тошлардан мустаҳкам ҳимоя қилган.

У ташқарига қараб юра бошлагандаёқ аён бўлдики, ҳаракатлари унга ўнғайсиз келаркан, чунки бизнинг ярим тошбақа-ярим одамимиз танасининг пастки қисми юқори қисмига қараганда оғирроқ эди, тошқосасидан айрилиб энди енгил бўлиб қолган елкаси гоҳи-гоҳида ерга эгилиб, худди таъзим қилаётгандек, кичкина калласи билан бирга чайқалиб борарди.

Тошбақа машаққат билан остонани ҳатлаб ўтиб, тошқосани йўлакка олиб чиққанида қаёқдандир пайдо бўлган Обидтой унга қараб отилди. Афтидан, у эшикнинг орқасида туриб ичкарида ўтган ҳамма гап-сўзни эшитгану энди кўрқув ва ҳайратдан эсон-омон қутулиб олиб, Бенишонга раҳми кела бошлаган эди.

— Келинг, ёрдамлашиб юбораман,— деди Обидтой тўлқин-ланиб ва титроқ қўллари билан тошқосанинг бир четидан ушлади. У тошбақадан кўзини узмас, гапига жавобан унинг бирон нима дейишини жуда-жуда истагани кўришиб турар эди. У ҳатто ғашни келтирадиган қилиқлари учун тошбақадан кеचирим сўрашга ҳам тайёр эди — ахир, шўрликка азоб берган, қилч билан кўрқитган. Бироқ тошбақа индамасдан, мағрурона яна бир қадам қўйди ва таъзим қилдики, тумшуги ноҳос Обидтойнинг елкасига тегиб кетди.— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— дея гўлдиради Обидтой хижолатдан қизариб ва тошбақанинг бу қадар қўпол ҳаракатини кечирди. Сўнгра унга ёрдам берганча, деворни таглаб ёни билан юриб кетди.

Умр бўйи хўжайинлар хизматида ўзини паст ҳис қилиб келган Обидтой бирдан тошбақага — ўзи каби жуда бахтсиз жониворга биродарона ачиниб кетди.

Бизнинг тошбақашуносларимиз кўнгилларни ийдирадиган бу манзарани бошдан-оёқ кузатиб, ўзларининг илмий оламларига ёт бўлмиш Обидтой ниҳоят ўзига суҳбатдош, улфат топганини тушуниб туришар эди. Майли, қиёфаси беўхшов бўлсин, лекин ҳарҳолда-да...

— Илтимос, менинг хонамга обороиб ташланглар,— дея қичқириди Торозий орқадан. Лекин улар бу гапни эшитмаганга ўхшарди; нега деганда, Обидтой тошбақага нималарнидир шивирлаб борарди. У бирам хушмуомала бўлиб кетган эдики, улфатини билмасдан хафа қилиб қўйишдан ҳам чўчирди...

## II

— Баданингиздаги ўзгаришни қачон биринчи марта пайқангиз, Бенишон,— дея қуруқкина сўради Торозий.

Армон асабий ҳолда унинг ёнида ўтирарди. Гапирадиган

тошбақага бу қадар раҳмдиллик кўрсатиб қолган Обидтойни эса тошбақашунослар бозорга жўнатишди.

Бу савол бир неча марта қайтарилди — кеча, бугун эрталаб ҳам шу сўралди, аммо тошбақа ҳамон айтгиси қелмай қайсарлик қилиб турар эди.

Юмшоқ ўриндиққа ўтиргизиб қўйилган тошбақа тушуниб бўлмайдиган бир нималарни минғирлар, эсимда йўқ дер, уятчан башарасида пайдо бўлган терни ҳар лаҳзада артиб олар, жойидан сапчиб туриб кетар, думи ўтиришга ва диққатини бир ерга жамлашига ҳалақит бераётгандек бир қиёфада уни ушлаб-ушлаб кўяр эди.

Шу дамгача хотиржам ва ҳатто бепарво турган Торозий бирдан ўзини тутолмай қолди, ерни тепиб, тошбақани астойдил сўкиб берди.

— Жин уриб кетса бўлмайдими сизни!— дея қўшимча қилди у яна.— Булар бари бизга хотинларнинг лақашиқилдоқ ғийбати учун керакмиди! Қачонки биз рисоладаги одамдан бу қадар жирканч хаспга қандай айлангангизни билсак, сиздан яна аввалги Бенишонни... куч-қувватга тўла, аёлларнинг суюмлисми, ҳаётнинг лаззатли парчаси бўлмиш Бенишонни тиклашимиз осон кечади... Еки сиз аёл зотини... қўришни истамайсизми, абадий ҳайвон бўлиб қолмоқчимисиз?

Бу гаплар тошбақага таъсир қилди чоғи, у ғўлдиради:

— Билмадим... шундай дамлар бўладими, ҳайвонликча қолган маъқул кўриниб кетади...

— Ана! Ана! Э биродар, ўзлари ҳам, дейман, файласуф... Қанақа дамлар экан у дамлар?!

Бироқ тошбақа умуман оғиз очишни истамаётгандек ўжарларча жим бўлди.

Шунда Торозий сўнги чорани қўллашга аҳд қилди — тинчлик билан муросага келиб қолармиз деган умидда у бу чорани анчагача пинҳон тутиб турган эди.

— Айтиб бермасангиз, шу туришангизда кўчага ҳайдайман,— деб пўписа қилди у.— Майли, бутун шаҳар гапирадиган тошбақани дoston қилиб юрсин кейин. Бошингизга қандай кунлар тушишини биласизми унда?!

Бу сўнги вaж тошбақага кор қилди шекилли, ўйланиб қолди. Кейин ўрнидан туриб тасмасини тўриглаб қўйди. Утиришга ўнғай бўлсин деб думи белига шу тасма билан тортиб боғланган эди.

Торозий тошбақани гапига кўндиришга куйиб-пишар эди:

— Ишонинг, ҳатто даҳшатли жиноят содир этган бўлсангиз ҳам, биз сизни жазолаб ўтирмаймиз... Шундоғам жазосини олгансиз... Яна мабодо биз даволашни давом эттиролмай қолсак, сиз тагин тилдан айриласиз ва янги коса ўсиб чиқади белингиздан. Биз сизнинг томирларингизга бутунлай инсонга айланшингиз учун етарли миқдор қоннинг бор-йўғи учдан бир қисмини қўйдик, холос. Шу тоза қон ҳам томирларингизда оқаётган ўша ярамас ҳайвон қони билан аралашиб, бузилиб кетса...

— Унақада...— дея минғиллади тошбақа ўриндиқда типирчилаб хўрсинаркан,— ҳаммасини қандай бўлган бўлса шундай айтиб бераман... Биргина ўтинчим: мен билан мунақа амирона оҳангда гаплашмасангиз. Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман. Дастлабки кунлар жуда қийналдим, энди кўникиб кетдим. Сиздан ҳам, Торозийхон, сизнинг пойлоқчингиздан ҳам кўрқмайман, негаки ўзимга ўзим «не бўлса — боздан» деб қўйганман.— Мана шу қисқа огоҳлантиришдан сўнггина Бенишон ҳикоясини бошлади:— Баданим ўзгариб бораётганини дастлаб бундан бир йил аввал пайқадим — олдинги белим қаттиқлашиб, дум ўсиб чиқа бошлади...

Торозий негадир тошбақа буларни совиган, олис хотира сингари хотиржам эсласа керак, деб ишонган эди, бироқ тошбақа ҳикоясини айтатуриб ғайришуурий тарзда белини пайпаслаб қўйганини, аммо ҳозир орқасининг силлиқ эканини билгач кучаниб жилмайишга уринганини кўриб ғоят ҳайратга тушди.

У ёғини айтиш учун фикрларини бир ерга жамлашга қурби етмай, тошбақа тингловчиларга мўлтираб қаради: балки унга саволлар ташлаб, мушуқлини осон қилишар?... Шуну кутди.

Бироқ Торозий унинг кўзларига ҳиссиз боққанча, жим турарди.

Боздан-оёқ устозига тақлид қилиб, Армон ҳам ўзини ҳикояга унча эътибор бермаётганга солиб турарди. Буни кўриб тошбақа хотиржам тортиди: модомики тошбақашунослар уни шошилтирмаётган, сўзларини ёлгон ё фириб деб гумон

қилмаётган эканлар, демак унда рўй берган танасух ҳодисасининг ўзини ҳам ҳаётда тез-тез учраб турадиган табиий ҳол деб ҳисоблашади...

...Қаҳрамонимизнинг болалик ва ўсмирлик йилларида диққатга молик айтарли ҳеч гап йўқ эди, Торозий фақат Бенишоннинг касалга тез чалинувчанлигига эътибор қилди: у ўша йиллари безгак касали билан ҳам, сариқ касали билан ҳам, қизамиқ билан ҳам оғриб чиққан, устига устак, кўпинча бўғимларида оғриқ кўзғалиб, азобини тортган эди. Торозий вақти-вақти билан бўшашиб, зерикиб қулоқ солиб ўтирар, кейин ҳудди уйқудан уйғонгандек қандайдир бир майда-чуйдага эътибор бериб, шуни такрорлашни сўраб қолар эди: масалан, оёқда бошланиб, фурсат ўтиши билан умуртқани безовта қиладиган бўғимдаги оғриқни у батафсил суриштириб олди...

— Табиблар нима қилишди?— деб сўрарди Торозий.

— Бир хиллари суякда туз тўпланапти деб айтишди, бошқалари туюлган ёнғоқ мағзини симобга булаб оғриётган жойга қўйишни маслаҳат беришди...— дея жавоб қилди Бенишон. Айни чоқда бир нарсани сезиб алами кўзиди: Торозий савол беришга бериб қўйиб, унга қизиқшини йўқотган, мудраётгандай, ўриндиққа ястаниб олган эди.

Ниҳоят ҳикоя аста-секин Торозийни жалб қила бошлади ва у айниқса Бенишон мазҳаб мактабига анча кечикиб — йигирма беш ёшида берилганини, лекин у ялқовлик ва майнавозчилик қилганини, ишбилармон отаси шунда, майли, миясини ғовлатиб юрмасин, шаҳар қозисининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб кўрсин, деган қарорга келганларини айтганида хушёр тортиди.

Бенишоннинг отаси энг сердаромад жойдаги — бозор яқинидаги карвонсаройнинг эгаси эди, бинобарин у йилларни Бенишон беғам-бетаъшивш ўтказган, дўстлари билан овларга чиққан, аёлларнинг кетидан илиқиб юрган эди, чунки отасининг савдогарлик касби уни сира тортмасди. Тез-тез касалга чалиниб турадиган ўғлини эди, ота ҳам жуда унақа мажбур қилмас, исканжага олмас эди. Фақат ночор ва аччиқ оҳангда тез-тез бундай деб турарди:

— Бунақа гўл бўлиб кимга тортинг экан-а? Бир ёқда касаллик ҳам феълингни юмшатди, хушфёъл қилиб қўйди. Мендан кейин бутун мол-мулкимни кўкка созуриб, охири ҳассасага таяниб дарбадар-дайди бўлиб кетасан, деб кўрқаман-да...

Тўққиз яшарлик пайти Бенишон илк бор амакисининг қизи бўлмиш ўн етти ёшли жононни яхши кўриб қолди. Чиройлими-ди, йўқмиди — ҳозир эслаёлмайди. Эсида қолгани — у қизга кўзи тушар-тушмас уялганидан тилдан қолар, хонасига қочиб кириб кетар ва туни билан йнғлар, ҳаёлида нуқул кўнглида меҳр-шафқат уйғонган қизнинг уни силаб-сийпалаб, ўпаётгани манзарасини жонлангирмоқчи бўлар эди...

Гапирадиган тошбақа куруқ, сўлжайган бўйнини асабий қашлаб, тумшугини паства осилтирди. Кейин: «Йўқ, айтолмайман!» дея бақирганча ўрнидан сакраб туриб кетди; оёқ остини тирнаб, илондек тўлғаниб, депсиниб тураверди. Бироқ Торозийнинг қайсарлик билан ҳикоя давомини талаб қилаётганини кўриб, айтсам айтайин деб яна қайтиб ўтирди.

Шундай қилиб, ота, чамаси ҳариш йўллар билан тўпланган бойлигини ҳам, қонунини ҳам — тўла-тўқис ҳаётни ўз қўлида тутиб туришни кўзлаб, йигирма беш ёшли ўғлига қози ёрдамчиси вазифасини сотиб олиб берди.

Хайриятки, Бенишон қозиликка доим қизиқиб юрарди, шунинг учун бу ишга у жон деб рози бўлди. Тез орада унга дастлабки, мустақил ишни топширишди.

Саҳродаги бир қишлоқдан қотиллик рўй бергани тўғрисида хабар келган эди, Бенишон отга миниб ўша ёққа жўнади — энг олижаноб ниятлар билан, руҳан тетик ҳолда, айбдорларни топиб жазолашига амин бўлиб йўлга чиқди.

Тўғри, қотиллик тўғрисида ҳеч қандай тафсилотни билмаслиги уни сал-пал хижолатга соларди. Қишлоқ оқсоқолининг хатидан ўқиб билгани — ўликнинг дарадан топилганин, гарчи ҳали титилиб кетмаган бўлса ҳам, аллақачон буткул қуриб қолгани эди, холос.

Манзилга Бенишон зўрға оқшомга яқин паллада етиб келди. Қишлоқ катта бир адирнинг этагига жойлашган экан. Камгап, лекин бағоят хушмуомала оқсоқол унинг йўлига пешвоз чиқди ва йўл юриб чарчаган меҳмон аввал ҳордигини чиқарсин учун уйига бошлади.

Аммо Бенишон тезроқ адирга чиққиси, ўликни кўргиси



келаётган эди. Оқсоқол эса товламачи қишлоқ аҳлидан нолиниб, уни эрталабгача кутишга кўндира бошлади, ўзларининг маконларини — шу адирликни эса, «лаънати дорул харб»<sup>1</sup> деб атади.

— Буларнинг қалби поклансин деб ўттиз йилдан бери шу ерда чинакам динга ўтказишга уриниб келяпман. Ҳозирча бари сазъ-ҳаракатларим беҳуда кетди!— дея хўрсинди оқсоқол. Маълум бўлишча, унинг бир ўзи бир қанча вазифаларни адо этаркан — ҳам руҳоний имом дойи<sup>2</sup>, ҳам солиқ йиғувчи, ҳам зиндон бошлиғи; бундан ташқари яна кичикроқ кўнчилик устахонасига эгалик қилади, туз савдоси билан шуғулланиш масаласини ҳам жиддий ўйлаб турибди...— Мабодо улар қоронғидан фойдаланиб сизни адирда тунаб кетишса, мен бунинг иснодини кўтаролмайман. Гапимга ишонинг, оловга сифингадин ёввойилардан ҳар балони кутса бўлади. Яхшиси, олдин дам олволинг.— У илтимос тарзида, тутилиб-тутилиб сўзлаётган бўлса ҳам, гап оҳангида қайсарлигу қатъият маънолари бўртиб сезиларди.

— Нимага уларга бунақа узоқ овора бўлиб юрибсиз?— деди Бенишон таъна қилаётгандек жиддий туриб.

— Э, йигитча, ҳозир сиз айтган замонлар эмас...— Хира кўзларида кутилмаганда ёвузор олов қақнади.— Илгарилари, илк имомлар даврида буларни зўрлаб оллоҳга сифинтира олардик, энди бўлса...— Энди дуолар, мурожаатлар, даъватлар ёрдамида уларнинг руҳини поклаш лозим, негаки муқаддас динимизга қилич билан ўтказилганларнинг ҳаммаси барибир махфий равишда, юрагининг туб-тубида маккор ансабларга<sup>3</sup> сифинишар экан. Бизга эса уларнинг фойи таналари эмас, боқий руҳлар керак. Бинобарин, соат сайин уларнинг юрагию миясига... қўйишга тўғри келяпти. Сабр-бардош керак...

Кечки овқатдан сўнг қишлоқ билан танишиш учун Бенишон билан оқсоқол барибир ташқарига чиқишди. Қишлоқ тартибсиз қурилган эди — на кўчаси бор, на адирга олиб чиқадиغان зинаси. Бир уйнинг бурчаги иккинчи уйнинг дарвозасига тақалган, шу боис, ким дарвозани очса пешонаси кўшини уйнинг деворига тегади. Уйларнинг томи аҳолига кўприк кўчадек бир гап. Одатда, адирликда жойлашган қишлоқларда уйлар шунақа қилиб қурилади.

Қоронғи тушиши билан қишлоқликлар уй-уйларига пусиб кетишган, фақат томлар устида қўй-молларини етаклаб икки киши шарпадек изғир эди. Гўё ҳеч ким Бенишоннинг ташрифига эътибор қилмаётгандек, одатда бунақа чекка-чеккаларга қози борганида бўладиган талваса, йиғинлар, ҳар хил бўлмағур миш-мишлар ҳам йўқ.

Бундан бирмунча боши қотган, шахсан ўзига нисбатан бундай эътиборсизликдан ҳатто ранжинган Бенишон сабабини оқсоқолдан сўрамоқчи бўлди ва унга ўғирилди ҳам, лекин фикридан қайтди: ҳозирча оқсоқол билан умуман фикрлашгиси, уни сўроққа тутгиси келмади. Қариянинг калласида нима хаёл борлигини ким билади, дейсиз. Эҳтимол, холис тергов ишларига таъсир ўтказгиси келиб қолар?

— Сезишимча бу ерда фақат подачилар яшайди, шекилли,— деди Бенишон ўнғайсиз жимликни бузиш учун. Бу жимлик Бенишоннинг иккиланаётганини — муҳим бир нимани сўрамоқчи бўлиб, кейин фикридан қайтганини оқсоқол илғаб олган дамдан бошланган эди.

— Ҳа, баъзилар мол боқиб кун кўради, лекин кўпларнинг даромади туздан. Бу адир бошдан-охир туз кони, юзасигина юпка қум. Одамларнинг айтишига қараганда, қачонлардир бу ерларда денгиз бўлганмиш, биронта олис тоғдан кўчган улкан туз палаҳаси шу жойларга юзиб келиб қолганмиш-да, сув қочгандан кейин бу қолиб, мана шу адирга айланган эмиш... лекин камина, ростини айтсам, мазкур ривоятга ишонмайман.— Оқсоқол Бенишоннинг тирсагидан тутганча, уй томига — кўчанинг бошига чиқиб олишига кўмаклашаркан, шоша-пиша ва хушомад билан сўзлар эди. Айни чоқда, бу жўшқинлик талаффузидаги алланечук расмий, сийқа оҳангни яшира олмасди ҳам.

Лекин сал ўтмасдан, ўзлари юриб бораётган текис том остидан келаётган бақир-чақир товушлар қулоқларига чалинди. Уйда одамлар кундалик турмуш ташвишлари тўғрисида, бамайлихотир гапиришаётган бўлиши мумкин, аммо томда бу

товушлар не сабабдандир бақирқандай кучайиб чиқар эди.

«Эшитяписиларми, тепамиздан, ана, қози ўтапти. Қадам олишидан, оқсоқолимизга ўхшаб унақа семиз одам эмас». «Ҳа, одим ташлаши мулойим — эҳтиёткор, айёр одам. Унинг устига, текис юрмас экан, сал бир ёнга оғиб... Шўрликнинг умуртқаси носозроқми...»

«Оқсоқолни қаранглар: ғужанак бўлиб олган, асабийлашяпти, бирон қувлики бошмақоңчи...»

Бенишон ҳайратдан тўхтаб қолди. Уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташвишга солгани — ёнбошга ташлаб юраётганини улар қандай кўрдилар экан? Томда бу ерликлардан лоақал биронтасини кўриш умидида теварагига қаради. Аммо атрофда зоғ йўқ, фақат, юзи бўзариб кетган, манглайидаги терни сидириб ташлаётган оқсоқол...

Оқсоқол тагин унинг тирсагидан тутди ва илтижоли товушда орқага қайтишни сўради.

— Буларнинг калласида қандай ўй борлигини иблис ҳам тополмайди,— деб қўшиб қўйди у кўндириш учун.

Бенишон бўлса, яна ҳам нарига... тепага боришга қизиқаётган эди: балки кимдир туйқус терговга қўл келадиغان бирон нима деб қолар?

Бироқ оқсоқол тобора кучлироқ асабийлашар эди, шунинг учун Бенишон ҳадеб қистайверишни фойдасиз деб топди: хизмат юзасидан ўзига ёрдам беришга мажбур бўлган одамни норози қилиб қўйиши мумкин.

Улар пастга тушишди, майдондан ўтиб, оқсоқолнинг уйига қайтиб келишди. Остонадан ўтаётиб Бенишон энди бутун тун мана бу қария билан бирга зерикарли ўтишини ўйлади. Айёр, хушомадгўй, умри чекка қишлоқда ўтган қария табиийки, арзирли ҳеч гап айтмайди, балки қавмидан, уларнинг ёввойи хулқ-атворларидан, итоат этмаётганларидан нолишга тушиб кетади, хуллас, пойтахтдан келган меҳмон билан суҳбатлашаётганларнинг одатдаги гап-сўзлари...

Лекин у уйга кириб ёшгина жувонга кўзи тушиши билан юзидаги нохуш, ўкинч ифодаси дарҳол йўқолди. Жувон оқсоқолнинг яккаю ягона, бағоят суюмли қизи экан.

Майра — жувоннинг исми шундай эди — Бенишоннинг кўзига ёқимтой, дилбар кўринди ва у шунчаки бепарволик билан оқсоқолга мурожаат қилди:

— У-хў, бизни шаҳарлик — хаёли бузуқ деб ўйлаб, шундай бебаҳо бойликни яширибдилар-да...

Оқсоқол нима деярини билмай хижолат тортиб қолди, бироқ Майра хотиржам, қуруққина оҳангда отасининг ўрнига жавоб қилди:

— Қишлоғимизда бир аёл туғаётган экан, ўша ерда эдим. Лекин, отам иккалаларинг айланиб юрганларингни эшитдим у сиз билан кўришмоқ истагида бу ёққа чопдим...

— Епирай, сиз энагалик қилдингиз ҳамми? — дея хитоб қилди Бенишон қошини сузиб.

...Хўяюга берилиб кетган сўзловчи тошбақа қачонлардир қоши турган жойни тортқилаб юборди, лекин унинг турқи шунақа тус олдики, ҳатто босиқ-вазмин Торозийнинг афти бужмайиб кетди...

— Ҳа, — деб жавоб қилди Майра, — кўп хасталикларни ҳам даволаб тураман.

— Жодугар экансиз-да! — Бенишон кулиб юборди, лекин шу заҳоти жиддий тортиб, диққати ошган қиёфада қовоғини уюб, худди Майрани нимадандир огоҳлантираётгандай норози йўталиб-йўталиб турар эди.

Майра ҳам отаси сингари босиқ ва лоқайд эди, бироқ кейинроқ маълум бўлдики, буларнинг тагида серэхтирос бир инсон яширинган экан.

— Бу ёғни кейин айтаман, жаноблар! — деб хитоб қилди тошбақа. Бир жойда узоқ ўтиргани учун сирқираб оғриқ кирган оёқларини кўтариб, ҳаракатлантира бошлади. — Улик топилган адирдаги текширувни нимадан бошлашни ўйлаб кечаси билан ухламай чиққанимни сизлар, албатта, тушунарсизлар. Оқсоқолнинг ўзини туттишлари менга шубҳали туюла бошлади, чунки у гоҳ ўлғудай сергап бўлиб қолса, гоҳ, мен унинг қизи билан валаклашишга тушсам, бирдан ғамгин тортиб, ўз қобигига ўралашиб қолар эди. Баъзи-баъзида, мана ҳозир деразанинг нарёғидан одамларнинг баланд-баланд овозлари чиқишини кутаётгандек, қулоғини динг қилиб оларди. Бироқ теварак-атроф сокин, бу қишлоқ аҳли ҳам барча қишлоқ кишилари сингари эрта уйкуга кетар эди-да. Мен бўлсам деярли тонггача Майра билан гурунглашиб чиқибман. Кейин

<sup>1</sup> Дорул харб — мусулмон бўлмаган аҳоли яшайдиган жой. (арабча).

<sup>2</sup> Имом дойи — дин тарғиботчиси.

<sup>3</sup> Ансаб — санам, бут (арабча).

бирдан ҳушимни йиғдим, чурқ этмасдан биз билан бирга ўтирган, хобгоҳига кириб кетмаётган чолга раҳим келди. Ўрнидан туриб, узр сўрадим-да, оқсоқолнинг изидан ўзимга ажратилган хонага йўл олдим. Юрган йўлимда беихтиёр мўйловимни силаганча ҳамон унинг қизини ўйлаб бораётганимни кўриб, оқсоқол ҳам бирдан қуюқ, оппоқ мўйловини кулгили қилиб сийпалаб қўйди ва... хоҳолаб юборди. Жуда ғалати эди у одам — менинг бўлажак қайнотам!

### III

Тошбақанинг Обидтой билан бирга қилаётган бугунги нонушгаси шубҳасиз чўзилиб кетди. Иккаласининг бундай апоқ-чапоқ ўтиришига ҳар кимнинг ҳавас қилиши турган гап: Обидтойнинг қўлида пичоқ, тошбақага қўй гўштидан бир бўлагини чаңдиру пайлардан тозалаб ўтирар, тошбақа эса юмшоқ ўриндиқда ялпайганча, мусаллас тўлатилган қадахни оғзининг олдида тутиб турар эди. Маънисиз кўзларидан энди шуъла ҳамда тўла мамнуният балқар, думини белига боғлаб турган тасма эса тошбақа бурнидан чиққунча қорнини тўйғазиб олсин деб бўшатиб қўйилган, шунинг учун думининг учи қайрилиб, шўх ликилар эди.

Гўштни майдалаб, Обидтой уни ликопда тошбақага келтирди, сўнгра иккаласи ўзаро далдакор кўз қисиб, қадахларини кўтаришди.

Тошбақанинг лаби ўрнидаги қаттиқ эт қадахнинг зиҳини базўр қисиб турарди, бироқ тошбақа ўртада тенглик ҳукмрон бўлсин учун ўзининг бу ноқулай аҳволини яширишга уринди. Аммо-лекин Обидтойнинг қулларча хизмат қилаётганидан тошбақа унинг олдида ҳатто бирмунча устунликка эришгани сезилиб турарди.

Иккаласи ҳам маст, иккаласи ҳам шовқин-сурон билан суҳбатлашади. Сўзловчи тошбақа хонтахтага қадахни қўйиши билан Обидтой қўлини силкиди:

— Аслида-ку, семиз аёлларни ҳеч жиним суймайди, лекин илож қанча — шартлашган эдик. Бир бало қилиб боққа кирдим, у ерда иккита оқсоч жувон туришибди — бирам келишган, бирам нозик... уларни кўрдиму ўзимнинг хонимининг қомати мени баттар даҳшатга солди! У шарт қўйганлар бўлса деворнинг орқасида туриб олиб хиринглашди, афтларини ўйин қилишади, хуллас, ишнинг охирини кутишади... Иш бўлса, бундай тугади, — дея Обидтой яна қадахни тўлатаётди, лабларини чапиллатиб қўйди. — Менинг бевагини минг ноз-карашма қилмасин, мендай бир хизматкор олдида ўзини минг тарбия кўрган, одобли этиб кўрсатмасин... — Обидтой кулгини босиб учун бирдан кафтини озгига тутди ва тўлиб-тошган шодликдан бутун танаси силкина бошлади.

— Мен бўлсам ундай қилолмас эдим, — деди тошбақа бирпасдан кейин ва бармоғи билан имо қилиб Обидтойни яқинига чорлади-да, қулоғига ниманидир шивирлади. Шу заҳоти яна қийқирик янгради.

Обидтой чидаб туролмади ва тошбақанинг бўйнидан астойдил қучоқлаб олди; терисининг тиришларини бармоқлари билан тортиб-тортиб қўйди.

— Э-ҳе, ўйин-кулги авжида-ку, — деди Армон эшикни очиб олдинга Торозийни ўтказаетиб.

Обидтой гангиб шарт ўрнидан турди, аммо кейин такаббурона қиёфага кириб яна қайтиб ўтирди — тошбақа олдида аянчли ва қўрқоқ кўрингиси келмаганидан шундай қилди у.

— Нимагадир иштаҳамнинг мазаси йўқ, — дея минғирлади Армонга қийриҳон қараб.

Армон унинг тепасида энкайди-да, ачитиб шивирлади:

— Мусаллас ҳам бакор келмадимми?

— Нима демоқчи бўляпсиз? — Обидтой сакраб ўрнидан туриб қўлларини шоп қила бошлаган эди, Армон ҳеч бир қизишмасдан унга эшикни кўрсатди.

Обидтой кутилмаганда бирдан шалвираб қолди, ўйламай қилиб қўйган беодобгарчилиги учун бўлғуси барча жазоларни кўз олдига келтирди чоғи, мижжаларини пирпиратди. Ҳар сонияда таъзим қила-қила, бетўхтов остонага тисланди...

— Доим шунақа: хизматкорга нақ қози билан, — дея Армон тагин бурчакдаги ўриндиққа жойлашиб олган тошбақага ишора қилди, — апоқ-чапоқ ўтиришга қўйиб берсангиз, ўзини дарров маслаҳатчи ўрнида хаёл қилиб қолади.

Ҳар доимгидай, ичкаридаги гап-сўзларга кулоқ солиб турган Обидтой эшикни қия очиб бошини судки-да:

— Худо ҳақки, хўжайин, онт ичман... — деди минғирлаб, сўнг яна кўздан йўқолди ва йўлакдан қочиб бораётган хизматкорнинг оёқ товушлари эшитилди.

Шу дамгача маънос ҳаёлга чўмиб ўтирган Торозий, бу бесаранжомликлар унга зиғирча ҳам алоқаси йўқдай қиёфада тошбақага ишора қилди.

— Бошлайверайми? — Маст тошбақа калласини силкиди.

— Ҳа. Сўраб ўтирмасдан, бошланг! — деб ўшқирди Армон. — Бизнинг келишимизга сиз ҳамиша шай бўлиб туришингиз лозим... Хўш, сиз тун бўйи оқсоқолнинг сулув қизи билан валақлашиб чиққанингизга келиб тўхтаган эдингиз...

Ҳикоясини давом эттиришга тошбақанинг бажонидил тайёр турганини унинг ҳуш кайфиятда экани билангина изоҳласа бўлади. Шундай палид башарасига ҳам табассум индириб, бошлади. Тошбақашунослар билишдики, тонг отиши билан Бенишон ўрнидан турибди... Бу пайтда оқсоқол ҳали уйқуда эди. Уйғотайми, йўқми деб Бенишон узоқ ўйлади ва, ниҳоят, адирга ёлғиз йўл олишга аҳд қилди.

Орқасидан бирор кимсанинг келмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун тез-тез ўгирилиб, оқсоқолнинг уйини қишлоқнинг бошқа уйларидан ажратиб турган майдонни кесиб ўтди ва шитоб билан адирга ўрлай бошлади.

Аввалига бир неча пиллапоядан чиқиб бориларди. Пиллапоянинг тағида Бенишон ёнбағирдаги биринчи уйнинг эшигини кўрди. У ёғига ўзаро ёғоч кўприкчалар билан боғланган томлар кетарди.

Томлардан бор-йўғи ўн қадам юргач, Бенишоннинг қулоғига тағин пастдан овозлар чалинди. Қишлоқ ахлининг бошидан қандай юриб бораётганини кўз олдига келтирди ва тасаввурда уйғонган бу манзарадан ноҳос ўзини йўқотиб, тўхтаб қолди. Шу заҳоти кечагига ўхшаб унинг ҳар қадамидан кўз-қулоқ бўлиб турганларнинг овози эшитилди:

«Тўхтади, — деди бир аёл. — Нимагадир бугун ёлғиз...»  
«Кўнглинг тўқ бўлсин, ҳозир оқсоқол унга етиб олади», деди бошқаси.

Томлар зарур маълумот тўплашга энг қулай жой экан, деб ўйлади Бенишон яна ва оқсоқол билан бирга чиқмаганига жуда афсусланди. Бирга чиққанида, қишлоқ одамларидан унинг кайфияти қандайлигини билиб олган бўлар эди.

«Бизнинг қозикалонимиз туни билан ухламаган кўринади, — деган товушни эшитди Бенишон нарироқ бориб. — Одимлари оғир, ҳорғин. Юришим ҳамманикидаймас, туйқус кўксига ўқ ейишидан қўрқаетгандай, ёни билан юрадим-ей...»

«Шўрликнинг умуртқа суягида чатоқликлар бор, оғриқ унинг жонини оляпти-ёв», деб жавоб қилди бошқа аёл. Чамаси улар сеҳрлар, соҳибкаромат хотинлар эди. Суҳбатга серйўтал бир эркак ҳам қўшилди:

«Жиндай илгари Майра юқорига чопиб ўтганда, қадам товушларини эшитдиларингми? Чалишиб-чалишиб кетаверди... Манов билан эрталабгача валақлашиб чиққани, уйқуга тўймагани кўриниб турибди...»

Сўнгра мол боққани кетишиди шекилли охириги уйга етгунча ҳам том остида ҳеч ким гаплашмади. Бенишон ҳамон илгариларкан хаёли олиб қочди: нимага тонг отар-отмас Майра адирга отилди экан? Уйдан қандай чиқди ҳеч кимга билдирмай?

Қишлоқ адирнинг ярмигача чўзилиб борган, у ёғига ўтмайасиз, яланғоч ерлардан сўқмоқ ўтар эди. Оқсоқолнинг тушунтиришича, бу адир қачонлардир денгиз келтириб ташлаб кетган туз палаҳаси, лекин бунга ўзи ишонч ҳосил қилиш учун Бенишон ерга чўп суқиб кўрди ва шу заҳоти чўпнинг учи нимадир қаттиқ нарсага тақалди.

Сўқмоқ юқорига айлана бўлиб чиқиб борганлигидан Бенишон адирнинг қарама-қарши томонини ҳам томоша қилиши мумкин эди — шу қўйи у ниҳоят чўққига етиб борди. Аслида-ку, Бенишон тўхтаган жой чўққига ҳеч ўхшамасди ҳам, нега деганда, у адирнинг қишлоқ кўриниб турадиган тарафини айланиб ўтиши билан сўқмоқ узилди ва қозининг маслаҳатчиси жарликнинг қирғоғидан чиқиб қолди.

Ярқираган нур Бенишоннинг кўзини олиб, бир неча муддат у ҳеч нарса кўрмай қолди — адир қасирлаб ёриляди бир қоя ажраб этагига қулади. Очилиб қолган туздан таралаётган ёруғлик кўзни қамаштириб юборди.

— Ун қадамлар нарида, туз деворида мен ўша мурдани



кўрдим, жаноблар! — Сўзловчи тошбақа жим қолди, чала ичилган қадахни олиш мақсадинда хонтахта томонга бир-икки қадам ташлади, бироқ Торозийнинг қаттиқ нигоҳига дуч келиб, олишга ботинмади, фақат манглайини артиб қўйди, чунки ичгандан бери у ўзини руҳан эзилган ҳис этар эди.

Сўнг энди бошқа, тушқун бир товушда ҳикоясини давом эттирди. Тошбақашунослар билишдики, Бенишон кўрган мурда батамом оппоқ кафан — қалин туз қатлами билан қопланган экан. Афтидан, бу ерга у анча илгари яширилгану адир ёрилганда очилиб қолган эди. Бироқ энг ҳайратланарлиси бу ҳам эмас.

Қояга занжирбанд этиб ташланган мурда олдидаги майдончада узун калтак тутган бир одам югуриб юрарди. У калтакни ғайрат билан ҳавода силкитар эди: бу билан нимани ҳайдаётганига анчагача Бенишоннинг ақли етмай турди, ниҳоят кутилмаганда бир бургут адирнинг учидан пастга қараб шўнгиди-да, мурдага ўқдек ташланиб, у бахти қаронинг жигаридан бир парчасини узиб, ўлжасини тишлаганча яна парвоз қилдию... гап қаёқда эканини Бенишон билди.

Ҳалиги одам калтакни яна силкитди, лекин бургут унинг ҳар бир ҳаракатини олдиндан ўрганиб олгандай эпчиллик билан зарбага чап бериб қолди.

— Лаънати ўғри! — деб бақирди ҳалиги йигит, лекин Бенишонга кўзи тушиб, хизмат вазифасини ўтаётган одам сингари жиддий қиёфага кирди.

— Бу ерда нима қияпсиз, эй муҳтарам зот? — дея қатъий сўради Бенишон. — Нима гап, айтинг... Камина қозиман!

— Қозилигингизни биламан, — деди ҳалиги киши ҳеч бир хижолат чекмасдан. — Мени бу ерга оқсоқол қўйган. Кўриб турибсиз, хира бургутни ҳайдаб туришим лозим. Тергов тулганча бу лаънати бўлак-бўлаклаб жигарнинг ҳаммасини олиб кетиб қолмасин тагин... Мундоқ қараганда, — деб сўзини файласуфона яқунлади у, — бу манглайи қорага жигари борми, йўқми бари бир...

Бундай муҳим юмушдан қўймаслик учун Бенишон уни ўзининг олдида пастга чорлагиси келмади-да:

— Қандай қилиб ёнингизга чиқсам бўлади? — дея сўради.

— Орқангиздаги туз бўлагини сал ўннга силжитинг, бу ёққа келадиган сўқмоқ очилади...

Бенишон туз бўлагини бир чеккага сурди-да, қаршисида очилган тор йўлақдан ўтиб, пойлоқчининг ёнида пайдо бўлди. Тепада пойлоқчи айтган биринчи гап бундай бўлди:

— Сиз билан оқсоқолдан бошқа ҳеч ким бу ерга қақадиган йўлни билмайди. — Пойлоқчи ўттиз ёшлардаги йигит эди. Айёрона юзи туз чанги билан қопланган. — Қишлоқдаги мушриқлар («мушриқ» сўзини у ҳайратланарли даражада оқсоқолнинг гап оҳангида талаффуз этди) бу сўқмоқни билганларида аллақачон олдимга чиқиб олган бўлишарди. Арқон ташлаб, ўликни олиб кетиб қолишарди. Фақат шу ердан уни арқонга илиш мумкин.

— Улар нима қилишади бунини? — дея Бенишон йигитга шубҳаланиб қаради.

— Нима қилишарди? — дея хитоб қилди пойлоқчи, одам ҳам шунақа гўл бўладими, деган маънода; табиийки, гўллик ҳеч қачон қози халқига обрў келтирмаган. — Қояга у қанақа занжир билан чандиб ташланганини кўряпсизми? Ҳозирча менга бир неча бор ҳужум бўлди... Оқсоқолимиз неччи марта уларни инсофга чақирди, худонинг жазосини эслатди, бари бейфойда! У муттаҳамлар калтагининг кучини белларида ҳис қилишгандан кейингина тинч қўйишди... Занжир эса уларга итларини оғилга боғлаб қўйиш учун керак, — дея тушунтирди пойлоқчи, ҳамон Бенишоннинг қарахт туришини кўриб.

Бенишон занжирбанд мурдани тузукроқ кўриш учун қоя деворининг қирғоғига яқин келди.

— Йўқ, бунинг бошқа сабаби бўлса керак — деди сўнгра. — Бу мушриқлардан биронтаси ўзи содир қилган жиноят изларини йўқотмоқчи бўлмаяптимикан? — деб тахминлади Бенишон, лекин дарров жимиб қолди: тахминларини пойлоқчига айтгиси келмади. Унинг устига, бу одам жиноятчиларнинг шериги бўлиши ҳам мумкин: шунчаки кўзга ёрдам бераётган кўриниб, бари ишни чалкаштириб юборар.

Барча ташқи белгилардан аён эдики, бу манглайи қора анча илгари занжирланган ва қояга ҳам у очилиб қолмасидан олдин чандиб боғлаб ташланган. Туз уни титилиб кетишдан асраб

қолган, қотиллик кечагина содир бўлгандек бузилмай турибди...

Бенишон пойлоқчига гап билан уни чалғитмасликни буюриб, атрофини текширверди.

Гарчи банди мурданинг танасига ёпишиб қолган туз совут бирон-бир аниқ хулоса чиқаришга ҳалақит бераётган бўлса ҳам, умумий аҳволдан қўйидагиларни ойдинлаштиришга муваффақ бўлди: ҳаддан ташқари ёвузлик билан ўлдирилган бу шахс пишиқ жуссали, баланд бўйли одам эди, қора сочларининг у ер-бу ерини, соқолининг учларини туз оқартирмаган. Оппоқ занжир бир-бирига жуфтланган оёқлардан, белдан, ҳар томонга чўзилган кўлларидан, бўйнидан ўтган, мурданинг қояга пайвандланиб кетган гардани эса калласини ёнбошга эгилтирмасдан тик тутиб турар эди.

Занжирбанд мурданинг ўнг кўлида Бенишон нимадир ингичка ва узун нарсани кўрди, бироқ унга узоқ қараб ҳам нима эканини билолмади.

Пойлоқчининг кутилмаганда янграган қичқирғи текширувни узиб қўйди: у жон-жаҳди билан Бенишонни орқага қайтишга бонди эди. Бенишон нима гаплигини билиб улгурмади, чунки ушар тепасида бургут қанотлари шитирлаб қолди, яна бир лаҳзадан кейин йиртқич куш мурданинг жигаридан парча узиб олди-да, адир чўққиси томон кўтариб кетди.

— Кимнинг бургути бу? — Бенишон қуш кетидан астойдил қараб қоларкан, ёнида олиб юрмаганидан афсусланди. Найзаси бўлганида, мўлжаллаб бир отарди-да, уни қулатарди-қўярди.

— Ҳеч кимники, — деди пойлоқчи елкасини қисиб, сўнг у ҳам қушга кўз тикди: бургут ўғирлаган бўлагини шошилмасдан лаззатланиб еяр эди.

— Ахир, у ҳеч бир эгасиз эмасдир? Ҳамқишлоқларининг орасида овчилар борми?

— Иккитами, учтами бор. Лекин улар шумкар билан ов қилишади... Сўзимга ишонинг, мавлоно, бу махлуқ ҳеч кимники эмас... худонинг қуши...

«Жиноятчи бу шўрликни пичоқ билан ўлдирдимикан ё?.. Энди изни йўқотиш учун жигарни чўқитишга бургутини қўяётгандир?» деб хаёлидан кечирди Бенишон.

— Жин урсин, сиз қанақа пойлоқчисиз ўзи? — деб бақирди у аламдан. — Яна бир марта бургут унинг жигарини чўқисин, сизни ишдан бўшатиларини буюраман! Тушунинг ахир, бирор муҳим жиноят белгисини топишим учун мурданинг жигарини тузукроқ текшириб чиқишим керак!

— Жигарини сақлаб қолиш учун, эҳтимол, уни тепага олганимиз маъқулдир? — деди пойлоқчи кўрқа-писа.

— Яхши фикр... Лекин қандай қилиб? Унинг ахир ярми қояга ёпишиб кетган-ку! Тепага тортсак, мурданинг оёғи, ҳатто бутун пастки қисми ажралиб тушади деб кўрқаман... У менга бус-бутун, биронта жойи тирналмаган-шилнмаган ҳолда... Мен бир нарсани ўйлаб қолдим: жала қўйиб берса, сув унинг туз совутини ювиб кетади, ўшанда кўтариб олиш ҳам осонлашармиди...

— Қачон ёмғир ёғишини ёлғиз худо билади, — деди пойлоқчи ожизона. Адир учидан ўтирганча, хўрақдан сўнг тумшугини тозалаётган бургутга калтагини ўқталиб ҳар эҳтимолга қарши пўписан қилиб қўйди. — Бизнинг ўлкаларда ёмғир ҳар кун ҳам ёғавермайди. Баъзан йил бўйи бир томчи ташламайди... Шундай пайтлари бутун қишлоқ аҳли оқсоқолга бош уриб, истисқо<sup>2</sup> ўқишни илтижо қилади. Шўрлик имом саломатлигининг мазаси йўқлигидан... гуноҳларга ботган қишлоқ аҳлидан нолиб, олдинга йўқ-йўқ деб туриб олади... Ишқилиб дуо ўқимаслик учун минг хил баҳона излайди-да... Лекин унинг айёрликларини ҳам, муридлар ўз илтимослари билан уни нақадар ноқулай аҳволга солиб қўяётганларини ҳам мен биламан. Ахир, истисқо ўқиш имомнинг иши эмас, кўпроқ шайтоннинг шогирди жодугарнинг иши... Лекин бутунлай рад ҳам қилолмайди. Унда ўша захоти уларнинг кўзида раҳнамолик обрўйи бир чақа бўлади-да... Оқибат бунақа кўрғоқчил йиллари у худо билан шайтоннинг ўртасида оворайи сарсон...

Бенишон унинг изҳори дилини кесиб қўйди:

— Ҳойнаҳой ўзлари ҳам мушриқ бўлсалар керак? Ўзингизга қолса, шўрлик қарияга қарши макр-ҳийла тўқийверсангиз...

— Йўқ, мен ярим мушриқман, холос. — деди пойлоқчи шунчаки. — Ҳатто кўпроқ оқсоқолимизнинг эйтиқодларига

<sup>1</sup> Мушриқ — кўп худоли, бутпараст (арабча).

<sup>2</sup> Истисқо — ёмғир сўраб қилинадиган муножот (арабча).

мойилман... Бўлмаса, у мени бунақа масъулиятли юмушга — занжирбанд мурдани кўриклашга қўймасди...

— Мен жалани ҳатто йил бўйи кутишга ҳам розиман,— деб хулоса қилди Бенишон ва пастга — қумлоққа қаради...

Пойлоқчининг мўминлиги, адолат тантанасига ёрдамлашишга бўлган иштиёқи Бенишонда унга ишонч уйғотди. Фақат орадан кўп кунлар ўтиб, у ўзининг хизматкорига айлангандан кейингина Бенишон тақдир ўзини қандай фирибгарларга дучор қилганини тушуниб етди: бу йигит Торозий карвонсаройда танишини улгурган ўша Фарруҳ эди.

— Бургутни ушлай олмасангиз, лоақал кечалари у қаёққа учиб кетишини пойлаб туринг,— деди Бенишон.

— Хўп бўлади,— дея иккиланиброқ жавоб қилди Фарруҳ. Туздан чиқаётган бугдан Бенишоннинг боши айлана бошлади ва у бугунга етар деб ўйлади: орқага қайтиш керак. Лекин барибир нимадир уни ушлаб турарди, шу боис энг асосий гапни сўраб олиш истагида, лекин сўрашга ботинолмай, қоянинг чеккасига ўтирди.

Утирганча, шамол қимирлатаётган занжирнинг шақир-шўқурига қулоқ солди, бу шақир-шўқур кўнгилга ғусса солар эди. Бирдан ҳаммасини ташлаб, фирибгарларга тўла қишлоқдан жўнаб юборгиси, уйга — иссиқ ва шинам ҳаётга қайтгиси ва яна иллатларию ожизликларига йўл қўйиб, ялқовликка, озодликка берилгиси келди...

— Ҳа, дарвоқе,— дея Бенишон ўрнидан турди ва кўнглига оралаган шубҳадан кўзлари қисилиб кетди,— бугун эрта билан бу ерда оқсоқолнинг қизи Майра нима қилди?

Айб устида қўлга тушгандай Фарруҳ нигоҳини ерга қаратди, алдамоқчи эди, лекин ўзи ҳам кутмаган ҳолда ростини айтиб юборди:

— Менга нонушталик келтирди. Мен шу ерда тунайман. Туз тошларининг ораси иссиқ, уйдаги кўрпадан анчагина иссиқ. Туз бўғимларга қони фойда... Шу ерга жойлашиб олганимдан бери оғриқ нималигини унутдим...

Бенишон ишонқирамай мўйловини буради.

— Бунга Майранинг нима алоқаси бор?

— Бошқа кимнинг алоқаси бўлсин?— дея сўради Фарруҳ соддаларча.— Ахир, биз унаштириб қўйилганмиз...

— Э-э, мана гап қасрдан!— Бенишон додираб қолганини Фарруҳга сездирмасди учун юзини бурди.— Майра иккаллаларингми?

— Ҳа, иккаламиз унаштирилганмиз,— дея сал қатъийроқ жавоб қайтарди Фарруҳ.

Бошқа бир сўз ҳам демасдан Бенишон кескин бурилди-да, пастга юрди.

Фарруҳ калтагига таянганча, унинг орқасидан тикилиб қолди.

Бенишон томлар устидан юриб келаётиб, «қайтиб келяпти», деган овозни эшитди.

«Тепада узоқ қолиб кетмади-ку...»

Ҳозир бу овозлар Бенишоннинг нафратини кўзғатар эди; уларни эшитгиси келмай, чопиб кетди ва ўзига ярашмаган бир қиёфада — терга ботган, зўрға нафас олаётган ҳолда пастда оқсоқолга йўлиқди: у меҳмонни кутиб турарди.

Бирон-бир муҳим нарсани яшириб қоладими, йўқми эканини билмоқчидек бўлиб, оқсоқол Бенишоннинг кўзига маъноли қаради. Аммо Бенишон босиқлик билан бош қимирлатиб қўйди, холос ва индамай уйга томон йўл олди. Мана шунда оқсоқол ўзининг норозилигини айтишга аҳд қилди.

— У ёққа ҳамроҳсиз бир ўзингиз чиқишингизга мен қаршиман...

— Бу нима деганингиз?— Бенишон ҳатто унга қайрилиб қараб қўйишни лозим топмади.

— Сизнинг хавфсизлигингиз менинг бўйнимда!

— Мени жин ҳам урмайди!

— Шошманг, сиз алданибсиз! Бургутни ҳайдаб туриш учун қўйилган калтакли у боланинг қишлоқ одамлари билан тили бир. Аниқ ишонаман: у сизни алдаган...

— Сиз қизингизни бермоқчи бўлган одамнинг бунақа фирибгар бўлишига мен ишонмайман,— деди унга жавобан Бенишон ачитиб.

Оқсоқол шу заҳоти бўзариб кетди ва жойида тўхтади, Бенишонга етиб юришга мадори қолмай, бақириб юборди:

— Ёлғон айтибди! Қизимни мушриққа бергунча, ўзимни адирдан калла билан ташлаб юборганим афзал...

Бенишон кулгисини базўр тийиб турарди: шунақа бир

кулгили кўринди бу нуроний қария... бир ўзи ҳам оқсоқол, ҳам имом, ҳам солиқчи, ҳам тузфуруш бўлмиш қария...

— У айтдики, сизнинг ваъзларингиз таъсирида у энди бу ёққа... ўзининг хатоларини тушуниб... Қизингизни деб эса, ишонаманки динни буткул қабул қилади... Майра у ерда нима қилганини балки сиз тушунтириб берарсиз?— деди орқасига ўгирилиб Бенишон, эшикни очаркан.

— Билмадим... суриштириб кўраман...— Қариянинг овози бирдан сусайди.— Лекин билиб қўйинг: фақат мен сизга ёрдам бера оламан.— Бу гап шунақа самимий айтилдики, қариянинг рашқ, умидсизлик ва итоатгўйлик оҳанглари аралашиб кетган чучук овозининг торларига Бенишоннинг мурасасоз жилмайиб қулоқ осидан ўзга иложи қолмади.

#### IV

Гапирувчи тошбақани толиқтириб қўйишни истамай, унинг кўп-кўп дам олишига дастлабки кунлар Торозий ижозат бериб турди. Лекин, қизиқки, тошбақа ўтмиш кунларини қанча кўп қайта ва қайта бошдан кечирган сари, шунча тийиб бўлмас даражада эзмаланиб борарди. Худди юрагини бурда-бурдалаб қийнаб ётган нимаани бўлса, ҳаммасини тезроқ айтиб бергиси ва шу билан биратўла қутулгиси келаётгандек эди.

— Яна одамга айланганингиздан кейин нима иш қиласиз?— деб сўради Армон бир гал.

— Юртимда менинг оз-моз мулким қолган-ку. Биронта жониворга халақит бермай, шундай кун кўраман. Ёки тарки дунё қиламан-да, саҳродаги биронта масжиднинг тупроғини ялаб ётаман,— деб жавоб қилди тошбақа. Шунақа беҳис оҳангда сўзладики, бу саволга жавобни олдиндан ўйлаб қўйгандай эди.

— Давом этинг...

Торозийнинг бу буйруғини эшитиб, тошбақанинг теварагида ивирсиб юрган Обидтой тараддуланиб қолди. Тишида игнани тишлаб, ҳаддан ташқари берилиб у ўзига боп бичимдаги кийимни тошбақага ўлчаётган эди.

Гарчи тошбақашунослар бу тошбақага одам қиёфасини қайтариб беришга умид қилишаётган даволаш муддатининг иккинчи ярми туғашига узоқ бўлса ҳам, афтидан, тошбақага янада кўпроқ одам қиёфасини беришни; баданининг шармандали яланғочлигини, айниқса жундор, сертириш кўксинию семиз оёқларини тезроқ кўздан пана қилишни истаб Обидтой унга кийим тикиш билан машғул бўлди.

Обидтой тикаётган нарса шарқона чопон эмасди, кўпроқ олд этаги калта орқа этаги узун оврупоча кийимни эслатарди. Миллий гурури баландлигидан бунақа беҳшош махлуққа ўзларининг миллий кийимларини кийдиришни эп кўрмади. Шунинг учун у ўзи бир сафар бозорда учратган фарангимиди, ишқилиб бир ажнабийнинг уст-бошини гўё масхаралаб, фракка ўхшаш ниманидир бичган эди.

Ҳозирча тошбақанинг тўшинигина тўсадиган, енгисиз қисми тайёр эди, холос. Тошбақа бугун, гарчи охиригача тайёр бўлмаса ҳам, шу кийимни кийгиси келган, шунинг учун Обидтойга меҳр билан қараб ўтирар эди. Обидтой бўлса, маҳоратига таҳсину мақтовлар кутиб, унинг теварагида тимирскиланарди...

Аламдан қайчини шиқиллатиб, у хонани тарк қилди, тошбақа эса ўриндиққа қулайроқ жойлашиб олди. Нимча унга кўпроқ далиллик бағишлаётгани кўриниб турарди.

Лаб ўрнида лаблик қилаётган жойини рўмолча билан артди-да, яна ўтмишини эслаб кетди ва тошбақашунослар билишдики, энди — адирга чиқиб Фарруҳ билан, оқсоқол билан гаплашгандан сўнг Бенишон ғоят шубҳачи бўлиб қолган эди.

«Нимага оқсоқол Фарруҳга бу қадар ишончсизлик билан қарайди,— деб ўйларди Бенишон,— ахир, бургутни кўришга унинг ўзи қўйган... Кейин нимага у нуқул, фақат менгига сизга чин дилдан ёрдам бераман деб ўлиб-тирилиб тақроқлапти? Фарруҳ Майрани қайлиғим деб айтаяпти, оқсоқол эса бунга зўр бериб рад қияпти — нимага?»

Ҳаммаси бошдан оқ чалкашиб кетди, ҳамма алдай бошлади, уларнинг ҳеч бирига ишониб бўлмайди...

Яна Бенишон тезроқ бургут эгасининг изини топмоқчи бўлади, чунки қуш жигарни нафақат қорин тўйғазишдек, гўш еб маза қилишдек табиий хоҳиш туфайли эмас, балки қотилликнинг барча ашё-далиллариининг изини яшириш учун ҳам чўқилаётганига у ҳамон амин эди. Гўё мурдадан занжирни ечиб олмоқчи бўлиб юрган қишлоқ аҳли ҳам... Балки терговга халақит бермоқ қасдида уни ўғирлаб кетишмоқчидир?



Бенишон ўзини жуда эҳтиёткор тутишга, ҳеч кимга очилмасликка ва барча гумонини ичида сақлашга аҳд қилди. Фарруҳга у мутлақо билмаслиги лозим бўлган нарсалардан кўпини айтиб қўйганига пушаймон қилди. Масалан, қанча вақт кетмасин, сабр-тоқат билан жаланинг ёғишини кутмоқчи эканини бекор айтди-да...

«Менинг вазифам — сўроқ қилиш, саволларга жавоб бериш эмас. Ортиқча бирон гапни валақлаб қўяман, улар шу заҳоти у гапдан ўзимга қарши фойдаланишади... Ё оқсоқолнинг ўйидан бошқа жойга кўчиб ўтсаммикан? Узиям кўнглимга ўтиришмай турибди, ҳам шубҳали. Фарруҳни пастга қайлиги Майранинг олдига жўнатаман-да, ўзим тепаликка жойлашиб, бургутни, умуман, теварақдаги бор ишни пойлайман. Қолаверса, Фарруҳ айтаяпти-ку: тузининг иссиғи бўғимлардаги оғриқни йўқотаркан. Уйга омадли қози ҳурматида қайтаман, камига саломатлигимни ҳам тиклаб оламан... Шундай қилиб, ишни қишлоқ бўйича уйма-уй юриб, ким бургут боқишини аниқлашдан бошлаш керак. Майрани ҳам шундай йўлини қилиб сўроқлаш лозимки, оқсоқол билмасин...»

Бенишон бу ўйларни индамас оқсоқол билан Майранинг қаршисида ўтирганча, кечки овқатдан олдин ва ундан кейин ҳаёдан кечирди. Овқатни дастурхондан бош кўтармай, юракларни зиқ қилиб юборадиган бир вазиятда ейишарди. Лекин энг аввал Майра чидамади ва Бенишонга қараб, сўради:

— Бирон нимани аниқладингизми?

— Ҳа, албатта! Кўп нарсани...— деди Бенишон сирли оҳангда ва оқсоқолнинг кўзига ўткир тикилди.

Лекин оқсоқол ҳатто нигоҳини олиб қочмади, тишсиз оғзини тамшанганча пинак бўзмай ўтираверди.

Бенишон бўлса секин кавшана-кавшана, оқсоқолнинг шартта ўрнидан туриб Майра иккаласини ёлғиз ташлаб чиқиб кетишини кутар эди.

Оқсоқол, афтидан, ўзи ҳам Бенишоннинг тоқатсизланаётганини сезиб ўтирган эди. Бу ерларда тез-тез бўлиб турадиган шамол туйқус ғувиллаб, дарпардалар тиқирлай бошлагач Майра сакраб турди, лекин отаси ундан илгарироқ туриб кетди ва ҳокимона бир ишора билан уни тўхтатди-да, ўзи ташқари чиқди.

— Гап ўртамазда қолиши керак, — дея шивирлади Бенишон оқсоқол эшикни ёпиши биланок. У тирсақларини хонтахтага тираган кўйи нақ Майранинг қулоғига ётиб олган, чучварадай ихчам бу қулоқчадан шунақа бир ширин мушк таралар эдики, Бенишоннинг боши айланди.

— Майли, кўнглингиздагидай бўлақолсин, — деб қиз елкасини қисди.

— Бугун адирда нима қилдингиз? — Жиддий туриб сўрамоқчи эди, лекин вужуди эриган, кўзлари шаҳвоний кулаётган Бенишоннинг гапи шўх, рашкли таъна оҳангида чиқиб қолди. Майра ҳеч туси ўзгармай, шунчаки жавоб қилди:

— Бугун мен адирга чиққаним йўқ...

Худди фириб ишлатаётганда қўлга тушиб қолгандек, бирдан Бенишоннинг ўзи хижолат тортиб қолди. Шамол эшигу деразаларни тарақ-туруқлатиб, қандай тез кўтарилган бўлса шундай тез — қуюн бўлиб осмону фалакка чиқиб кетдию тўхтади. Ташқаридан ойна олдида эндигина пайдо бўлган оқсоқол дарпардаларни бекитишга улгурмади ҳам. Фақат, ҳаддан ташқари қизиқувчанлик билан ичкарига қараб қолди, Бенишон унинг безовта нигоҳидан жунжикиб кетди.

Бу нигоҳ нимагадир Бенишоннинг жаҳлини чиқарди ва у Майранинг ёлғон сўзлаганини билиб бақириб юборишдан ўзини базўр тийиб ўтирар эди, лекин бирдан ҳаёлга толди: нега энди очикчасига ўтақолмайди, нима учун шивирлашиб гаплашиши керак, нимадан эҳтиёт бўляпти? Қолаверса, бу ерда унга чин дилдан ёрдам берадиган биронта одам йўқ! Ҳокимият қўлида, у кескин ва шафқатсизлик билан иш юритиши лозим.

— Ундай бўлса, юринг мен билан адирга, одамлар менинг сўзларимни ё тасдиқлаб беришади, ё рад қилишади, — деди у Майрага қатъий.

Майра ўйлаб қолди. Бенишон уни зўрлаб олиб бормоқ ниятида энди қўлидан ушламоқчи бўлиб турган эди, қизнинг ўзи розилик билан бош қимирлатди.

— Гап ўртада қолсин деяписиз, қаёққа кетяписизлар, деб сўраб қолса, отамга нима дейин?

— Нима десангизсиз деваверинг, менга бари бир!

Ташқарига чиқишдию бу ерлар ҳавосининг антиқа қилиқлари яна бир марта Бенишонни тонг қолдирди. Кечки овқатгача

ҳавонинг авзойи бузуқ, юракни эзадиган — адирдан келаётган туз буғлари қишлоқ тепасида йиғилган эди, энди бўлса, бирдан шамол ёпирилиб, буғларни йиғиштириб бир-икки айлангану осойишталик чўккан, нафас олиш ҳам енгиллашган эди.

Уй ёнида ҳам, майдонда ҳам оқсоқол уларга дуч келмади. Олдинги уйларга тез юриб келиб, томга чиқа бошлашди.

— Демак, қози жаноблари, сизнинг жуда-жуда билгингиз келяптими?... — дея сўради Майра томга чиққан заҳотлари.

Яна найранг ишлатаяпти деб ўйлаб Бенишон шартта унинг сўзини кесди:

— Жим бўлинг! Узим сўраб оламан улардан...

— Лекин барибир менга гапиринг... Воситачисиз, тўппадан-тўғри ўзларидан сўрасангиз, улар жавоб қайтаришмайди. Туз қатламларидан уя қазиб олган бу одамлар паст табақа кишиларидир, бизнинг дабдабали гап йўсинимизни тушунмаганга солиб тураверишади ўзларини...

— Ҳа, мана гап қаерда! Тушунишмайди ундай йўсини...

Ҳозир уларга шундай бир гап айтман! Туз қатламларида яшашариш, бундан чиқдики, бўғим касалликлари қанақа бўлишини билишмайди... — Пойинтар-сойинтар шу аҳмоқона гапни айтиб Бенишон тўхтади. Яна қўпол бирор нима қўшмоқчи эди, бироқ Майра рост сўзлашганими ё чалғитяптими — билолмай, ўзини қўлга олди. — Пойтахтдан келган амалдорга бундай муомала қилишни, шикоятлу илтимосномаларни фақат ўзи орқали беришни қавмларига муҳтарам дадажонингиз ўргатган бўлса керак-да. Узининг устидан шикоят тушса, йиртиб-йиртиб, оққоғоз парчаларидай улоқтириб юбориши учун шу йўл маъқул-да... Зўр! Бугун адирга чиқдингизми, йўқми? — дея сўради Бенишон ва тевараққа қулоқ солди.

Шунда пастдан бир товуш чиқиб, уни сескантириб юборди: «Айтинг унга, нима бўлгани бизнинг эсимизда йўқ... Нимаики билган бўлсак, кучли шамол олдию кетди...»

— Кучли шамол?! — Бу товуш Бенишонга шунақа таниш туюлдики, ҳайратдан беихтиёр Майранинг тирсагидан сиқиб, бақириб юборди: — Бу сизнинг падари бузурговрингиз-ку?! Эшитдингизми?

— Отам? — Майра бамайлихотир Бенишоннинг қўлини нари итарди. — Мушриқларнинг туз уяларида отам нима қилади? Ковушининг тагини ҳаром қилмаслик учун ҳам отам уларнинг уйига ҳеч қачон кирмайди. Одамларни майдонга йиғади...

Гапни оқсоқол эшитиб қолмаслиги учун Бенишон шивирлади:

— Ҳалиги товуш отангизники эди...

— Отам уйда. Келинг, қайтиб борамизу текшириб қўяқоламиз...

— Рост айтасиз, менга шундай туюлди шекилли, — деди Бенишон яна хатога йўл қўяётганини ўйлаб: ҳатто Майрага ҳам у гумонларини айтмаслиги лозим. — Бораврайлик-чи яна...

Тагин бир неча қадам юришгач, Бенишоннинг кўзи буткул очилди: муттаҳамларнинг унинг тажрибасизлигидан фойдаланиб бутунлай чалғитиб юборишганини тушунди.

— Лекин мен вазиятни шараф билан енгиб ўтиб, адолат қилишим керак, деб қатъий аҳд қилиб қўйдим. Чунки мен у пайтлар, жаноблар, шунақа содда эдимки! — дея хитоб қилди тошбақа. — Унда ҳозир камзулдан кулгили даражада чиқиб турган манави сапачининг ўрнида каллам бор эди-да...

— Бургут боқадиғанлар билан гаплашмоқчийдим, Майра, — деди Бенишон, пастдан жавоб чиқар деган умидда қулоқ солиб.

«Ғалати одам экан. Бизнинг бургутимиз йўқлигини айтинг унга. Занжирбанд мурдани чўқиётган бургут эса узоқдан учиб келади... худонинг қуши».

— Худонинг қуши? — деб юборди ғайришуурий тарзда Бенишон: худди шу сўзларни у Фарруҳдан эшитган эди.

Демак, қотиллик ишининг терговига халақит бермоқ қасдида ҳамма — бутун қишлоқ аҳли бир ёқадан бош чиқариб келишиб олган.

Ута ёмон бир кайфиятда Бенишон ортига қайтди. «Энди уйга кетишяпти. Майранинг отаси уйда, йўқми — шуну текшириб кўради», дейишди пастдан.

Тепада юрганларида орқада қолиб кетган Майра унга майдонда етиб олди ва ноз билан шивирлади:

— Ҳазиллашдим... — Бугун эрталаб адирга борган эдим.

— Ана, кўрдингизми, — дея Бенишон муруват ила, ҳоринглик ила қўлларини ёйди, лекин шу заҳоти шубҳаланган бир

қиёфага кирди. — Йўқ, мен сизга ишонмайман. Биронта сўзингизга ҳам.

— Рост айтяпман, борганман... — деди Майра энди қатъийлик билан. — Бир ой илгари йўқолиб қолган одамнинг мурдасимасмикан у, деб кўргани бордим.

— Бир ой илгари? — деб қайта сўради Бенишон ҳеч нарсага ақли етмай.

— Ҳа, бир ой илгари, жала қуяётган палла қоя иккига ажралиб, одамлар мурдани кўришган. Уша куни қишлоқдан отбоқар йўқолди, шунга, шу отбоқарни адирга кўмиб ташлашмаганикан, деб ўйладим-да. Кўмишгани учун ҳам адирнинг бир қисми ажралиб кетган бўлиши мумкин-ку. — Майра бу гапларни худди илгаридан ёдлаб олгандай, ҳис-ҳаяжонсиз айтар эди.

— Бекор гап! — Бенишон кулиб юборди. Унинг бу кулгиси асабий, ҳатто жазавали эди. — Аввал кишанлаб, кейин тепаликка кўмиб ташлай олмайдилар-ку, ахир... Шошманг, шошманг, — деди Бенишон қўлини силкитиб, Майра унинг калласида тўғилаётган мулоҳазаларга халақит бериб қолишидан чўчиётгандек. — Улар уни занжирбанд этиб адирга кўма олмасдилар. Шундайми? Демак, улар уни адир ёрилгандан кейингина кишанлашган, — дея мулоҳаза юритарди Бенишон, ёнида ўзи ишонмайдиган Майра бораётганини ҳам унутиб.

— Йўқ, бунақа бўлмаган, — дея эътироз билдирди Майра. — Мурдани кишанлабни ташланганини одамлар жала тепаликни ювиб кетгандан кейин кўришган. У жала ёғмасдан олдинроқ адирга парчиллаб ташланган.

— Бургут-чи? — деди Бенишон гангив.

— Айтишларича, бургут мурда ҳали очилиб қолмасдан буруноқ унга элтадиган туйнук топиб олган. Кўп йиллардан бери шу бургут ҳаммага маълум, адир тепасида айланаб учушини ҳамма кўрган, лекин нимага ҳар куни бу ёққа учиб келадию кейин тумшугида ниманидир тишлаб чўққига қараб учади — бунисига ҳеч кимнинг ақли етмайди.

Уйга яқинлашаётди Бенишон қизнинг гапини кесди:

— Ёлгон кўрсатмалар бериб, сиз мени издан чиқариб юбормоқчи бўляпсиз.

Майра бундан ранжиган бўлди — ҳаракатларининг қадрига етишмади, камига уни ёлгончиликда айблашди. Ниҳоят, юзи яна очилиб энгил таънаомуз деди:

— Сизга чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлган ягона одам — менман...

— Бу гапни отангиз ҳам айтяпти. Ундан ҳам олдинроқ бургутни ҳайдаб туриш учун қўйилган анов нусха ҳам қасам ичган эди... Сиз билан унаштириб қўйилган йигит... — деди Бенишон қизнинг аламини кўзгадидиган қилиб. Бу пайтда у остонадан энди ўтаётган, димоғида қизнинг чиройли қулоқчасидан таралган тотли исни қайта туюётган эди. — Э, э, аразни йиғиштинг, — деб ёнғирланди у ва қизнинг қулоғининг солинчоғидан эркалик билан тортқилаб...

▼

Кейинги кун Бенишон вақтли уйғонди ва кўрпада ётган кўйи бундан бу ёнга нима қиларини ўйлай бошлади. Бир нарса аниқ эди: бу кундан эътиборан у энди кун бўйи адирда бўлиши, иложини топса, ўша ерда ётиб қолиши лозим.

Ёрдам бериш ўрнига, аксинча, нуқул ишни чалғитаётган оқсоқолнинг қовоқ-тумшук қилиб юриши Бенишоннинг жонига тегди. Майра билан бирга томлар устида юрганида чолнинг овозини эшитиб ғалати туйғулар уйғонган эди, ўша туйғу ҳалигача Бенишонни қийнади, кечаси эса у ҳатто ҳар хил бўлмағур тушлар кўриб инграб чиқди.

«Тўрттала девори ҳам туздан бўлган бу ертўлаларда менинг саволларимга қандай жавоб қилишни мушриқларга ўргатиб қўйган.»

«Тўрттала девори ҳам туздан бўлмиш бу ертўлаларда ўтириб олиб оқсоқолнинг ўзи гап ўргатяпти, худонинг махлуқи бургутни ҳам ўша ўйлаб топган.»

Булар бари ишни баттар чалкаштириб юборди, адир ўпирилган куни йўқолган отбоқар тўғрисидаги Майранинг гаплари дард устига чипкон бўлди...

«Эҳтимол отбоқарга Майранинг кўнгли бўлгандир? Бирор айби учун қояга занжирлаб ташланган одам шу отбоқар бўлиб чиқмасин тагин, деб билгани боргандир адирга?», деб хаёлидан кечирди Бенишон ва мабодо жала куни исиз йўқолган отбоқар билан анави мурда бошқа-бошқа одамлар

бўлиб чиқса, биратўла иккита иш билан шуғулланишига тўғри келишини ҳис қилди. Балки иккала иш оқибатда бир-бири билан ўзаро боғлиқдир?..

Бенишон бу ҳақда унча бош қотириб ўтирмасдан мавжуд чигаллик учун барча айбини оқсоқолга юклаб қўяолди: тергов муваффақиятли якунлангач, у оқсоқолнинг шубҳали хатти-ҳаракатлари тўғрисида шаҳар ҳокимиятига арзнома ёзмаса бўлмайдир.

Ўзининг мустақил эканини кўрсатиб қўйиш учун Бенишон оқсоқолга, энди адирда яшайман, деди-да, нонушадан кейинроқ уйдан чиқиб кетди.

Туз уйларда истиқомат қиладиган одамлар тагин Бенишоннинг ҳар қадамани кузата бошлашди. Ва Бенишон уларнинг гапларидан муҳим бир нарсаларни, жумладан, оқсоқол бугун ундан илгарироқ тепага қараб чиқиб тушганини билиб олди. Афтидан, Майрани хавфга қўйгиси келмаган-да, ўзи бора-қолган, мабодо Бенишон унинг пинҳона Фарруҳ олдига борганини пайқаган тақдирда ҳам, йўлини топиб қутулиб кета олади.

Шуни ўйлаб Бенишон дарҳол бошқача йўл тутди: бошқа майда-чуйдага чалғимай фақат оқсоқолни кузатишга аҳд қилди. Ким билади, қотил шу чолнинг ўзидир. Унинг олиханоблиги аслида бир ниқоб, нияти эса ёвуз бўлиши мумкин, ана шу ёвуз нияти оқибатида айримлар исзис йўқолаётгандир, айримлар эса занжирга тортилиб ўлдирилаётгандир...

Оғизда мушриқларга тоқат ҳақида гапирди-ю, аслида салгина кулоқ солишмаса, шафқатсизларча жазоласа керак. Бунақа қишлоқларда манави оқсоқолга ўхшаган одамларнинг ҳокимияти катта бўлади — ҳаммининг тақдирини ўз қўлларидан, ўзларига мос қонунлар яратиб олишадида, ўша қонунлари бўйича ё қатл қилишади, ё шафқат қилишади...

«Оқсоқолнинг ўзи мени бу ёққа чорлагани ҳам, адирга пойлоқчи қўйгани ҳам бир ҳийла, холос — ўзининг манфаатини кўзлаган», деб хулоса қилди Бенишон.

Бенишон ташвишманд, шубҳа-гумонлар гирдобиде қийналаётган қиёфада адирга чиқиб борди ва занжирбанд мурдани кўриб қўйиш учун даранинг чеккасига яқинлашди. Шўрлик кечагидай ҳолда осилиб турар эди, фақат ҳар гал бургутнинг тумшуги кириб чиқадиган тешик яна ҳам катталашганга ўхшарди...

Бенишоннинг жаҳли қўзиб, Фарруҳга қараб юрди. Фарруҳ қўлда калтак билан зир югуриб, асабий питир-питирлар эди. Бенишон унинг оёғи узун арқон билан боғлаб қўйилганини кўрди; арқоннинг учи адирнинг чўққиси томонга кетибди.

Фарруҳ даранинг ёқасига қараб чолганида арқон таранг тортилади — ушлаб қолади уни. Оёқ ости эса туз эриб сирпанчиқ бўлиб кетган...

— Нимага ўзингизни боғлаб олдингиз? Бу нима масхара-бозлик?

Жаҳлингиз чиқмасин, илтимос... Фарруҳ Бенишоннинг олдига чопакелиб оёғига ташланди, итоаткорлигининг белгиси сифатида оёқларини қучоқлаб олмоқчи бўлди.

Бенишон чаққонлик билан бир сакраб орқага тисланди, бироқ Фарруҳ ҳамон минғирлар эди:

— Пастга йиқилиб кетмайин, деб... Шайтон орқамдан итариб юбормасин, деб...

— Нимага унда кеча боғламаган эдингиз?

— Кеча шундай пайтга тўғри келиб қолди: сиз келганингизда арқон узилди, ишдан чалғимаслик учун уни яшириб қўйдим.

Бенишон нима жавоб қилишини билмай қолди, чунки Фарруҳнинг тушунтириши ишонарли туюлди унга. Лекин барибир бу воқеанинг нимасидир шубҳали бўлиб қолаверди...

Шу пайт адир тепасида туйғу яна бургут пайдо бўлди. Йиртқич қанотларини йиғиб ўлжага ташланган заҳоти Фарруҳ бақир-чақир билан даранинг ёқасига чопди, калтакни сермади, лекин бу гал ҳам мўлжалга ура олмади.

Уларнинг жангини кузатиб туриб, Бенишон пайқадикни, йиртқичга калтакни тегдирилмаслигига сабаб — айна шу арқон экан. Айна шу арқон Фарруҳга халақит бераётган эди. У ёввойиларча чинқириб югуриши билан арқон ҳам чуваланиб кетидан судралди, бироқ саҳнчанинг энг чеккасига етиб Фарруҳ бургутни урмоқ қасдида энди калтак кўтарганида, арқон охиригача таранг тортилди-да, уни дара оғзидан икки қадам берида ушлаб қолди. Худди бўйи қўшга етиб қолмасин деб кўзга кўринмас кимдир уни бирдан орқага тортгандек эди.



Фарруҳ айбдорларча бош эгиб ортига қайтди. Бенишон эса ўзини тутиб тура олмай, арқондан ушлади-да, шунақа куч билан тортдики, пойлоқчи йиқилиб иягини қашқа қилди.

— Ҳалол хизмат қилишингизга, мана, нима ҳалал беряпти экан! — деб бақирди Бенишон ва нақ унинг бурни тагида арқонни силкитди, — Ким сизни боғлаб қўйди? Нимага?

— Худо гувоҳ — ўзим боғладим, — дея Фарруҳ ҳамон унинг оёғи остида эмкалайверди.

— Сиз найранг қилдингиз, бургутни ушламоқчи қилиб кўрсатдингиз ўзингизни, холос! Тездан арқонни оёгингиздан ечинг-да, йўқолинг... кўзимга кўринманг бу ерда! Ердамингизга муҳтож эмасман! — деди Бенишон қатъий қилиб ва терс ўгирилди. У атроф жойларга кўз тикканча, мўйловини бираб, кутиб турар эди.

Кўрқиб кетган Фарруҳ унинг теварагида айланар, ҳар лаҳзада таъзим қилар, оқсоқол берган жазо ҳақида нималариндир мингирлар эди. Бенишонни тинчлантириш учун бир сакраб юзини силаб қўйди, лекин Бенишон ниятида қатъий эди. Ҳатто пойлоқчининг қўлига урди ҳам. Шундан кейин Фарруҳ бирдан шалвираб қолди, юзи бўзарди ва чурк этмасдан паства судралди. Қишлоқ томон эса, қумлоқлардан ўтадиган сўқмоқ бўйлаб тобора узоққа — саҳрога қараб кетди...

Фарруҳ йўл олган ёққа ҳали инсон қадами етмаган, Борса келмас номининг ўзиёқ кўнгулларга ваҳима солар эди. Фарруҳ оқсоқолдан кўрқанидан (эхтимол, янги динга мойиллигини кўрсатиш учун) жафокашлик йўлини тутиб, абадий дарбадар бўлишга аҳд қилгандир, деб ўйлади Бенишон.

Начора, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳеч ким Бенишонни Майранинг қайлигига ортиқча ғараз кўрсатаётганликда айблай олмайди — ахир, у Фарруҳнинг шунчаки таъзирини бериб қўйди, холос, кўзи очилсин деб.

Кейин Бенишон Фарруҳ тунаган жойни излади ва қояда кенг-мўлгина камар борлигини кўрди. Эрталабки шабнамдан терлаган туз ҳали ҳам сирланчиқ. Агар Фарруҳ арқонни жарга қулаб кетмаслик учун боғлаган бўлса, унда нимага бургутни уришига ҳалақит бераверди? «Ҳамма гап оқсоқолда, — деб қўйди Бенишон. — Чинакам динни қабул қилишга мойиллик кўрсатаётган Фарруҳ унинг муриди, табиийки, имом нимани буюрса ўшани қилаверган».

Лекин бургут бир тишлам-бир тишлам узиб олавериб мурданинг бутун жигарини еб адо қилиши оқсоқолга нимага керак бўлди? Эҳтимол бунга у анави қулоқсизларга ибрат бўлсин деб, чинакам динга ўтмаганларни жазо кутаётганини ўз кўзлари билан кўришсин деб ўйлаб топгандир. Бенишонга шу нарса маълумки, одатда жинойтчи икки хил мақсадда жазоланади — ўзига бериладиган азобдан ташқари одамлар орасидаги ёвуз ниятли ёки қачондир ёвуз ният қилиши мумкин бўлган юзта, мингта одамни йўлдан қайтариш, уларга нўписа қилиб қўйиш ҳам назарда тутилди, ахир. Бинобарин, Фарруҳга бундай жазо беришдан мақсад...

Бенишон даранинг оғзига келиб турди-да, чап оёғига арқонни боғлаб, бургут учиб келиши билан таъзирини бериб қўйишга қатъий чоғланиб, калтакни олди.

Кўп кутмади. Ҳеч қанча ўтмай бургут адир учидан яна паства ташланди. Қанот қоқишидан Бенишон унинг тезлигини чамалади. Нафрат ичида бургутга ташланди-да, мурданинг танасига сўқиш учун қуш тумшугини чўзган маҳал калтакни солди.

Битта чаққон зарбаданок бургут, ўлимини илгаридан кутиб юргандай, ҳатто хирилласдан, қанотларини йиғиштириб олди-да, дара ичига қулади.

Жарлик ёқасида турганча Бенишон қушнинг ўлиги катта туз бўлагига қандай келиб урилганини кузатиб турарди: патлари титилиб ҳар томонга сочилди ва нимаданлиги номълум — ҳилпиндиданми, ўлдирилган бургут танасидан кутулиб чиққан қандайдир кўринмас рух ҳаракатиданми, кишандаги мурда занжирини шақир-шуқурлатиб титрай бошлади; бу шақир-шуқур товушни ҳатто саҳронинг анча ичкарисига олислаб кариб кетган Фарруҳ ҳам эшитди — хизматкор бир сесканиб орқасига ўгирилди, лекин ҳеч нарса кўрмади, шунда унга бу ҳол одатда поёнсиз қумликлар бағрида дарбадар сайёҳларга тез-тез кўриниб турадиган шарпалардан бири бўлиб туюлди...

Қилган ишдан хурсанд Бенишон ҳали ҳам занжирларини шақирлатаётган мурдани яна бир марта синчиклаб кўриб чиқиш ниятида даранинг киргоғига ўтирди. Бу жаранг мурданинг титраётган оёқларидан чиқиши ғалати эди, худдики қайноқ қон бутун тана бўйлаб оёқдан таралаётгандек...

«Ҳаммаси сирли, — деб ўйлади Бенишон. Сўнгра кутилмаганда вужудини чулғаб олган қўрқув тезда ўрнидан тургазиб юборди. — Ҳеч қачон ҳеч нарсаининг сирини ечолмайдиганга ўхшайман, мабодо ечган тақдиримда ҳам, бундан менга нима фойда? Хилват жойда орқамдан зарба бериб ўлдиришлари, заҳарлашлари мумкин — ҳамма менга қарши кайфиятда... Оқсоқол у қандай хоҳласа, ишни ўшандай олиб боришимни лозим топаётган экан, мен тайёрман... Қолаверса, у ҳам ҳукумат одами. Аллақандай туз мурдани деб ҳукумат одами билан фикллашиб орани бузиш ақлдан эмас... Боз устига, ҳозир бутун қишлоқнинг кўзи бизда: кулги қилишади... Тезроқ ҳаммасини тугатиб, бу ерлардан жўнаб кетиш керак...»

Мана шунақа, кечагина Бенишон оқсоқолга кескин қарши кайфиятда эди, айбдорларни жазолаш учун занжирбанд мурда сирини билишни истаётган эди, ҳозир бўлса, адирда бургутни ўлдириш, у бирдан ишнинг муваффақият билан тугашига ишонмай қолди, гўё соат сайин кучайиб бораётган жумбоқлар орасида чалкашиб кетди ва энди бу жумбоқлар буткул ҳал этиб бўлинмайдиганга ўхшарди.

Бенишон банданинг танаси ҳамда белию гарданининг бир қисми қоянинг туз қатламига ёпишиб кетганини кўрди. Демак, мурда чиндан ҳам ўпирилишдан анча олдин — адир юмшоқ, туз эса сочилувчан бўлган палла кўмиб ташланган: илгариги, анча илгариги жинойт бу... Ва яна аёнки, занжирбанд бу мурданинг ўпирилиш рўй берган куни йўқолиб қолган ҳеч қандай алоқаси йўқ...

«Отбоқар... — дея шивирлади Бенишон, рашк тўйғуси томоғини ғип бўғаётганини ҳис қилиб. — Наҳотки Майра... шунақа нозик, нафосатли... хуш бўйлар таратувчи... қулоқлари чип-чиройли қиз... Ва от... гўнг... арава... туёқларнинг дупур-дупури... Камига яна сўқиш, отбоқарнинг шалоқ оғзидан чиқадиغان сўқишлар оқими... Йўқ!»

Уларнинг ўзаро боғлиқлигига кўзи етмай, Бенишон тинчланди, лекин уни бошқа нарса гангитиб қўйди: энди бирийўла иккита ишни занжирбанд мурданинг ҳамда йўқолган отбоқарнинг сирини ечиш вазифаси турарди унинг олдида. Фақат, бир нарса илғаб олиш лозим — оқсоқол булардан қайси бирининг изини ёпмоқчию қайси бирининг ҳал этилишида унга кўмак бермоқчи?

Лекин ишни мураккаблаштириб юборишга ҳожат йўқ, деган қарорга келди Бенишон, ҳозирча йўқолган одамни унутиб (отбоқарнинг Майра билан боғлиқлиги жойини очилиб қолса-ку, бу ишнинг тақа-тақ тўхтатиш керак бўлади, боз устига, ҳеч ким унинг тақдири ҳақида бу иш билан махсус шуғулланишини сўраб, ёзма мурожаат қилмаган — на бирор хеши ва на оқсоқол), бутун вақтни кишанланган мурдага сарфлашим керак... Бир ҳисобга Бенишонни иккала иш қандайдир жиҳатдан ўзаро алоқадор, деган ҳис ҳам тарк этмасди.

Оқсоқол пайдо бўлдию Бенишоннинг гумон-ўйлари узилди. Чол Бенишон бургутни уриб ўлдириган жойдан эллик қадамлар нарида кўринди — сўқмоқда ётган катта тош орқасидан кутилмаганда чиқиб келди.

«Мана, ўзи ҳам... Қатъий ҳамда шафқатсизлик билан ҳаракат қилишининг айна пайти», деб қўйди Бенишон титраб-қақшаб. У олдиндан қатор саволларни тайёрлаб қўйган, ўшаларни ёғдириб оқсоқолни деворга қапиштириб қўймоқчи эди. Ўлдирилган бургут ҳамда қандай қилиб бўлмасин бурчини адо этмасликка уринган Фарруҳ иккаласи — унинг энг асосий далилидир.

Ахир, оқсоқол арқон билан боғлиқ гапларни ҳам, Фарруҳнинг муғомбирлик қилаётганини, бургутни ҳайдашни умуман ўйламаётганини ҳам билмаслиги мумкин эмас.

Миси чиққач, оқсоқол ўша заҳоти калондимоғликини-да, такабурликини-да, ташлайди ва қандайдир йўл билан айбини ювишга уриниб қолади. Бенишон бўлса уни таҳқирлашга уринади, оқсоқолни бургутнинг ўлигини келтириш учун орқасига қайтариб жўнатади.

Паства олиб тушадиган йўлни оқсоқол шубҳасиз яхши билади. Бенишонга эса тош ва туз палаҳсалари кўплигидан у ёққа борадиган ҳамма йўл ўтиб бўлмасдек туюларди.

Шундай қилиб, устунлик ҳукмини қўллаш иштиёқида (устунликининг кучи эса, мазҳабда унга сабоқ беришгандек, қачонки ҳарифингизга унинг шармандали ишларидан воқиф эканингизни билдириб қўйсангиз жуда яхши сезилади) Бенишон ўрнидан турди ва оқсоқолга мурожаат қилишга чоғланди, чунки чол тепага чиқиб келди, деб ўйларди у.

Афсуски, на ўзи турган саҳнчада ва на юқорига элтадиган сўқмоқда — ҳеч ерда оқсоқолни кўрмади. Бундан Бенишоннинг қанчалар ҳайратга тушганини кўринг эди. Мана ҳозир харсанг ортида пайдо бўлади, деб ўйлаб Бенишон яна сал муддат куттиб турди.

Лекин қанча вақт ўтиб кетди, ундан дарак йўқ — бу вақт ичида оқсоқол саҳнчага етиб келган бўлиши, гаплашиши ва шармандаси чиқиб яна қишлоққа тушиб кетиши мумкин эди.

Бенишон оёғига боғланган арқонга ўралаша-ўралаша, саҳнчада тоқатсизлик билан орқага-олдинга бориб келарди. Сўнгра оқсоқолни ҳибсга олиш учун дарҳол пастга тушишга аҳд қилди. Ўзининг уйига қамаб, тергов ишлари тугагунча тутиб туриш керак. Хуллас, ҳар йўл билан ишга ҳалақит бераётганлардан қолган ягона одамдан ҳам қутулмоқчи бўлди. Ягона деганимики, Фарруҳ саҳрога қувғин қилинди, Майра бўлса унинг ишларига ҳеч қандай қизиқмапти, фақат бир марта қизиқди, ўшанда ҳам, занжирбанд этилган мурда отбоқар эмасмикан, деб билгиси келди, холос.

Қишлоқ аҳли эса, умуман, сусткаш — улардан ҳеч қайсиси Бенишоннинг назарига тушишга ҳаракат қилмади; унинг билгани — одамлар адирнинг тепа қаватига чиқишмайди, эрта билан яйловга орқа тарафдан ўтиб кетишади, гулхан атрофида жазавали рақсга тушиб ҳамда қурбонлик қўйларини оловга ташлаб, ёрдаги лойдан ясалган ўзларининг ансабларига сифинишади...

Бордию оқсоқол гуноҳсиз эканини исботлаб қолса, деб мулоҳаза юртарди Бенишон, ўша заҳоти уни озод қилиш керак. Лекин қария қозининг бу ўзбошимча ҳаракатидан норози бўлиб юрмасин учун уни масъулиятсизликда, тергов ишларига ёрдам беришдан бўйин товлашда айблаб, сал нўписа қилиб қўйса, ёмон бўлмасди.

Мана шундай ўйлар гирдобиди Бенишон оёғидан арқонни ечаркан, туйқус миясига ақл бовар қилмас бир фикр санчилди: дейлик, Фарруҳ арқонни бекорга боғламаган бўлса-чи, қояга парчинлаб ташланган шахсининг азоб-уқубатларини баҳам кўрмоқ учун унинг ўрнига ўзини қўйган бўлиб, ўзини у билан бир одам ҳисоблаган бўлса-чи?

Ахир, қайсидир жиҳатдан ўрланган шундай одамлар ҳам бор-ку — ундайлар бировнинг бошига кулфат тушганини кўрса ҳам, ўша жафокаш билан ҳамдардлик туйғусини ҳис қилиш учун, ҳатто ўзлари чекаётган уқубатдан лаззатланиш учун нотавон-бечора бир кимса ҳолига тушиб қоладилар. Ахир Фарруҳ Бенишоннинг оёғи тагида эмаклаб, саҳрога ҳайда-маслигини сўраб илтижо қилаётганда қозининг раҳмини кўзгаш мақсадида бирдан мазаси йўқлигидан нолигани ва: «Ҳайдаманг мени, у ёқда чанқаб ўламан... Жигарим касал... ўлар ҳолатда...» дея мингирлаганлари бежиз эмас.

Қояга парчинланган мурда Фарруҳнинг ҳамшишаси, жонажон оғайини бўлмаганмикан? Балки ҳатто унинг энг яқин қариндошидир? Худо кўрсатмасин. Ундай бўлиб чиқса, иш чигаллашиб, чалкашиб кетади-я. Бенишон шу заҳоти бу тахминини калласидан қувишга ҳаракат қилиб қолди, чунки акс ҳолда Фарруҳни қайтадан сўроқ қилиши керак; у бўлса орқага йўл йўқлигини билиб аллақачон Борса келмас қумларида кетиб бораётгандир...

Зотан, аввалига бемаънидек туюлган бу тахминлар кейин тасдиқланди, бироқ мутлақо қутилмаган жиҳатдан тасдиқланди. Занжирбанд мурда билан ўзининг оёғига ўзи арқон солган Фарруҳ иккаласи чиндан ҳам қариндош чиқиб қолишди. Лекин жабрланган эмас, айбдор экан иккаласи ҳам.

Майли, қиссамизнинг ипини йўқотиб илгарилаб кетмайлик, азиз ўқувчи, ҳикоя қилишни тошбақанинг ўзига қўйиб берайлик, ахир у биздан кўп ва ҳўб билади...

...Оқсоқолни ҳибсга олиш учун шошилиб томлар устидан сакраб-сакраб келаётганда орқасидан мушриклар нима деб қолишганини Бенишон аллақачон ёдидан чиқариб юборган. Уларнинг гурунглиридан у битта нарсани билиб олди: Бенишоннинг орқасидан оқсоқол тепага чиқиб келаётган экан, лекин қутилмаганда қаёққадир уриб кетибди. Буни-ку Бенишоннинг ўзи ҳам фаҳмлаган эди-я.

Лекин охири унинг тоmidан ҳам ўтиб майдонга тушиб келиши билан қаршида оқсоқол пайдо бўлди — бургут ўлигини думидан кўтарганча, уйдан чиқиб келаётган эди у.

Қадамни секинлатмасдан Бенишон ҳибсга олинганини маълум қилиш ниятида унга томон яна бир неча қатъий одим ташлади, лекин мулоим жилмаяётган, сал ҳориган қиёфадаги

оқсоқол унинг ҳовурини пасайтириб қўйди, бинобарин ҳокимона ишорая дағдағали сўзлар ўрнига Бенишон аллақачон қуриб бораётган ва орқама-кетин патлари тўкилаётган бургутга назар солганча, беихтиёр мингирлаб саломлашди...

— Сиздан шундай ҳавотир олдим... Худога шукрки, сиз бу жанабадан шунча тез ўтиб олибсиз... ҳеч ким сизни ҳақоратламабди, тунамабди... — деди қария очик чеҳра билан бош силкиб, сўнг андак жим турди-да, қўшиб қўйди: — Узоқдан олдингизга бораётиб нимага бирдан йўқолиб қолганим ғалати туюлгандир? Сиз меҳрибон ва раҳмдил одамсиз, балки оёғи остиди биронта том ўпирилиб, қўланса хидлару ифлосликлардан димиқиб уларнинг ертўлаларига қулаб тушди, деб ўйлагандирсиз... Ҳатто мен бир қарияни қутқаришга ташлиниб қолишингизга ҳам ишончим қомил эди... Аммо, бахтимга... Шунчаки, қандай эпчиллик билан бургутни уриб туширганингизни узоқдан кўриб қолдим. Сизга таҳсинлар айтиш учун тепага чиқаётиб хаёлимга, орқага қайтиб тушиб бургутни ўлигини топганим яхши эмасми, деган фикр келди. Мушриклар бошлари осмонга етиб, уни мендан илгари олиб кетиб қолишларидан жуда кўрқдим, олиб кетишса, патларини юлиб бошларига тақишади-да, олов теварагида жазавали рақсга тушишади... Унда сиз муҳим ашёвий далилдан ажраб қолардингиз... Лекин иккинчи қайта олдингизга чиқиб ўтирмадим, қўлимда бургут бор эди... ахир менинг ёшимда юқорига яна шунча йўл юриши... узр, осонмас...

Чол бугун фавқулодда сергап бўлиб қолган эди. Келган меҳмонга бундай хизмат кўрсатиш ўзига ёқса керак-да, деб ўйлади Бенишон. Чамаси, найрагн ишлатиб ўзидан шубҳани соқит қилмоқчи, боз устига Бенишонга фаол ёрдам беришга ҳам аҳд қилган. Нега деганда, бундан кейин ёрдамдан ўзини тортаверса, шахарлик бу амалдорга тўппадан-тўғри қарши чиққани бўлади, ваҳоланки, Бенишонни текширув ўтказишини сўраб қишлоққа оқсоқолнинг ўзи таклиф қилган.

Бир дақиқа олдин оқсоқолни ҳибсга олишга қаттиқ аҳд қилиб қўйганини чол билиб қолса-я, деган ўйдан Бенишон бирдан хижолат чека бошлади, бу ўйдан чалғиш ҳамда довдираб қолганини сездирмаслик учун у чол қўлидан бургутни олди-да, айлантириб кўраверди. Бу йиртқиш — қўнғир тусли, тумшуги тирноқлари қоп-қора катта қуш эди; туз кукунига беланган патлари қуёш нурларида ялтирарди.

Бенишон зарбанинг изини топиш илинжида бургутни айлантириб кўраверган, оқсоқол, оёғини сал керган қўйи унга таажжубланиб қараб турарди.

«Буям бир фариб эмасмикан? — деб ўйлаб, тагин Бенишоннинг ичига шубҳа оралади. — Балки бу бошқа — қалбаки бургутдир?» Бироқ минг машаққат билан қушнинг тумшугини йириб, тили устида ҳали ютиб улгурмаган ўғирлик озиқни кўргач, қўнгли жойига тушди: афтидан, калтак унинг баданида қонли из қолдирмасдан, шунчаки қарахт қилиб қўйган.

Оқсоқол ҳам шундан ўрмон қилиб турган эканими, уларни Бенишонга айтиш мақсадида бирдан шу ҳақда гап очди:

— Сиз, эҳтимол, нимага бургутнинг баданида калтак изи йўқ, деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Бу менга ҳам ғалати туюляпти: бу бургут сиз уриб туширган бургут эмас. Ҳа! Ҳа! Сиз келмасингиздан бир неча кун олдин мен ҳам бургутни уриб ўлдиришга муваффақ бўлганман ва, худога шукр-э, қутулдик, деб ўйлаганман. Кейин қарасам, энди бошқа қузғун адир тепасида айланиб юрибди. Сўнг Фарруҳ яна биттасини ўлдириди, мен бошқасини... ниҳоят, улар қарға галасидек сонаноқсиз эканини англадик... Ҳаммаси ўзининг галини кутиб туравериши аён бўлди, чунки биттаси ўлиши билан, унинг ўрнини шу заҳоти бошқа бургут эгаллайди — ҳаракатлари ҳам, туси ҳам — ҳеч бир жойи олдингиларидан фарқланмайдиган бургут... Буниси заҳарли буғларга димиқиб жон таслим қилган кўринади...

— Унақада, қани ҳалиги... мен ўлдирган бургут?

Чол Бенишоннинг юзи оқариб кетганини илғади.

— Уни ҳали ерга учиб тушмасданок тутиб, бошқа бургутлар олиб кетишган эҳтимол... Улар ҳавода шундай ҳунарлар кўрсатишади, шунақа чаққонки улар, оғзингиз очилиб қараб қоласиз...

— Одамлар-чи? Балки улар?..

— Йўқ, мен қараб турган эдим.

Бенишон индамай қушни чолга қайтариб берди. Ҳаяжони-

<sup>1</sup> Жанаба — айнан: катта ўра; ахлатхона (арабча).



нию эсанкираб қолганини сездирмаслик учун ўзини қанча тугиб турмасин, оқсоқол барибир унинг қўллари титраётганини пайқади.

Каминанинг камтарин дорул исхон<sup>1</sup>ига марҳамат қилинг,— дея оқсоқол қўллариини ёйди.— Дам оловлиниг. Бутун бу кўнгилсизликлар миянғиздан чиқиб кетсин. Ҳали ҳаммаси жой-жойига тушади...

Шундай дея чол уни уйга бошлади ва бир сония эшикка суяниб хўрсинди — бунақа нобол аҳволга тушган Бенишонга ҳамдардлик билдирди гўё. Ахир, бири иккинчиси билан чалкашиб кетган жумбоқларнинг ўзи бўладими, мана энди пойлаб туриб бир-бирининг ўрнини оладиган бу бургутлар тўғрисидаги гап...

Хонтахта ёнига чўқаркан, Бенишон ўзини шундай ҳорғин ҳис қилдики, чолни ҳам ўтиришга таклиф этиш учун қўлини базўр кўтарди.

Оқсоқол ўтирди ва бутун диққатини бир ерга жамлаб Бенишонга тикилди. Аллақачон калласи ишламай қолган Бенишон туйқус иқроор бўлди:

— Мен эсам бу ёққа сизни ҳибсга олиш нияти билан келаётган эдим рости...

— Ё олло!

— Йўқ, йўқ, кўрқманг, илтимос... Бемулоҳаза, аҳмоқона хаёл эди бу... Ишни тезроқ тугатсам эди. Илтимос сиздан, каминига ёрдам беринг, шу ердан виждоним қийналмай кетайин...

Оқсоқол чурқ этмасдан белбоғини сийпалаб ўтирар эди. — Гапимга ишонинг, дастлабки дақиқалардан бошлаб мен сизга ёрдам беришга ҳаракат қилдим, лекин сиз мендан шубҳаландингиз...

— Утган ишга саловат, ҳозир уни эслашнинг фурсати эмас,— деб унинг гапини бўлди Бенишон.— Мен сизга ишонаман. Боз устига, бундан кейин ҳар қадамимни сизнинг маслаҳатингиз билан босаман — кўпни кўрган, донишманд одамсиз...

Торозий тошбақага, гапдан тўхтанг, деб ишора қилди ва эшикка томон қайрилди. Эшик ортидан қачондан бери йўтал товушлари эшитилаётган эди. Тошбақа жимиб қолди ва у ҳам ҳайрон бўлиб бошини бурди.

— Обидтой кийимни сизга тезроқ кўрсатай деб тоқатсизланаяпти,— деди Торозий ўрнидан тураётиб.— Унгача биз ҳам сал-пал чигилини ёзиб келамиз...

## VI

— Шундай қилиб, ҳамма тўпланди, аянчли ҳикоямни давом эттираверсам, бўлади,— деди тошбақа. Сўнгра қиссасининг анча-мунча чўзилиб кетгани учун уэр сўрагандай, қўллари ясама ҳаракат билан ёйиб қўйди.

Ярим тошбақа-ярим одам кундан-кунга жонланиб борарди, башарасидаги изтироб аломатлари ҳам тобора кам кўрина бошлади... Юрагида оғир тош бўлиб ётган туйғулардан қутулиб, кўнгли тинчиб бораркан, Обидтойнинг фамхўрлиги боис сезиларли тўлишиб қолди. Албатта, тошбақага бу сўз қанчалар мос келса, шунча миқдорда тўлишди.

— Уша оқшом оқсоқолга барча маслаҳатларингизга амал қиламан, деб ваъда берган куним хуш бир кайфиятда Майра билан бирга уй ёнидаги майдон бўйлаб сайрга чиқдим.

Қизи билан юрганимни ё турганимни кўриб қолса доим қовоғини уюб оладиган ва минғир-минғир қиладиган оқсоқол бу сафар бирга сайр қилиш ниятимизни қўллаб-қувватлагандек бўлди — деразадан бизга жилмайиб қараб турар, ҳаёлида Майра билан бирга ўтказилган ёқимли оқшом мени ўзига яна ҳам қаттиқ боғлаб қўйиши тўғрисида жўяли фикр юритар, бизни олқишлаб қўлини силқир эди...

Бенишоннинг аввалги ҳикояларидан бизнинг тошбақашу-носларимиз билишардики, япалоқ тошлар ётқизилган мўъжазгина, қоронғи бу майдон — йиғинлар ўтказиладиган ва номоз ўқиладиган бу сахн, албатта, Бенишонни унча илҳомлан-тирмас, у эса Майранинг кўнглини овлагиси, у билан ҳазил-хузул ўйнашгиси келар эди. Айни чоқда, сўқмоқдан юқорилаб боришни, қишлоқликларнинг овозларини эшитишни ҳамша истамасди: бу одамлар озмунча жонига тегмадими, дамиша алдашга, тўхмат қилишга шай улар. Туз ертўлларида, тутаб ёнаётган қўй мойи ёруғида узун кечалар бундан бошқа яна нима билан машғул бўлишини?

<sup>1</sup> Дорул исхон — айнан: оролча, ҳиммат мánзили, дўст макони (арабча).

Бенишон дам олгиси келар, пинакка кетишни, кишанбанд мурдани ҳам, бургутни ҳам эсламасликни истар эди. Шу боис Майра йўқолган отбоқар тўғрисида сўзлашга энди оғиз жуфтлаганда, Бенишон ўша замоно унинг совуқ қўлларида туриб, гапдан қайтарди.

— Гапирманг шуни,— дея илтижо қилди.— Оқшомимни сизга нисор қилмоқчиман, кишанбанду йўқолган ҳақида ҳам, боғлангану уриб туширилган ҳақида ҳам гап эшитишни хоҳламайман...

Қиз кулиб хитоб айлади:

— Ундай бўлса, хурсандман. Шунчаки, сизнинг гумонларингиздан кўриб келаётган эдим-да...

— Қанақа гумонлар?!— Бенишон ўзини ҳайрон бўлганга солди, бироқ отбоқарни эслаб маънос тортиб қолди. «Сиз билан... уэр, отбоқар...» деб сўрамоқчи эди, сўрамади, рашк оловини тийди.— Дастлабки кунлар шижоат мени бошқа томонга етаклади, холос. Ва мен майда-чуйдалар орасида ўралашиб қолдим. Ҳолбуки, кўпни кўрган қози, албатта, гапни айлантириб ўтирмасдан, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, энг тўғри йўлга қатъий тушиб олган бўларди, бургутнинг эгаларини бошқа нарсаларни излаб ўтирмасди,— деди Бенишон тушуниб бўлмайдиган қилиб.— Бургутларнинг қанақа эгалари бўлиши мумкин? Қушларнинг бутун бир ўғри тўдаси-ку бу... Энди мен ҳам отангизнинг ёрдамида... тўғри сўқмоққа ўтиб олдим...

— Отанинг?!— Майра бирдан сесканиб кетди ва тўхтаб қолди. Аммо кейин, чол деразадан кўриб қолишидан чўчиб, зўрма-зўраки кулиб юборди ва йўлида кетаверди.

Албатта, унинг бундай ҳаракати Бенишоннинг назаридан четда қолмади, лекин қози ҳеч нарса ни сезмасликка, ҳеч нарсага аҳамият бермасликка аҳд қилди — булар унинг хуш кайфиятига халақит бериши мумкин эди-да.

— Ҳа, сизнинг отангизнинг,— деди у беғам-бепарво.— Бундайин гоят донишманд одамнинг маслаҳатларига дастлабки кунларданоқ қулоқ солганимга афсусдаман. Ахир, бу иккаламиз тартиб-интизом посбонларимиз, қиладиган ишимиз ҳам бир. Сиз эса — мафтункор хилқатсиз, биздаги ишонччи... ва хуш кайфиятни қувватлаб туришингиз лозим,— деб қистирди Бенишон, бундан бу ёғига энди ёрдамингиздан ҳам, маслаҳатингиздан ҳам фойдаланмайман деяётгандек оҳангда.

Бу билан Бенишон гоят назокат ила Майрани тергов ишлариغا озгина бўлсин таъсир этиш имкониятидан четлатди-қўйди. Ва агар Бенишоннинг бундан аввалги, лекин бундан ҳам қатъийроқ қадамини — Фарруҳни (у ҳам ишни чалкаштираверган эди) ҳайдаганинию яна қишлоқликлар орасидан бургутнинг эгасини излашни бас қилганини, йиртқичларнинг сонини ўйлаб бош қотирмай қўйганини ҳамда жала пайти йўқолган отбоқарни ишдан буткул чиқариб ташлаганини... ҳисобга олсақ, унинг бўлгуси ишлари анчагина энгиллашиб қолган эди.

Уйга кеч кетишди. Оқсоқолнинг ҳали ҳам уйқуга ётмаганини кўриб Бенишон ҳайрон бўлди. Оқсоқол уларни эшик оғзида шам тутганча кутиб олди ва қози уйқу олдидан уни очиқ юз ва хизматга шай қиёфада эслаб қолишини истаб, Бенишоннинг юзига қараганча, жилмайди.

Ҳар сафар Майра билан сайр қилиб келгандан кейин Бенишон кўрпага жуда ёмон кайфиятда кириб ётишини оқсоқол сезиб юрарди: нимадандир норозиланиб тўлғанади, сапчиб ўрнидан туриб деразани жон-жаҳди билан ёпади.

Чолнинг ўзи ҳам туллари хотиржам ухлай олмасди. Утган кун, масалан, уйқудаги Бенишоннинг қулоғига чол қизига бақираётгани, дағдага қиляётгани чалинди...

Ҳозир эса чол ҳаддан ташқари хушмуомала эди. Бир одамнинг меҳру муҳаббатини қозонмоқ, уни дўстга айлантирмоқ қанчалар осон-а, деб ўйлади Бенишон, унинг мададига муҳтож эканингни ўзига билдириб қўйсангиз кифоя, одам шэфқатли хилқатлардан эмасми, чақирингизга дарҳол лаббай деб жавоб қиладди.

«Уни ҳибсга олганим, устидан қози калонга шикоят ёзмаганим қандай яхши бўлган экан,— дея хаёлдан кечирди Бенишон кўрпада ётган кўйи.— Ундай қилганимда иш буткул бузилиб кетарди, кўнгилда ҳам жирканч, оғир асорат қолган бўларди... Худога шукр, улар ҳақида Майрага ҳам, Фарруҳга ҳам ёмон сўз айтмадим, шекилли. Йўқ, йўқ, чолнинг кўнглига оғир ботадиган на бир сўз айтдим, на бир ҳаракат қилдим...»

Оқсоқолга ҳам оғир: дилида худоси, бошида подшоси бўлмаган ёввойи, қайсар мушриқлар орасида яшашнинг ўзи

бўладими; ҳар қадамда одамни чув туширишга ҳаракат қилиб туришса... Боз устига, чол бениҳоя ёлғиз, ҳозиргача эрга тегмаган қизи тўғрисидаги ўй уни кемирмаслиги мумкин эмас; қиз аллақачон йигирма бешга кирган, бу ерларда қаёққа кўз тикманг, муносиб йигитни топмайси, ҳаммаси отбоқар, подачино туз қазувчилар — паст ва қора халқ, қиз эса бир марта ўзи тан олиб айтишича қонлари тоза, суюқлари оқ экан, уларнинг авлодидан амир саройида вазирлик қилган одам ҳам чиққан... албатта, май ичаверганидан бўкиб ўлган, лекин барибир вазир... ҳазилакам гапми!

Бенишон чолнинг оғир турмушини тезда тасаввур этиб, шўрликка раҳми келди. Уйини қаранг: камбағалгина, бор-йўғи яқин хонали — шу уйчада яшашга мажбур, бир ўзи бешта амалдорнинг ишини бажараётган бўлса-да, маоши шаҳардаги оддий мирзанинг маошидан ортиқ эмас.

Махсус намозгоҳи, масжиди йўқ имом эди бизнинг оқсоқолимиз. Унинг айтишича, бундан ўн йиллар муқаддам майдонда масжид деворлари остига тош терилган, лекин ўшандан бери ўз ҳолича ташлаб қўйилган, чунки шаҳар доим ваъда қилаверади-ю, йил охирида эса қурилишга яна маблағ ажратмайди, номозга келадиغان қишлоқликлардан хайр-эхсон учун лоақал бир тийин сўрашни-ку, қўяверинг, худо шифо берса, кўр кўзнинг очилиши бундан осонроқ; масжид тагига деб терилган тошларни мушриқлар аллақачон ўзларининг хандак-уйларига ташиб кетишган.

Сувсаганидан юраги куйиб Бенишон ўрнидан турди-да, секин, пайпаслашиб ҳозир қария этиб юрган ошхонага йўналди. Меҳмондўст чол Бенишонни ўзининг хонасига жойлаштириб, ўзи эски, кераксиз жиҳозлар билан тўла каталакдеккина ошхонага амал-тақал қилиб ўрнашган эди.

Чол аллақачон ухлаб қолганди, деган ишончда Бенишон эшикни оқиста итарди ва... хижолат тортиб тўхтаб қолди.

Хонада шам ёқиқлик эди. Эгнуда оппоқ яқтак-иштон, бошида каллапўш, ҳайрон қоларли даражада ориқ ва бесўнақай қария қандайдир тахир мойни ўрта бармоғига суркаб ишқаларди. Хаёлида, қизим киргандир-да, деб ўйлаб кўзларини пирпиратганча эшикка қадалди, лекин кирган одамнинг Бенишон эканини билгач, инграб юборди ва шу замони кўрпага бурканиб ўринга чўзилди. Фақат мой суркаётган қўлинигина очик қолдирди — Бенишонга кўз-кўз қилгандай, ёстиқнинг устига, калласининг ёнига чиқариб қўйди.

Бенишон унинг кўлига қараб бир нарсани пайқайди: пухталиқ билан мойли шиша идишга ботирилган бармоғи шундай буқилганки, чўлтоққа ўхшар эди.

— Мени қақирдингизми деб ўйламан...— дея минғирлади Бенишон.— Узр... Чолнинг худди шол бўлиб тиришиб қолган бармоғига яна бир бор нигоҳ ташлади-да, шоша-пиша эшикка қараб юрди.

Чол гангич қолган эди, индамади. Бенишон эса бирибир сув ичолмай ўз хонасига кириб кетди.

Ярим соат илгари Бенишон чолга бўлган ўзининг муносабатини ўзгартирган нарса нима экани ҳақида ўйлаб ётган эди. Ахир, бугуннинг ўзидаёқ уни хибсага олиб, уйга қамаб қўймоқчи бўлган. Бу ниҳоятда нозик руҳий ўзгаришнинг боиси не — қўрқувми ё бунчалар чигал-чалкаш ишда шунчаки ҳамкор топиш истагимиз?

Бироқ ҳамкорга кўкракка мушт уриб меҳр-муҳаббат ва ишонч издор қилиш шарт эмас, каттароқ хизмат мавқеига, муайян оралиқ масофага эга шахс сифатида обрўни сақлаган ҳолда ўша одам билан бирга шунчаки умумий иш ила машғул бўлиш кифоя. Ҳартугул, бу ҳам осон эмас шекилли: раҳм-шафқатдан бошланди бари — аввал чол унга ўлдирилган бургутни келтирганда бир раҳминини қўзғайди, камига яна Бенишонга ярми кесиб ташлангандек кўринган ҳалиги бармоқ таъсир қилди...

Барибир, Бенишонга бу қадар таъсир этган нарса шу бармоқнинг кўриниши эмасдир. Мана энди тасодифан маълум бўлишича, у бармоқ рисоладаги бармоқ экан, ҳеч қанақа томир тортишиши ё фалаж букиб қўймаган уни. Чол ҳийла қилган, холос — бармоқ Бенишонга чўлтоқ бўлиб кўринсин учун усталик билан букиб турган. Бунга у атай қилган, Бенишоннинг раҳминини қўзғаймоқчи бўлган, чунки чол меҳмоннинг табиатан ҳиссиётга берилувчан эканини биларди-да.

Нега энди чол ҳозир — фирибчи очилиб қолганда яна ўша ишорасини такрорлади, ҳатто қўлини намойишкорона чиқариб қўйди? Наҳотки у шамнинг хира ёруғида Бенишон ҳеч нарсани

илғамас-э, ёлғонни пайқамас-э, деб умид қилган? Эҳтимол, бармоқ чўлтоққа ўхшасин деб уни букиб туриш чолнинг бемаъни одатларидан биридир? Ё у чиндан ҳам томир тортиш касали билан оғрирдир-у, бу оғриқ шунчалар қаттиқдирки, уйқу олдиндан ҳар кечаси бармоқни мой суркаб ишқалашга тўғри келаётгандир?

Агар бу касаллик бўлса, унда чиндан ҳам чолга қийин. Бенишон эса ёш, куч-қувватга тўла, мана шу ҳиснинг ўзиёқ уни бу муңкиллаган имом билан яраштириб қўйган бўлса эҳтимол...

Эрта билан улар Тузтепага бирга чиқмоқчи, кун бўйи тимисиз ишламоқчи бўлишди. Нонушта маҳали Бенишон чолдан кўз узмай ўтирди, у шўрлик эса чап кўли билан овқатланар, чапақайга кўникмаганидан оғзига ниманики олиб борса дастурхонга тўкиб юборар, боиси — томир тортишишдан акашак бўлиб қолган бармоғининг кўриниши билан меҳмонни ноқулай аҳволга солиб қўймайин деб чолнинг жони ҳалаклигида эди.

«Албатта, қария тергов ишларини ўзининг фойдасига буриб юборгиси бор,— деб ўйларди Бенишон.— Бир ҳисобга, терговни қандай олиб боришим — унга қаршилик ё аксинча — энди занжирбанд мурдага барибир... Уликнинг обрўини тиклаш, номини оқлаш деган гаплар бари қуруқ сафсата, ёлғондакам муқаддас сўзлар». Тирик одамга эса, масалан шу оқсоқолга, яхши ном маошининг ошишига ёки қизини муносиб одамга чиқаришга ёрдам бериши мумкин... Бинобарин, мабодо чол айтган йўлга юрсам, буни мен унга яхши ном келтириш мақсадида қиламан, ким ҳам айбларди бу ишимни... Фуру ал фикҳ ни — муқаддасларнинг муқаддас бўлиши бу адлия амалиётини қўллашнинг йўли кўп. Улардан ҳеч бирининг тагига этиб-боролмайди одам барибир. Ҳамма ҳақ бўлиб чиқаверади. Қолаверса, оқсоқол ҳам ҳукуматнинг одами, шартта олиб менинг устидан шикоят ёзиб юбориши ҳеч гапмас. Чол билан муносабатни бузмаслик керак. Ким билади, бу ерларда тимирскилини юрибди, ишни кавлаштиряпти... кўпинча мана шунақа чувалчанларнинг кучли ҳомийлари бўлади... балки нақ Денгизхоннинг ўзи бунинг ҳомийсидир? Амал жиҳатидан мен оқсоқолдан юқори турсам-да, Денгизхон чолнинг норозилигини менинг шикоятномадан кўра кўпроқ эътиборга олади... Бутун шу ўттиз йил давомида оқсоқол амирга қанчалар эътиқоду ҳақиқат билан хизмат қилган — билмадим-у, лекин шу хизматда сочи оқарганининг ўзиёқ унга Денгизхоннинг эркатойи бўлишлик ҳуқуқини беради. Менга бўлса амир: «Сиз аввал унинг ёшигача яшаб қўйинг, кўрамиз...» деб бақириб бериши мумкин... албатта, агар у юзини менинг ҳақирлигим томонга буришни истаса... Қишлоқликларга эса, худди занжирбанд мурдага сингари, терговнинг қандай тугашининг аҳамияти йўқ бўлса керак...»

«Келишяпти...» — Бенишон оқсоқол билан бирга томга оёқ қўяр-қўймасларидан шу шивир эшитилди. Улар том юзасида сочилиб ётган ўткир туз бўлаклари устидан сакраб-сакраб юриб кетишди.

«Ярашиб олишди...»

Негадир айтиқса ярашиш тўғрисидаги бу сўнгги сўз Бенишоннинг ғазабини қўзғаб юборди.

— Қанақа одобсиз халқ бу? — деди оқсоқолга қайрилиб.— Ҳаққи бўлмаган ишларга ҳам бурнини суқаверади-я...

Оқсоқол қўлини ёйди:

— Қандай қиласиз, ахир?! Шуларнинг ичида яшаб юрганмидан даҳшатга тушаман гоҳо...

— Буларни битта қўймай жазолаш керак! — деди Бенишон қатъий оҳангда. — Мен ҳатто анво<sup>2</sup>ни қўллашдан ҳам тўхтамаган бўлардим! Шаҳардан сипоҳи чорлардим, булар тезда санамларини унуттиларди-қўярди!

Аммо оқсоқол индамади, афтидан у бундай энг қаттиқ чорани маъқулламаётган эди.

Бенишон эса ҳамон ўзини босолмасди:

— Гапларидаги илмоқ, кинолар-чи! Худди улар биздан — ўқимишли, мамлакатда обрў-эътибори бор бўлган одамлардан бир жиҳатларда устундек...

Пастдагилар туз ертўлаларда унинг гапларига қулоқ солиб, лекин, чамаси, у билан тортишишга ботинолмай жим туришар

<sup>1</sup> Фуру ал фикҳ — қонунни қўллаш ва изоҳлаш усули (арабча).

<sup>2</sup> Анво — куч билан, қуролли кураш билан эгаллаш (арабча).



эди. Оқсоқол эса юз қадамларча чурқ этмасдан борди-да, юзи оқариб, хансирай бошлади, шундан кейин то занжирбанд мурда осилиб ётган ўша сахнчага етгунларича Бенишон унинг тирсагидан тутиб борди.

Чол унга миннатдорона бош силкиб қўяр ва тепага чиқиб боришнинг қийинлигидан нолимагани ўзига ҳам наъза қилди эди.

Бироқ Бенишон қояга қарадио сира кутилмаган ҳолдан ҳайратга тушди: мурда қандайдир мўъжиза билан ўзи осилиб турарди, барча занжир битта қолдирилмай ечиб олингану қаёққадир олиб кетилган. Тузқояга гарданнинг ярмигача кириб кетган шўрликнинг ҳатто ҳолати ҳам ўзгармабди: кўкка қараган ёйиқ кўллари ҳам оқ мрамардан ишлангандек, боши узра занжирсиз муаллақ қотган эди.

— Ух, қароқчилар! Мунофиқлар!— деб бақириб юборди Бенишон. Бироқ оқсоқол ўғрилики кўриб ҳам ҳайрон бўлмагандек эди.

Фақат унинг гапини маъқуллаб бош силкиди:

— Ҳа, бу қишлоқликларнинг иши...— Сўнгра Бенишоннинг кўлтигидан олиб жар оғзидан нарироққа судраркан, уни юпантира бошлади.— Худди болалардек улар...— Чолнинг овозида ҳатто илиқ бир оҳанг ҳам борга ўхшаб эшитилди.— Ҳамма нарсани ушлаб ё тишлаб кўрмаса бўлмайди. Аниқ биламан: ҳозир улар тўпланиб олиб, бирор жойида узғи йўқ бус-бутун ҳалқалар бир-бирига қандай кийгизилган экан, деб бош қотиришяпти... Ишонинг, уларнинг бу ишидан ёвуз ниёз йўқ. Кўришади, текширишади, лекин барибир бу сирни еча олмай, занжирни қайтариб жойига илиб қўйишади... Мана кўрасиз, илиб қўйишади,— дея такрорлади у, ҳар бир сўзини ҳамқишлоқлари эшитаётганига гўё амин ҳолда. Шундай деб қўймаса, муридларининг тарафини олмаса, унда улар яна бошқа фириблар ўйлаб топиши мумкин.

Бенишон чолнинг мулоҳазаларига қўшилаётгандек бўлди.

— Яхшиямки, бояқишни туз қисиб қолган, қулаб тушганида нима бўларди?... Ана унда сўягини йиғиштиролмай ҳам қолардик... Лоақал шунинг фаҳмига боришмадимикан?

— Албатта, фаҳмига боришган,— деб юмшоқ табассум қилди оқсоқол.— Табиат яратган бу бандалар айрим нарсаларга биздан яхши тушунишадан...

— Нимани назарда тутяпсиз?— Бенишон жиддий қиёфада кўллари орақга қўйиб, қовоғини солди.

— Кўп нарсани,— дея жавоб қилди чол сирли тусда. Кейин диққат билан қулоқ солиб турган мушрикларига эшиттириб, давом этди:— Қилган ишлари яхши эмаслигини, мурдага занжирини қайтариб беришлари лозимлигини тушунишадир ўзлари.

— Худо олсин ўша занжирларни!— деб Бенишон бирдан типирчилаб қолди ва нима қиларини билмай қоя сахнчасида зир-зир югура бошлади. Чунки оқсоқолнинг ўз ҳамқишлоқлари ёнини олаётгани уни нукул жаҳлини чиқараётган эди.— Нимадир ўйлаб топиш керак... Жала қўйган маҳал ёки кучли шамол эсганда шўрлик пастга учиб тушади. Кечиктириб бўлмайди!— Жавоб кутиб, оқсоқолга қаради, ахир, у энди фақат чолнинг ройишига қараб иш тутишга ва ҳар жиҳатдан унга эргашишга аҳд қилган.

Чол — донишманд, у Бенишонни зўрламай, сездирмай шундай йўлга солиб турадики, худди Бенишон бировнинг аралашувисиз, мустақил иш олиб бораётгандек бўлаверади. Ўйин қондасига риоя этишса, иккаласининг ҳам виждони тоза қолаверади. Аслида-ку, Бенишон бекор қолган пайти ўйлаб ўзини аблаҳ, оғир сезиши мумкин, нега деганда унинг ёш қалби бунақа оғир синовга биринчи марта дуч келиши, ахир... аммо виждонан қийналиб ўтиришга энди фурсат йўқ, қолаверса, ҳаммаси аллақачон ҳал бўлди ҳам шекилли...

— Жала ёғишини кутаймикан, деб ўйлаб турувдим, лекин қарасам...— дея минғирлади Бенишон.

— Тўғри қиласиз,— деб қуватлади оқсоқол ва гўё кимнидир ахтаргандай теваракка олазрак қаради.— Жаладан кейин мурдани қоплаган туз янаям қалинлашади. Ахир, тепалик буткул туз бўғларининг оғушида қолган. Заҳарли ҳаво гардиши уни ўраб олгандек...

— Буни мен ўйламабман, — деди Бенишон ғамгин оҳанг-да. — Шундай қил деб маслаҳат берасизми?..

— Белдан арқонни ўтказиб, манглайи қоранинг ёнига тушиб текшируви бошлаш керак. Хоҳласангиз, мен бел боғлайман...

— Қўйсангиз-чи! Ўзингизни уринтирманг!

Оқсоқол қийиғига қистирилган куракчани суғурди-да, қўлида айлантирди.

— Бу матоҳ керак бўлади...

— Ҳа, ҳа...— Бенишон жар ёқасидан пастга кўз ташладию бунча баланддан қандай осилиб тушишини тасаввур этиб юраги орқасига тортиб кетди. Бу орада чол пахталик билан арқоннинг ҳар ер-ҳар еридан тугун тугар, пишқ боғландими, йўқми — текшириб кўрар эди. Аини чоқда Бенишонни у илгари оёғига арқон боғлаганидаги шошма-шошарлиги, масъулиятсизлиги учун койиб кўярди.

— Сиз ўзингизни, йигитча, муқаррар ҳалокатга тутиб берган эдингиз,— деб қўшиб қўйди у, гўё ўзининг устунлигини ҳозирча сал-пал пардалаб таъкидлашга ҳаракат қилаётгандек.

Ҳамма нарсани тахт қилгач, оқсоқол нарироқ борди-да, бир дўнгликка чўкди. Модомики, Бенишон юрагининг туб-тубида унга ҳали ҳам ишонмаётган экан, чолнинг кўнгли арқондан узоқроққа ўтиришни тусаб қолган эди. Ҳам доим одамнинг кўзи ўнгида бўлади.

Чолнинг бу қилиғи Бенишонга сал тегиб кетди ва у, сизнинг садоқатингизга ҳеч шубҳа қилмайман, деб оқсоқолни ишонтириш учун дилини яна очмоқчи ҳам бўлди, лекин аҳдидан қайтди: бу мавзуда бошқа гапирмаслики маъқул кўрди.

Қисқа дуо ўқиб оқсоқол Бенишонга оқ фотиҳа берди. Бенишон осилиб туша бошлади. Олдиниға асабийлашиб турди, кейин оёғи ўйиқ жойга теккач, ўзини дадилроқ сезди — оёқ қўядиган бунақа жойлар пиллапоя сингари то занжирбанд мурда осиглик турган жойгача қатор ўйиб чиқилган эди.

«Буларни одамлар занжирни олиш учун ўйишган», деб ўйлаб топди Бенишон ўша қароқчиларнинг изидан тушиб бораркан. Оқсоқол эса ҳамон унга далда бериб қўл силкири эди.

Бенишоннинг оёғи тасодифан мурданинг бошига тегиб, бўғиқ бир товуш чиқди. Бу товуш уни шунақа кўрқитиб юбордики, кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Мурданинг туз қобиғи қотиб қолибди,— деб бақирди оқсоқолга, базўр ўзини кўлга олиб: чунки бояқиш чол Бенишоннинг кўрқувдан инграб юборганини эшитиб, юзи бўзариб, титраб-қақшаб ўрнидан сапчиб туриб кетган эди-да.

Яна икки қарич тушдию Бенишон мурдага тенгма-тенг осилиб қолди, лекин ажаб, на раҳм шафқат ва на жирканиш ҳис қилди. Ҳолбуки бунчалик шафқатсизларча таҳқирланган жафоқашнинг баданига елкаси тегиб турарди.

Балки Бенишон мурданинг туз ниқоби тўсиб қўйган юзини кўрмаётгани учун хотиржамдир. Куракчани унинг кўрагига урган эди, бўғиқ садо чиқди, холос, тузнинг бир зарраси ҳам кўчмади...

— Туз эмас, тош-а,— дея такрорлади Бенишон. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб юраги типирчилаб ўтирган оқсоқол бу гапни эшитиб ҳатто сал туриб олди.

Мурданинг танасини жароҳатламасдан туз қобиқни ундан ажратиб амримаҳол эди. Энди нима қилсам экан, деб ўйлагунча Бенишон ноҳос мурданинг ўнг қўлида нимадир борлигини пайқаб қолди.

— Қўлида бир нима бор шекилли,— деб хабар берди оқсоқолга.

Чол бошини силкиди ва нақ бўлмаса «Мен буни билардим», деб юбораёзди, лекин айтса нималар рўй бериши мумкинлигини ўйлаб, вақтида ўзини кўлга олди.

Бенишон эса товушини чиқариб мулоҳаза қиларди:

— Нима экан бу? Эҳтиётлик билан олиш керак...

— Ҳаракат қилиб кўринг,— деди оқсоқол.— Кейин, бугунга етади шуниси ҳам... Бугдан бошингиз айланиб қолмасин тагин деб кўркаман...

Мурда қорнининг туздан қалпоқ кийгандек тиккайиб чиқиб турган жойига Бенишон оёғини тираб, қўлига ёпишган тузни ушатиш учун куракчаси билан ура бошлади.

Ингичка, узун бир нарса кўчди: чамаси, мурда қўлини сал очди шекилли. Мабодо Бенишон қаққонлик қилиб, у нарсани учиб кетаётган жойида ушлаб қолмаганида, пастга — бирорта уйнинг томига келиб тушарди ва аллақандай мушрик шунчаки қизиқсиниб оларди-да, ичида нима бор экан деб синдирган бўларди...

Топилдиқни тишида тишлаб, Бенишон шоша-пиша оқорилай бошлади. Чунки буг аллақачон бошини айлантира бошлаган эди. Оқсоқол чопа келиб, унинг тепага чиқиб олишига кўмаклашиб юборди.

— Мана, керакли ашёвий далил.— Бенишон енгил тортиб













Қисса

# Девордаги кичкина темир эшик

Рус тилидан Озод Шарафиддинов таржимаси



Расмларни Д. Мурсалимов чизган.

Валентин  
Катаев

Парижнинг янги лапарчиси Марсель Амоннинг концерти кетаётган эди. У шухрат йўлидаги биринчи қадамларини ҳозирча шу ерда — чап соҳилда бошлаганди. У ғайрати ичига сиғмаган ёш йигитнинг шаҳдам юриши билан саҳнага юриб эмас, югуриб чиқиб келди. Устидаги ипак матодан тикилган костюм прожекторлар нурида товланарди. Бўйнида кўк галстук, кўйлаги ҳаворанг. Оёғида ялтираб турган тумшуги ингичка қора туфли. Бу йигит ўрта яшар бўлса-да, қадди-қомати келишган, анча хўшрўй, тишлари оппоқ, табассуми, ўн етти яшар спортчиларникига ўхшаб кетарди... Жаз шу ерда саҳнанинг ўзида жойлашган эди. Жаз музикасининг садолари остида Марсель Амон кўшиқларини куйлай бошлади. У кўшиқни кўшиққа улаб юборар, уларнинг орасида танаффус қилиб, тин олмас, баъзан эса томошабинларнинг кўнглини олиш учун бўлса керак, умбалоқ ошар ёхуд саҳнада оёғини осмонга қилиб юриб ўтарди. Бироқ шунда ҳам устидаги костюми қилт этмас, идеал қиёфасини сақлаб қоларди. Унинг овози анча дуруст эди; музикани ҳис қилиши ҳам зўр эди.

Унинг кўшиқлари ёқимли, серҳис, фикрга бой эди. Аммо уларнинг мазмунида чинакамига сиёсий аламаздалик йўқ эди, шунчаки беозор олифталик бор эди. У Франциянинг типик лапарчиси бўлиб, ўз ишига моҳир, аёлларнинг офатижони эди, аммо ҳақиқат учун курашчи эмасди. Парижда бунақа лапарчилар жуда кўп. Совет томошабинларига бошқалардан кўра кўпроқ ҳақиқатан ҳам бақувват истеъдодга эга Ив Монтан яхши таниш.

Уйлайманки, Монтегюс ҳам шунақароқ кўшиқчи эди, бироқ у сиёсий жиҳатдан ўткирроқ, дадилроқ бўлган, унинг саҳнадаги қиёфаси ҳам бошқачароқ — ўз замонасининг руҳига мос бўлган.

Шундай қилиб, мен Ленин бориб турган «Бобино» театри ҳақида яхши тасаввурга эга бўлдим. Лекин тасаввурим, бари бир юзаки эди. Хаёлимда Монтегюс образини ҳосил қилишим қийин эди. Ленин замонасида Парижда катта хибонларда ва пастқам жойларда ҳали апашлар деб аталган безорилар бўларди. Уларни ўша замоннинг стилиягалари дейиш мумкин — улар тўғри келса жиноятдан ҳам қайтмас эдилар. Фонус остида қаққайиб турган апаш тунги Парижнинг муқаррар кўринишларидан эди. У ахлоқ, оила ва мулкка қарши анархистик норозиликнинг рамзидай бўлиб қолган эди. Апашлар — бадавлат буржуа Франциясининг баданидаги нохуш чипқон эди.

...Эҳтимол, туғма Монпарнаслик Шарль Раппопорт гўзал оқшомлардан бирида Ленини «Монтегюсга олиб боргандир. Қизик, рус революционерларининг раҳбарига Монтегюс ёқармикин? Концертдаги одамлар зўр кишилар, пролетарлар. Ишчи жувоонларнинг арзон баҳо шляпалари, ишчиларнинг (Монпарнас вокзалидаги депо темир йўлчилари бўлса ҳам ажаб эмас) кепкалари, ғала-ғовур, хитоблар, ҳазил-мутойиба... Электр чироқларидан кўзни толиқтирадиган ёруғ нур таралади. Иссиқ «Коти» атирининг ҳиди анқиди. Ленин пальтосини ечиб, бошқаларга ўхшаб, уни ўриндик остига тикади, котелогини полга қўяди.

— Қани, кўрайлик. Кўрайлик... Эшитайлик...

Ленин қўлларини бир-бирига шаҳдам ишқайди, қувноқлик билан мижжаларини қисиб қарайди. Шаҳар чеккасидаги оддий пролетарлар ўртасида у ўзини жуда яхши ҳис қилади — ахир, ишчи халқи унинг жону дили...

...Ниҳоят, чироқ ўчди. Кўнғироқ ўрнига француз театрларининг одатига кўра таёқ билан саҳнага уч марта қарсиллатиб уришди. Парда кўтарилди.

Пардалар ортидан саҳнанинг олд томонига қўлини чўнтагига тикиб олган Монтегюс бир оз эгилиб, шаҳдам қадам билан чиқиб келди. Унинг кийими апашларникини эслатарди — блузкаси йиртиқ, унинг тағида йўл-йўл фуфайка, қип-қизил матодан кенг белбоғ, шими эзилган, ғижим, катта кепкасининг соябони остидан толим-толим қора сочлари пешанасига тушиб турибди. Ботинкаси янги, ярақлатиб мойланган. Ўзига зеб берган ҳар қандай апаш шундай қилади.

Монтегюс кўшиқларини ролял жўрлигида айтарди. Томошабинлар Монтегюсни ҳамжиҳатлик билан олқишлаб бўлгунларича, ролял чаладиган аёл кутиб турди-да, кейин бирдан бақувват, мускулдор қўлларини ролял тугмаларига урди — Монтегюс кўшиқларини бошлаб юборди. Ҳар банддан кейин

\* Охири. Бошланиши журналнинг 4-сониди.

у оёқлари билан музика маромида ҳаракат қилиб кўярди. Унинг овози дағал, бўғиқроқ эди, баъзан у овозини жуда кўтарарди. Буларнинг бари у саҳнада яратётган образга — жамиятга уруш эълон қилган хўрланган ва ҳақоратланган қашшоқ инсон сиймосига мос келарди.

У ашулаларни бирин-кетин танаффусиз айтди. Умуман олганда, бу кўшиқларда инқилобий мазмун зўр эмасди, улар етарли даражада серхис, ҳатто баъзан бачкана кўшиқлар эди. Аммо шунга қарамай, уларда ижтимоий норозилик яққол сезилиб турарди, баъзан эса ҳатто революцион оҳанглар ҳам сезилиб қоларди.

Ленин бу кўшиқчининг ашулаларини бошини хиёл эгиб, саҳнага қиялаб қараганда хайрхоҳлик билан тингларди. Монтегюснинг энг зўр кўшиғи «Ун еттинчи полкка салом» деган кўшиқ эди. Шу кўшиқ бошланганда унинг қовоқларига кўк суртилган кўзлари ғазаб билан чақнарди.

Фаранг юртин севдик баримиз.  
Сен содиқсан, содиқмиз биз ҳам.  
Уқалидир энгилларингиз,  
Аммо бизга юртдошсиз сиз ҳам.

Онангизни отгандан кўра  
Афзал ахир қамоққа бормоқ.  
Маҳбусларнинг сафлари аро  
Замбилғалтак билан юк тортмоқ.

Залдагилар нақоратга жўр бўлишади.

Салом сенга, саломлар сенга,  
Ун еттинчи ўқчи полк, салом.

— Хўш, бунга нима дейсиз, азиз дўстим?— деб сўрайди Шарль Раппопорт.— Ростдан, чакки эмас-а?

— Formidable!— дея хитоб қилади Ленин ҳақиқий парижликларга хос чучуқ тилда. Унинг кўзлари чақнайди, чиндан завқланмоқда.— У биз рус муҳожирларининг пуллик концертида чиқишга кўнармиким? Албатта, ҳақини тўлаймиз.

— О, албатта. У жуда яхши ийғит. Биз уни ашаддий социалист деб ҳисоблаймиз. Балки у бепул чиқишга кўнар.

— Унда яна ҳам саз бўларди.

Томошадан кейин театр фойесига рояль чалган аёл Монтегюс кўшиқларининг тексти ёзилган ноталарни сотди. Ҳамма нота варақларида шюрга ўхшаган бир гап босилган эди: «Мен ўзимни алдамайман. Мен адиблик даввосида эмасман. Мен адабиётга туфлашни истардим. Мен гапимни ўзим эплаганча айтаман. Эътиқодим — менинг ёлғиз истеъдодим. Халқ қандай гапирса, мен шундай ёзаман. Шунинг учун халқ мени тушунадим».

— Бунда бир нарса бор, — деди Ленин кулиб, ва айни чоқда, «мен адабиётга туфлашни истардим» деган кўпол иборатга ўша келди.— Ҳм, Ҳм... Бу адабиётнинг қанақалигига боғлиқ. Агар аксилинқилобий бўлса, қарши эмасман. Лекин ҳаммасини яхлит олганда — чакки эмас.

Кейин ҳаммалари кўчага чиқишди. Кўча тарқалаётган томошабинларга тўла эди. Ҳузурбахш санъати учун миннатдорчилик изҳор этгани Монтегюс артистлар чиқадаган эшик олдида кутиб туришди. Ленин Монтегюснинг олқа вазелин артилган кўлини эҳтирос билан қисди. Афтидан, у ҳозиргина вазелин ёрдамида саҳнадаги гримини, айниқса, кўзлари теварагидаги кўк бўёқни артиб ташлаган эди.

Шундан кейин рус социал-демократлари ўзларининг партия кассаларини тўлдириш учун ўтказадиган кечаларига Монтегюснинг таклиф қила бошлашди ва Монтегюс бундан бирон марта бош тортгани йўқ.

Мен Монтегюснинг шахсияти ҳақида батафсилроқ билмоқчи бўлдим. Ҳар гал Парижга келганимда турли хил жойлардан — Мораццанининг театр агентлигидан, таниш актёрлардан, шоирлардан, драматурглардан уни суриштирдим, лекин эътиборга лойиқ арзигулик ҳеч нарса билолмадим. Актёрлар ва шоирлар жуда ёш эдилар, улар, албатта, Монтегюснинг кўрган эмасдилар. Мораццани бўлса менга қуйидагиларни айтди: ҳақиқатан ҳам, шунақа кўшиқчи ўтган, коммунарнинг ўғли бўлган, 1953 йилда саксон ёшидан сал ўтиб вафот этган. Ундан кейин қариндош-уруғлари қолганими? Қарда истиқомат қилган? Номаялум. У ҳеч ким билан мулоқотда бўлмаган ва ҳеч кимга адресини берган эмас. Парижда эса адрес бюроси йўқ. Агар одам истиқомат қиладиган жойини биров билишини истамаса, бу жой умрбод ҳамма учун номаялум қолаверади. Полиция бундан мустасно, албатта. Қариндош-уруғлари ҳам йўқ. У ёлғиз яшаган ва ёлғизликда вафот этган. У аллақандай

ёмон фикрдан доимо сиқилиб юрган қариядай, ўз қобиғига ўрналиб ҳаёт кечирганди. Мен унинг кўшиқлари ёзилган ноталарни топишга уриндим, бироқ бу ҳам натижасиз бўлди. Аммо бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди. Бироқ бошқа бир масалада омадим келиб қолди. Парижлик дўстларимдан бири жуда яхши фикрни айтиб қолди — у кекса эстрада артистлари уйига боришни маслаҳат берди. У ердан эҳтимол, Монтегюс билан бирон кекса эстрадани топиш мумкин бўлар...

Ҳаммасидан ташқари, бир замонлар Париж мюзик-холлари ва кабареларининг шуҳрат қозонган юлдузларига умрларининг охирида бошпана бўлган бу кўлаби хайрияни кўришининг ўзи жуда қизиқ эди. Кекса артистлар учун бу уй машҳур Морис Шевальенинг маблағига уюштирилган эди. У шаҳарнинг ташқарисида, далалар ва ўтлоқлар бағрида, адашмасам, Вильжюан районида жойлашган эди. Бу иморат ўн саккизинчи асрга, балки ўн еттинчи асрга мансуб бўлиб, икки қаватли, мансардали, узун, вақт ўтиши билан қорайиб кетган, француз неоклассицизми услубида бўлиб, Версаль қасрига тақлидан қурилган, «шато» деб аталувчи, яъни француз дворянининг қасри эди.

Машина ойнаванд эшик олдига келиб тўхтади. Иморатнинг биринчи қавати узунасига ойнаванд эди. Биз жуда баланд эшикдан ўтиб ичкарига кирдик. Эшик дастаси қадимий мисдан ишланган бўлиб, анчадан бери артиб тозаланмаган эди. Бизнинг келишимиздан огоҳ қилишганди. Бизни тавозе билан администратор кутиб олди. Администратор нима мақсадда келганимизни билолмай хунуб эди. Ахир, кўп йиллар давомида бу муассасага — ажнабий одамни-ку қўяберинг, умуман биронта фахрий меҳмон бош суққан эмас. Ҳозирги келганлар эса расмий номерли машинада келишди. Мен келишимиздан мақсад нималигини айтдим. Бизни чоққина меҳмонхонага таклиф қилишди. Унинг анжони — ҳар хил услубдаги дақиқюнсдан қолган мебеллардан иборат эди — улар ичида Модовикларнинг ўриндиғи ҳам, Жаҳоб столлари ҳам, кунгиралари мисдан ишланган нақшли хонтахталар ҳам, устига шиша қалпоқ кийдирилган қадимий бронза соатлар ҳам бор эди. Буларнинг бари вақт таъсирида оҳори тўжилиб, хиралашган баланд кўзгуда акс этиб турарди. Деворларда ўнгиб кетган зангори-жигарранг ипак гиламлар осигилик бўлиб, уларда сершоҳ даракхалар ва шоҳдор кийиклар тасвирланган эди. Шунингдек, Чайковскийнинг портрети ҳам бор эди, бироқ яқинроқдан қараганда сурат Виктор Гюгонини бўлиб чиқди.

Меҳмонхонага иккита қария билан абжиргина кампир кириб келишди. Уларни менга Монтегюснинг ансамблдош ўртоқлари деб таништиришди. Қариялар лапарчилар, кампир эса пианиночи бўлган, Монтегюс уларнинг жўрлигида куйлаган экан. Кўп йиллардан бери ҳеч кимнинг иши бўлмай юриб, энди бирдан кимдир қизиқиб қолгани учун улар ҳаддан ташқари хурсанд бўлишган, ҳатто бирмунча ҳаяжонда эдилар. Улар тўғридан-тўғри менинг кўз ўнгимда гарибхонанинг майда гаплар ичида ўралашиб қолган, ҳар куни ҳар хил фисқу фасодлар билан умр ўтказувчи одамларидан улў эстрада санъатининг мафтункор вакилларига, зукко сўхбатдошларга, Париж томошабинларининг севимли актёрларига айланишди-қолишди. Айниқса, пианино чаладиган кампир куйиб-пишиб, унутилмас Гастон саҳнага қандай чиққанини, ўзининг машҳур «Ун еттинчи полкка салом» кўшиғини ижро этганида саҳна бўйлаб қанақа қадам ташлаганини, ўзи устида Шоссэ д'Антенн кўчасидаги машҳур Кутюр хонимдан сотиб олинган ҳашаматли либосда, сочини баланд турмақлаб, қулоғида аллақандай зираклар билан эмас, чинакам дурлар билан саҳнага қандай чиқиб келганини кўрсатиб берди. Монтегюс қанақа эди деган саволга кампир «у ҳаммиса шоввоз эркак бўлганди» деб жавоб берди. Кампир бошдан-оёқ ўзгариб кетди, ҳатто чинакам шантан қизларидек кўзини суза бошлади, бироқ шу ўринда қариялардан бири гапга аралашди. Бу очққўнғил, бақалодан келган чол одатда қора костюм билан кийиладиган «жоңабой» деб аталадиган йўл-йўл шим кийган, устида тирсақлари анча ўнгиб кетган духоба пиджак, тепакал, қизил юз, семиз гавдаси рақс тушаётгандай тинимсиз силкиниб турадиган одам эди. У Монтегюснинг энг яқин дўсти бўлганини, уларнинг иккови ҳам эстрадада ҳар хил жанрларда чиққан бўлсалар-да, жуда катта муваффақият қозонганларини айтди.

— Менинг азиз дўстим Монтегюс саҳнага анча романтик ва ҳиссиётли ҳолатда чиқарди. Унинг чиқишлари сиёсий жиҳатдан ўткир бўларди. Мен эса кўпича жўнроқ, хе-хе-хе, сибсатдан узокроқ кўшиқлар билан чиқардим. Лекин бу мен билан Монтегюс ўртамизда қадрдон дўст бўлишимизга ҳалақит берган эмас.

— Биласизми, — деб сўрадим мен. — Ленин Монтегюснинг кўшиқларини эшитган. Улар Ленинга манзур бўлган.

— О, албатта! Буни бутун Париж билади. Биламан, улў Ленин Совет республикасига асос солган. У боёқш Монте-



поснинг истеъдодини жуда ҳурмат қиларди. Бунинг ҳайрон қиладиган жойи йўқ. Ахир, Монтегюс ҳам ўта сўл эди-да. Ҳақиқий қизил эди. Унинг битта қўшиғи ҳаддан зиёд инқилобий эди. Тасаввур ҳосил қилмоғингиз учун уни сизга айтиб бераман. Урушга қарши. Марш. Мана бундоқ.

Бахмал костюм кийган қария дўсти Монтегюсга тақлид қилиб, бир қадам олдинга юрди-да, оёқлари билан полни тапирлатиб, бир оз қалтироқ, аммо дадил овозда куйлаб юборди:

Фалокат бурғуси, қулфат бурғуси  
Маънос-маънос юришга чорлар:  
Ғу-ғув, ғу-ғув, ғу-ғу-ғу-ғув.

У текстнинг давомини унутиб қўйган экан. Эскириб кетган гилам устида «бир-икки, бир-икки» деб пичирлаганча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бу орада солдатчасига честь бераётгандек Виктор Гюгоннинг портретига қараб ҳам кўярди.

— У ҳақиқий ватанпарвар эди!— деб хитоб қилди пианиночи кампир кўзларида ёш билан.— Ҳақиқий революционер!

— Мен бунақа деб ўйламайман,— деди озгин, яноқлари ичига ботган, қошлари типратиконнинг найзасига ўхшайдиган иккинчи қария.— Балки, аввалига Гастон ҳақиқатан ҳам қизил... аниқроғи: пушти бўлгандир... Бироқ орадан кўп ўтмай у ўзининг идеалларига хиёнат қилди ва Клемансо, Брианга ўхшаш ренегат бўлиб олди...

— Гастон Монтегюс ҳақида бундай дейишга ҳақдингиз сизгамайди!— деди баландпарвоз оҳангда бахмал костюм кийган чол юришдан тўхтаб.— Монтегюс жуда ҳам олижаноб одам эди. Ҳақиқий радикал, революционер бўлганди!

— У ҳеч қачон революционер бўлган эмас!— деди қошлари типратикон найзасига ўхшайдиган чол зарда билан.— Такрор айтаман, сизнинг Монтегюсингиз ренегат бўлган. Мен унинг дўсти эдим, лекин ҳақиқат мен учун қадрлироқ.

— О, унинг гапига қулоқ солманг, мсьё!— деб қичқирди биринчи қария қалтироқ қўлларини мен томон қўзиб.— Монтегюс қизил эди...

— Мен сизга айтяпманки, ренегат, реакционер ва шовинист бўлган.

Буни эшитиб, пианино чаладиган кампир қўлларини силкитди. У лапарчи қарияларни муросага келтирмоқчи бўлиб, улар орасида парвона бўлмоқда эди. Аммо бунга муваффақ бўлолмагач, елкасини қисди-да, менга мурожаат қилди:

— О, худойим-ей! Франциянинг бутун фожияси шунда-да! Одамчи бор, ҳаммаси бир-бирига сиёсий душман. Французлар ҳаммиса ўзаро сиёсий мавзуларда баҳслашгани баҳслашган. Бечора Франциянинг аҳволи шу!

— Монтегюс ренегат бўлганини менга исбот қилиб беролмайсиз!— деб хитоб қилди биринчи қария.

— Исбот қилиб бераман,— дейди иккинчиси.

— Исбот қилинг!

— Ун тўртинчи йилнинг июлида дўстим Гастоннинг социализми учига чиққан миллатчиликка айланиб кетди.

— Бунақа дейишга ҳақдингиз сизгамайди.

— Йўқ, сифади, афандим, сифади. Бечора Жорес ахлақ бир қотилнинг қўлидан нобуд бўлган бир вақтда Монтегюс эстрададан туриб фронтга кетаётган ишчини ва унинг дугонаси, унга доимо вафодор қолувчи «Франциянинг мовий қизини олқишлаган эди. Монтегюс халқни жаҳон империалистик урушининг энг қайнаган жойига ундаган. Гюстав Эрве деган собиқ социалист ўтган. У ҳам Монтегюсга ўхшаган ренегат бўлган. Шунинг газетасида Монтегюс ҳар куни жанговар руҳдаги лапарларни чиқариб турган. У немисхўр одамга айланган эди.

— Тўғри-да! Бошларни маҳв этиш керак. Лекин шунга қарамасдан сиз Гастоннинг шовинист бўлганини исбот қилиб беролмайсиз. Исбот қилинг-чи!

— Исбот қиламан ҳам. Марҳамат. Эшитинг... Разил Эрвеннинг газетаси «Ижтимоий уруш» деган қалбаки ном билан аталарди. Йигирма бешинчи август куни шу газетада дўстимиз Монтегюснинг шеъри босилди. Тан бериш керак — бу шеър социалистларнинг пролетар интернационализмига хиёнатининг жуда зўр намунаси бўлган.

Шундай деб иккинчи қария сўлакайларини сачратиб, Монтегюсга тақлид қилиб куйлай бошлади:

Nous chantons la Marseillaise  
Car dans ces terribles jours  
On laisse l'Internationale

Pour la victoire finale,—  
On la chant,ra du retour.

Бунинг маъноси куйидагича: «Биз Марсельезани куйла-япмиз, чунки бу даҳшатли кунларда «Интернационални» узил-кесил галабага қадар бир чеккага олиб қўйдик. Уни қайтгач куйлаймиз».

— Уша донғи кетган Монтегюсингиз биринчи империалистик уруш пайтида мана шунақа бўлган. Боёқиш Гастонга буржуазия мадҳиялар ўқий бошлагани бежиз эмас.

— Жаноблар! Дўстларим! Уришманглар!— деб қақағларди пианиночи кампир.— Юринг, мсьё,— деб менга мурожаат қилди у.— Яхшиси, сизга унинг фотосуратини кўрсатаман. Суратда худди тирикдай...

Лапарчи чоллар қанчалик тез жазавага тушган бўлишса, шунчалик тез совушди. Шундан кейин ҳаммамиз машҳур француз эстрадаларининг протретлари осиб қўйилган хонага йўл олдик. Уларнинг орасида, албатта, бу ғарибхонанинг асосчиси, Париж лапарчиларининг қироли, афсонавий Морис Шевальенинг ҳам мойбўёқда ишланган каттакон портрети бор эди. Бу келишган эркак сувратда похол шляпасини бошига қийшиқ кўндириб олганди. Яна бир ойна ичидаги фотосуврат кўзга ташланарди — унда улўф француз лапарчиси Мистангет бор бўйи билан тушган эди. У усти очиқ автомобильнинг орқа ўриндиғида бир қўли билан ўзининг валансын тўрларидан тикилган ақл бовар қилмайдиган кўйлагининг кўпиксимон этагини ушлаб олганча, иккинчи қўли билан эса беҳад чиройлик соябонни ушлаганча тикка турарди. Мистангетнинг бошида туякуш патлари тақилган дурра бўлиб, у бриллиантлар билан безатилган эди. Унинг жиндай бурилиб турган содда юзидан (олтмиш ёшли париж аёлининг чеҳрасидан) шунақа сўлмас мухамбат қудрати ёғилиб турардики, мен беихтиёр унинг ёши улўғлигини ҳам унутиб қўйдим.

— Бу — улўф Мистангет,— деди шивирлаб пианиночи кампир. У ажиндор бармоқларини ажиндор лабларига ибодат қилаётгандай босиб турарди.— Яқинда Париж муниципалетити Мистангет ашаган уйга мрамар лавҳа осиб қўйди. Агар йўлингиз тушиб, Капучинлар хиёбонидан ўтиб қолсангиз, шу мрамар лавҳага эътибор беринг. Бу ака-ука Люмьерларнинг дунёдаги биринчи синемаси жойлашган уйдан унча олис эмас. Франция ўзининг буюк одамларини эъзозлашни ўрнига қўяди. Мана, менинг боёқиш Гастоним, — деб маънос илова қилди у.

Мен Монтегюснинг унча катта бўлмаган фотосуратини кўрдим. Ростини айтганда, унинг ташқи қиёфаси Марсель Кашен билан Шарль Раппопортнинг у тўғрисидаги ҳикояларини эшитиш жараёнида тасаввуримда ҳосил бўлган Монтегюснинг сиймосидан унча фарқ қилмас эди: бошида кепка, яноқлари гўштсиз, рангпар, устида френч. Хўмрайган кўзлар гивандниқига ўхшаб қотиб қолган. Упа сурилган оппоқ чеҳрада бу кўзлар ёқимсиз ажралиб туради. Бошининг орқасига суриб қўйилган кепканинг кенг соябони остидан чиқиб турган толим-толим сочлари соқоли қирилган юзларининг оқлигини янада кучайтиради. Умуман, суратдан менда нечундир ғалати, оғир таассурот қолди. Тўғрисини айтганда, энди Монтегюс билан жаҳон инқилоби ҳақида ошкора орзу қилувчи Ленинни ёнма-ён тасаввур қилишининг имкони қолмади ҳисоб.

Уша куни кечқурун Арагонларниқиди чойхўрлик қилдик. Гап айланиб Монтегюсга тақалди. Мен таассуротларим билан ўртоқлашдим.

— Бу Гастон Монтегюс деганларинг махфий полициянинг агенти эди,— деди Арагон қаҳр билан.— Ҳозир бу исбот қилинган. У чиндан ҳам коммунарнинг ўғли ва набираси бўлган, бу унга аввал ренегат бўлишга, кейин эса энг хашаки жосусга айланишга халақит бермаган. Бу одам ҳақида ортиқ гаплашмайлик.

Менга Монтегюс характеридаги анча нарса: ўз қобиғига биқиниб олгани, ёлғизлик, нохуш кексалик, ҳаётининг сўнггида ҳамма томондан унутилиб юборилгани аён бўлди. Ҳаётини социалист сифатида бошлаб, Сюрте Женеральнинг пуллик айбончиси сифатида тугатган одам учун ўз хиёнатига кўникиш унча осон кўчмаган, шекилли. Ленин унинг хиёнатидан буткул беҳабар бўлган. Уша пайтларда сотқинлик тез-тез учраб турадиган ҳодиса бўлган. Лоақал Роман Малиновскийнинг ўзи нима деган гап-а! «Чор ҳукумати,— деб ёзади бу давр ҳақида Крупская,— бутун ишчи ташкилотини айбон ва жосуслик тўрига ўраб ташлади. Булар энди кўчаларнинг муюлишларида

ғўддайиб турадиган эски жосуслар эмас эди — улардан қочиб яширинса бўларди. Булар Малиновскийлар, Романовлар, Брендискийлар, Черномазовлар эди. Уларнинг бари масъул... мансабларда эди» (масъул партиявий мансабларда!)

1910 йилда русларнинг Марказий Комитети ғоят оғир аҳволга тушиб қолганда «Впередчилар уюшишда давом этишарди,— деб ёзади Крупская.— Алексинский гуруҳи бир гал Авендю д'Орлеанда тулланган большевиклар гуруҳининг мажлисига боштириб кирди... Алексинский сурбет қиёфада стол ёнида ўтириб олиб, унга сўз беришларини талаб қила бошлади, сўз беришдан бош тортишгач, хуштак чалди. У билан бирга келган впередчилар бизникиларга ташланишди. Бизнинг гуруҳимиз аъзоларидан Абрам Сквон билан Исаак Кривой муштлашишга жазм қилишган эди, бизнинг зўр полвонимиз Николай Васильевич Сапожников (Кузнецов) Абрамни бир қўлтиғига, Исаакни иккинчи қўлтиғига қисиб олди, муштлашув масалаларида кўпни кўрган кафе хўжайини эса чирокни ўчириб қўйди. Муштлашув бўлмади. Аммо шундан кейин Илвич анчагача, тун яримдан оққунча Париж кўчаларида тентираб юрди, уйга қайтиб келгач эса, эрталабгача ухлаёлмади.

«Мана шу «латифанамо», ғийбату жанжалларнинг, беҳуда уришишлар ва сафсаталарнинг қоқ ўртасида ўтириш — азоб. Буларнинг ҳаммасини кузатиш ҳам азоб, — деб ёзади Ленин Горькийга Каприга. — Муҳожирлик ҳозир революциядан аввалга қараганда юз баравар оғирроқ. Муҳожирлик билан ғийбат қўшилиб кетган».

Нақадар аччиқ сўзлар! Ленин оғир кайфиятига эрк бериб қўймастикка аҳд қилди. Аммо у ҳам одам-ку! Одамга хос заифликлар унда ҳам бор. Жанубга боргиси келди. Тинчликни, хотиржамликни, гўзалликни, табиатни, қуёшни кўмсади. Зангори Бискай қўлтигининг соҳилларида арзон баҳода уйни ижарага олиб, ёзни ўтказиш мумкин эди. Баҳорнинг сўнгига Ленин Надежда Константиновна ва қайнонаси Елизавета Васильевна билан кичкинагина Порник қишлоғига жўнар экан, муҳожирлик ҳаётининг жамики фисқу-фасодини, ғийбатларини, ташвишларини бир томонга улоқтирдию ҳамма учун ва, биринчи навбатда ўзи учун қутилмаганда Каприга кетворди.

У муҳожирлик ҳаётининг ташвишларидан чарчагангина эмасди, у шунингдек, Россияни ҳам жуда соғинган эди. Корсика билан Сардиния оралиғидаги бўғоздан ўтиб борар экан, у ўзининг жонажон Волгасини эслади. Ҳар ҳолда онасига юборган откриткасида Ленин Марсельдан Неаполгача пароходда борганини ёзади: «Арзон ва ёқимли. Худди Волгадагидек суздим». Демак, Волга эсидан чиқиб кетмаган. Балки Корсиканинг бутазорлар билан қопланган тик қирғоқлари Жигулини эслатгандир. Ахир, у ёшлик йилларида қийиқ ёқали кўйлақда, елкасига студентлик тужуркасини илиб олиб, Жигули соҳилларида кезган. У малла сочили, дўнг пешанали, бўғдойранг юзини Жигули чўқилларида эркин сайр қилиб юрган шабадага ўгириб, ўзининг энг севимли кўшиқларидан бирини — «Волгада бир қоя бор» деган кўшиқни бор овозда ҳайқириб қўйлаган...

Балки эндиликда пассажир кемасининг юқори палубасида туриб, Урта Ер денгизининг ҳайрон қоладиган даражада кўк мусаффо сувига дярлик тик тушган Корсиканинг қояли қирғоқларини томоша қилар экан, Ленин ўзини лоақал бир лаҳза бўлса-да, ёлғиз, эркин ва ёш ҳис қилиб, ярим овозда кўйлагандир:

*Лекин Русда ақалли бир тирик зот бўлса,  
Майда-чуйда тамалардан у озод бўлса,  
Камбағални эзмай, ҳалол яшаган бўлса,  
Онасини севган каби севиб ҳурликни  
Эрк йўлида жондан кечиб ишлаган бўлса,—  
Этиб диққат билан қулоқ тутсин қояга,—  
Степаннинг ўйларини билониҳоя  
Сўйлаб берар ўша мардга азамат қоя.*

Бу кўшиқда доим Ленин халқнинг бир баҳодир ҳақидаги орзусини эшитарди. Баҳайбат қоя унга Степан Разиннинг энг эзгу орзуларини айтиб беради. Бизнинг ўзига хос шоирларимиздан бири Владимир Мерабут 1919 йилда — революция авжи қизиқ турган бир пайтда:

*Разин ва Ленин Россияси  
Оловли қуюнлар ўлкаси!*

деб ёзгани бежиз эмас эди.

Неаполдан онасига салом йўллар экан, Ленин бу ердан қисқа муддатга Каприга жўнаётганини маълум қилади.

Тасодиғи қарангки, мен ҳам 1910 йилда тахминан шу вақтларда — балки бирор ой олдин ҳам бўлиши мумкин — умримда биринчи марта Каприда бўлгандим. У пайтда мен ўн уч ёшда эдим, укам Жена — бўлгуси ёзувчи Евгений Петров — етти ёшда эди. Отам бизни чет элга олиб кетди. Одессадан Неаполгача денгиз билан, ундан нарёғига темир йўлда бордик. Албатта, Неаполдан кичкина пароходчада Каприга бориб келдик. Ушанда машҳур мовий ғор — «Гротто Азууро»га борганимиз бир умрга эсимда қолган эди. Қайиқчи шундоқки-на бошимиз устида қоя тошга маҳкамлаб қўйилган ҳул темир занжирни чаққонлик билан ушлай-ушлай тор ва паст тош йўлакдан қайиғимизни тезроқ ўтказишга жон-жаҳли билан уринганди. Бу ерда қудратли денгиз оқими гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, истаган дақиқада қайиғимизни силлиқ сўв ўтлари босиб кетган қоя тошларга уриб дабдала қилиши мумкин эди. Биз қайиқнинг тағига ётиб олдик, қўрқувдан кўзларимизни қисдик ва шу лаҳзада қайиқ хатарли жойдан ўтиб олганини, ғор ичида ҳаддан ташқари ёрқин, мовий сув устида сузиб бораётганимизни кўрдик. Дадам билан Женянинг ҳайратдан қотиб қолган чеҳралари, худди кимсизга черковдаги каби ғорни қуршаган ғовур, эшаклардан сувга томаётган томчиларнинг ўқдек қарсиллаб овоз чиқаргани эсимда. Қайиқимизнинг келишига қадади-қомати ҳам эсимда турибди. У тахминан менга тенгқур бир бола бўлиб, меҳмонларни «Гротто Азууро»га ўзи мустақил олиб келганидан бағоят хурсанд эди. Шунинг учун меҳмонлар бутун дунёга машҳур ғорнинг сеҳрли манзарасидан завқланишлариға кибор билан қараб турарди. У шимининг почаларини озгин оёқларининг тиззасидан юқорисига шимариб қўйганди, устида матросларнинг йўл-йўл қўйлаги. Унинг кенг пешанали чиройли боши, сал-пал жингалак сочлари, бошини неаполитанча танғиб олган қизил рўмоли, чарақлаб турган кўзлари умрбод эсимда қолган. О, ўша пайтда менга тенгқур шу италиян бола билан дўстлашишни қанчалар истаган эдим-а! У тик турганича жуда чиройли эшак эшарди. У билан бирга сузишгим, Урта ер денгизининг ажойиб сувида бўйиғишим келганди. Менга ҳам жиндай эшакни эшишга бериб туришини сўрагим, бизда — Қора денгизда ҳам болалар тик туриб эшак эшишини билишларини, чунки энциклопедик луғатларда ёзганларидек, Қора денгиз Урта ер денгизининг қўлтиғига эканини айтмоқчи бўлгандим. Йўқ, бўлмади. У гўё менинг имо-ишораларимни, кўз қисилларимни сезмагандай, фақат отамга мурожаат қиларди. Чунки уни отам ёллаган ва у билан лотинча гаплаша олар эди. Айтганча, бола бир гал сипогарчилигини сақлаб туролмай, менга дўстона табассум билан қараб қўйди. Унинг табассумини мен бир умр эслаб қолдим. Унинг номи Луиджини эди, шекилли.

Беихтиёр тахмин қилиш мумкинки, худди шу боланинг ўзи биздан бир ойдан кейин бир гуруҳ бошқа русларни — машҳур ёзувчи Максим Горькийни (скриторре Массимо Горки), унинг соҳибжамол рафиқаси, машҳур рус актрисаси донна Марияни (Неапол атрофларида аёл кишини синьора деб эмас, илганча йўсинда донна деб аташади) ва яна битта нотаниш русни «Гротто Азууро»га олиб борган бўлиши мумкин. Луиджининг фикрича, жиндай қисқ кўзлари ўткир, хандон отиб куладиган, ҳаммага эркин муомала қиладиган бу рус ҳамиша «Массимо Горки»нинг теварағида юрадиган рус конспираторларидан, бомбачиларидан бири бўлиши мумкин, ҳатто уларнинг каттаси бўлса ҳам ажаб эмас. Улар бу ерда — Каприга янги рус инқилобини тайёрлашяпти. Мақсад — подшо, помещиклар, фабрикалардан буткул қутулиш ва эски дунё харобалари устида социализмнинг қизил байроғини ўрнатиш. Луиджини чиндан ҳам адашмаган эди — бу синьор, ҳақиқатан ҳам, дунёдаги энг буюк революционерлардан бири эди.

Горькийнинг Ленин ҳақидаги хотираларидан ўша даврга тааллуқли бир неча сатр келтираман:

«У Капри оролидаги балиқчиларнинг турмуши ва хизмат ҳақлари тўғрисида, попларнинг таъсири ва мактаб тўғрисида илдан-илганасигача текшириб сўраб юрар эди; унинг бу даражада кенг қизиқиши мени ҳайрон қолдирар эди... Кишилардан шу қадар юқори турса ҳам, такаббурликдан ўзини сақлаган ва «оддий халққа» қизиқиб қарайдиган ўзга бир одамни кўз олдимга келтира олмайман. Унда қандайдир бир оҳанрабо қуввати бор эдию бу қувват меҳнат кишиларнинг юракларини ва муҳаббатларини ўзига тортар эди. У италиян тилида гапиришни билмас эди, шундай бўлса-да, Шляпинининг ҳам ва руслардан бошқа бир қанча буюк кишиларни ҳам кўрган



Капри балиқчилари қандайдир бир сезгирлик билан Ленинни ўзига айрим бўлган бир ўринга ажратиб қўярдилар. Унинг кулгиси жуда ёқимли кулги эди — кишилардаги аҳмоқликнинг хунуқлигини ва ниҳоят даражада ўткир айёрлигини жуда очик кўра оладиган ва «соддадил кишиларнинг» болаларча гўллигидан завқлана оладиган кишининг ёқимли кулгиси эди.

Қари балиқчи Живонани Спандаро унинг тўғрисида:  
— Фақат кўнгли оқ одамгина шундай кула олади,— деган эди.

Осмон сингари мовий ва тиниқ тўлқинлар орасида қайиқ билан чайқалиб юриб, Ленин «бармоқ билан», ёғочсиз қармоқ билан балиқ тутишга ўрганди. Балиқчилар унга қармоқ ипининг озгина қимирлаганини сезган ҳамона тортиб олиши кераклигини ўргатдилар.

— Кози: дринь-дринь. Капиш?

У ўша замонийёқ балиқни тортиб олди, юқори кўтарди ва болаларча қувониб, овчиларча қизиб кетиб, қичқириб юборди:  
— Аҳ-ҳа! Дринь-дринь!

Балиқчилар ҳам қаттиқ ва болаларча қувониб, хоҳолашиб кулиб юбордилар ва балиқчига «Синьор Дринь-дринь» деб ном бердилар.

Ленин Капри оролидан кетди, улар ҳамон:

— Синьор Дринь-Дринь қалай? Подшо қамаб қўймасмикин? Қамамас-а?— деб сўраб эдилар.

Албатта, италиялик кичкина қайиқчи Луиджи «Гротто Азуро»га кимсан — Ленинни олиб борганидан фахрлиниб юрса керак. Албатта, у ҳам Ленин подшонинг қўлига тушиб қолмадимикин деб хавотир олган бўлиши мумкин. Ленин Каприда бор-йўғи ўн саккиз кун бўлган холос. Шу кунлар давомида каприлик қайиқчилар, балиқчилар, ҳамоллар, гидларнинг икки кўзи унда бўлган — улар меҳр билан Ленинни кузатиб борганлар... Капрининг тор кўчаларида Лениннинг бақувват, миқти гавдаси уларнинг кўзига тез-тез чалиниб турган. Бу кўчалардаги деразасиз баланд тош деворлар устидан узум занглари, ёнғоқларнинг шоҳлари, зайтунларнинг қумушранг япроқлари, мевалари қандайдир тўққизил тутлар кўриниб туради. Улар Лениннинг Санта-Мария дель Сонкорсо капелласи ёнидан аста-аста қадам ташлаб ўтганини кўришган. Бу ердан унинг нигоҳи қаршида Неапол қўлтигининг кишини лол қолдирадиган хушманзара кўриниши, Искья ва Прочиди ороллари, Сорренгонинг чанг қоплаган кўкатлари намобён бўлган. Олиб-олисларда қумлоқ адирлар, устида туя ўрқачидек ўрнашиб олган оқ уйчалар теласида Везувий кўринади. Унинг кратери устидан кулранг тутун бурқсийди.

Бунининг «Сан-Францисколик жаноб» ҳикоясида шундай парча бор: «Бу оролда бундан икки минг йил аввал бир одам яшаб ўтган. У шафқатсиз ва разил ишларни шу қадар кўп қилганки, охир-пировардида чорасиз қарахт бўлиб қолган. У негадир миллионлаб одамларнинг инон-ихтиёрини эгаллаб олган ва бу кўдратнинг маънисизлигидан ўзини йўқотиб қўйиб, биров кўққисдан ўлдириб кетишдан талвасага тушиб, шафқатсизлигини янада авж олдирган. У шу қадар чегарадан чиққанки, инсоният уни эслаб қолган. Мана энди ҳозирги кунда дунёда ўша одамга ўхшаб шафқатсизлик билан ҳукмронлик қилаётганлар, ҳаммасини жам қилганда ақл бовар қилмайдиган одамлар дунёнинг ҳамма гўшасидан йиғилиб келиб, оролининг энг тик қияликларида бирида жойлашган, у истиқомат қилган тош уйнинг харобаларини зиёрат қилишади».

Капрининг диққатга сазовор бошқа жойлари қаторида Ленин ўша қонхўр золим қасрининг харобаларини ҳам кўрган. Бироқ бу харобалар унга алланечук бошқача таъсир қилган ёҳуд унинг қалбида қўрқув туйғусини уйғотган деб ўйламайман. Кўпдан бери у ўз ҳаётини турли-туман золимларга — ҳам ўлик, ҳам тирик мустабидларга қарши курашга бағишлаган.

Золимлар уни чўчотолмас эди. Бу золимларга қарши у ўзининг гениал ақл-идрокини, қайноқ қалбини йўллаганди. Уларга қарши курашда муқаддас инсоний ҳақиқатга таянардики, истаган золимнинг ҳокимияти ҳар қанча қўдратли кўринмасин, одамларга ҳар қанча энгилмас туюлмасин, бу ҳақиқат қаршида ожив эди. Уйлайманки, Ленинда италян қўшиғи ҳар нарсадан кўра ортиқроқ таассурот қолдирган. Горький уни эшакка миндириб, Анакаприга сەъҳатга олиб борганди. Бу ерда улар ҳаммалари биргаликда мўъжазгина қишлоқ траториясида бир шиша пуштиранг «Тиберия»ни майдалаб, кўнгилхушлик қилишган. Худди шу оқшом Ленин италянча қўшиқни эшитган. Бундай чоқларда золимнинг номи бир қўлоқдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетаверган, рақсларга ҳам, кўнгилхушликка ҳам халақит берган эмас.

Сўнги марта мен Каприга — 1910 йилдаги биринчи сафаримдан тахминан эллик йилча ўтгандан кейин бордим. Кейинги сафаримда шундай воқеа рўй берди. Биз шаҳар марказидаги кафтдеккина, эртадан кечгача туристлар аримайдиغان машҳур Капри майдонига қадам қўйишимиз биланоқ, кимдир менга синчиклаб қараётгандай бўлаверди. Майдоннинг бир томонида черковнинг кенг зинапоясидида гидлар, ҳаммоллар, қайиқчилар, меҳмонхона гумашталари ва туристларга аталган, қўлоғига қизил филофчалар кийдирилган эшакларнинг эгалари орасида менга ғалати бир тарзда таниш туюлган одамни кўрдим. Яриндор, миқти, калта қирқилган оқ сочлари билинар-билимас жингалакланиб турган, дўнг пешоналик бу одам олачипор кўйлагини шимининг устидан тушириб олганди. Кўйлагининг ёқасида иккитагина тугмаси бўлиб, енги калта, кекса қайиқчининг бақувват мускулдор қўли кўриниб турарди. У кекса бўлса-да, хушрўй эди. У мендан тиниқ кўзларини узмай тикилиб турарди. Биз елкасига чемоданларимизни кўтариб олган ҳаммолга эргашиб нариги томонга ўтдик. Бироқ у бошқа томонга қараб олган эди. Кўп ўтмай у эсимдан чиқди. Бироқ эртасига уни яна ўша жойда учратдик. У аллақандай немис туристлари билан гаплашиб турарди. У ўзининг моторли қайиғида немисларни «Гротто Азуро»га олиб бориб келишни таклиф қилаётганини фаҳмладим. Энди уни яхши билишимга шак-шубҳам қолмаганди, бироқ у билан қаерда, қандай вазиятда учрашганимизни ҳамон эслолмасдим. У мен томонга ўгирилиб қаради-да, босиққина жилмайди: юзидан очиккўнгиллиги билиниб турар, оқ сочлари калта қилиб олинган ва пешонасига тушириб таралган эди. Бу гал ҳам бир-биримизга бир оғиз гап айтмай ажралдик. Шунда бирдан эсладим... Кечқурун меҳмонхонамиздаги хашаматли ресторанда овқатланар эканмиз, ҳамма нарса эсимга тушди.

Ташқарида ҳаво айниб, ёмғир қуяр, туристларнинг кайфи тушиб кетган, Монте-Соляро ёнбағирлари бўйлаб босиб келаётган кузги оқшом кўйнида оғир қора булутлар ўрмаларди. Деразадан тоғдаги уфқ бир неча марта чақмоқнинг зангори оловидан ялтираб кетгани кўринди. Холлда ўриндиқлар ва кичкина столчалар устига намиққан макинтошлар ташлаб қўйилган, ҳаддан ташқари чиройли гулдасталарнинг расмлари ишланган оқ чинни полда эса қуритиш учун очиб қўйилган зонтиklar турарди. Залда деразалар ёпиб қўйилган, қора ойналар ортида тез-тез Тютчевнинг соқов демонларини эслатадиган ёғдулар шуълаланарди. Италиядаги ҳамма провинция шаҳарлардаги каби момақалдирос маҳаллий электростанцияларнинг ишига сезиларли таъсир кўрсатди; қандиллар ва торшерлар дақиқа сайин липиллаб қолди, улар хира тортиди, гўё ҳозир ўчиб қоладую ресторан зали жамики овқатланиб ўтирганлар билан бирга зулматга чўмадигандай туюларди. Нимжонгина шаҳар электростанцияси самовий кучлар ҳамласини энгишга ожиз экани сезилиб турарди. Ҳақиқатан ҳам, тўсатдан зал қоронғиликка чўмди. Баҳайбат деразалар ортида Муқаддас Эльма чироқлари ёнди, чақмоқнинг зангори тили ялт-юлт чақнади, ҳамманинг юзи ва қўли нурланувчи зангори шишадан ясалгандек туюла бошлади. «Шамларни олиб келинлар», — деди хотиржам, ҳокимона овозда метрдетель. Худди шу лаҳзада мен Луиджи деган болани, ярим аср аввал у тик турганча эшак эшиб, биз уччаламизни — отам, Женя ва мени «Гротто Азуро»га олиб борганини эсладим. Бугунги кунда бу ёруғ дунёда уччаламиздан бир ўзим қолганман. Шубҳа йўқ — Луиджи деган бола билан майдон ёнидаги зинада турган оқ сочли қайиқчи битта одам эди. Орадан эллик йил ўтиб биз учрашдик. Унинг хотираси тузуқроқ экан — мени биринчи бўлиб таниди. Энди мен унинг чеҳрасида барқ урган дўстлик ифодасининг, унинг менга аталган жиндай маънос, «рус биродарим, икковимиз ҳам қариб қолибмиз-ку» деяётганга ўхшаб табассумининг сабабини тушундим.

Эллик йил. Ярим аср! Бутун инсониятнинг ҳаётига қиёсан олганда нечоғлик арзимас муддат! Хизматкорлар зудлик билан ёқилган шамдонларни олиб киришди — улар худди жўшқин олтин гулханлардай ресторан залини, унинг гулларини, туваклардаги кўкатларни, биллур безакларни, крахмалланган салфеткаларни ярмигача муздеккина тиниқ оқ ёҳуд ловуллаб турган ўтга ўхшаш қизил шароб қўйилган қадаҳларни ёритди. Таассуфлар бўлсинки, синьор Луиджи билан яна учрашиб, бир-биримизнинг қўлимизни қисиб бизга ортиқ nasib бўлмади. Фақат бир гал қиш келаётгани учун эшикларга

тахта қоқиб ташланган чўмилиш жойида қоziқлар теварагида чўмилаётиб узокдан туристрлар тушган моторли қайиқни кўриб қолдик. У Марина Гранде кўлтиги бўйлаб Мовий ғор томонга кетмоқда эди. Унинг тумшугида эса оёқларини кериб қўйганича, юзини одамларга ўгириб олган синьор Лунджи эски моторнинг тарақ-туруғини босиб тушишга интилиб, Капрининг диққатга сазовор жойларини таърифламоқда эди. Мен уни бошқа кўрмадим, аммо ишончим комилки, янаги гал функиулерда кўтарилиб, ўша таниш майдонга киришим ҳамон, у ерда биринчи кўрадиганин синьор Лунджи бўлади ва биз эски қадрдонлардек бир-биримизга жимгина жилмайиб қараб қўямиз.

...Вақт беҳуда ўтганини, аниқроғи, вақт ўрин алмашаётганини ҳис қилиш туйғуси беқийёс ширин туйғу... Ҳозир, кексайиб қолганимда бу туйғу тез-тез мени исканжасига олиб туради. Кўз ўнгимда Капри эллик йил аввалги — 1910 йил июль ойидаги жазирама кунлардан биридаги қиёфасида намоён бўлади. Тошлоқ тик сўқмоқдан сакраб-сакраб, баҳайбат кактусларни ортда қолдириб, ўзи ҳузур қилиб чўмилаётган Марина Пикколо бухтасига кетаётган Ленинни кўраман.

Ленин Каприда турганида чўмилмаган бўлиши мумкин эмаску! Чўмилган бўлиши керак. Тасаввур қиламан: мана, у шимини ҳафсала билан тахлаб, пиджанин ечиниш хонасида илгакка осди. Бу хонада арзон кўзгу бор — у гўё тунокадан ясалгандек. Ечиниш хонасида қарағай тахталарнинг елим аралаш ҳиди анқийди. Тахтадаги тангадеккина кўз ўрнидан тушаётган бир тола нур туйфайли қарама-қарши деворда чайқалаётган тўлқинлар ва Фаралионе қояларининг кичкинагина, рангли, оёғи осмондан келган тасвири ўйнайди. Ленин чўмилиш хонасидан чиқиб, баданини совутиш учун оҳиста у ёқ-бу ёққа юради, кейин жиндай қиялаб зинадан оёқ тағларини куйдирувчи қоятош устига тушади, бир сесканадио бирдан қатъият билан сувга ташлиниб, теварак-атрофига сувлар сачратади. Аввалги у Волгаликларга хос тарзда деярлик белигача сувдан чиқиб, қулоч отиб сузади, кейин чалқанча ётиб олади-да, бақувват қўлларини боши остида қовуштирганча тўлқин устида чайқалади. Тўлқин эҳтиёткорлик билан уни олдинга ва орқага олиб боради, юқорига кўтаради, пастга туширади, унинг жазирама итальян қуёши ёритиб турган тилларанг гавдасини айлантиради. У ётган жойида кўзларини сал юмганича сарғиш киприклар орасидан нурли оламнинг аллақандай фантастик, деярлик мавҳум ва айни чоқда сезиларли даражадаги моддий шуълаларини кўради. Қуёш нури унинг юмуқ қовоқларидидаги томирчаларга сингиб кетаётгандек... Ленин Блезус қасридаги ёқимли, бироқ бир оз ноосойишта ҳаётдан баҳра оларди. Бу қасрда улуғ Горький ҳамиша ҳар хил одамлар қуршовида. Улар орасида меҳмонлар ҳам, олисдан келган дўстлар ҳам, душманлар ҳам бор. Хуллас, Горький йиллар давомида ана шу «ўзиникилар» ва «бегоналар» қуршовида ҳаёт кечиради. Бундай қарасангиз, одам тиқилиб кетган, аммо бу тиқилннда Горький ўзини жуда яхши ҳис қилади — у характерларни ўрганади, бадий кузатишлар билан шуғулланади, хулосалар чиқаради. Худди Горький пьесаларида тасвирланганидек, стол устида узун кун бўйи таом туради. Ейишади, ичишади, газак қилишади. Аммо таом итальянча бўлади — кўкатлар, балик, спагетти, лимонли мастава, пушти ёки оқ вино, гарганзола деган пишлоқ, катта вазада бужмайган мевалар, кўк бодом — чақишмайди, мовутдай қалин кўк пўстлоғи тағидида данаги жуда ҳам юшоқ бўлгани учун пичоқ билан кесилади — думбул бодомнинг сутини шимиб, маза қилишади. Бодом чиндан ҳам ҳузур берадиган даражада таъмли эди, айниқса, бир қўлтум муздек пушти «тиберия»дан кейин яна ҳам хуштаъмроқ бўлиб кетарди.

Мен буларнинг барини шу қадар аниқ тасвирлаётганимнинг боиси бор — йигирманчи йилларда мен Соррентода Горький-никида меҳмон бўлгандим. Албатта, бу ердаги ҳаёт тарзи ҳам Капридагидан ҳеч нарса билан ажралиб турмасди. Горький ҳар кун соат биргача холи ишларди, бирдан бошлаб кун бўйи кўпдан кўп ва ҳар хил одамлар бўлар, ғала-ғовур, баҳслар, мунозаралар, эски ва янги шеърларни, насрий асарларни овоз чиқариб ўқиш, ҳазил-мутойибалар, қулги, аския, ҳатто масхарабозликлар ҳам тўхтамасди. Буларнинг бари Ленинга жуда ҳам манзур бўлган деб айта олмаيمان. Лениннинг бекорчи гап сотишларга тоқати йўқ эди, тузуқроқ маънога эга бўлмаган ўтинчи фикрларни ёқтирмади. Бундан ташқари, Париждаги муҳожирлик ҳаётини орттирган аччиқ сабоқлари туйфайли нотаниш одамлар билан улфатчилик қилиш масаласида жуда

эҳтиёткор эди. Умуман, Ленин, Н. А. Алексеевнинг хотирлашича, «Коммунада яшашга мутлақо қобил эмас эди, доимо одамларнинг кўз ўнгиде бўлишни ёқтирмади». Шу маънода Горькийникидаги ҳаёт, шак-шубҳасиз, уни толиқтирган. У имкон борича бу ғала-ғовурдан четроқда туришга интилган.

Унинг кичкина ингичка қалами ва кичкинагина ён дафтари бўлган. Бирон сайр вақтида ёки экскурсия давомида у кайф-сафо қилаётган шерикларидан орқада қолиб, дафтараҳисига бежирим хати билан нималарнидир тез-тез ёзиб қўярди. «Унинг муомаласидан соддалик ва самимият сезилиб турарди, — деб ёзади А. Шаповалов. — Айни чоқда, унинг муомаласидан нечукдир совуқлик ҳам сезилиб турардики, бу суҳбатдошини ундан маълум масофага ажратиб турарди».

Денгиз сатҳида чалқанча ётганича у дам оларди. Албатта, бу ўринда жисмонан дам олишни назарда тутяпмиз. Унинг жисми, мускуллари дам оларди. Бироқ унинг мияси ҳеч қачон дам олган эмас. Унинг мияси ҳар чоқ — ҳатто уйқусида ҳам ишлаб турган, фикри бир зум ҳам тинган эмас.

«Анча йил ўтгандан кейингина, — деб ёзади С. И. Гопнер, — В. И. Лениннинг тўла асарлар тўплами нашр этилгач, биз ўша йилларда Владимир Ильичнинг ақл бовар қилмайдиган даражада кўп ишлаганини, назарий, сиёсий, ташкилий ишларни бажарганини чинакамига билиб олдик».

Унинг жисми дам оларди, мияси эса тинмасди.

Айни ўша пайтда Капридаги партия ишига нуқул зарари теккан «партия мактаби»га қарама-қарши ўлароқ, имкони борича тезроқ ўзининг мактабини очиш фикри туғилган бўлиши мумкин. Бу мактаб чинакамига большевиктик, ишчилар мактаби бўлади. Уни Парижда очиш мумкин, аммо Парижнинг теварак атрофида очилса, конспирация учун яна ҳам яхшироқ бўлади. Вақт кутиб турмайди, ҳаракат қилмоқ керак. У қўққисдан Каприга боришга аҳд қилгани каби, дарҳол Францияга қайтиб кетишга қарор қилди.

Ниҳоят, мана, Капридаги сўнги оқшом. Блезус қасрида яна кўпдан-кўп меҳмон. Айвонда кечлик қилиняпти. Худди Россияда чорбоқларда бўладигани каби, шиша қалпоқлар остида шамлар ёниб турибди. Уларнинг теварагида тунги капалаклар парвона. Пастда, тун қоронғилигиде ҳашаротлар чирилайди. Қафасда Горькийнинг иккита тўтиқушидан биттаси типирларди. Унинг номи Лоретта эди. У қафасининг ёнига Горькийдан бошқа ҳеч кимни йўлатмасди. Лоретта тутқаноқ тутаетгандек қанотларини уради, худди жазавага тушган француз аэлидек чинқироқ овозда қандайдир маъносиз сўзларни қичкириб айтади. Ҳар томонга патлари тўзғийди, тумшуги эгик, кўзлари бежо.

— Жазавага тушяпти, — дейди Горький Ленинга ва қафаснинг ёнига бориб, симлар орасидан сира тауп тортмай, куруқ ингичка кўрсаткич бармоғини ичкарига суқади — Жуда асаби ёмон. Бошига мусибат тушган.

Таниш овозни эшитиб Лоретта синаматографда машоқ аёл фугулаб қўяди...

Ленин «инглизчасига», кишибилмас ғойиб бўлди. У зулматга шўнғигандай, тош зинадан пастга тушди. Паст иссиқ, дим эди, кун бўйи офтобда қизиган қарағайлар, сарвлар, оролнинг ҳамма жойида гуллаб ётган лавр дарахтларининг роҳатбахш этувчи муаттар ҳидига тўлиқ эди. Унинг энгил оёқ кийими игна бәрглэр устида сирпанар, теварак-атрофда эса тунги ҳашаротлар, қулоқни қоматга келтириб ва айни чоқда, ғалати бир тарзда асабларга хуш ёқиб, жон-жаҳди билан чириллашда давом этарди. Ҳадеганда ялтироқ курт учиб ўтар, унинг изи конькида сирпанувчи одамнинг музда қолдирган изига ўхшаб кетарди: курт гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга талпинар, гоҳ ялтирар, гоҳ сўнарди. Кейин сози бузуқ фортепьянонинг баланд овози янгради: Адриан боғида ёзги синаматографда машоқ аёл овози кинога жўр бўлмоқда. Ленин дарахтлар орасида липиллаб нурулиб турган экранни кўрди. Унда музиканинг аккордига мос равишда қадди-қомати чўзинчоқроқ одамлар ҳаракат қиларди. Ленин уларнинг орасида ёқасига оқ гул тақиб олган, оқ пайпоқ ва ялтироқ ботинка кийган, бир қўлида қора цилиндр, яна бир қўлида ҳасса ушлаган, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмаядиган, бежирим мўйлов қўйган, аёлларникига ўхшаш қоп-қора баркут кўзлари жуда чиройли Макс Линдерни таниди. У теварак-атрофига қараб кўзини қисар, айланма зинадан югуриб иккинчи қаватга чиқар, у ерда уни пол ювадиган чўткасини орқасига яшириб олган жаҳлдор аёл кутиб турган бўларди: «Бу қўшиғим зўр қўшиқ, испан йигит



ўргатган...» Тара-рам-там, тара-рам... Ора-чира баланд қаҳ-қаҳа янграб турарди.

Қоронғилик ичида Ленин мийғида кулиб Пяццадаги жозибадор нурлиб турган меҳмонхоналар, столлари тигиз қўйилган тўртта кафе ёнидан ўтди, витринасига тилла, бриллиант буюмлар қўйилган, ҳар хил сувенирлар, француз атирлари тахлаб ташланган, Везувий сурати туширилган ёки дарахт тасвири ишланган қадимий бесўнақай ё замонавий тор рамкалардаги сон-саноксиз манзарали расмлар илинган магазин ортада қолди. Ленин жуда тор, қинғир-қийшиқ, сирли кўчалардан кетиб борарди. Бу кўчаларнинг икки томонида кўкатфурушлар, баққоллар, машиначилар, этикдўзлар, заргарларнинг тошдан қурилган бинолари саф торган. У баланд деворлар ёнидан ўтиб борарди. Бу деворларни узум зангари ва чирмовиқлар қоплаб олганди. Ҳашаматли қасрларнинг балконлари остидан ўтиб борар экан, аҳён-аҳёнда мандолина-нинг қуруқ тинғирлаши ва кимдир бўғиқ овозда «О солие мио» деб қўшиқ айтгани қулоққа чалинарди. «О қуёшим менинг» — дея хаёлидан ўтказди Ленин ва унинг қалбида ўткир асабий ҳаяжон пайдо бўлди. Музыка ҳар гал унда ана шундай орзиқтирувчи ва изоҳлаб бўлмайдиган туйғу кўзгарди. Унинг тўхтагиси, ҳали кундузги жазирамадан бутунлай совиб улгурмаган пастак тош деворга ўтиргиси ва бутун вужуди билан мана шу муҳаббат ва изтиробга тўла беқийс итальян музикасини берилиб тинглагиси келди. У Капрининг ҳашаротлари чириллаётган, ёнар қуртлари учқун сачратиб ўтаётган, худди Неаполь қўлтиғининг хитой сиёҳидай зимзиё осмонида юлдузлар порлаётган зулматли тунига боши билан сўнғишини истарди. Неаполь қўлтиғининг бир томонида фурсат-фурсати билан оташнафас Везувийнинг кўз илғамас кратери устида шуъла бир пайдо бўлиб яна сўнар, унинг хира ёғдусида Неапол устида осилиб турган дуд элас-элас кўзга ташланарди. О, шу дақиқаларда унинг қалби эхтиросга лим-лим тўла, асаблари бениҳоя таранг эди. Буларнинг бари бекорчиликдан деб ўйлади у. Йўқ, бўлди, бас, етар. Тезроқ Парижга қайтиш керак. Тезроқ ишга киришиш даркор.

Бу пайтда эса синематографда томоша тугаган, вальс оҳанглири остида экранда Патэ фирмаси чиқарган киножурнал намойиш қилинмоқда эди: граф Цепелиннинг баҳайбат, қиррадор дирижабли Боден кўли устидан осмонга кўтарилмоқда — бу яқинлашиб келаётган урушнинг даҳшатли аломати эди.

Владимир Ильич Каприда унча кўп бўлгани йўқ, бироқ у кетгандан кейин анча вақтгача Горький маъюсланиб юрди. У ҳар қанча уринмасин бу кайфиятдан ҳадеганда қутула олмади.

Уз одаतिга кўра Горький ўзига ёқадиغان меҳмонларини Неаполгача кузатиб қўярди. Бу гал ҳам у Ленинга Помпейни кўрсатди, ўзи ҳар бурчагини беш қўлдай биладиган Неаполь музейини томоша қилдирди. Улар бирга Везувийга бориб келишди, шаҳар атрофини сайр қилишди.

Мен буларнинг ҳам ҳаммасини жуда аниқ тасаввур эта оламан, чунки 1927 йилнинг ёзида Горький бизни Соррентадан Неаполгача кузатиб қўйган ва бизга ҳам Неаполнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатган эди.

Саримсоқ пиёзининг, сассиқ зайтун ёғида қоврилган ба-лиқнинг ҳиди анқир, Амальфидан келтирилган анорларнинг хушбўй ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетганди. Ленинга буларнинг ҳаммаси жуда манзур бўлган, албатта, чунки у нимаси биландир Волга бўйидаги пристанларни эслатган. Аммо Горький бошлаб борган Помпей яна унга керагича таъсир қилган эмас. Тахминан шу даврларда Бунин қуйидагиларни ёзган эди: «Помпей менга кимсасиз қабрлардай хувиллаган, янги музейдан жонсизроқ ва тозароқ кўринди». Тутун бурқситиб турган Везувий, бир нечта адл сарвлар, шохлари зонтикни эслатувчи деярлик қора пиния чиндан ҳам гўзал эди. У сал-пал суратга ўхшаб кетса-да, кишига таъсир қилмай қўймасди.

Везувийга яқинроқ бориш истаги тўғилди. Темир йўл билан Пулианага боришди, у ердан фуникулерда ўн минут кўтарилди, кейин яна ўн минут пиёда юришди. Шунда вулқон кулидан оқарган узумзорлардан ўтиб, бирдан шундоққина кратернинг ёнидан чиқишди. Кратердан чиққан сутга ўхшаш оқ-сарик тутун тошлоқ бағирлаб ўрмалаб борарди. Худди шу тутун Лениннинг чангли сандалини ялаган.

Кейин Вергилийнинг қабрига боришган. Бу ерда Ленин яна оддий, ёввойи қишлоқ манзарасига, кейинчалик буюқ лотин ёзувчисига айланган италиялик қишлоқ шоири мадҳ этган оддий инсоний ҳаёт сурурига мафтун бўлган. Яна Бунинни эсламай ўтолмайман. Унинг тахминан шу пайтларда Вергилий-нинг сағанаси тепасида ёзилган аjoyиб бир шеъри бор. Бу шеърда ёввойи ўсган лавр, чирмовуқ ва атиргул, болалар, ҳовлиларда ётган латта-путталар, дўнгликлардаги сассиқ алафлар орасида ўтлаб юрган сарғиш эчкилар тасвирланган... Буларнинг барини, шу жумладан, сарғиш эчкиларини ҳам, Ленин Горький билан бирга Вергилийнинг қабрига борганда кўрган, албатта. У шунингдек, баланд Неаполь соҳилида туриб, ҳад-ҳудудсиз денгизни ҳам кўрган... Вергилийга мурожаат қилиб, Бунин шундай хитоб қилади:

**Сен билгансан ўлар чоғинг:  
Сенинг жонинг мендадир.**

**Шоир билган: яна кўклам  
Туғилажак бир одам,  
Яшаб ўтар ўша одам,  
Кимлигининг фарқи кам.**

**Шамол эсар дафна ҳидли  
Чангли... Бахтим шундаки,  
Менинг жоним, эҳ Вергилий,  
На менда, на сендадир.**

Пастда, деярлик сув бўйида, «Санта Лючия» меҳмонхонаси-нинг рўпарасидаги соҳилда тушлик қилиниб, лангуста ёйишган. Эртасига эрталаб Францияга қайтиб кетаётиб Ленин Горький ўзининг хотирларида келтирган жумлани такрорлаган бўлиши мумкин:

— Йўқ, мен Россияни кам биламан. Симбирск, Қозон, Петербург, сурган — бўлгани шу, холос!..

Янаги баҳорда Лениннинг Россиянинг йирик пролетар марказларидаги партия ташкилотлари ходимлари учун партия мактаби очиб ҳақидаги орзуси рўёбга чиқди. Унда Петербург, Москва, Сорново, Иваново-Вознесенск, Екатеринбург губернаси, Николаев, Боку, Тифлистан, Домбровск райони (Польша) ва бошқа шаҳарлардан ўн саккизта яширин ишчи-революционер тахсил кўрди. Буларнинг бари чинакам пролетарлар, дастгоҳлар ёнидан келган одамлар, революционерлик қон-қонига сингиб кетган кишилар, Россия ишчилар синфининг гуллари эди. Улардан бири менга Ленин мактабида ҳукм сурган қаттиқ партиявий интизом ва конспирация руҳи ҳақида гапириб берганди. Бу мактаб тингловчилари билан Париждаги социал-демократ ташкилотларининг кўпчилиги аъзолари ўрта-сида ҳеч қандай муштараклик йўқ эди. Чунки парижлик социал-демократлар етарли даражада ликвидаторлик касалига ча-линган, аксилинқилобий либерализм идеологияси билан заҳарланиб бўлган эди. Эртадан-кечгача қуруқ сафсата тинмайдиغان олаговур кафеларда кечадиган бачкана ҳаёт туфайли улар аллақачон чирий бошлаган эдилар.

«Мухожирлик билан ғийбат бир-бирига чамбарчас боғлиқ нарсалар, — деб ёзади Ленин шу вақтларда. — Аммо ғийбат ҳисобдан чиқади, ғийбатнинг 9/10 қисми чет элда қолади. Ғийбат ташқи белги, холос. Партиянинг ривожини, социал-демократия ҳаракатининг ривожини эса ҳозирги вазиятнинг жамики ақл бовар қилмайдиган қийинчиликлари орқали «олға бораверади, бораверади».

Ана шу ҳаддан зиёд мушкулотларни енгиб, Лениннинг партия мактабида Россиядаги завод ва фабрикаларда бевосита ҳаракат қиладиган ишчи революционер кадрлар тайёрланиши керак эди. Улар янги революцияни тайёрламоқлари лозим эди, бу революция эса зинҳор-базинҳор бешинчи йилдаги машъум хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслиги зарур эди. Мактабини Париждан ўн беш қақиримча нарида жойлашган Лонжюмо қишлоғида ташкил этишга қарор қилинди. Қишлоқ анча овлоқ бўлиб, унда биронта рус истиқомат қилмас, ҳатто чорбоғчилар ҳам йўқ эди. Хулласи калом, мактаб жуда жиддий тарзда ниқобланганди. Лонжюмо узундан-узун қишлоқ бўлиб, катта йўлнинг икки четида қўзилиб кетган эди. Бу йўлдан ҳар куни кечаси ухлашга ҳалақит бериб машиналар, от-уловлар ўтар, улар «Парижнинг қорнини» тўйдириш учун озиқ-овқат таширди. Лонжюмо мактабининг талабаларидан бири менга

уларга нечоғлик талабчан бўлишганини гапириб берди. Партиявий интизом тариқасида уларга муҳожирлар билан муомалада бўлиш ман қилинган экан. Чунки муҳожирлар орасида чор ҳукуматининг жосуслари ва ифвогарлари бўлиши мумкин эди. Кейинчалик бу тасдиқланди ҳам. Уша пайтлардаги Париж муҳожирлари қанақа одамлар эди, деб сўраганимда, улар тўпланадиган кафелардаги шароитни, мунозаралар бўладиган, рефератлар ўқиладиган залларни тасвирлаб беришни илтимос қилганимда, шундай жавобни эшитдим:

— Биз буларнинг баридан беҳабар эдик. Бизни буларнинг яқинига ҳам йўлатишмас эдилар. Конспирацияга жуда қаттиқ риоя қилинарди. Биз бирор одам билан танишишга ҳаққимиз йўқ эди, биз билан ҳам ҳеч ким танишмас эди. Бизнинг мавжудлигимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Биз Лонжюмодаги мактабга бевосита алоқадор бўлган большевиклар билангина мулоқотда бўлар эдик. Бор-йўғи бир мартами, икки мартами Луврга борганимиз. У ерда Луначарский бизга эстетикадан кўргазмали дарс берганди. Тамом-вассалом. Мактабда машғулотлар тугаши билан биз дарҳол яширин тарзда Россияга қайтардигу, яширин инқилобий ишни давом эттирар эдик. Бизни «ленинчилар» ёхуд «Лениннинг агентлари» деб аташарди. Биз бундан жуда фахрланардик. Бугунги кунгача яшаш бахти насиб бўлганлар ҳозиргача ҳам фахрланишда давом этамиз.

Лонжюмодаги Ленин мактаби бўлғуси большевистик партия мактаблари ва коммунистик университетларнинг салафи ҳисобланади.

«Биз талабаларни турар жойларга ижарага олар эканмиз, — деб эслайди Крупская, — булар Россиялик қишлоқ муаллимилари дер эдик... Уша йили ёзда ҳаддан ташқари жазирама иссиқ бўлганди — «муаллимларимиз»нинг ҳаммаси ялангоёқ юришарди — бу французларни ҳар нарсадан ортиқ ҳайратга солди...»

Ҳар гал Парижга борганимда, албатта, Лонжюмога ҳам бораман. Унинг ҳаддан зиёд узун кўчасида сайр қилиш, бир вақтлар Ленин истиқомат қилган мўъжазгина икки қаватли уйни томоша қилиш мен учун зурриятга айлиниб қолган. Бу ёштлик уй вақт ўтиши билан ва маҳаллий тери пиширадиган фабриканинг қурумидан қорайиб кетган. Мен Лонжюмога кўникиб кетганман. Баъзан назаримда бу қишлоқни болалигимдан бери яши билдагандай, қачонлардир унда ўзим яшагандай туюлади. Бироқ бу хаёл, холос, замонларнинг ҳайрон қоладиган тарзда ўрин алмашиши, хотиранинг ўйини. Бу тўғрида мен юқоридаги саҳифаларда ҳам бир неча марта ёздим.

Биринчи марта мен Лонжюмога бир неча йил аввал кеч кузагида келдим. Крупская Лонжюмони қишлоқ деб атайди, лекин мен ўйлайманки, уни қишлоқдан кўра овлоқдаги кичкина шаҳарча деб атаса бўлади. У Париждан жанубга кетган йўл ёқалаб, бениҳоя узун масофага чўзилиб кетган. Лонжюмо ичиди шу йўл шаҳарчининг деярлик ягона кўчаси ҳисобланади. Бу кўчада олд томони торайиб кетган икки ва уч қаватли иморатлар, уларнинг биринчи қаватларида ҳар хил магазинчалар, нон дўконлари, баққоллик, колбаса, кўкат, гўшт дўконлари, сартарошхоналар, қизил сигра сурати ишланган тамаки дўкони, кўк хатлик аптека жойлашган. Чордоқлар ўрнига қурилган мансардлар Франциянинг истаган шаҳаридаги ёхуд Парижнинг тевакар-атрофидаги уйлардаги мансардлардан сира фарқ қилмайди. Лонжюмонинг ана шу асосий кўчаси, албатта, Grand Rue деб аталади ва ундаги 91 — номерли уйда Ленин Надежда Константиновна билан истиқомат қилган. Иморатнинг фасади олд томони кўчага қараган бошқа ҳамма уйларники каби қуйдан белигача ғилдираклар остидан чиққан лою чанг-чунг билан қопланган. Шу уй деворига Лениннинг сурати туширилган кичикроқ ёдгорлик лавҳаси осилган. Унда француз тилида шундай ёзув бор:

«Бу ерда 1911 йилда халқроқ коммунистик ҳаракатнинг назариячиси ва дохийиси, Совет Иттифоқининг асосчиси В. И. Ленин яшаган ва ишлаган». Шу қадар улкан тарихий аҳамиятга молик ва шу қадар улғуворлик тўла бу сўзларни ҳаяжонсиз ва ифтихорсиз ўқиш мумкин эмас эди. Торгина йўлакдан ўтиб, биз тумордеккина тор, қўланса, нам ва нимқоронғи, бош устида бир парча булутли осмон кўриниб турган ҳовлига кирдик. Кейин лиқиллаб турган ёғоч зинадан кўтарилиб, кўҳна, сон-саноксиз қўл излари қолган эшикка рўпара бўлдик. Эшикни фартук тугган кекса аёл очди.

— Ҳа, ҳа, шу ерда, — деди у саволимизни ҳам кутмай

чепчик кийган бошини чайқади-да, бизни кичкинагина хонага бошлаб кирди. Бу хона ҳам шу уйдаги ҳамма хоналар каби нимқоронғи ва қўланса эди. Хона иккита эски ёғоч каравот билан, расмдан қолган, бесўнақай тикув машинаси билан, битта стол ва ўтирадиган жойи эзилиб тушиб кетган ўриндиқ билан жиҳозланган эди. Хонада бизни уйнинг хўжайини — Кашенни-ки сингери мўйлови икки ёнга осилган, устига жез тўқали эски кўк комбинезон кийган, хаста одамдай семириб кетган қария кутиб олди. Француз ишчиларининг типик вакили бўлмиш бу кекса одамнинг бир қулоғи оғирроқ эди. У бизга совуққина муомала қилди. Бизнинг совет кишилари эканимизни билгандан кейин девордаги шкафчани индамай титкилади-да, ундан бошлаб қўйилган бир литрлик «Ординер» виносини тўртта қалин стакан билан олиб столга қўйди. Биз Ленин ҳақида гап бошладик.

— У улўғ одам эди, — деди хўжайин, — у бизникида хотини, рус муаллимаси Крупская билан бирга турган эди. Мана шу, ҳозир биз сиз билан турган хонада яшашган. Мана шу каравотларда ётишган. Уртоқ Ленин мана бу ойна олдида келиб, ҳозир сиз билан биз кўраётган нарсаларни: мана бу қорайиб кетган кир деворни, унинг устидаги бир бўлак француз осмонини кўрган. Албатта, бу осмон ҳаммавақт ҳам бугунгидек бадбашара бўлавермайди. Мен ўртоқ Ленинни яши эслайман. Уни ўртоқ деярганининг боси шуки, мен ҳам худди унга ўхшаган — икковимиз ҳам коммунистлар партиясига мансубмиз. Ана кўрпясизларми, ўртоқлар, Ленин нақадар камсуқум ҳаёт кечирган. У жаҳон пролетариатининг дохийиси, Совет давлатининг асосчиси эди, аммо худди мендай — оддий бир француз кўнчисидай яшарди. Овқатланиши айтмайсизми? Биздан ҳам ночор овқатланарди. Уртоқ Крупская тушликка керосинкада кўпинча қовурарди. Ленин эса унинг устидан чой ичиб қўяқоларди.

Хонани бирпасда кўздан кечириб бўлдик, чунки очигини айтганда, кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Бу ердаги камсуқумлик қашшоқликка ўхшаб кетарди.

— Уларга қазноқни гапириб бер, — деди бека биз хайрмаъзур қила бошлаганда.

— Ҳа-я! Қазноқ! — деб хитоб қилди хўжайин. — Унутай дебман. Ленин бизникида турган пайтларда бу хонанинг ёнида қазноқ бўларди. Кейин уни уриб ташлашди. Уйни хунук қилиб тургани учун, устидан гулдор қоғоз ёпиштиришди. Яқинда бизга қазноқ ана керак бўлиб қолдию уни очдик. Биласизми, қазноқдан нима топдик? Лениннинг шляпасини!

— Ҳа, — деди бека, — тасаввур қилинг. Лениннинг эски шляпасини.

— Қора велюр шляпа эди, — деб илова қилди хўжайин. — Гардиши анча кенг эди.

— Қани ўша шляпа? — сўрадим мен.

— Мен уни партиямизнинг район комитетига топширдим. Бу нобб ёдгорликни улар мендан тузукроқ асрашади.

Аммо шахсан мен ўйлайманки, бу шляпа Ленинники бўлмаса керак. Менимча, у бунақа шляпа кийган эмас. Бу шляпа Зиновьевники бўлса керак. Уша пайтларда у Ленин билан ёнма-ён яшаган. Ҳарҳолда, Лениннинг фотосуратларида сиз бунақа шляпани топа олмайсиз. Бироқ бунинг унча аҳамияти йўқ. Мен ўзимнинг шубҳаларим ҳақида кекса ишчига индаганим йўқ. Биз дўстона хайрлашдик. У қўлларимизни қисар экан, ҳадеб такрорларди:

— Ленин улўғ одам эди. У ўзигача ҳеч кимнинг қўлидан келмаган ишни қилди. Робеспьер унинг олдида бир гўдакдай гап. Мен уни билганимдан бахтиёрман. У меникида яшаган эди... Мана шу ерда... ухлаган, овқатланган, ўқиган, ёзган... Буни унутиб бўлмайди. Унинг даҳосидан бино бўлган мамлакатингизга кекса француз коммунист ишчисининг саломларини ва қардошлик туйғуларини етказинг.

Унинг қўзларида ёш йилтиради. Унинг ажиндор юзида, билгани учун ифтихор туйғулари муҳрланиб қолганди. Унинг қўллари билинар-билинмас титради. Мен уни бошқа кўрмадим. Орадан бир йил ўтгач, биз яна Лонжюмога келиб, «Ленин яшаган хонани» зиёрат қилганимизда, кекса хўжайин оламдан ўтган эди. Фартуғи билан юзларини артар экан, унинг хотини бизни ҳувиллаб қолган хонага олиб кирди. Хона кўзимизга янада қоронғироқ, торроқ, қаровсизроқ кўринди. У серажин қўлларини кафтининг юқорига қилиб кўтарди-да, деди:

— Тамом-вассалом!

Хонанинг бўғиқ ҳавосидан дори ҳиди келарди. Тикув машинаси йўқ. Афтидан хўжайиннинг ўлими бу уйга арзон



тушмаганга ўхшайди. Мен беканинг дағал қўлини ўпдим. Сукут ичида кўчага чиқдик.

Мактабнинг ўзи Гранд рюнинг қарама-қарши томонида — ўн еттинчи уйда жойлашган эди. Дарвозадан кириб, супуриб-сидирилган, ўртасида гулзори бор, чирмовуқлар ўсиб ётган, майда оч-сарик шағал тўкилган, шу туйфайли ҳар қандай об-ҳавода ҳам кўёш нуридан қарақлагандай туюлади. Афтдан, бу иморат бадавлат одамники бўлган бўлса керак. Францияда бировнинг ҳовлисига берухсат кириш одат эмас. Биз деворларини чирмовуқ ва гули тўкилган атиргуллар қоплаган кичкина уйнинг эшигидаги кўнғироқни босмоқчи бўлгандик, зангори эшик очилиб, хўжайин бизга пешвоз чиқди. Ленин яшаган хонанинг эгаси каби у ҳам кўк комбинезон кийиб олганди. Комбинезоннинг чоклари икки қатор чийратма оқ ип билан тепчилган, кўйлагининг энги тирсагигача ҳамариб қўйилган; чехраси анча жиддий, сипо ва аини чокда қуруқ, зўраки илтифоти сезилиб турибди. Бу илтифот истаган дақиқада зардага айланиши мумкин. Биз ўзимизни танитиб, бинони кўриб чиқишга ижозат сўрадик. У сабр-тоқат билан гапимизни эшитди-да, кейин бир оғиз ҳам гап гапирмай, бизни ҳовлининг этагига бошлади, кейин бизни анчагина катта, лекин қаровсиз қолган бинога киришга таклиф қилди. Бу бинонинг бошқа кўчага чиқадиган яна битта эшиги бор экан. Бу анчадан бери бўш ётган саройми ё бирон-бир устакхонами эди.

— Шу ерда, — деди у. — Бир замонлар, ҳали мен дунёга келмасдан аввал, бизнинг ҳовлимизда дилижонлар бекати бўлган экан. Ҳозир сиз турган бино эса дилижон кучерлари истироҳат қиладиган жой бўлган. Бу ерда отларни тақалатиш ҳам, дилижонларни сошлаб олиш ҳам мумкин бўлган. Парижнинг Марказий бозорига ёғ олиб борадиган маҳаллий фермерлар ҳам арваларнинг кам-кўстини шу ерда тузатишган. Ана, кўрясизми, бу ерда ўша замонлардан чоққина темирчилик кўраси сақланиб қолган. Мана. Ундан ҳозир ҳам фойдаланиб туришади. Аҳён-аҳёнда.

Биз қорайиб кетган эски қўрани томоша қилдик. Ундан ҳамон тошкўмир иси анқиб турарди. Оқланган ғиштин деворда занг босган темир гардишлар осиглиқ эди. Лонжюмодаги Ленин мактабининг бирдан-бир ўқиш хонаси ана шунақа эди.

— Талабалар қаерда ўтиришган? — деб сўрадим.

— Эсимда йўқ, — деб жавоб берди хўжайин. — Мен у пайтларда ҳали бола эдим. Бир амаллаб ўтиришган бўлса керак. Бир вақтлар бу ерда कामеикалар бўларди. Ушанда ўтиришгандир. Улардан баъзи бирлари дафтарларига нималарнидир ёзиб ўтиришарди. Шу эсимда.

— Муаллимлар-чи?

— Муаллим кичкина стол ортида сават ўриндиқда ўтирарди, шекилли. Уни ҳар гал бизнинг ошхонамиздан олиб чиқишарди. Буниси аниқ эсимда.

— Сиз Ленинни эслайсизми?

— Эслаймман дея олмайман. Мен унда жуда кичкина эдим. Менимча, муаллимлар бир неча киши бўлган. Уларнинг орасида ҳатто аёл киши ҳам бор эди. Аёл киши эсимда қолган. Тагин ким билсин, аёллар икки кишимиди, учтаמידи? Улардан бирини жуда яхши эслаб қолганман. Унинг фамилияси французчароқ эди. Хоним соҳибжамол эмасди-ю, лекин жуда истараси иссиқ: сочлари ҳам, қоп-қора кўзлари ҳам чиройли эди. Мен ўшанда муштдек бола бўлган бўлсам-да, унинг меҳр тўла кўзларини ҳозиргача эслаймман. Жуда хушбўй атир сепиб юрарди. Менимча, Пивер фабрикасида чиқадиган «Вэра Виолетит» деган атирмиди ё шунга ўхшаган бошқа атирмиди... Ҳарқолда, ҳозиргидек мавҳум эмас, гул атири эди. У хоним синфларнинг инспектори эди, шекилли.

— Инесса Армандми? — деб сўрадим.

— Билмадим. Шуниси эсимдаки, бу аёл синфга дарслар жадвалини олиб кирар ва рўйхатда кеч қолганларни белгилаб кўярди. Баъзан айрим талабаларга ялангоёқ келгани учун танбех берар эди. Узи ҳам хўп кизиқ эди-да.

— Нахотки, Ленин эсингизда бўлмаса?

— Мсьё, мен ўзим ишчиман, социалистман, аммо коммунистлар партиясига аъзо эмасман. Лениннинг таълимотини ҳам маъқул кўрмайман. Жуда нари борганда мен уни бефойда деб ҳисоблайман. Ҳамма учун бўлмаса-да, французлар учун. Эҳтимол, русларга тўғри келиши мумкиндир. Балки славянларга, полякларга ярар. Лекин мен Лениннинг яшаб ўтганидан кўз юмолайман. Ҳатто ўйлайманки, у жуда атоқли одам бўлган. Шунинг учун келганларни бу ерга бажонидил киритаверман. Лекин бу ерда бир замонлар мактаб бўлганми

ё бўлмаганми — шахсан мен учун бари бир. Марҳамат, кўраверинглар. Сизларга ҳалақит бермайман. Мен ўзгаларнинг эътиқодини ҳурмат қиламан.

Аммо бошқа кўрадиган нарсаси қолмаган эди.

— Бу ерга келиб турадиганлар кўпми? — деб сўрадим.

— Унча кўп эмас, — деб жавоб берди у. — Лекин унча кам ҳам эмас. Деярлик ҳар куни Париждан бирор одам келиб туради. Кўпроқ ажнабийлар, славянлар келишади. Аммо французлар ҳам келиб туради, албатта: студентлар, ишчилар... Бирдан унинг чехраси ёришди.

— Урушдан аввал бу ерга сизларнинг битта машҳур авиаторингиз келган эди. Жуда яриндор, келишган одам экан. Устида қиммат костюм. Бу ерга кириши билан ҳурматини ифода этиш учун бошидан шляпасини олди. Анча вақт сукут ичида турдик. Ростини айтсам, бу рус большевиғи менга жуда маъқул бўлди. Сиз уни яхши билсангиз керак. Унинг ноини талаффуз қилиш қийин — мсьё Чкалов, — деди у анча қийналиб.

— Ие, бу ерга Чкалов келганидир? — деб хитоб қилдим мен.

— Ҳа. У ҳам худди сизга ўхшаб мендан Ленин ҳақида, унинг мактаби тўғрисида суриштирди, аммо мен унга эътиборга сазовор бирон дуруст гап айтолмадим, чунки мен «Либерасьон»ни ўқиб турсам-да, сисатчи эмасман. «Либерасьон», албатта, «Юманите» эмас-у, лекин шундоқ бўлса ҳам... Мен учун у етарли даражада сўл газета. Хайр, мсьё. Ростини айтсам, бунақа келди-кетдилар мени анча толиқтиради, сизларнинг ҳожатингизга яраганимдан хурсандман.

Шиллиқ қурт ўзининг бинойидек чиғаноғи ичига кириб биқинганидек у ҳам ўз уйига кириб кетди — кириб кетди эмас, гўёки сингиб кетди. Мен эса яна бир неча мuddат кўхна кўра олдида хаёлга толиб туриб қолдим. Тасаввуримда 1911 йилнинг ёзи, бениҳоя жазирама иссиқ, пиджаксиз, биргина қўйлақда, бўйни очик Ленин гавадланди. Мана, у тепакалидаги терини дастрўмол билан артиб, партия мактабининг ягона ўқиш хонасига кириб келди-да, столча ортидаги сават стулга ўтириб, олдига ёзув-чизувга тўла кичкина саҳифаларни — лекция планини ёйиб қўйди.

Лениннинг минбарда қанақа бўлганини биз биламиз. Бу тўғрида кўп ёзилган.

«Ҳеч бир нотикнинг нутқи Лениннинг нутқи сингари тингланмас эди, — деб ёзади М. Эссен. — Мен биринчи марта Лениннинг нутқини 1904 йилда Женевада Париж Коммунаси тўғрисида доклад қилганида эшитган эдим. Ленин трибунага чиққанидан кейин тамомила ўзгариб кетган эди. У худди бир бўлак яхлит нарсадан ясалгандай бежирим, эпчил, саранжом-сараштали эди. Унинг бутун кучи овозида, ялтираб турган кўзларида ва гапни дона-дона қилиб айтишида эди... Мен ўша вақтларда жуда катта нотикларнинг сўзини эшитган эдим, бу нотиклар худди уларнинг сўзини тингловчиларни ҳайратда қолдириш учунгина, бирон жуда ҳам чиройли, ўткир, қизиқ сўз айтиб, шу билан одамларни ўзига ром қилиш учунгина овозининг кучи ва жарангидан, ҳаракатларининг бежиримлигидан, ўзини чиройли туттишдан фойдаланишга урингандай бўлишарди. Бутун дунёга донги кетган нотиклар деб ҳисобланган Плеханов, Жорес, Вандервальде шундай нотиклардан эди. Уларнинг нутқларида жарангли сўзлар кўп бўларди-ю, лекин менга ҳамма вақт уларнинг нутқида қандайдир сунъийлик бордек туюларди... Ленин ундай эмас эди. Унинг нутқларининг кучини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Лениннинг нутқлари оддий, аниқ ва равшан, уларда жилвадор сўзлар йўғ-у, лекин эшитаётганимда ҳамма нарсани унутиб юборасан, киши. Ленин тингловчиларни тамомила қамраб ўзига ром қилиб олади. Бу жиҳатдан ҳам Ленин билан Плеханов ўртасида жуда катта тафовут бор... Плеханов жуда пардоз берилган чиройли гапларни ишлатишни яхши кўрарди. Плеханов ўз талантининг қадр-қимматини, қаерда овозини баландроқ кўтариб, қаерда пасаитиришни биларди. Вақти келганда қизиқ бир гап айтиб қўйишга, тингловчиларнинг чарчаган эътиборини кўтариш учун пайти келганда латифа эшитиб кетишга уста эди. Лекин унинг нутқини ими-жими эшитиб қўяқолардилар, унинг нутқидан унча таъсирланмасдилар...»

Ленин сўзга бундай пардоз бериш деган нарсаларни, тумтароқ гапларни билмасди, лекин шундай бўлишига қарамастан, унинг гапини нафас чиқармай тинглашарди, шундай тинглашардики, гўё у сизнинг энг қимматли фикрингизни,

кўпдан буён дилингизда сақлаб юрган орзу-хавасларингизни очиб бергандай бўларди. Бошқа нотиклар сизни ҳайратда қолдиради-ю, лекин сиз уларнинг нутқиға худди чет бир кишидай қулоқ солиб ўтирасиз. Ленин бўлса сизни ҳаракатга даъват қилади. Ленин нутқларини эсдан чиқариш мумкин эмас: унинг нутқини эшитганларнинг ҳаммаси Ленин энг муҳим ва энг керак нарсани гапирганини ҳис қилиб туради.

Ленин Коммуна тўғрисида гапирди ва биз Коммунист бақувват нафасини, унинг шавқини, унинг фожиасини, унинг жаҳоншумул аҳамиятини ҳис қилиб турдик. Мажлисдан бир гуруҳ бўлиб қайтаётган эдик, ҳамма мажлисдан хурсанд эди. Мен Лениндан:

— Наҳотки, биз Коммуна яна кун тартибига қўйиладиган замонларни кўрамай, — деб сўраган эдим, Ленин худди чўчиб тушганди:

— Сиз менинг докладимдан шундай хулоса чиқардингизми? — деб сўради.

— Ҳа, фақат биргина мен эмас, бугун докладингизни тингловчиларнинг ҳаммаси ҳам худди шундай хулоса чиқаришди, — деб жавоб бердим.

Мажлисида Лениннинг нутқини тинглаш, уни ишлаб турганини, ёки жуда диққат билан китоб ўқиётганини ёки сиёсий масалаларни ҳал қилиш билан бандлигини кўриш, душманларни енгиш тўғрисида тузган планларини, унинг одамларга берадиган жуда қаттиқ характеристикаларини эшитиш — булар ҳаммаси Лениннинг жуда ҳар томонлама билимдон одам эканини аниқ ва равшан кўрсатиб берарди.

Лениннинг трибунига, баҳсдаги маҳоратига, «эҳтиросли ва оташин» сиёсий нотиклигига берилган жуда яхши характеристика! Аммо шу пайтгача ҳеч қаерда Лениннинг лекторлиги ҳақида эмас, сиёсий нотиклиги ҳақида эмас, революция трибуни экани ҳақида эмас, муаллимлиги тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган, шекилли. Юксак, фалсафий маънодаги устозлиги ҳақида эмас, оддий муаллимлиги, ўқитувчилиги тўғрисида. Лонжюмода Ленин энг тўғри маънода ўқитувчилик қилган эди. У «лекция ўқиб»гина қолмай, халқ мактаблари ва гимназияларда бўлгани каби тўғридан-тўғри «дарс ҳам берган».

Лонжюмодаги партия мактабида машғулотлар мунтазам бўлиб турган. Владимир Ильич бошқа ўқитувчиларга қараганда кўпроқ банд бўлган: сиёсий иқтисоддан 29 лекция, аграр масаладан 12, Россияда социализм назарияси ва амалиётдан 12 лекция. Сиёсий иқтисод бўйича семинар машғулотларини Инесса Арманд олиб борган.

Надежда Константиновнанинг менга айтишича, Лениннинг лекциялари ҳар нарсдан кўра ҳам оддий мактаб дарсларини кўпроқ эслатар экан. Дарс вақтида Ленин доҳий эмас, трибун эмас, ҳатто профессор ҳам эмас, балки ўз фанини катта ёшли талабаларга имкони борича равшанроқ ва осонроқ қилиб тушутириб беришга уринувчи оддий рус муаллимига ўхшаб кетаркан. У тушутириб берар, турган жойидан савол берар, баъзан ҳозиргина ўзи айтган гапни такрорлашга мажбур қилар, бирорта одам эътиборсиз ўтирганини сезса, аччиғланиб, қалами билан столни тақиллатар эди.

Крупская Ильичнинг мактаб ишидан жуда мамнун бўлганини ёзди: «Бўш вақтларда биз у билан иккимиз одатда велосипед миниб, тоққа чиқардик, шаҳардан ўн беш чақиримча чиқиб кетардик. У ерда аэродром бор эди. Овлоқда қаровсиз ётган бу аэродромга Жювизидаги аэродромга қараганда кам одам келарди. Кўпинча биздан бошқа томошабин бўлмасди. Ильич аэропланларнинг учини роса томоша қиларди».

Жамики янги, революцион, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган нарса Лениннинг диққатини жалб қиларди. Яқинда дунёда техник революция содир бўлганди. Бу революция инсоният учун янги даврни бошлаб берди: одамлар ҳаводан оғирроқ аппаратларда учини ўрганиб олишди.

Ҳали ҳозирча булар дастлабки уринишлар эди, холос, лекин улар энди ортиқ ночор кўринмай қолганди. Ҳар кун биرون янги зафар қўлга киритилмоқда эди. Француз авиатори Луи Блерионнинг донги бутун дунёга таралди — у ўзининг аппаратида Ла-Манш орқали Каледан Луврга учиб ўтди — кўпириб тошиб ётган бўғоз устидан ҳавода ўттиз километрдан ошиб масофани ўтди. Бу ўша пайтларда ақл бовар қилмайдиган ҳодисадек, ёки кам деганда, ривоятларга кўра Генсисарет кўлининг сатҳидан пиёда ўтган Исо пайгамбарнинг мўъжизасидан ортиқроқ мўъжиза бўлиб кўринганди. Бутун дунё ва айниқса, Франция авиация дардига чалинганди. Париж яқинида Исси-ле-Мулинода карнавални эслатувчи суронли авиация

ҳафталари ўтказиб турилар, унда аэропланларнинг сўнги моделлари намоиш қилинарди. Мурмелонда халқроқ авиация пойгалари бўлиб ўтди. Унга бутун дунёдан бадавлат одамлар ёпирилиб келишди. «Ле Бурже», «Исси-ле-Мулино», «Жювизи» каби аэродромларнинг номи бутун жаҳонга донг таратди ва газеталарнинг ҳисоботларида ҳамда агентларнинг телеграммаларида юз марталаб такрорланди. «Парвозлар»ни томоша қилиш парижликларнинг севимли эрмаги бўлиб қолди.

Оқорида эслатиб ўтилгандек, велосипед масаласида Лениннинг сира ҳам омади юришмади. Жювизига «парвоз»га кетаётиб, бир гал Ленинни автомобиль туртиб кетди. Бахтли тасодиф билан ўзи соғ қолди-ю, лекин велосипеди бир уюм темир-терсакага айланди. Ленин тўқнашувдан кейин усти-бошидаги чангни қоқиб, дастрўмоли билан ботинкасини артиб, кўнғир кўзлари билан велосипеддан қолган бир уюм темир-терсака қийғоч назар ташлагани ва Крупскаяга мурожаат қилиб, гўёки қуйидаги гапларни гапирганини менга Марсель Кашен завқланиб, ажиб бир юмор билан айтиб берганди:

— Кўрдингми, Надя, ташқаридан берилган бир зарба билан велосипед материясининг миқдорини тўла сақлаган ҳолда ўзининг тескарисига айланди-қолди. Сифат бир лаҳзада миқдорга айланди. Энди бу велосипед эмас, аллақандай бошқа нарса «Велосипед» деган сифат «темир-терсака» деган миқдорга айланди.

«Уртоқ Ленин, — деганди Марсель Кашен осилиб тушган мўйловини силаб, — диалектик материализм қонунларининг муқарраллигини ҳаётий мисолларда кўрсатиш мумкин бўлса, бундай имкониятни сира қўлдан чиқармасди. Бир вақтнинг ўзига у ҳам назариячи, ҳам амалиётчи эди, ундан ташқари у чинакам юмор туйғусига ҳам эга эдики, бусиз ҳақиқий улғу одамни тасаввур қилиб бўлмайди».

Ленин билан Крупская велосипедлариға ўтиришиб, Лонжюмонинг узундан-узун чўзилган диққаннафас кўчаси бўйлаб йўлга тушишди. Олдинда бақувват оёқлари билан велосипед тепкисини босиб, Владимир Ильич елиб борарди. Унинг кетидан эса бошида шабада бир ёнга қийшайтирган шляпа, оёғида эски ботинка, юбкасини велосипед занжирга ғажиб қўймаслиги учун иккала тиззасининг орасига қисиб олган Надежда Константиновна унинг кетидан зўрга етишиб бормоқда. Улар далалар ва бутазорлар аро бир нафас билан ўн беш чақиримни ўтиб қўйишди — бу улар учун арзимаган масофа эди. Ниҳоят, овлоқ ерда жойлашган кичкина аэродромнинг кўм-кўк ўтлоғига етиб келишди.

Учишлар бошланган экан. Бир аэропланни тахта ангардан олиб чиқишмоқда, бошқаси эса аллақачон осмонда қишлоқ черковининг кўнғироқхонаси устида учиб юрибди. Черковининг ўзи адир ортига яширинган, шунинг учун кўнғироқхона устидаги бутлик найзасио унинг учидеги тунука хўрози кўринади, холос. Ленин аэропланга синчиклаб қарар экан, кўзини қафти билан офтобдан тўсди.

— Жуда вақтида келибмиз-да. Бу — «Фарман—4». Кўрдингми, Надя, жуда равон учаяпти. А? Бу сенга аллақандай «Вуазен» эмас!

Аэроплан кескин бурилди-да, яна ўнгланиб олди. Шундан кейин моторнинг чигирткичига ўхшаш заифгина овози тиниб қолди. Мотор яна бир неча марта йўталгандай овоз чиқардида, бутунлай ўчди. Машъум сукунат чўкди.

— Йиқилди! — деб хитоб қилди Крупская ночор оҳангда.

— Йўк, йўк, қўрқма. Ҳаммаси жойида. Ана қара, ҳозир авиатор секин учиб тушади. Буни «вольпланд» дейишади.

Энди аэроплан қасрнинг боғи устида анча баландда муаллақ тургандай туюларди. У биқини билан тарар, тепадаги узунроқ, пастдаги қисқароқ қанотлари орасида авиаторнинг увоққина қомати кўринарди. Унинг мисдан ишланган бензин баки ҳам яққол кўриниб турибди. Бакнинг ярақлатиб артилган сатҳида куёш сариқ юлдуздай акс этади. Буларнинг бари паға-паға оқ бўлутлар сузиб юрган ёзги осмонда чизиб қўйилган суратдай кўринади. Осмон эса худди Россиядагидек — Шушенскийни ёхуд Уфани эслатади. Худди баланд тоғ ён бағридан чанада тушиб келаётган аэроплан лаҳза сайин катталашарди. Мана, у куйига шўнғиди ва шундай паст учиб ўтдики, филдираклари Надежда Константиновнанинг шляпасига тегишига сал қолди. Айланмишда давом этаётган пропеллер шовқини қулоқларни қоматга келтирди. Ниҳоят, аэропланнинг велосипедникига ўхшаш филдираклари ўтлоққа тегди-да диканглаб сакрай-сакрай гуллаб турган бедазор бўйлаб югура кетди.

— Яхши бўлди-е! — деб хитоб қилди Крупская.



— Маҳоратини қара! — деди Ленин. — Этибор бердингми, ерга етай-етаи деганда у машинани ўнглаб олди. Қўнганини айтмайсанми! Қойил-е! Лекин энг муҳими — бошқа: шу қадар қисқа тарихий муддат ичида одамзод учини ўрганиб олиши кимнинг хаёлига келганди?... Ҳм... Ҳм... Бу — инсоннинг принципиал янги сифати. Тўғри, ҳозирча алоҳида одамларгина учяпти. Аэропланлар ҳам бадавлат одамларники. Аммо пролетариат капиталистларнинг учувчи аппаратларини мусодала қилиб, ергагина эмас, осмонда ҳам хўжайин бўлиб олсин — ана унда кўрасан. Ҳа, хушёр бўлинглар, жаноб капиталистлар!

Шу лаҳзадаёқ Ленин Париж Коммунасининг тақдири ҳақидаги фикрга қайтди. Бу фикр уни тинимсиз таъқиб қилиб келарди. «Агар париж ишчиларининг қўлида ҳозирги замон авиацияси каби қурол бўлганида иш қандай тус олиб кетиши маълум эмасди».

— Ун-ўн бешта мана шунақа «Фарман»ларни Версаль устига учирса борми, — деди у. — Телапан бомбардимон қилишса. Нима дейсан, Надя? Эҳ, бешинчи йилда бизнинг кўлимизда ҳаводан оғирроқ учувчи аппаратлар бўлмаган-да... Биз Преснянинг тор-мор қилинишига йўл қўйиб қўймасдик, жаноб Дубасов деганларнинг таъзирини бериб қўярдик.

Ерга тушган «Фарман—4»ни судраб ангарга олиб кетишди, инжиқлик қилаётган моторни текшириб қўриб, бошқа аэроплан билан шуғуллана бошлашди. Ленин билан Крупская велосипедларини кўкатга ётқизиб қўйиб, ўзлари дастрўмолларини ерга ёзиб, устига ўтиришди. Ленин соатига қараб, унинг мили бирни кўрсатаётганини кўрди-да, тамадди қилиш вақти бўлибди деди. Крупская велосипед сумкасидан ёғ босган тугунчани олди-да, ундан иккита юмшоқ кулча олди, Ленин эса ён чўнтагидан иккита шоколад олиб қўйди. «Сюшар» деган бу шоколад пушти рангли ялтироқ қоғозга ўралган бўлиб, қоғозда бўйинбоғига кичкина бочка боғлаб қўйилган итнинг сурати ишланган эди. Бу шаҳардан ташқарига чиққанда улар хуш кўрадиган нонушталари эди. Қадимий швейцар одати. «Арзон ва аччиқ» — дерди Надежда Константиновна. Бу орада иккинчи аэроплани учини тайёрлаб бўлишди. Унинг атрофида хушбичим спорт костюмлари кийган тўрт-беш одам уймалашиб юрарди. Уларнинг орасида биттаси кичкинагина, қорачадан келган, устига ёғ босган кўк комбинезон кийган, қўлига гайка бурайдиган калит ушлаб олгани — механик эди, бошқаси бўлса сарик чарм этик кийган, катак кепкасининг соябони орқасига буриб қўйилган, мўйловига келиштириб оро берилган, римликларникига ўхшаш қирра бурунлиги — авиатор эди. У аппаратининг теварагида айланиб юрар, вақти-вақти билан қанотларни тортиб турган пўлат симларнинг таранглигини синаб кўрар, юпқа сарғиш мато қопланган қанотларнинг лакланган сатҳини силлаб қўярди. Қанотлар авиаторнинг кўрагидан келарди. Бу олди томонда пропеллери бор бир қанотли аэроплан эди. Ленин пропеллер билан бирга айланаётган кичкинагина юлдузсимон моторни чинакам қизиқиш билан томоша қилди.

— Менимча, бу «Гном» мотори бўлса керак, — деди Крупская онасидан олган театр дурбини билан аэроплани кўрар экан.

— «Гном-Рено», — дея аниқлик киритди Ленин. — Олтмиш от кучига эга. Бу моторни «Блерио»га қўйишган. Бу янгилик...

— Контакт! — деб қичқирди кичкина моторист.

— Есть контакт! — деб жавоб берди авиатор.

«Гном-Рено» бир-икки йўталгандай бўлди, кейин лакланган ялтироқ пропеллер билан бирга чирпирак бўлиб айлана кетди. Ундан чиққан ҳаво оқими гуллар ва кўкатларни ерга эгиб, ўтлоқ бўйлаб югурди. Энди авиатор жойига ўтириб олган, ярим ниқобга ўхшайдиган катта кўзойнагини кўзига тушириб олганича, контактни синаб кўрмоқда эди. Моторист билан яна бошқа уч киши бўлса вақтидан олдин учиб кетмаслиги учун аэропланининг қўруғидан ушлаб туришарди. Одамлардан бири, афтидан, аэропланининг эгаси бўлса керак — унинг устида кулранг костюм, бошида кулранг котелок. Шамол унинг бошидаги котелокни учириб юборди. Бош кийим ўтлоқ устида думалаб кетди. Оёғига жуда хушбичим пайпоқ кийган, катак шимдаги одам бамбук ҳассасининг учи билан тўхтатишга ҳаракат қилиб, котелок кетидан югуриб кетди. Ниҳоят, уни тутди. Шамол унинг тепакал бошидаги бир тутам бўялган сочини ҳилпиратиб ўтарди. Авиатор эса ўтирган жойидан бор бўйича тик туриб, орқасига ўгирилди.

У чарм қўлқопли кўлини олифталик билан силкитиб, аэроплани қўйиб юборишга буйруқ берди, кейин ғалбирга

ўхшаш шапалоқдеккина ўриндиғига жойлашиб ўтириб олди-да, қайишларни тақди. Мотор бизбизакдай гувиллаб, жон-жаҳди билан айлана бошлади. Қўруқдаги одамлар бошларидаги котелокларини ушлаганча ҳар томонга қочишди. Кичкина моторист бир неча муддат аэропланининг ёнида югуриб борди-да, авиаторга сўнги насихатларини айтиб, самовий бўсалар йўллаб, хайрлашиб қолди.

— Bonne chance! Омадингни берсин!

— Merci, mon ami!

Аэроплан равон жойга чиқди. Ленин кўкат устидан сакраб турди-да, ўзининг чамасида аэроплан ердан узилиши керак бўлган жойга югуриб кетди. Бу пайтларга келиб аэропланининг учини ортиқ мўъжиза бўлмаб қолган эди, бироқ кўтарилиш дақиқаси, аппаратнинг шувиллаб бораётган ғалдираги билан ер сатҳи оралиғида бирдан пайдо бўладиган сезилар-сезилмас бўшлиқ ҳамон мўъжизадек одамларни қойил қолдирмоқда эди. Замин жонотларининг бунга кўникиши унча осон эмасди.

Ленин шитоб билан юз метрча масофани югуриб ўтди-да, худди болалардек қорни билан майсага ташланиб, ўткир ва тийрак кўзлари билан бўшлиқни чамалади.

— Надя! Бу ёққа! Шу жойда ғилдираги ердан узилади. Тезроқ, вақт ўтмасин!

Крупская юбкасини ҳилпиратиб югуриб келди ва кичкинагина дурбинини қўлидан чиқармай, эрининг ёнига ётди. Моноплан мотори ғўнғиллаб ўтлоқдан югуриб борарди. Мана у ён томондан «Ильичлар»га яқинлаша бошлади.

— Босиб кетмаса гўрга эди, — деб шивирлади Крупская. — Босмайди, — деди ишонч билан Ленин.

Энди аэроплан уларга жуда яқиндан — шундай ёнларидан елиб ўтмоқда эди. Улар ерга қапишганларича бўйинларини чўзиб, янгигина шина кийгизилган велосипед ғилдиракларининг майса устидан югуриб бораётганини кўришди. Улар салпал сакраб борарди. Аэроплан Ленин билан Крупскаянинг рўпарасида эди. Ғилдираклар бир юқорига кўтарилди-ю, дарров қайтиб туша қолгани йўқ, балки ердан бор-йўғи ярим қарич баландиқда муаллақ қолгандай бўлди, кейин барибир қайтиб майсага теғди, сўнг яна сапчиб кўтарилди-ди, ҳамон майса устида бир қаричча баландиқда муаллақ қолган бўлса-да, бошқа қайтиб ерга тушмади.

— Югуради, лекин ҳали учмайди, кейин тезроқ югуради ва учди, сўнгра айни чоқда югуришда давом этаётган бўлса-да, учди... Ниҳоят... шошма! Энг нозик жойига келдик... Учди ва ортиқ югурмайди. Миқдор сифатга айланади. Қара, Надя: учяпти! — деб шодланиб хитоб қилди Ленин. У чакноқ кўзлари билан узоқлашиб бораётган моноплани кўзатиб турарди. Унинг ғилдираклари билан аэродром сатҳи ўртасида анча кенг бўшлиқ ҳосил бўлганди ва уфқда дарахтзорлар устидан чиқиб турган тунука томлик қасрнинг кўкиш туман чулғаган парки кўриниб қолганди.

Нима учун мен 1911 йилнинг ёзида Иль-де-Франс учун типик бўлган шу манзарани жуда аниқ тасаввур қиляман. Нима учун заифгина «Гном»нинг ниничиникига ўхшаш овозини ҳозир ҳам шу қадар аниқ эшитаман, ёғ, бензин, чанг хидини ҳис қиламан? Нима учун булар ҳақида ёзиш менга жуда хуш ёқади? Бунинг сабаби шу бўлса керакки, уша пайтларда мен ўзим ўн тўрт яшар бола эдим ва парвозларга жуда қизиқардим, сассиқ алафлар орасига ётиб олиб, нафасимни ичимга ютганча, кўз ўнгимда парвознинг энг сەҳрли дами содир бўлишини — ерга югуриб бораётган жисмининг ҳавода учувчи жисмга айланганини кутардим. Фақат бу Париж яқинида эмас, Одессанинг ёнидаги отиш майдонида содир бўларди. Бу ерда ўша пайтларда деярли ҳар кун училар бўлиб турарди. Авиаторлар бизга — Одесса болаларига яхши таниш эди. Пересип ва Молдаванкада болалар уларга сиғинишарди деса бўлади. Булар сартарош Хиони, ишчи Костин, портада ҳаммоллик қиладиган Ефимов, велосипед пойгачиси Сережа Уточкинга ўхшаш оддий одамлар эди. Уларнинг кўпчилиги шаҳар четидидаги ишчи маҳаллаларида истиқомат қилишар, бировларнинг аэропланларида учиб, шу тарзда тирикчиликлари учун маблағ ишлашарди.


Худди Париж яқинидаги каби Одесса ёнидаги учини майдонида ҳам «Гном-Рено»нинг заифгина мотори игначидек гувиллаб, аэроплан ер устидан жуда пастлаб, телеграф устунларига тегай-тегай деб, ҳар хил эски-туски лаш-лушларга тўлиб кетган отиш майдонининг шундоққина ёнидан секин учарди. Уша олис замонларда бу аэроплан менга оддий

ниначига ўхшаш бирор сунъий ҳашоратнинг мукаммаллаштирилган ва қулайлаштирилган варианты бўлиб туюларди. Уша вақтдан бери эллик йилдан ошиқроқ муддат ўтган бўлса-да, ҳозир ҳам мен ҳар гал Парижга яқинлашиб қолганимда «Ла-Бурже» ёхуд «Орли» деган сўзларни эшитсам, ҳаёлимда

авиациянинг биринчи йилларидаги манзаралар гавдаланади ва мен ҳозирги ўта замонавий, жуда улкан, оппоқ халқаро аэровокзал (бу аэровокзалдан бир соатда Римга ёхуд олти соатда Нью-Йоркка учиб ўтиш мумкин) ўрнига кичкинагина аэродромни, унинг ангарларини, ёзги жазирамани, майсада







ётиб, қисик кўзлари билан югураётган жисмнинг учаётган жисмга айланиш дақиқасидаги сифат ўзгаришини кузатаётган Ленинни жуда аниқ тасаввур этаман. Ҳавода ҳам қитъалараро учувчи лайнерларнинг реактив моторларининг вишиллаган, салкам космик ҳўштаги эмас, кичкинагина хонаки моторнинг заифгина тириллаши ҳокимдай...


Лениннинг Лафарглар билан шахсан танишув тарихи унча мураккаб эмас.

О. Б. Воробьева билан И. М. Синельникованинг «Маркснинг қизлари» деган китобида умуман Маркс оиласида бўлгани каби Лафарглар хонадонида ҳам ҳамisha Россияга катта қизиқиш билан қаралганини ўқиймиз. 70-йиллардаёқ Лафарг рус революцион ҳаракати билан алоқа ўрнатган ва Россиядаги прогрессив матбуот органларида мақолалар бостираб турган. Лафарг 1883 йилда ташкил топган биринчи рус марксистик ташкилоти — «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳини қизғин қутлаган. Лафаргларнинг уйига рус сиёсий арбоблари — муҳожирлар П. Лавров, Г. Лопатин ва бошқалар келиб туришган. Уларниқида рус журналисти Русанов ҳам тез-тез бўлиб турган: у Лафаргларнинг рус революцион ҳаракати воқеаларидан яхши хабардор эканлигидан қойил қолганини ҳикоя қилади. Россияда 1905 йил революцияси содир бўлганида Лаура уни муборакбод қилган: «Шундай қилиб революция бошланди — Россия ўзининг шу қадар мардона курашаётган шавкатли пролетариати, эркаклари ва аёллари билан янги даврга кириб келмоқда».

Энгельснинг вафотидан кейин Лафаргларга кичикроқ мерос тегади. Улар Париждан 25 чақирим масофада жойлашган Дравейда уй сотиб олишади.

Бир йил муқаддам Шарль Раппорт Ленинга Лафарглар билан алоқасини тиклашга ёрдам берган эди. Шундан кейин гўзал кунларнинг бирида Владимир Ильич билан Надежда Константиновна велосипедларини минишиб, Дравейлга йўл олишди. Лафарг — машҳур революционер, Маркс ва Энгельснинг сафдоши, Интернационалнинг атоқли намояндalarидан бири эди. Кейинчалик у Гед билан биргалиқда француз ишчи партиясини барпо этди ва унга раҳбарлик қилди, қолган умрининг ҳаммасини шу партиянинг софлиги учун курашга ва Францияда революцион марксизмни тарғиб қилишга бағишлади. Ленин Лафаргни жуда ҳурмат қилар ва унинг фикрини жуда қадрларди. Лаура Лафарг ҳар жиҳатдан ўзининг буюк отасига муносиб қиз эди. Уз даврининг энг атоқли аёлларидан бири бўлган Лаура ўзининг умр йўлдоши Лафаргнинг садоқатли дўсти ва ёрдамчиси бўлган эди. Агар оилавий шароит унча оғир бўлмаганда (унинг кўлида иккита гўдаги бор эди), эҳтимол, Лаура ҳам 1871 йилда Коммуна курашчиларининг сафида бўларди. «Мен бу ердаги далалар ва ўрмонларда тўппончадан отишни машқ қиляпман, негаки яқиндаги бўлиб ўтган жангларда аёлларнинг жуда яхши жанг қилганини кўрдим. Ҳали яна нималар содир бўлишини ким билади, дейсиз», — деб ёзган эди Лаура ўзининг буюк отасига.

Мана шу иккита ажойиб инсон ҳўзурига кунларнинг бирида



Ленин билан Крупская тупроқни йўлдан оз эмас — йигирма беш чақирим йўл босиб меҳмонга келишди. Яқин-яқинларда ҳам, айниқса, яқшанба кунлари Дравейлда Лафарглар хонадонни жуда гавжум бўларди. Уларникидаги зиёфатларда доимо партиядош ўртоқларидан ва шунчаки яхши танишларидан бир нечта одам ҳозир бўларди. Тез-тез Жюль Гед келиб турар, рус муҳожирлари, ёшлар бўлишарди. Зиёфатлар ҳамisha жуда қизиқарли, дўстона суҳбатлар, хотиралар билан ўтар, сиёсий ва адабий мавзуларда тез-тез қизгин баҳслар ҳам бўлиб турарди.

Аммо вақт ўтиб борар, вақт ўтиши улар ҳам кексайиб боришарди. Уларнинг уйдаги гавжумлик ҳам камайиб, сукунат ортиб борарди. Меҳмонлар борган сари камроқ келадиган бўлиб қолишди. Лафарглар энди ортиқ ишламай қўйишганди. Улар етмишга бориб қолишганди.

«Лафарглар бизни очик чеҳра билан кутиб олишди, — деб ёзади Крупская. — Владимир Лафарг билан ўзининг фалсафий китоби ҳақида гаплаша бошлади. Лаура Лафарг эса мени боққа сайр қилишга бошлади. Мен жуда ҳаяжонландим — ахир, қаршимда турган аёл Маркснинг қизи эди, мен унинг юзига суқлиниб тикилар эканман, унинг чеҳрасида беихтиёр Маркснинг белгиларини излай бошладим».

Крупская бу белгиларни топган-топмаганини ёзмайди. Лекин мен ўйлайманки, гарчи Лаура отасидан кўра онасига кўпроқ ўхшайди деб ҳисобланса-да, топган бўлса керак. Лауранинг портретига синчиклаб қаранг, унинг заифона юмалоқ юзига, чиройли қайрилма қошига, қўнғир кўзларига, нафис оғзига, бир оз дўрдоқроқ лабларига разм солинг — дўстлари Мавр деб атаган Маркс билан унинг ўртасида жиндай бўлса-да, оилавий ўхшашлик борлигини кўрасиз. Ҳар ҳолда Лаура унинг қизи экани сезилиб туради. Ёшлик йилларида у нозик, озгин эди, энди эса кексайиб оғир тортиб, семириб кетган. Бироқ у ҳамон аввалгидай «хотиржам, юзи қонсиз, кўзлари сўлим, овози паст, бир оз бўғиқроқ эди».

Ёш, аслзодалик кўчасидан ўтмаган, улуғ Маркснинг қизи билан гаплашаётганидан ҳийла ҳаяжонланаётган, велосипедда келгани учун костюмга ва арзон шляпасига чанг қўнганидан хижолат чекаётган Крупская аввалига сира ҳам гапини тополмай, ўзини бир қишлоқи аёл сифатида ҳис қила бошлади. «Мен хижолат ичида, — деб эслайди у, — аёлларнинг революцион ҳаракатда иштироки тўғрисида, Россия ҳақида нималардир дедим, у нималардир деб жавоб берди. Лекин гапимиз қовушмади».

Очиқкўнглик, меҳмондўст, лекин парижликларга ўхшаш янги одам билан тортиниброқ муомала қиладиган Лаура Лафарг рус революционер-марксист аёлни қандай қилиб паркида сайр қилдирганини, Иль-де Франс учун типик бўлган қишлоқ манзараларини томоша қилдирганини тасаввур қиламан. У типиниқ мовий сентябрь осмонини ва спортчиларнинг ранг-баранг қайиқларини акс эттириб, қамишлар орасида ятираб тўлғониб ётган Сенани кўрсатган, унинг нариги соҳилида кўриниб турган ўрмонни кўз-кўз қилган. Фақат бу ўрмон Россиядаги сингари арча ўрмони эмас, балки рангпар-зангори, илиқ қуёш нурларига чулганган, баргли дарахтлардан ташкил топган қувноқ француз ўрмони эди. Бундай ўрмонлар тасвирини Коро ва барбизончилар яхши чизган. Ўрмонда бошларига берет кийган қишлоқ болалари қўлларидидаги калтаклар билан дарахтлардан ёввойи эмас, ҳақиқий каштанларни қоқиб, иштонларнинг чўнтақларига тўлдириб олишаётгани яққол кўриниб турибди. Осмонда эса сезилар-сезилмас ой ўроғи... Лаура Лафарг Крупскаяга ўзининг мевазорини кўрсатди. У ердан учига пичоқ ўрнатилган узун калтакни олиб, қариган чиройли дарахтнинг уч-учида пишиб турган мевани қирқди. Мева япроқларни шитирлатиб, «поп» этиб ерга тушди. Лаура чуқур хўрсиниб, астагина ерга эгилди-да, очик табассум билан Крупскаяга сап-сарик беҳини узатди.

— Мерси, мадам, — деди Крупская.

— Камарад, — деб уни тўрилади Лаура.

— Камарад, — деди Крупская Марксникига ўхшаш нузли кўзлари майин боқувчи бу қартайган ва ҳорғин аёлга завқ билан боқаркан.

Аёллар бир-бирининг қўлларини сиқишди. Бу икки аслзода аёлнинг қўл сиқиши эмас, бир партиянинг аъзоси бўлмиш икки революционернинг қаттиқ қўл қисиши эди. Кейин улар ўз туйғуларидан хижолат чекаётгандай яна бир оз сайр қилишди, кейин бир неча муддат кичкинагина гиштин қафас уй олдига туриб қолишди. Унда сим тўрлар ортида ҳар қайсиси ўзининг бўлимида титроқ мўйловли семиз қуёнлар ўтирарди. Крупская

Лауранинг кўлидан ушлаганча унинг чақноқ кўзларига қарай-қарай кетиб борарди. Бу кўзларда алланечук теран, жуда сокин бир ҳазинлик бор эди. Ушанда бу ҳазинлик сабабини изоҳлаб бўлмайдигандек туюлган эди. Уйда эса камин олдига эркаклар баҳслашишарди.

Хонага кирмасдан турибоқ Крупская Владимир Ильичнинг ўзига жуда ҳам таниш кулгисини эшитди. У болаларча самимият билан, бир оз бўғиқ овозда куларди. У одатда суҳбатдоши ўзига ёқиб қолган кезларда шунақа куларди. Крупская Лениннинг кулги орасида французчалаб айтган жумласини эшитди:

— Буни сиз ўн йилча аввал «Je socialiste»да, «Маркснинг материализм ва Кантнинг идеализми» асарларида моҳирона таърифлаб бергансиз.

— У ерда нима деганимни ҳозир унча эслолмайман ҳам, — деди Лафарг.

— Мен яхши эслайман буни.

— Oh, la-la!

— Сиз бундай ёзган эдингиз, муҳтарам Лафарг: колбаса тановул қиладиган, кунига беш франк оладиган ишчи хўжайини унинг ҳақидан уриб қолаётганини ва ўзи (ишчи) чўчка гўшти тановул қилаётганини билади. У яна биладики, колбаса жуда хоштаъм нарса, жуда тўйимли. «Бўлмаган гап, — дейди буржуа софисти — номи Пирронми, Юмми ёки Кантми дегани, — ишчининг бу тўғридаги фикри унинг шахсий, яъни субъектив фикридир. У худди шундай ҳуқуқ билан менинг хўжайиним гўшт қиймаланган қазидан иборат деб ўйлаши ҳам мумкин, чунки у ўзидаги нарсаларни била олмайди...» Бу жуда ҳам соз, қойил қоладиган гап. — Ленин қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. — Худди шундай Богданов билан унинг шериклари буни дурустгина қулоқларига қўйиб олишса чакки бўлмас эди.

— Ҳа, шунга ўхшаган гапларни ёзгандим, — деди Лафарг. — Ленин Богданов билан шериклари тўғрисида ёзганим эсимда йўқ.

— Богданов тўғрисида мен ёзганман, — деди Ленин ҳамон кулгидан тўхтамай.

— Яна Богдановини қўймайди-я! — деди ёлғондакам кўрққан бўлиб Крупская.

— Ҳа, тўғри, — гапга аралашди Лаура, — ўзидаги колбаса чиндан ҳам хоштаъм ўта фойдали нарса.

Афтидан, гап Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» деган янги китоби ҳақида кетмоқда эди. Яқиндагина босмадан чиққан юпқа муқовали китобнинг муаллифга тегадиган нухаси стол устида ётарди. Қадди-қомати келишган баланд бўйлик Лафарг камин тахтасига тирсаги билан суянганча тик турарди. Унинг кексалигидан қуришиб қолган елкаси ва саватдай оқ сочли чиройли боши каминдаги баланд кўзгуда кўриниб турарди. Ярқиратиб артилган зарҳал рамкадаги кўзгуга иккита қадимий чироқ орасида турарди. Қирғий бурунли, чақноқ кўзли, қордай оппоқ бошига батамом зид бўлган қоп-қора қоши кекса революционернинг бутун қадди-қомати деворларига қадимий қоғоз обойлар ёпиштирилган, барқутли мебель билан жиҳозланган, торгина қора рамкаларда фотосуратлар осилган бу меҳмонхонанинг қадимий французча шароитига жуда мос келарди. Девордаги суратлар ичида катак шим кийган Маркс билан Энгельснинг суратлари ҳам, Женни билан Элеоноранинг суратлари ҳам бор эди. Опа-сингиллар ичида Элеонаро энг чиройлиси ва, айни чоқда, бошқаларига қараганда отасига кўпроқ ўхшайдигани эди. Ёши ўтиб қолганига қарамай, Лафаргга сиёсий нотичкин, социализминг оташин тарғиботчисининг ҳамма хислатлари ҳамон сақланиб қолган эди. Унинг вужудидан Интернационал, Париж коммунасининг руҳи сезилиб турарди. Баъзан у жилетининг чўнтагидан кумуш пенснесини оларди-да, уни силкитиб, дўрижерларники сингари ҳаракат қиларди. Хирург, врач, таҳлилчи, бутун вужуди бошдан оёқ материалист, хурофот ва бизъатлардан холи Лафарг нимаси биландир Тургеневнинг Базаровини эслатарди. Ленин юшоққина ўриндиқда каминга ўгирилиб, ўриндиқ суянчигига кистириб қўйилган тўр сочига бошини қўйганича кўзларини қисиб, шу ажойиб одамга суқлиниб қараб ўтирибди. Шу ўтиришда у социал-демократларнинг «Сиққонлар мушукни қандай кўмишди?» деган машҳур карикатурасига ўхшаб кетарди. Унда Ленин меньшевистик сиққонларни тутаетган мушук тарзида тасвирланган эди. У профессорлардек қўлларини бир-бирига ишқайди: у ўзи бениҳоя ҳурмат қиладиган ана шу революционер-марксист билан, чинакамига ёқимли одам билан гаплашаётганидан



беҳад ҳузурланмоқда эди. Аёллар киришди ва кириб келишлари биланоқ гап нимада бораётганини сира қийнамай топиб олишди-да, суҳбатга қўшилишди. О, бу кичкинагина қишлоқ меҳмонхонасида нақадар кўп қимматли фикрлар айтилди! Ленин учун «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида келтирган далилларини яна бир карра синовдан ўтказиб олиш муҳим эди, чунки китоб ҳамон унга темирчининг кўрасидан янги чиққан лаққа чўғ тақдайд эди. Теварак-атрофлардан энг оддий, дунёдай кўҳна идеализм, черков идеализми; диний идеализм, попларнинг дағал сафсаталари, беркличилик бостриб келмоқда. Улар башараларига замонавий ниқоб тутиб олишган. Ҳар нима қилиб бўлса-да, бу ниқобни сидириб ташлаш керак, сон-саноқсиз махистлар, бернштейнчилар, худо изловчилар, эмпириокритицистларнинг, революцион материализминг ревизия қилувчиларнинг ҳақиқий моҳиятини фош қилиб ташламоқ зарур. Уларнинг моҳияти шундаки, булар ҳозир ҳар хил каваклардан сувараклардай чиқиб келаётган ашаддий аксилинқобчилардир. Социалистик революциянинг амалга оширмоқ учун ҳақиқий революцион марксистик партия тузиш лозим, уни тузиш учун эса биринчи навбатда уни ҳар қандай идеализмдан халос этмоқ даркор.

— Биз тартибда идеализмининг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб бораемиз, — деди Ленин.

— Тўғри қиласиз! — деб хитоб қилди Лафарг пенсне тутиб турган кўлини бир ёнга шахдам ташлар экан. — Сиз минг карра ҳақсиз, қимматли ўртоқ Ильич!

Ҳақиқий, чинакамга революцион рус ишчи партиясини ташкил қилиш масаласининг моҳиятига кириб борган сари улар муаммонинг энг теран ижтимоий, фалсафий илдизларига етиб боришарди.

— Ҳаракатни материядан ажратиб қўймоқ тафаккурни объектив воқеликдан ажратиб қўймоқ билан, менинг ҳисси-ётимни ташқи дунёдан узиб олиш билан баробар, яъни бу идеализм томонига ўтиш демакдир, — деди Ленин қўлларини киссасига тиқиб, оёқларини узатар экан. — Ҳаракатсиз материяни тан олиш йўли билан материяни инкор қилиш бобидаги оддий найрангбозлик шундаки, материя билан фикрнинг муносабати ҳақида лом-ним дейилмайди. — Ленин яхши бўрган мавзунини топиб олганди. Шунинг учун ҳаяжонлана бошлади. У идеалистлар билан баҳсининг шу нуқтасига етиб келганда ҳамиша жуда қаттиқ ҳаяжонланарди.

— О, материя ва фикр! — деб хитоб қилди Лафарг ва бундан теран ўйга чўмди.

— Материя йўқолди дейишяпти бизга, — деб шоша-пиша давом этди Ленин. — Материя йўқолди дейишяпти бизга. Бу гапдан гносеологик хулосалар чиқаришмоқчи. Фикр-чи? Қолганми? — деб сўраймиз биз. Йўқ бўлса, агар материянинг йўқ бўлиши билан фикр ҳам йўқолса, мия ва асаб системасининг йўқолиши билан тасаввурлар ҳам, сезгилар ҳам йўқолса, унда, демак, ҳамма нарса йўқолади, шу жумладан, ҳар қанча ғариб бўлмасин «фикр»нинг (ёки анқовликнинг) бир намунаси сифатида сезининг мулоҳазангиз ҳам йўқолади.

Энди Ленин гўё аллақандай хаёлий рақибига мурожаат этиб, уни мантиқ кучи ва пичинг билан тор-мор келтираётгандай эди. Фалсафий баҳоларда у ҳамиша шундай қиларди. Бундай дақиқаларда у ҳаддан зиёд чиройлик бўлиб кетарди. Крупская унга маҳлиё бўлиб қолди.

— Мия ва асаб системасининг йўқолиши билан тасаввурлар ҳам, сезгилар ҳам йўқолади, — деб такрорлади Лаура қўққисдан паст овозда. Кейин у ҳазин бир ўйчанли билан эрига қаради. Эри унинг қараганини пайқаб, маъқул қилгандай кумуш бошини секин ирғаб қўйди.

— Ҳа, дўстим, худди шундай. Тасаввурлар ва сезгилар ҳам йўқолади.

Ленин билан Крупская кетишга отланишди. Улар кичкина эшикдан велосипедларини кўчага олиб чиқишаётганда, улар билан хайр-маъзур қилатуриб, Лаура бармоқларининг учини Лафаргнинг елкасига тегизиб, паст овозда деди:

— Тезда у ўзининг фалсафий эътиқодлари нечоғлик самимий бўлганини исбот қилади.

Мана, орадан унча кўп вақт ҳам ўтгани йўқ — Мари-Роздаги уйига қайтиб келиб, Ленин тўсатдан Лафаргларнинг оламдан ўтганини эшитди: улар ўз жонларига қасд қилишибди. Бу хабарни кундузи Шарль Раппопорт келтирган экан. Бунга эшитиб у ҳам ўзини йўқотиб қўйибди, адои тамом бўлибди. У Крупскаянинг қўлини қаттиқ сиқибдию устидаги ҳўл

пальтосини ҳам ечмай, чиқиб кетибди. Крупская Шарль Раппопортдан эшитганларининг ҳаммасини Ленинга айтди: бугун эрталаб Дравейлдаги уйнинг боғбони меҳмонхонага кирса, мадам ва мсьё Лафарглар совиб қолган камин олдида ҳар бири ўз ўриндиғида ўлиб ётган эмиш. Аввалги кун улар Парижда бўлишиб, у ердан кеч қайтишибди. Башанг кийиниб олишган экан. Улимнинг сабаби — цианистий калий уколи. Афтидан, улар бир-бирларига укол қилишган кўринади. Балки Лафарг врач сифатида уколни ўзи қилган бўлиши ҳам мумкин. Шприц камин устида экан.

Ленин анча вақтгача ўзига келолмади. У ўзининг кичкина кватирасида тинимсиз у ёқ-бу ёққа юрар, дераза олдида тўхтаб, ноябрь тунининг қуюқ зулматига тикилар, ҳадеганда гоҳ бир қўли, гоҳ иккинчи қўли билан тепакалини силарди.

— Е табба! Фалати гап-ку!

Машъум хабар Парижга тарқалиб бўлган эди. Кузги пальтосини елкасига ташлаб олганича Инесса югуриб келди — у шу ерда — Мари-Роз кўчасида қўшни уйда яшарди. Унинг сочларида ёмғир томчилари симобдай ялтираб турарди.

— Эшитдингларми?

— Ҳа. Шарль келганди.

— Тафсилотларни биласизларми?

— Цианистий калийнинг уколи.

— Хат-чи?

— Демак, хат ҳам бор экан-да...

— Ҳа. Лафарг ўлимидан олдин хат қолдирибди. Етмиш ёшида ўлишга қарор қилганига анча бўлганини ёзибди. Етмиш ёшга кирганида ҳаётдан кетишга шунинг учун қарор қилган эканки, бу санани бир чегара деб билар экан. Ундан кейин муқаррар қариллик бошланади. У партияга юк бўлади, чунки унинг болалари ҳам, яшашга маблағи ҳам йўқ.

— Болалари ҳам, маблағи ҳам йўқ... Партияга юк бўлармиш...

Ленин қўлларини ёйди.

— Фалати гап. Фалати гап... Инесса, тушунасанми, бу — даҳшат-ку!

Инесса Арманд билан Ленин ўртасида дўстона, ўртоқлик муносабатлари мавжуд эди: улар баъзан бир-бирларини сенсирашар, баъзан сизлашарди. Кўпинча сизлашарди. Аммо ҳозир — ана шу машъум воқеа рўй берганда, Ленин чуқур ҳаяжон ичида эди. Шунинг учун Инессага сенлаб мурожаат қилди.

— Аммо Лаура, Лаура-чи... — деди Крупская ва нима дейишини билмай, индамай қолди.

Инессанинг кўзлари ялтиради. Унинг кўзларини сочигина чиройли эди, шекилли. Аммо шунинг ўзи ҳам Инессани беҳад жозибали қилишга етарли эди.

— Лаура уларнинг бутун турмуши давомида, — деди Инесса, — Поль билан ҳамма қийинчиликларни, шодликларни, ҳамма курашларни баҳам кўрган. Шунинг учун ўз ихтиёри билан ҳаётни тарк этиш масаласида ҳам у садоқат билан эрининг ортидан борган. Акс ҳолда, у Маркснинг қизи бўлмас эди.

— Поль ундан ўн ёшлар катта эди, шекилли, — деди Крупская.

— Кўринишдагина, — деди Инесса. — Аслида у Лаурадан атиги уч ёшгина катта эди.

— Володя, Поль уни нима деб чақириши эсингдами? — деб сўради Крупская. — У ҳамиша майин бир табассум билан «Лора, қизалоғим...» деб чақирарди.

— «Лора, қизалоғим...» — деди Инесса маъюс.

— Энди улар йўқ, — деди Крупская ва Дравейлни, ғиштин уйчадаги қуёнларни, Лауранинг қафтидаги малла тукли беҳини, Лафаргнинг бир томонга чўзилган қўлидаги пенсенни кўз олдига келтирди...

Бугун чойдан эрта туришди — эртаси кун ташвиш кўп эди. Ленин ўрнига ётиб, онаси совға қилган эски шотланд одеялига ўраниб олди, бироқ кўп ўтмай, уйқуси келмаслигини фаҳмлади. Крупскаянинг гувоҳлик беришича, Парижда уйқусиз тунларнинг кўпида Ленин «Верхарнни ўқиб тонг отдира» эди. Сўнги вақтларда Верхарнни ўқиб унинг учун одат тусига кирди. Яқин-яқинларда ҳам у Виктор Гюгога мафтун бўлиб юрарди. «Интиқом»нинг оташин беварлари унинг қалбида аксадо уйғотарди. Энди Эмиль Верхарн — шеърини шаклнинг улуғ новатори, сўз наъятининг революционери, капиталистик дунёни фош қилувчи шоир. Унинг образлари рамзий бўлиб,

қудратли умумлаштирувчи куч касб этар экан, ўзининг моддийлиги билан кўз билан кўрса бўладиган даражага етар, таъсир кучи ортарди. Улар китобхонни воқеликдан чалғитади, символизмнинг омонат дунёсига етакламайди, балки нарсаларнинг моҳиятини англаб олишга, уларнинг фалсафий маъносини кашф этишга ёрдам беради. Верхарн Ленин яшаётган, фикрлаётган тарихий даврни, дунёни тасвирлар эди. «Хаёт қиёфалари», «Юҳо шаҳарлар», «Ранг-баранг шафақ», ниҳоят яқиндагина босмадан чиққан «Давлат оҳанглари».

Еруғлик Крупскаяни безовта қилмасин учун кичкина электр лампочкасини газета билан тўсиб, Ленин Верхарнни варақлаб ётибди. Кўп шеърларни у аллақачон ёд билади. Энди унинг диққати яна «Буржуанинг ҳайкали» шеърига жалб бўлди. Бу кичик дostonнинг кучи ва аниқлиги Ленинни қойил қолдирарди. Ленин уларни аслида — француз тилида ўқир экан, бу дostonнинг ажойиб оҳангига; ундан эшитиладиган бронза жарангига маҳлиё бўларди.

**Биринж бўлиб турар мағрур индамай,  
Икки жағи — қайсар, қорни эса — меш.  
Рақибин йиқишга қодир оғир мушт,  
Тош манглайда қотган — нафрат, ваҳима.**

Бу — Лениннинг қадимий, доимий душмани — буржуа, империалист эди.

**Уста каби уққан — босиш санъатин:  
Шоқолдай биқиниб, барсдай ташланар.  
Гоҳ юксалган бўлса осмонгача гар,  
Бу ҳам кўрсатар юксак жиноятин.**

**Кулранг тошйўл узра катта майдонда,  
Қад ростлаб турибди у тик, дарғазаб,  
Ҳимоя қилмоқда қўлин шу онда,  
Пул сандиққа ўхшаш супага ниқтаб.**

Парижда саккиз юздан ортиқ ҳар хил ҳайкаллар ва монументлар бор. Уларнинг орасида, албатта, бунақа ҳайкал йўқ. Бу — улуг шоирнинг қудратли фантазияси яратган ҳайкал эди. Минг афсус! Ленин овоз чиқармай кулиб юборди — бу ўткир, захарли кулги эди. Ундаги киноа ҳам жуда ўткир эди. Минг афсус! Парижнинг марказида, айталик Иттифоқлик майдонининг ўртасида, депутатлар палатасининг рўпарасида Луксор обидаси ўрнига шундай ҳайкал ўрнатилса борми, у капитализмга ўқилган жанозадек жуда ўрнига тушган бўларди. Верхарннинг ўзининг кучи ва ёрқинлиги билан қалбларни ларзага солувчи шеърлари ҳамон оқиб келарди. Ленин гоҳ бирга китобни, гоҳ иккинчисини варақларди.

**Шаҳарларнинг чеккасида — атрофларида,  
Заводларнинг симметрик гишт деворларини  
Орасида эшитилар печлар увлаши, —  
Уша ёқда қайнаб ётар очлик-муҳтожлик,  
Кўз ёш билан ювилади ҳар босган қадам,  
Кулбаларда ўша-ўша мангу қарғишлар,  
Евқарашлар тўқнашади шамширлар каби,  
Камбағаллар бир-бирдан оларлар тортиб  
Бир-бирининг энг охирги бурда нонларин,  
Уфқ эса қурум билан кўмилиб ётар...**

**Гапсиз-сўзсиз автоматдай ишчилар тўпи  
Тик турганча, дастгоҳларнинг аниқ, мунтазам  
Юришини сақлаш учун ташвиш чекишар,  
Дастгоҳ эса тўла бўлар шум жазавога —  
Бахил тиши эндиликда кераксиз сўзни  
Парча-парча йиртиб ташлар.**

**...Бунда қат-қат қурумлардан қораяр тонглар,  
Бунда қуёш кўр одамдай тушки ҳовурда  
Буруқсаган тўтунарлару буро дайди.  
Фақат ҳафта зулматларга армуғон қилиб  
Шом қуёшин олиб келган бир соатгина  
Кўтарилган болга каби тўхтагай бир зум  
Жуда қаттиқ зўр беришнинг нафасидир бу.  
Оппоқ туман шаҳар узра чўзиб юборар  
Олтин каби йилтираган қанотларини.**

Қоронғи дераза ортида темир дарпарда ёруғларидан кўчадаги ёлғиз газ фонарининг шуъласи тушиб турарди, Париж мансардлари устини эса олтиранг туман чулғаб олганди. Улкан шаҳарнинг на кундузи, на кечаси тинадиган, ғалати, толиқтирувчи ғувури қулоққа чалинади. Лениннинг кўз ўнгига қудратли сиймолар — Геракл, Персей, Мартин Лютер, ниҳоят бош ҳарфда ёзиладиган Шаҳар намоён бўлди. Буларнинг бари «Давлат оҳанглари»даги рамзий образлар эди:

**Сен жисминг тўлатган дарғазаб жонинг,  
Барқ урган жонинг-ла қўшилмоқ учун,  
Улдириб ҳатто ўз худоларингни  
Асрий тартиблардан қутулсам, дейсан.**

Ленин ўзида уйқу бермаётган, унинг келажакка интилган тинимсиз кучланиш билан ишлайдиган миясини қийнаб юборган шу электр зарядини ҳис қилди.

**Истиқбол! Мен уни тинглаётирман,  
У тупроқни қўпораётир,  
Олтин, қоракүмүш шаҳарлар бўйлаб  
Гумбаз-қуббаларни қулаётир,  
Ёли ҳилпираган шерлар сингарин,  
Ёнғинлар жонсарақ тентираётир.  
Не-не асрларни титратган лаҳза,  
Жангда зўрлик билан ечилган тугун,  
Дунёнинг турқини ўзгартган соат,  
Муқаддас, чин бўлган ҳамма нарсалар  
Мутлақо нотўғри кўринган чоғи,  
Бирдан янги давр чўққиларига  
Парвоз қилиб учиб борган дақиқа,  
Дарғазаблик ини — оломон бирдан  
Асрий гиналарин ҳисобини сўраб  
Қудрат харсангида ўрнатар ҳаққин!**

Ленин Верхарн саҳифаларини тез-тез варақлар, ухлашни истар, лекин ухломасди. Айни чоқда унинг кўз ўнгига ҳамон ўша ҳаракатсиз манзара турарди: совиб қолган камин олдида иккита бўш ўриндиқ. «Мия ва асаб системасининг йўқолиши билан тасаввурлар ҳам, сезгилар ҳам йўқолади». Польш ва Лаура учун тасаввурлар ва сезгилар энди мангуға ғойиб бўлди. Хона, кўзгу, камин, Сена ортидан кўтарилиб, дераза тўрининг бир четига майин шуъла ташлаган қуёш, тонг палласи қичқирган ҳўрознинг олтин овози ғойиб бўлди. Улар учун дунё ғойиб бўлди. Аммо биз тириклар учун Польш билан Лаура, тирикларнинг бахти учун жуда кўп иш қилган бу икки қария ўзларининг мангу ҳаракатсиз қиёфаларида мавжуддирлар. Наҳотки, улар ҳозир худди шу дақиқаларда атрофига сунъий муз бўлаклари уйиб қўйилган ҳолда, пешоналарига совуқ сув чак-чак томиб турган бир алфозда ўликхонанинг мрамар тахталари устида ётган бўлсалар? О, буни тасаввур қилиш жуда қийин. Ленин қулоқ солди. Энди Парижнинг доимий, сезилар-сезилмас ғовурига яна қандайдир бошқа, анча аниқ ғовур қўшилди. Тегирмон тошларининг ғовурига ўхшаган бу дағал шовқин Порт д'Орлеан бўйлаб, дарё оқимидай кўчани тўлдириб бораётган араваларнинг, фургонларнинг, юк автомобилларининг, икки гилдиракли тележкаларнинг овози эди. Уларнинг бари Марказий бозорга юк олиб кетяпти. Тонг яқинлашмоқда. Мана, ниҳоят, бир тутам шуъла кўринди. Энди ҳавода фабрика гудокларидан ташкил топган таниш садо янгради. Бу садодан деразаларнинг ойналари энгил дириллади, Крупскаянинг зинага қўйилган велосипеди майин дириглади. Пастда, консержканинг хонасида эшик зулфи шиқиллаб тушди, ҳамма ёққа қайноқ кофенинг ёқимли ҳиди анқиди. Ташвишларга тўла кун бошланди: шошилинч партия мажлиси, Лафаргнинг вафоти муносабати билан партия аъзоларининг феъл-атворларини аниқлаш. Лафаргларни дафн этиш маросимида Россия социал-демократ ишчи партияси номидан Лениннинг нутқ сўзлаши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Нотиқларни «Юманите» редакциясида Жорес рўйхатга ёзмоқда. Одам жуда кўп бўлиши кутилмоқда. Сўзловчилар рўйхатида тушиб қолмаслик учун кечикмаслик зарур эди. Партия мажлисидан чиқиб, Ленин бутун шаҳар орқали тўғри «Юманите» редакциясига йўналди. У пайтларда редакция биржанинг яқинида жойлашган эди.



Биржа атрофидаги майдон гавжум эди. Биржанинг иш куни ҳозиргина тугаган. Биржа ходимлари нонушта қилгани тарқалляпти. Устига формалик тужурка кийган, пол артадиган латталар ва супурғилар билан қуролланган фаррошлар сергайрат қиёфада шитоб билан қоғоз парчаларини супуришар, гранит зиналарни, юмалоқ темир писсуарларни ювишар, Биржа биносини ўраб олган панжараларни қулфлашар эди. Бу ер жанг майдонига ўхшарди, фақат ундан ўликлар ва ярадорларни олиб чиқишга улгуришган, уларнинг кийим-кечакларининг лахтаклари қолган. Тирик қолганлар эса сафларини қайтадан тартибга келтириб, бивакларга, маркитантларнинг чодирларига чекинишмоқда. Ленин одамлар орасидан тезроқ ўтиб олишга ошиқди. Одамлар уни туртишар, кейин кечирин сўрашган бўлишга тер босган, сочлари тузиб кетган бошлари устидан цилиндрларини ёхуд котелокларини сал-пал кўтариб қўйишарди. Майдоннинг бурчагида извошлар ва автомобиллар орасида у бир одамга урилиб кетай деди. У қўлида биржа бюллетенини сиқимлаб олганча, юзида дахшат ифодаси билан, ҳаракатсиз кўзларини бир нуқтага қадаб, атрофида ҳеч нарса кўрмай келарди. Унинг оғзидан олови ўчи қолган, намиқиб кетган сигра чиқиб турар, цилиндр тагидан пешонасига, бурининг устига чак-чак тер оқмоқда. Эмиль Золянинг қалами билан жуда тез ва бир оз бепарворок тасвирланганга ўхшаш бу манзара ўзининг жаъмики яланғоч бадбашараси билан Лениннинг кўз ўнгига намоен бўлди. Айниқса бугунги мотам кунида — Париж мотамсари мақола-ларга, таъзияномаларга тўла нам газета саҳифасига ўхшаб турган бир кезде бу одамнинг қиёфаси жуда қабих ва таҳқирли туюлди.

Ўттизинчи йилларнинг бошида кеч куз кунларидан бирида мен Марсель Кашеннинг қўлини сиқиш учун «Юманите» редакциясига кирдим. Марсель Кашен билан Москвада Герцен уйининг боғчасида танишган эдим. У пайтларда у «Юманите»га муҳаррирлик қиларди. Газета биринчи жаҳон урушидан олдин жойлашган уйда эди, шекилли, Кашен эса Жореснинг кабинетини эгаллаганди. У каттакон ёзув столининг ортида девордаги Европанинг сиёсий харитасига орқасини ўгириб ўтирарди. Бу катта харита Жорес давридан бери жуда кўп фожиавий ўзгаришларга дуч келди.

Мен Париж одатига кўра макинтошимни ечмай, редактор столининг бир чеккасида ёнламасига ўтириб, бизнинг беш йилликларимиз тўғрисида, баҳайбат Магнитогорск курилиши, у ерда мен сўнги тўрт ой мобайнида махсус мухбир бўлганим ҳақида Кашенга ҳикоя қилиб берар эканман, у эса кўзлари чақнаб, вақти-вақти билан: «О ля-ля! Қани энди, буларни бизнинг Ленин кўрганда эди!» деб хитоб қилди, хонага эски қадрдонлардек бетакаллук кекса метранпаж кириб келди. У одат бўйича, босмаҳона ишчилари кийиб юрадиган кўк блузкада эди. Блузка қотириб крахмалланган, унинг тагидан ипак бўйинбоғли қаттиқ ёқа чиқиб турарди. Унинг қўлида хўл газета гранкалари билан каттакон матбаа чўткаси бор эди. Чўткадан бутун кабинетни тўлдириб, ўткир керосин ҳиди анқирди. Менинг ҳикоямни тинглаб экан, Кашен гранканинг ҳошияларига тез-тез хар хил корректура белгиларини қўярди, кекса метранпаж эса муҳаррир столининг нариги бурчагига ўтириб олиб, бармоғида эскириб кетган никоҳ узукли қўлини менинг елкамга дўстона қўйганича, сийрак сочли бошини ирғаб, гапимни маъқулларди.

— *Ga su bien! C est une grande siitoare clu communisme mondio!* Шундай эмасми, уртоқ? Эртага биз «Юм»да Магнитогорск ҳақида катта ахборот берамиз. Сиз Ленинни билармидингиз? — деб сўради у мендан.

— Афсуски, шахсан қуришган эмасман.

Кекса метранпаж менга ҳамдардик билан қаради.

— Мен эсам Ленинни кўрганман. Бир куни у бизнинг «Юм»имизга, бечора Жорес олдига келганди. Ленин Жоресни тополмади. Бу вақтда бечора Жорес нонушта қилмоқда эди. Ленин унинг ҳузурига дю Круассан кафесига борди. Сиз Лениннинг билан фахрланишингиз керак, — деди у жиддий оҳангда. — У улуг одам эди, бизнинг Робеспьерга қараганда бир неча баробар улугроқ эди. Балки Жан-Жакнинг ўзи ҳам унга тенглаша олмасди.

— Мен уни жуда яхши билардим, — деди Кашен ўсиқ қошлари остидан майин жилмайиб. — Биз у билан қалин дўст эдик. У жуда ўткир одам эди, ҳақиқий революционер эди... Айни чоқда, у парижлик ҳам эди. О, қани эди, у Совет

Россиясида ўз гоёларининг узил-кесил тантанасини... кўрганида...

Гарчи тарихда Лениннинг Жорес билан учрашгани тилга олинмас-да, мен 1911 йил ноябрь ойининг охириг кунини, кимсасиз редакция йўлларини, сирпанчиқ мармар зинани, унинг кир газета парчалари билан қопланган пиллапояларини, улардан қўлтиғига зонтигини қистириб олган Лениннинг югуриб чиқаётганини, пастдан аллақердаги линотип хонаси-дан келаётган ёниб турган чироқлар гази, эриган кўрғошин, босмаҳона бўёғи, қорамойнинг қоришиб кетган ўткир ҳиди билан тўйинган илиқ ҳаводан бўғилиб, Жоресни излаётганини яққол тасаввур қиламан. Редакцияда Жоресни тополмагач, Ленин метранпажнинг маслаҳати билан Жорес доимо нонушта қиладиган дю Круассан кафесига жўнайди.

Ленин Жоресни одам тирбанд залнинг этагидан топади. Жорес одатдаги жойида — каттакон деразанинг ёнида, битта сафеткани тиззасига ёйиб, иккинчисини ёқасига қистириб ўтирарди. Жорес нонуштани тугатаётган — бир бўлак нонга пичоғининг учи билан пўстлоғи арчилган камамбердан сурмоқда эди.

— А, муҳтарам Ленин! — деб хитоб қилади у ва иккала сафеткани ҳам стол устига қўяди. — Сизни кўрганимдан гоёт мамнунман. Утиринг. Кўп ёмон иш бўлибди-да... Дўстимиз Лафарг орамиздан кетибди. Сира хаёлда йўқ воқеа-я! Ақл бовар қилмайди.

— Сизни излаб «Юм»га киргандим, — деди Ленин.

— Нонушта қилаётгандим. Мана, тугатдим, — деб жавоб берди Жорес. — Балки, бир қултум кофе ичарсиз.

Ленин кофени рад қилди. Ҳали унинг иши кўп эди. У стулга қиялаб ўтирди, оёқларини йиғиб олди ва нима мақсадда келганини лўнда қилиб тушунтирди.

— Мен Россия социал-демократ ишчи партияси номидан сўз сўрайман. Мана менинг ваколатим.

Ленин стол устига қоғоз қўйди.

— Нотиқлар руйхати жуда катта. Анча қийналиб қолдик, — деди Жорес. — Аммо шўрлик Лафаргларни дафн маросимида сизга буюк революцион Россиянинг вакили сифатида, албатта, сўз берилади. Фақат қисқа гапирасиз-да!.. — деди Жорес ялинган оҳангда. У чўнтагидан ён дафтарини чиқариб унга бир неча сўз ёзди. — Аммо илтимос, муҳтарам Ленин, кечкурун «Юманите»га менинг олдимга яна бир келсангиз. Ҳаммасини қондаси билан расмийлаштирамиз. Хўп, кечгача хайр...

Улар хайр-маъзур қилишди. Ленин ошиқмоқда эди. Жорес деразанинг хўл ойнаги орқали кўчада рус социал-демократларининг кичик жуссали раҳбари Ленин пайдо бўлганини, кичкинагина дўконча ёнидан шитоб билан ўтиб кетганини кўриб турарди. Бу дўконда Нормандиялик серсоқол баққол ўтирарди. У олдига ёйиб қўйилган энсиз қутиларда лимон, денгиз ўтлари, пуштиранг креветкалар, чиганоқлар, сиёҳдай қоп-қора денгиз типратиканлари, мидиялар, бурғунд эскарго-сини сотиб ўтирибди. Дўкон устига безак учун осиб қўйилган денгиз фонари ва «Чиганоқ» деган ёзувли қутқариш доираси шамолда чайқаларди. Жорес витринанинг ойнагидан ноябрь ёмғирининг майда томчилари иланг-биланг из қолдириб оқиб тушаётганига қарайди.

Худди шу витрина орқали ўн тўртинчи йилнинг июлида Жорес кичкина графиндан стаканга вино қуяётганида тўппончадан отиб ўлдирилган эди.

Учинчи декабрь яқшанба куни Пер-Лашез қабристонига эрта тонгда ноқ крематорий мўрисида қоп-қора ёғли тутун бурқсий бошлади. Бу тутун шаҳар устидаги ласт булулларга ва эзиб ёғаётган майда ёмғир тўрларига қўшилиб кетди. Крематорий ертўласида печкаларда антрацит кўмир лагча чўғ бўлиб ёнмоқда, унинг устида газнинг кўкиш тили кўтарилмоқда эди. Икки атеистнинг жасадини кул қилмоқ учун ҳамма нарса тахт эди.

Қора рангли мотам аравалари баланд рессорларида чайқала-чайқала Пер-Лашез дарвозасидан бирин-кетин кириб келди. Қизил ленталар тутилган думалоқ гулчамбарлар чайқаларди. Мотам аравалари ордидан бутун революцион Париж — ўн минглаб француз пролетарийлари келмоқда. Улар Сен-Дени, Сент-Антуан, Бельвиль, Иври, Батиньоль, Монмартр ишчилари. Уларнинг теласида қизил байроқ хилпирайди. Халқроқ социализм вакиллари ҳам шу ерда. Улар орасида Крупская билан Инесса Арманднинг уртасида ялтираб турган яланғоч бошини эгиб хаёлга чўмган Ленин келяпти.

Крематорий залига ҳамма сиғмади, мотам митинги очик ҳавода гулхонага олиб борувчи йўлда бўлди. Мотам минбарини ҳар томондан қуршаб олган ҳаракатсиз халойиқ олдида жаҳоннинг энг сўзасомол нотиқлари — Каутский, Брак, Эдуард Вайян, Харди, Жорес нутқ сўзлашди. Навбат Ленинга етганда, у қатъият билан олдинга қадам ташлади-да, минбарнинг чеккасида тўхтади. У кўлида ён дафтаридан йиртиб олинган саҳифани икки буклаб ушлаб олганди. Қоғоз чўнтагида юриб анча эзиллибди. Ленин нутқи давомида французча текстга бирон марта ҳам қарагани йўқ. Автомат ручканинг ализарин сиёҳи ёмғирда ёйилиб кетиб, бармоқларда сафсарранг доғлар ҳосил қилмоқда.

— Уртоқлар! — сукунат ичида Лениннинг хитоби янгради. — Поль ва Лаура Лафаргларнинг ўлими муносабати билан Россия социал-демократ ишчи партияси номидан чўкур қайғумизни изҳор этмоқ учун сўз олдим.

Ленин бир зум гапдан тўхтади. У рўпарасида Париж пролетариатини, унинг жанговар қизил байроқларини, қабристон йўлкаларини кўрди. Эҳтимол, худди шу байроқлар бир вақтлар Коммуна баррикадалари устида ҳилпирагандир. Худди шу йўлкаларда коммунарлар версалчиларга қарши сўнгги жанглари уюштиришгандир. Эҳтимол, худди шу дақиқаларда Ленин версалчиларнинг Тахт майдонига ўрнатилган олти замбаракли батареяларнинг ўқлари Пер-Лашез дарвозасини қандай кунпаякун қилганини тасаввурга келтиргандир. Мана, пайраҳалар, тошлар, темир парчалари учяпти. Олов кўзларга урилади. Коммунарларнинг қаҳрамонона қаршичилигини, уларнинг милтиқларининг заифгина ўтини енгиб, версалчилар қабристон ичига ёриб киришди. Икки соат мобайнида коммунарлар ҳар бир ёдгорлик учун, ҳар бир қабр учун жон-жаҳдлари билан жанг қилдилар. Ҳозир мотам минбариде турар экан, Ленин ўшанда сарвларнинг қорамтир барглари орасида оқаришиб турган мана шу сағаналар ва ёдгорликлар орасида нақадавр даҳшатли қиргин-барот бўлганини яққол тасаввур қилди... Нариде, қиш уйқусига кирган яланғоч дарахтлар орасида сатҳи ўқлардан тилинган девор элас-элас кўзга ташланади. Бу девордан марҳум аёлнинг икки томонга ёйилган қўли ва отилган коммунарларнинг орқага ташланган мағрур бошлари чиқиб тургандай туюлади. Буларнинг бари содир бўлганига унча кўп ҳам бўлгани йўқ. Ленин халойиқ орасидан ўзига кекса коммунарлар қараб турганини ҳис қилди.

— Лафарг шахсида, — деб давом этди Ленин, — рус социал-демократ ишчиларнинг фикрича икки давр бирикиб кетган эди. Буларнинг бири Франциянинг революцион ёшлари француз ишчилари билан бирга республика ғоялари йўлида империяга қарши ҳужумга борган давр. Иккинчиси эса француз пролетариати марксистларнинг раҳбарлиги остида социализм учун тузумга қарши сўнгги курашга тайёрланиб, жамики буржуа тузумига қарши синалган синфий кураш олиб борган давр.

Ленин ўзлалигича халойиқнинг эътиборини жалб қилиб олди. Ҳамма кўзлар рус раҳбарининг кичкина бўлса-да, серҳаракат жуссасига тикилган эди. Кўпчилик ҳали унинг сир-асорини билиб олганича йўқ. У қўлларини эҳтирос билан силкитди, бироқ буларнинг ҳеч қайсиси одамларнинг кўзини ўйнатиш учун қилинмади. У жуда содда, жуда оддий ва аини қоқда жуда таъсирчан қилиб, халойиққа жаҳондаги сиёсий вазиятнинг моҳиятини очиб бермоқда.

— Бизга, осиеча ваҳшийлик билан суғорилган ҳокими мутлақликнинг жаъмики зулмини синаб кўрган ва Лафарг ҳамда унинг дўстларининг асарларидан Европа ишчиларининг революцион тажрибаси ва революцион тафаккури билан бевосита танишиш бахтига мушарраф бўлган рус социал-демократларига Лафарг бутун умрини бахш этган ишнинг тантана қиладиган вақти жуда тез яқинлашиб келаётгани, аиниқса, ҳозир яққол кўриниб турибди.

Энди жуссаси кичик, камсуқум рус раҳбарининг сўзларида башорат бор эди. Гўёки гап ғоят буюк тарихий кашфиёт ҳақида эмас, балки энг оддий, ҳаммага маълум нарсалар ҳақида кетаётгандай Ленин жўнгина қилиб башоратли гапларини айтди:

— Рус революцияси бутун Осиеда демократик революциялар даврини очиб берди. Эндиликда бутун цивилизациялар дунёнинг демократик ҳаракатида 800 миллион одам иштирок этмоқда. Европада эса борган сари шундай белгилар кўпайиб

бормоқдаки, улар тинч буржуа парламентаризми деб аталган нарсанинг ҳукмронлик даври охирига бораётганидан (Жорес номаъқул дегандай бош ирғади) далолат беради. У ўз ўрнини марксизм ғоялари руҳида уюшган ва тарбияланган пролетариатнинг революцион жанглари даврига бўшатиб беради. Бу протариат буржуазиянинг ҳукмронлигини ағдариб ташлайди («Ҳали-бери бўлмайди, ҳали-бери бўлмайди», — деб минғирлади Каутский Ленинга заҳарли назар ташлаб)... ва коммунистик тузумни барпо этади.

Шу гапларни айтди-ю, Ленин пальтосининг барқут ёқасидаги ёмғир томчиларини қатъият билан сидириб ташлади-да, бир чеккага чиқди. Унинг нутқи тугаган эди. Пер-Лашез қабристониде қирқ йил аввал отилган ва мажмақлаб ташланган Коммуна яна худди шу ернинг ўзида қайтадан эълон қилинган эди.

Қабристондан уйга метрода қайтишди. Гира-шира қоронғи тушиб қолганди. Оқшом чоғлари кўчаларда қатнов авжига чиққан. Деярлик шаҳарни бошдан-оёқ кесиб ўтиш керак. Жуда толиқишди. «Реомюр-Севастополь» бекатида бошқа поездга ўтишди. Оломон уларни сиқувга олиб, оёқ остида селитра сепилгандай ялтираб турган тош зиналар бўйлаб судраб кетди. Улар ҳар хил ёзувлар ва стрелкаларнинг кўрсатмаларига бўйсуниб кетиб боришарди. Гоҳ бошни айлантирадиган даражада иссиқ, гоҳ этни жунжиктирайдиган даражада нам, совуқ ҳаво ён томондаги аллақандай йўлақлардан чиқиб, югуриб кетаётган халойиқ устига ёпирилади.

Ленин Лафаргларнинг дафн маросимини ортиқ уйламай қўйганди. Унинг фикри ҳар доимдагидек олдинга ўтиб кетган эди. Крупская унинг фикрларини бугунги кунга қайтарди:

— Володя!

— Лаббай!

— Эътибор бердингми? Либерал буржуазиянинг таъзирини берганингда Жорес сенга ғалати қараб қўйди-я!

Поезднинг вағир-вуғурида Ленин эшитмади. Қўлини қулоғига карнай қилиб, бошини Надежда Константиновнага эгди. Надежда Константиновна баландроқ овозда гапини такрорлади. Ленин жилмайди. Унинг кўзларида жангарилик ва муросасизлик учқунлади.

— Каутский ҳам қаради-да! — деб қичқирди у Надежда Константиновнанинг қулоғига.

Надежда Константиновна ғолибона жилмайди. Лениннинг нигоҳидаги учқунлар сўнди — у Дравейлга борганларини эслади. Кичкина меҳмонхона. Камин. Ленин хўрсинди.

— Ҳа, Надюша. Агар партия учун ортиқ хизмат қила билмасанг, ҳақиқатнинг кўзига тик боқмоқ керак бу ҳаётдан Лафаргдай кетмоқ керак.

Вагондаги шовқин-суронга қарамай, Крупская Лениннинг сўзларини тушунди. Мотамсаро шляпасини ҳазин силкитди. Эшиклар шовқин билан очилиб, ёпиларди. Одамлар киришар ва чиқишарди. Парижнинг меҳнаткаш одамлари. Кўк блузка кийган ишчилар, береткали фақир студентлар, катта магазинларда ишлайдиган қўллариде йўл-йўл қўти кўтарган қизлар.

— Ҳозир, Надюша, ўзимизнинг Россияда қиш роса забтига олаётган бўлса керак-а! Совуқлар ҳам чакки эмасдир. Қани энди, бир коньки учсак. Аини вақти-да ҳозир. А, Надюша?

Бекатлар ҳамон лип-лип ўтиб кетяпти. Худди ҳаётдек. Охириги бекат. Шу ерда тушишади.

— Надя, Инесса хушёр бўлинглр — эшик қисиб олмасин.

Шундан кейин ораддан кўп ўтмай, у Париждан Прагага жўнаб кетди. Кейин у Россияга яна ҳам яқинроқ жойларга — Краковга, Поронинога, Октябрь сари, Советлар сари, ўзининг ҳаётлигида бирон марта ҳам хаёлига келтирмаган беқиёс улуг, мангу, сўнмас шуҳрати сари, ўзининг бутун ҳаёти каби ғоят содда, улугвор ва гўзал ўлими сари борди. Париждан жўнаб кетаётиб, у умридан бор-йўғи ўн икки йилгина қолганини ўйлаб кўрдимикин? Балки ўйлагандир, чунки жисмонан ақл бовар қилмайдиган даражада, ҳаддан зиёд чарчаганини ёлғизгина унинг ўзи билар, ҳис қиларди. «Ленин, том маъноси билан физкультурачи эди, — деб ёзади Н. Семашко, — у соф ҳавони ва сайр қилишни яхши кўрар, кадрига етар, сувда сузишга, конькида учишга, велосипед минишга жуда уста эди. Петербург турмасида ётган чоғларида Ленин ҳар кунги гимнастика қилар, камеранинг у бошидан бу бошига юргани юрган эди. Эмиграцияда биз бўш қолган кунимиз кўпчилик бўлиб велосипедларда шаҳар чеккасига чиқиб кетар эдик... Владимир Ильич соғлиги темирдек мустаҳкам бўлмаганида, у эсар хотин қилган суиқасднинг натижасида бўлган оғир ярадорликка



бардош бера олмаган бўлур эди. Яра ниҳоят даражада оғир яра эди. Уқ кўкрак қафасини тешиб ўтиб, йирик қон томирларини узиб, кўкрак қафасини қонга тўлдирган эди. Бўйнида қолган ўқ тириклик учун муҳим бўлган қон томирлари («уйку» томири ва кўк қон томири) ёнидан шу қадар яқин ўтганки, Владимир Ильич биринчи кунлари қон туфлаб ётди. Шунга қарамай бир неча кундан кейин Владимир Ильич соғая бошлаб, анча ўзига келиб, руҳи ҳам тетик бўлиб қолди. Врачларнинг ҳозирча ишламай туринг деб ялиниб-ёлворишларга қарамай, Владимир Ильич эртароқ ишлаб бошлади, бекор қилдингиз деганларга кулимсираб: «Благонликни ошириб юборибсизлар...» деб жавоб берар эди».

Ленинга икки ёки уч марта суиқасд қилинган деб ҳисоблашадди. Менимча, унга кўпроқ суиқасд қилишган, лекин буни яна текшириб кўриш керак. Ҳарҳолда, ўн еттинчи йилдан бошлаб душманлари унинг изидан тушишган, кўз очирмасликка ҳаракат қилишарди. Капланнинг ўқи заҳарланган эди. Бу унинг саломатлигига, асабларига қанча путур етказганини!

«Владимир Ильичнинг сўнги беморлиги оддий аломатлардан бошланди: у ўрнидан турганида боши айланиб кетиб, йиқилиб кетмаслик учун, каравот ёнида турган шкафни ушлаб қолибди... Шу ондаёқ уни куришга чақирилган врачлар дастлаб бу аломатга эътибор бермадилар. Владимир Ильич эса ғамгин ва ўйчан бўлиб қолди; у яқинлашиб келаётган мудҳиш фурсатни сезар ва кишиларнинг ҳар қандай тасаллиларига «Йўқ, бу биринчи кўнғироқ» деб жавоб берарди. Бутун инсониятнинг бахтига қарши бу башорати тўғри бўлиб қикди».

Яқин-яқинда январь ойида биз Париж бўйлаб сайр қилиб юрардик. Мен ҳар доимдагидек, бу кўчаларда тирик Ленин юрганни тасаввуримда гавдалантириб борардим. Эрталабдан бери биз Ленин билан боғлиқ жойларнинг кўпчилигида бўлишга улгурдик. Монсури боғидаги скамейкада бир оз ўтирдим. Ленин Мари-Розда яшаганида шу ерда ўтиришни яхши кўрган. У одатда қўлида китоб билан унча катта бўлмаган сунъий шаршаранинг ёнида ўрнашиб ўтириб олар ва оқ ҳамда қора қушлар виқор билан сузиб юрган ҳовузга қўйилаётган ўйинчоқ шаршараларнинг жилдираши остида ўзининг буюк ўйларини кечирарди.

Шу ерда тиззасида китоб билан мангу навқирон, мангу ҳаракатдаги сув олдида ўтирган Ленинга қўйилган ҳайкални кўриш менга насиб этармикин?

Бир кун М. Эссенинг Парижда нималарни кўрсам бўлади деган саволига Ленин шундай жавоб берган:

— Ҳаммадан олдин Пер-Лашез қабристонига бориб, Коммунарлар деворини зиёрат қилинг, 1789 йил революцияси музейини ва Гревеннинг мум ҳайкаллар музейини бориб кўринг. Айтишларига қараганда, Гревен музейидаги мум ҳайкаллар бадиий жиҳатдан унча эмас-у, лекин мазмуни анча қизиқ... Музейлар, кўргазмалар ва ҳоказолар тўғрисида эса Жоржга мурожаат қилсангиз ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммасини у жуда яхши билади ва сизга керакли йўл-йўриқларни беради...

«Жорж» — бу Плеханов.

Ленин ҳамма нарсада фақат революцияни излаган. Қолгани унинг учун фарқсиз эди. Қолгани — «Жоржга мурожаат қилинг».

Биз — нечанчи марта бўлсайкин — Пер-Лашез хиёбонларини айландик, Коммунарлар девори олдида турдик. Шунда яна тасаввуримда жонли манзаралар гавдаланди: ёмғирли декабрь кунини, сон-саноксиз усти ялтираган зонтиклар. Мотам минбарининг бир чеккасида қизил байроқлар ва гуллар орасида кичик жуссали Ленин. У сукут ичидаги одамлар узра бақувват қўлини узатган. Гўёки у шу ҳаракати билан жаҳон халқларини ўлимлар орқали, уруш ва инқилоб оловлари орқали тинчлик сари, бахт сари, ҳаёт сари чорлаётгандай. Кейин биз Гревен музейига кирдик ва мен буюк француз революцияси арбобларининг мумдан ишланган сиймолари олдида Ленинни яққол кўргандай бўлдим. Мана у кўзларини қисганича титилиб кетган қўғирчоқни томоша қиляпти. Бу — юзида даҳшат ифодаси билан сунъий хонанинг қоронғи бурчагига пусиб олган мадам Роллан. Ҳолбуки, ғайри табиий тарздаги қора даразадан санюлотларнинг фригидча қизил қалпоқлари лип-лип ўтади ва қатл этилган аслзоданинг жонсиз бошини олачипор найзанинг учига илиб олишгани кўринади. Мана, бошмоққа ўхшайдиган ванна ичида Марат ўтирибди, бошига чепчик кийган Шарлотта Корде эса мум қўлига ханжар

ушлаб олган. Мана Ленин истеҳзо билан Мальмезондаги музыкали кечани, унда иштирок этаётган француз революциясининг хоини — Наполеон I ни кўздан кечирмоқда. Балкон эшиклари очик. Ундан чиройли ёз оқшоми чуқаётгани кўриниб турибди. Наполеон I бақувват болдирларига таранг ёпишиб турган оқ шим, оқ жилетда ва кўк фракда. Мана, Ленин нафис пашшахона тугилган каравотни, жонсиз императорнинг ёстиқ устидаги оппоқ бошини, тумбочка устида турган каттақон учбурчак шляпасини томоша қилиб, тикка турибди. Карнавал музейида мен 1789 йилнинг хонаки найзалари, революцион хитобномалар, декретлар, қоғоз пуллар, миллий гвардиянинг эскириб кетган учбурчак шляпалари орасида Ленинни ҳайрон қолдирган даражада аниқ-таниқ кўрдим. Мен Лениннинг ботаниканинг думалоқ тумшуги билан Бастилиянинг оқ томинини — француз қиролларининг машҳур турмасидан қолган ягона ёдгорликни туртиб кўраётганини аниқ тасаввур қилдим. Ниҳоят, биз Коньсержерига кирдик ва мен темир панжаралар орасида ғира-шира казематда, гильотинанинг пичоғи мангуга маҳкамлаб қўйилган девор ёнида яна Ленинни тасаввур қилдим. Бу гильотина пичоғи ўша, қанчадан қанча гуноҳкор ва бегуноҳ бошларни кесган, нимаси биландир аллақандай ғалати ва кўрқинчли омоннинг тишларини эслатадиган пичоқнинг ўзи, асли эди.

Ленин тирноғи билан эски темирни чертиб кўрди ва у олисдаги кўнғироқникига ўхшаш сал-пал эшитиладиган тарзда бўғиқ жаранглаб, акс садо берди. Кейин Ленин тор камеранинг гиштин полидан юриб кўрди. Бу камерада аввал қатл олдинда Мария-Антуанетта тиз чўкиб ибодат қилган эди, кейин эса даҳшатли оғриқлардан азоб чекиб, дағал ёғоч скамейкада Робеспьернинг ўзи ётган эди. Бу озғин ўзига бино қўйган йигитнинг жағи мажақланган эди. У ўлим соатини шу ерда кутган. Ленин сукут ичида дараза панжарасини ушлаб кўрди. Бир вақтлар полвон келбатли Дантон кучининг борича бу панжараларни тортиқлаб, ўзининг шерниқига ўхшаган ҳайқириғи билан: «Граждандлар! Революция ақлдан озибди!» деб бутун турмани бошига кўтарган эди.

Одеон районида Сен-Жермен хиёбонида кўчанинг нариги бетида тиззалаб туриб ўқ узаётган миллий гвардиячиларни олға чорлаётган Дантон ҳайкалининг рўпарасида торгина ўрта эср ҳовлисига олиб кирадиган қадимий дарвоза бор. Бу зах ва нимқоронғи ҳовлининг сатҳидаги тошлардан сира нам аримайди. Ҳовлида бир-бирига рўпарама-рўпара иккита эски иморат бор. Улардан бирида босмаҳона жойлашган — унда Марат ўзининг «Халқ дўсти»ни чоп этган.

Париж қишининг илиқ кунларидан бири эди. Қиш охирлаб қолган, сезилар-сезилмас бўлса-да, баҳор нафаси анқиб қолган эди. Гулфуруш қизларнинг ясси саватларининг у ер-бу ерида Париж гунафшлари кўриниб қолди: кичкинагина думалоқ гулдасталар ҳамон захри сезилиб турган қиш қўйнида исинишни истагандай, бир-бирининг пинжига тикилган. Париж нафис туман пардасига ўралган эди. Зарчувлага ўхшаб сарғайиб турган январь куёши Иттифоқлик майдонидаги Луксор обидаси устида, Марли отлари устида, Елисей майдонининг бошланишида қора қалам билан чизиб қўйилгандай кўринаётган яланғоч каштанзор устида, олис-олисларда зўр-базўр кўзга чалинаётган Эйфель минораси устида солланиб турган хира садафга ўхшаш булутларни зўрға ёриб ўтмоқда. Парижнинг қиши нимаси биландир Ҳитойниқига ўхшаб кетади. Ҳарҳолда, мен январь ойида Пекинда Тянь-ань-мин майдонининг мармар кўприклари ва нафис устунчалари тепасида худди шунга ўхшаган куёшни кўрганман. У сариқ туш билан чизиб қўйилганга ўхшарди... Ҳануз яланғоч дарахтлар соя ташлайди. Ҳамма нарсада яқинлашиб келаётган баҳор нафаси сезилади. Бунақа кунларда Парижда йўловчилар суратлар сотиладиган магазинларнинг витриналари олдида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ўтишади. Улар витриналарга қўйилган суратларни иштиёқ билан томоша қилишади. Сиз Боэси кўчасидан юрсангиз замонавий расмлар музейининг заллари бўйлаб бораётгандай бўласиз. Модалар ўзгариб туради, лекин унча тез ўзгармайди. Кўпчилик тан олган қарашга хилоф ўлароқ Парижда мода жуда секин ўзгаради. Аввал барбизончилар, кейин импрессионистлар, сўнгра постимпрессионистлар. Шунга келиб, мода тўхтади, шекилли. Абстракционистлар шунча ўқиб тирилсалар-да, ҳеч модага киролмаяптилар. Уларни ёқтиришмайди. Улар сурат сотадиган магазинларнинг витриналаридан бошқа жойни кўрмай, оламдан ўтиб кетсалар ҳам

ажаб эмас... Ленин витриналарда постимпрессионистларни ва Пикассо ижодидан илк намуналарни кўрган эди. Пикассо ҳамон аввалгидай машҳур. Пикассо совет космонавти Юрий Гагариннинг суратини ишлаган. Гагарин — қанотли шлёмда, ярим каптар, ярим инсон. Париж витриналарига қўйилган бу сурат дунёда аллақачонлар Ленин даври бошланганини эслатиб туради.

Кўп афсус, Ленин шу кунларга етиб келмади.

...Ленин кўрқув билмайдиган доворак одам эди. Эҳтимол, у фақат бир нарсадан — мангу кувғинди бўлиб қолишдан ва ўзи чексиз садоқат билан севган ватанидан олисда ўлиб кетишдан кўрққан бўлиши мумкин.

Бахтимизга бундай бўлмади. Орадан кўп ўтмай, ҳатто ўзи тахмин қилиши мумкин бўлгандан ҳам тезроқ Ленин ватанига қайтди. У қайтиб келган куни шаффоф апрель тунида ҳарбий прожекторлар унинг кичкинагина жуссасини, олдинга узатилган калта қўлини ёритди. Ленин рус революцион пролетариатнинг қуршовида броневик устида турган ҳолда Россия давлати пойтахтининг бир бошидан иккинчи бошига борди. Уша куни социалистик революциянинг бўлиши муқаррар эканини эълон қилган эди.

Париж қишининг сарғиш қуёши астагина Юлдуз майдонидаги Триумфаль арк ортига, Нейн ортига, Булон ўрмонидаги яланғоч дарахтлар ортига, оқшомги Сенанинг баланд соҳилидаги Сен Клунинг готик томлари ортига ботиб бормоқда. Биз Париж бўйлаб сайр қилар эканмиз, баъзан-баъзан Қаршилиқ ҳаракати қаҳрамонларининг номлари ёзилган кичкинагина ёдгорлик лавҳалари олдида тўхтаёмиз. Лавҳаларга кичик-кичик гулдасталар қўйилган ва уч рангли ленталардан ясалган гулчамбарлар билан безатилган. Сарғайиб кетган ленталар бир-бири билан чирмашиб, сим скелетларга ўхшаб қолибди. Улар тўрт йил мобайнида Францияни тилка-пора қилган немис фашизмнинг даҳшатларини ёдга солади. Шундай мрамор лавҳаларнинг ҳар қайсиси Париж кўчаларида ватанпарварларнинг қутлуғ қони тўкилган жойлар азиз жойлар эканини кўрсатиб туради. Сўлғин гуллардан терилган ҳар қайси гулдаста бизга Габриэль Пери ҳақидаги ривоятни эслатади.

Елисей далаларига етиб келганимизда бирдан ҳаво айнади. Бир лаҳзанинг ичида ҳаммаёқ зим-зиё бўлиб қолди. «Фига-ро»нинг яқинида юзимизга совуқ шамол эпкинни урилди. Бу қишки Атлантиканинг юмшоқ нафаси эмас, олис Шимолнинг аллақайидан келган баданни жунжиктирадиган ўткир совуқ шамол эди. Биз Мариньян кўчасининг муюлишига зўр-базўр чопиб етишимиз билан қор ёғиб юборди. Бу ҳам юзларни ловулатмай, қовоқларни майин қитиқлайдиган енгил, нафис Париж қори эмас, балки юзингизга қамчидай урилувчи ҳақиқий қутб қори эди. Биз шоша-пиша муюлишдаги кафега кирдик-да, каттакон витрина олдидаги столга ўтирдик. Витринадан кўча кўриниб турар, ёғаётган қордан у хира тортиган эди. Энди Елисей далалари Москванинг янги районидаги — Жануби Ғарбми ёхуд Черемушкадагими, бирор катта кўчани эслатарди. Хаёлотнинг ғалати ўйинига кўра бу кўчада қор бўрони ичида бундай об-ҳаво учун ҳаддан ташқари енгил кийинган парижлик аёллар чопиб боришарди. Оёқларида миҳ пошна туфли, бошларида баланд турмакланган қора ва оқ сочлар, кинотеатр чироқларининг шуъласида бинафшаранг тус олган чиннидек нафис юзларида кескин ажралиб турган кўзлар... Жиягига ёғли қора қаламда йўғон чизиқ тортилган бу кўзлар қишини ваҳимага солади.

Одамлар метронинг кириш жойларига югуришар ва ичкарига кириб, бирин-кетин унинг бағрига сингиб кетишарди. Кириш эшиклари ҳар очилганда ичкаридан худди кирхонадаги каби буғ булутлари чиқарди. Кафе бир зумда одамларга тўлди. Улар шляпаларидан ва макентошларидан қорларни қоқишар, қор эса кафенинг гиламлари ва поёндозлари устига тушиб, эрир эди. Бизнинг баҳайбат деразамизнинг ойналари ортида эса Елисей майдонининг чарақлаб ётган чироқлари орасида ҳамон қуюн қутурар, етти қаватли иморатларнинг томларидан қорларни учиритиб тинмасди.

21 январь. Ленин вафотининг йиллиги эди. Вақт яна мен учун тескари айлангандай бўлди — менинг кўз ўнгимда 1924 йилдаги Москва, даҳшатли январь куни намоён бўлди. Ушанда эрталаб ҳаво илиққина бўлган эди. Аммо кечга бориб бу илиқлик қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган қаҳратон совуққа айланди. Совуқ шу қадар қаттиқ эдики, учиб бораётган қушлар

пақ-пақ ёрилаётган дарахтлар орасида хиёбонлардаги скамейкалар устига тап-тап йиқилаверишган.

Бўрон қутурмоқда. Атрофимиздагилар кофе ичишяпти. Қошиқчалар шиқирлайди. Кейин бўрон тумани орасида мен Қизил Майдонни ва Ленин мавзолейини кўрдим — аввал ёғочдан ишланган, кейин гранит мавзолей гавдаланди, Спасск минорасидаги соатларнинг занг урганини эшитдим.

**Тўдалар кенг майдонда аниқ-таниқ толгунча  
Шон-шухратнинг қуйма тамал тошини,  
Тарих шону шухратни топар пайпаслаб қанча  
Асрлар текшириб қотишмаларни.**

Елисей майдонида қуюн қутуришда давом этмоқда. Аммо тўсатдан сира ҳам қутилмаганда шамол тўхтади, қор тинди, илиқ бўлиб қолди. Биз кафедан чиқдик, Елисей майдонида деярлик йўловчи кўринмайди, фақат машиналар оқими шовуллайди. Уларнинг лакланган сиртларида семеманинг эгри-бугри ялтироқ рекламаси акс этади. Кенг тротуарда оёқлар остида юпқагина қор қатлами ёғирлайди. У секин-аста эриб кетяпти. Қорда «Лидо»нинг ҳаракатсиз пушти шуъласи акс этади. Тротуарнинг бокира оқлиги узра излар қолдириб, қуюн вақтида йўқолиб қолган қора лайка орқа-олдига югуриб юрибди.







Жонибек Сувонкулов

# Сирли қитъа



8-«а» синф қизлари ўртасидаги миш-мишлар аввал синф доирасида, сўнграқ эса мактаб миқёсида тарқалди. Фақат миш-мишининг ўзи бўлганида ҳам бир нави эди. Имзосиз юмалоқ хатлар, турли-туман анонимкалар директор хонаси эшигининг тирқишида пайдо бўла бошлади. Баъзиларини ушбу можароларнинг бош қаҳрамони ўз қўли билан олиб келардию унинг юзларидаги қўрқув директор опани баттар ваҳимага солиар эди. Хилма-хил хуснихатда, гоҳ ҳарфларини қиялагиб, гоҳ босма ҳарфлар шаклида, гоҳ эса (хат муаллифининг мағрурлик билан таъкидлашича, экспертиза ҳам топа олмаслиги учун) қўлқоп кийиб ёзилган бу хатларни ўқиркан, директор ҳайратга тушир, саккизинчи синф ўқувчиларидан чиқаётган фикрлар, тагдор гаплар ва ҳаракатлардан тоза ажабланар эди. Умрининг ўттиз икки йилини мактабга бағишлаган, бу йиллар давомида не-не гаройиб воқеаларни, «муҳаббат саргузаштлари»ни кўрган, ҳаммаша ёшларга ҳаётнинг, аввало муҳаббатнинг рости кўчасини топишига кўмаклашган, кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишига ҳаракат қилган тажрибали педагог ҳам лол: бунақаси ҳали рўй бермаган эди.

Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейдилар. Башарти хатлардаги гаплар тўғри бўлсаю ёш қиз унга амал қилса борми, бирор кори-ҳол содир бўлиши ҳеч гап эмас. Ахир ўқувчилар балоғатнинг шундай ёшидаки, бу масумда улар ўйлаб-нетиб ўтирмаслиги, натижада ҳаммани айбсиз айбдорга чиқариб қўйиши мумкин. Шу мактабда икки йил олдин рўй берган бир воқеа қанча таъвишлар олиб келмаган эди! Ушанда ҳам саккизинчи синф ўқувчиси ўзини томдан ташлаган, шу фожаи туғайли у ҳозир қўлтиқ таёқда юрарди. Тўғри, бу воқеада мактабдагилар айбдор эмаслиги, оилавий можаро туғайли бўлгани аниқланди. Бироқ гап бошқа томонда: ўзлари билан бир синфда ўқиётган қизнинг оиласида, у яшаётган муҳитда унинг «нурли чўққилар» сари бораётганлиги, ўзини машғум воқеага тийёрлаётгани наҳотки сезилмаган бўлса?

Келинг, бу хатларда нималар ёзилгани, ундан қандай мақсад кўзда тутилгани ҳақида батафсил сўзлашайлик.

Баъзи бир мулоҳазаларга бориб қизлар, йигитлар, ўқитувчилар ва ота-оналар исмини ўзгартиришни лозим топдик.

## ҚўЛҚОП КИЙИБ ЁЗИЛГАН ХАТЛАР

Дарсдан чиққан директор опа ўз хонаси олдидан турган икки қизни — 8-«а» синф ўқувчиларини кўриб ҳайрон бўлди.

— Тинчликми, қизларим?

Нафиса ерга қаради, бир оз тараддудланиб туриб, келишининг сабабини айтди.

— Учинчи синф қизлари масхаралаб қўйишмаяпти, Ўсар билан юрасан, у сенга ҳамён совға қилган, ҳамён қани, уни бизга бир кўрсат, дейишяпти... — Нафиса ўзини тугулмай йиғлаб юборди. — Чора-кўрсангиз... Мен у билан юрмасам...

Нафиса ўчинчи синф қизларидан қайсилари масхаралаганини номма-ном айтиб берди.

Зудлик билан юқори синф қизларининг мажлиси ўтказилди: гап ташувчиларнинг баъзилари сўздан тонди, баъзилари тикка тургазиб уялтирилди. Қизларга бировларнинг ишига ара-лашмаслик кераклиги, севги масаласига жиддий қараш лозимлиги уқтирилди. Турли миш-мишларга ва бемағъни гапларга чек қўйишига қарор қилинди.

Лекин орадан кўп ўтмай директор опага яна имзосиз хат ташлаб кетишди. Хатда қизлар мажлисида Нафиса билан Ўсарни директор нотўғри ёқлагани, улар яна бирга (11 январь куни) юргани, кинодан бирга қичишганию йўлдан бир уйчага кириб кетишгани, Нафисанинг йиғлаган овози эшитилгани... батафсил ёзилган эди. Хат охирида эса Нафисанинг батамом нотўғри йўлга кириб кетиши табиийлиги, оқибатда у бугун мактабни иснодга қўйиши эҳтимолдан холи эмаслигига ишора қилинган эди. Уларни бугундан қолдирмай юзма-юз қилиши, гуноҳларини бўйнига қўйиши, Нафисанинг «шу малла Ўсарнинг нимасига ошиқ бўлгани» кесатилган эди.

Директор опа билан 8-«а» синф раҳбарининг боши қотди: кимга ишонини керак? Нафисагами ёки хатгами? Бу хатни ёзаётган одамнинг муддаоси нима?

Фикрларини бир жойга жамлаб улгурмаган директор опага Нафиса яна бир хатни олиб келиб берди. Нафисага аталган бу хат атайлаб босма ҳарфлар билан эринмай ёзилган, бу билан асл



хусниҳат ниқобланган эди. Хат мана шундай бошланган эди: «Билмайман, Нафиса, сен қандай қилиб мактабда ўқиб юрибсан экан? Туриб-туриб сенинг бетинг қаттиқлигига ҳайрон қоламан. Мен сенинг ўринида бўлганимда албатта ўзимни томдан ташлаган бўлардим. Сен ўзингнинг кимлигингни биласанми? Сен Усарнинг севгилис эмас, унинг ёрасан (шу ўринда жуда беҳаёлик билан ёзилган айбнома бор). Сен ўзинча: «Мен йўғлаб ўзимни оқлаб олдим, ҳеч ким мен тўғрида гапирмай юрипти», дейсанми? Йўқ, чучварани хом санабсан! Хатто ота-оналарнинг тилида ҳам сен: саккизинчи синфдан бир қиз шунақа бўлиб қолибди, унинг ота-ониси бормикин ўзи, дейишяпти (ота-оналарнинг исм-фамилиясини келтиради). Шу кунингдан ўлганинг яхши, ўл-а, ўл! Мен бундай бўлиб қолсам, ўзимни осардим, эшитаяпсанми, осардим! Янги йил карнавали кунни ҳам кимдир бақари-ку, тургинчи тушганимда: «Усар, кўтариб ол!» деди-ку. Учинчи синф қизлари сени кўрганда: «Усар билан юраман деб гап тарқатган қиз мана шу-да», деб кулиб ўтишади. Яна сенга айтман, ўзингни томдан ташла!»

Бундай сўзлар ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Директор опа ҳам, синф раҳбари ҳам нима қилишни билмай қолдилар: «Ота-оналар мажлисини ўтказиш зарур, бошқа илож йўқ. Воқеадан уларни ҳам огоҳ этишимиз керак!» деган қатъий қарорга келишди.

Нафисанинг отаси қаттиқ туриб олди: «Хатларни текширишга бериб айбдорни топиш керак, башарти қизимга бирор гап бўлар экан, осонликча қугилиб бўлибсизлар!»

Ота-оналар мажлисида ҳам, яккама-якка суҳбатларда ҳам юмалоқ хатларнинг ким ёзаётганини аниқлаш ҳақида гап борар, башарти ким ёзганини бўйнига олса ва кечирим сўраса, шу билан барча гапларга нуқта қўйишга келишлар, лекин ҳеч ким бош эзиб келишни истамас эди. Охири хатларни тўплаб экспертиза йўли билан аниқлашга қарор қилинди. Шу гапларнинг эртасига эса Нафисанинг китоблари орасида янги хат пайдо бўлди:

«Нафиса, сендан илтимос қилиб сўрайман, директор опага айт, хатларни текшириш учун ишолмасан. Икки-уч кундан кейин ҳамма гапни, нима мақсадда хат ёзганимни ҳам тушунтириб бераман. Чунки сенга раҳмим келяпти. Сенга биринчи хатимда ҳам ёзган эдим. Хатимдан менинг кимлигимни тополмайсизлар, ҳозир ҳам қўлқоп кийиб ёзаяман. Ёсингдами, қайси кунни рўчкангни йўқотиб қўйиб, геометрия дарсида ўқитувчини чағлугиши учун қўлиниги формула ёзаётгандек қимирлатиб ўтирган эдинг. Ўзинг ҳам сезгандирсан, ўша янги дафтаринг дарсдан кейин йўқолган эди. Мен ўша дафтарингга қўлқоп кийиб ёза бошладим. Директор опага ҳам шу дафтаринг варақларидан олиб ёзган эдим. Лекин вараққа қўлимнинг биронта изини туширганим йўқ. Сумчангни ҳам қўл билан очганим йўқ. Биламан, сен менинг юзимга тупирасан. Шундай бўлса ҳам мени кечир, ҳаммасини ўзим айтиб бераман. Агар директор опа хатларни экспертизага берадиган бўлса, менинг ёш умримни хазон қиласан. Текширишлар бўлмаса, сени ҳеч ҳам унутмайман. Аксинча бўлса, ёш умримга зомин бўласан. Мактабда қандай қилиб бош кўтариб юраман. Кечир мени, иккинчи бундай қилмайман...»

Бу хатлар ҳақида ўйлар экан, директор опа фикрини бир жойга йиғолмас, хатларнинг охири-нима билан тугагини тасаввур ҳам этолмасди. Олдинги хат тўғридан-тўғри Нафисанинг устидан ҳукм чиқараётган бўлса, буниси хат эгасининг бирор машғум ишини қилиб қўйишидан огоҳлантираётганга ўхшаб кетарди. Қизлар ўртасидаги вазият наҳотки шунчалик мураккаблашиб кетган бўлса?! Бу миш-мишлар қачон пайдо бўлган ўзи? Уларни ким тарқатган? Бу миш-мишлардан ким қандай манфаат кўрмоқчи? Бу саволлар ҳаммани ўйлантирар, ўқитувчиларнинг ҳаловатини ўғирлаган, бошини қотирган эди.

8-«а» синф раҳбари гапни узоқдан бошлади: «Ўқувчилар пахта теримида қатнашаётган кунларда қизлар Нафисанинг ўзгариб қолганини айтишди. Учинчи синф ўқувчилари олдиндан ўтаётганда Нафиса сирли равишда йўталиб қўяркан. Кузатсам, доим шундай қилади. Кейинчалик унинг ўчинчи синфдаги Усар билан юриши ҳақида гап чиқди. Ҳазилдор деб ўйладим. Мана, хатларнинг кўпайиб кетгани жиддий ўйлатиб қўйди. Нафисанинг кейинги пайтларда ўзини қандай тугаётганини кўриб қўриқиб кетаман. Ҳар кунни мактабдан кетарканман, то эртанги иш кунни бошлангунга қадар юрагимни ҳовучлаб юраман, эшигимиз тиқ этса, у бирор фалокат қилиб қўймадимми, деб келган кишининг озгига тикиламан...»

Синф раҳбарининг айтишича, Нафисанинг қўлига тушган китоб ёки журнал ўқилмай ундан «қугулмас» экан. Сеҳрлар, ошиқ-маъшуклар ҳақидаги китобларни-ку, қўяверинг. Балким, болалик эмасми, уни ҳам Аловиддиннинг шамчироғи ёки учар гиламлар, сеҳрли қалпоқча ёки кўзга кўринмас одам бўлиб қолиши каби мўъжизалар, ақли перо ҳақидаги ва шунга ўхшаши ривоятлар ўз домига тортган, қандайдир бир сеҳрли қудратга эга бўлиши иштиёқи тинчлигини ўғирлаган бўлса ажаб эмас. Унинг хатти-ҳаракатларидан, ўзини тутишидан, энг бўлмаганда, эртақлардаги сеҳрли қалпоқчанинг эгаси бўлгани келгани сезилиб турибди. Бориники, шундай бўлди ҳам дейлик. Мана, унинг бошида мўъжизакор куч эгаси бўлиши сеҳрли қалпоқча, денг. Нафиса ишни нимадан бошлашини билмай ҳайрон. У энг аввало, ўзини севилган қиз — маъшуқа тимсолида кўргиси келди. Ўзини-ку, шундай кўрсата олиши мумкин, бу қўлдан келади. Лекин ошиқ йигитни хатто сеҳрли қалпоқчаси ҳам ярата олмайди, буни билади. Шу ўринда ўз тасаввурдаги йигитни топиши, у қаердадир эмас, шу мактабнинг ўзида бўлиши керак. Кимни танласа экан? Ўйлай-ўйлай ўчинчи синфдаги ювошигина, ҳеч кимнинг ҳам хаёлига келмаган Усарни таллади...

Усар унинг кимлигини ҳам билмайди, танимайди. Усарни қандай қилиб «ўзининг йигити» қилиб олиши мумкин? Бунинг ҳам иложини топади. Усарнинг номидан ўзига ўзи хат ёзса-чи? Хатларни эса йўлини қилиб дугоналарига кўрсатади, улардан ҳеч кимга айтмаслик ҳақида ваъдасини олади. Қараб турибсизки, ҳадемай бу гап бутун мактабга тарқалади. Ҳамма Нафисани Усар сеवार эмиши деб ҳасад қила бошлайди. Айниқса, ўчинчи синф қизларининг куйганини кўрасиз ўшанда!

Бу иштин орзулар Нафисани кўкларга олиб чиқар, ўзининг режалари амалга ошиши муқаррарлигига ишончини оширар, ўзи учун энг гаройиб ва завқли кунлар бошланганини ўйлаб сармаст бўларди. Шунда бирдан «дугоналарим менинг ёзувимни танишадими-ку, сирим фош бўлиб қолса нима қиламан?» деди ўзига ўзи. Бу ишни амалга ошириш учун ўзида ишончли кўмакдош топиши керак. Аввал хатни ўзи тўқиб ёзадию уни кўмакдошига бериб кўчиртиради. Хатни ўзига эмас, балки синфдоши — иккинчи Нафиса Раҳматовога ёзилганини, Усар «ўша қиз»ни яхши кўришини айтади. Кўмакдоши эса ишонади. Кўчирилган хатни Усарнинг хати деса ҳеч ким шубҳаланмайди.

Ўзига ёрдамчи қилиб қўшни қизни — олтинчи синф ўқувчиси Зулхумор Ўлжаевани таллади.

Танаффусда Нафиса дугонаси Нафиса Раҳматовога қараб: — Юр, Зулхумордан сўрайлик, менга Усар хат берган бўлса керак, — деди.

Улар Зулхуморни топишди.

— Усар сенга хат бермадимми? — деди Нафиса олдиндан келишиб қўйилган шартга биноан.

— Ҳа, берди, мана! — деди Зулхумор.

Нафиса дугонасига хатни олтинчи айтди. Дугонаси хатни олиб Нафисага узатди. У эса хатни очмай йиртмоқчи бўлди. Дугонаси «Нега йиртасан?» деб ажабланган эди, «Ма, сен ўқи бўлмасам?» деди писанда қилиб.

Хатни Нафиса Раҳматово ўқиб чиқди. Хатда Усар Нафисадан гина қилган, унинг гапига нега ҳалигача жавоб бермагани айтилган, ўйлаб кўриши, ҳеч маъл Нафисани ташлаб кетмаслиги, охирида эса улар албатта олти фарзандли бўлиши, фарзандларини ўқитиб профессор қилишлари ва ҳоказолар айтилган эди. Хатнинг мазмунидан дугоналари Дилбар Ҳусанова ҳам огоҳ бўлди.

Мана шундай «автоматублар»нинг учтасини Зулхумор кўчириб берган, ҳар гал шу мактаблар билан Нафиса дугоналари — синфдошлари Дилбар Ҳусанова, Дилбар Каримова, Нафиса Раҳматоваларга мақтанар, Усар хатлари билан тинчлик бермаётганини такрорлар эди.

«Барча хатларда Усарнинг армиядан кейин ўқишга кириши, қайси кун қаерда учрашишлари, учрашувга чиқмай нега интизор қилганликлари ҳақида гап кетарди, — дейишди Нафисанинг дугоналари. — Хатдаги гаплардан уянлиб кетасиз, андишасизликларни шундай сезилиб турадики, энсанасиз қотади».

Ўзи учун «севги романи»ни тўқиб чиқарган Нафиса «олаётган» хатларини ҳеч кимга айтмаслигини дугоналаридан ўтинчи сўрар, бироқ сумкасида «пайдо бўлаётган» имзосиз хатларни олди дегунча мактаб директорининг хонасига юзулар, ўзи тўғрисидаги миш-мишларни дугоналари тарқатаётганидан шикоят қиларди.

«Совға қилинган ҳамён» ҳақидаги гап ҳам бунга далил. У ўзи дугоналарига мақтаниб, тугилган кунинда Ўсар совға қилди, ичиде ўттиз сўм пули ҳам бор эди, ҳамённи олдим-у, пулини ўзига қайтариб бердим, деган. Ўзи тарқатган гапни ўзинчи синф қизлари совға қилинган ҳамённи кўрсатган деб қўймаптилар, деганча директорга шикоят қилган эди. Ваҳоланки, ҳамёнча ўзининг опасига тегишли бўлиб чиқди.

Ўзи ўзига ёзган, Зулхумор кўчириб берган ва дугоналарига кўрсатиб мақтанишига хизмат қилган хатлар сирини очилди — Зулхумор Нафисанинг отаси иштирокида ҳаммасини айтиб берди. Бу эса Нафисани гоятда ғазаблантирди. Чунки унинг сохта «севги романи»нинг барбод бўлаётгани, одамларни лақиллатиб, бундан завқланиб юргани ҳаммага аён бўладию, бунга чидаб турадимми! У Зулхуморни исканжага олмоқчи бўлди, нега бошқа гаплар билан сиримни яшириб қолмадинг, деб ўшқирди. Ўзини ёмон ҳис қилаётганга солди, синф раҳбаридан валидол олиб ичди...

Шу ўринда ҳақли бир савол тугилади: хўш, Нафисани шундай қилишга нима мажбур этмоқда? Ахир дугоналари ҳам, ўқитувчилари ҳам унга бирон оғиз ноҳўя гап айтишгани йўқ-ку! Унга нисбатан ҳеч ким ғаразгўйлик ҳам қилаётган эмас. Калаванинг учиде турган ҳам, уни чиғаллаштирган ҳам ўзи эмасми? Ўзини ўзи машхур қилаётган, ўзининг виждонига ўзи қарши бораётган, қўяверингки, йиқилса ҳам ён бермаётган одам ўзи-ку!

Сеҳрли қалпоқча... Эртакларни кўп ўқиган, сеҳрли қалпоқчанинг мўъжизаларини эшитган Нафиса асосий нарсани уқмаганга ўхшайди: сеҳрли қалпоқчадан эртакларда асосан хайрли ишлар учун, одамларга яхшилик қилиш учун фойдаланилар эди. Нафиса эса ундан одамларни алдаш учун фойдаланмоқчи бўлмаптими? Шунданмикин, сеҳрли қалпоқча уни ўзининг марҳаматидан дариг тугди...

## МУҲАББАТГА... ИЛК ҚАДАМ

Файласуф Демокритнинг: «Ёшлар ўрганиши мумкин бўлган энг ёмон нарса энгилтакликдир. Зеро, энгилтаклик шундай бир уруғ сочадикки, ундан бузуқлик ниҳоллари униб чиқади», деган фикри беихтиёр ёдимизга тушади. Ёшлар, айниқса ўсмирлар бировнинг таъсирига берилувчан, ўзларини катталар ўрнида тасаввур қилиб кўриш иштиғқи билан ёнадиган тоифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўсмирлар тарбиясининг гоятда позик ва қалтислигини ҳисобга олган ўқитувчилар улар билан эҳтиёткорона муомалада бўладилар, ўсмирларнинг ҳаёт ва муҳаббат ҳақидаги орзуларини ўзинг қиладилар, ҳали маълум ва қатъий тўхтамга келмаган ҳис-туйғулари билан ҳисоблашадилар. Ўсмирни қуришган муҳитга жуда кўп нарса боғлиқдир: яхшиликка ёки ёмонликка мойиллик куртаклари мана шу лаҳзаларда ниш уради. Ўсмирларнинг кўп вақти мактабда, асосан ўқитувчилар атрофида ўтади. Шу туфайли ёшларнинг шаклланишида ўқитувчининг таъсири гоятда каттадир. Ҳар бир қалби пок ўқитувчи ўз ўқувчисига алоҳида ғамхўрлик қилади. Жуда кўп ўсмирлар ўз ота-оналаридан кўра, ўқитувчилари билан яқинроқ бўлишлари кўпчиликка сир эмас. Биз қаламга олган воқеада мўътабар касб эгалари бўлган ўқитувчилар шаънига тош отаётган ота-она ҳақида лом-мим демай ўтишга ҳаққимиз йўқ.

«— Қизимни бадном қилишларингизга йўл қўймайман, — деди ота. — Хатларни ким уюштираётганини аниқлаб бера-сизлар!»

Қизиги шундаки, гўё мактаб ўқитувчилари хатлар муаллифини аниқлашни пайсалга солаётир-у, кимлардандир ёрдам сўрашга мажбур бўлаётган эмиш.

«— Сизлар (ўқитувчилар) қизимга қарши фитна уюштир-япсизлар, — деди важоҳат билан она. — Қизимга бирон гап бўлсин-чи, мен сизларни қўяманми!»

«— Қизимнинг ўрнига ўзингизнинг қизингизни қўйиб кў-ринг! — деди ота. — Қандай бўларкин! Мен қизимнинг ҳақлиги-га ишонаман.»

«— Сизнинг қизингиз менинг ҳам қизим, — деди директор она. — Мактабдаги қизларнинг бари менинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам фарзанди. Сиз ҳам педагогсиз, бу ўринда қандай қарашингизни билмайман-у, лекин ўқувчисини ўз фарзандидай кўрмаган муаллимнинг мактабдан олган пули ҳалолми?»

«— Синфимиздагиларнинг ишоларини эскертишга берди-ринг! — деди Нафиса ҳеч иккиланмай. — Хатларни ким ёзгани маълум бўлади.»

Нафисанинг «дадиллик» билан таклиф қиритишида сир бор экан: ўқувчилар ишолари орасидан унинг ўз қўли билан ёзган бирон нуҳасини ҳам топшилолмади. Кейинги вақтларда ёзган битта ишосини ҳам Зулхуморга кўчиртириб топширган экан. Фанларга тугилган дафтарларининг ҳам бари янги, уларнинг устиде ҳам Зулхуморнинг ҳусниҳати...

— Нафисанинг ўз қўли билан ёзганидан намуна менда бор, — деди Дилбар Ҳусанова. — Ҳамма дугоналар хотира дафтари туганмиш, менинг дафтаримда Нафисанинг хотираси ёзилган. Шу хотира дафтаридеги ёзув билан имзосиз хатлардаги ёзув бир кишининг қўлидан чиққанга ўхшайди.

Бу хатлар охири ойдинлашиб, шунда кимнингдир мулзам бўлиши турган гап, албатта!

Шу сатрларни ёзянман-у, юрагимнинг бир ери ачишиб турибди: ахир Нафиса Ўсарни яхши кўриб қолган бўлса нима қилсин? Балким бу илк сеvgи эмас, шунчаки ўткинчи ҳавасдир? Агар бунинг сеvgи деб ўйлайдиган бўлсак, сеvgининг нима эканлигини тасаввур этмасдан туриб, Нафиса ўзини ўтга урмаётирми, деган савол тугилади. Н. Г. Чернишевскийнинг: «Инсонни сеvgи дегани нима ўзи? Бу, инсонга нима яхши бўлса, шундан қувонши, унинг фароғати учун нимаки зарур бўлса, ҳаммасини бажо қилиш, ўзининг бу ҳимматидан лаззат топиш, розатланиш демасдир», деган гапларини ўқирканмиш, Нафисанинг бутун хагги-ҳаракатларидан мутафаккир талабига монанд бирон белгини кўрмаганимиздан афсусланамиз. Ахир Нафисанинг мактабга, ота-оналарига келтираётган таъвишу азоблари туфайли, Ўсарга нисбатан ўзи яратган «сеvgи романи» учун бўлса?! Бу воқеалардан огоҳ бўлган ҳар қандай киши ажаблан-май иложи йўқ. Ахир сеvgи — энг муқаддас туйғу, инсонни улуг ишларга, олижанобликларга ундовчи қудрат эмасми?

Буюк немис шоири Генрих Гейненинг муҳаббат ҳақидаги ишохона таърифи ҳақида қулоғимизда янграб туриши керак: «Муҳаббат! Бу барча эҳтиросларнинг чўққиси ва энг ғолбидир. Аммо унинг ададсиз забткорлик кучи чексиз-чексарасиз олижаноблик ва деярли тасаввурга сиймайдиган даражадаги беғаразликдан иборатдир». Ҳа, инсоният мана шундай муҳаббат билан тирик, мана шундай муҳаббат билан қудратлидир.

Нафисанинг кўнглидан нималар кечяпти — бу фақат унинг ўзига аён. Бироқ бизнинг кўнглимиздан кечяётган гапларни ҳам айтмасак бўлмас.

Шу ўринда бир мулоҳаза тугилади: «Хўш, Нафисанинг айби нима? Уни қоралашга маънавий ҳаққимиз борми?»

Мен мана шу саволларни ўзимга такрор-такрор бериб кўрдим. Ҳар гал қалбимдан бир нидо чиқади: «Нафисани ҳам тушуниши керак! Нафисага мадад, далда зарур...»

Тўғри, мактаб катта даргоҳ. Ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида ғамхўрлик қилишга, ҳар қайсиси билан атрофлича шугулланишга балким вақт етишмас, мактаб ишлоҳоти бораётган ҳозирги пайтда бу борада ҳам қандайдир ўзаришлар қилиши керакдир — бу масъул кишиларни ўйлантираётган бўлса керак.

Ҳозир Нафиса ора йўлда турибди: унинг қалбиде муҳаббат ёки нафрат куртак ёзиши мумкин. Нима бўлганда ҳам Нафисанинг устидан аёвсиз ҳўжм чиқармоққа ҳаққимиз йўқ. У ўзи ўқиган китоблардан, кўрган кинофильмларидан таъсирланган бўлиб, ўзини қайсидир маъшуқаларга қиёслагани, ўзи ҳам севилган қиз бўлгиси келандир. Бунинг нимаси ёмон? Турли хатлар, ўзини «севилган қиз» ролига киритишлари — ёшлик туфайли, сал гўрлици туфайли эмасми? Қолаверса, ўз дугоналари олдида, ўзинчи синф қизлари олдида мақтангиси, «мана, мен севилдим, кўриб қўйинглар!» дегиси келган бўлса нима қилибди?

Мактабдаги ола-говурлар, наст-баланд гапларга ўрин бормиди?

Назаримда, йўқ! Нафисага келган хатлар, директор хонасида пайдо бўлган юмалоқ хатлар, қизлар мажлиси, ота-оналар мажлиси тутаб турган гулханга керосин селици бўлмадимкин? Нафисани, башарти севиб қолган десак (ўзи-ўзини севидир юрган чоғида ҳам), биз унинг ҳали ёшлигини инобатга олишимиз, бу гап-сўзларни ошкор этмаслигимиз керакмиди, дейман. Якмама-якма суҳбатлашиш, ётиги билан тушунтириш, кўп йиллик ҳаёт таърибасидан келиб чиққан ҳолда панд-насихат қилиш лозим эмасмиди?

Муҳаббат — гоятда пинҳон, ниҳоятда шахсий туйғу. Мана шу хусусияти билан ҳам у азал-азалдан кишилардан сир тугилган. Нафиса ёшлик қилиб, юразида тугён урган бу ҳисларни кимгадир айтгиси, бу билан мақтангиси келанга ўхшайди. Ҳар бир киши Нафисани тушуниши, ўзини унинг ўрнига қўйиб кўриши керак.



Унга муҳаббатнинг нималигини англатиш, йўл кўрсатиш катталарнинг бурчи. Шу ўринда Нафисага шундай дегим келади:

Муҳаббат — сирли қитъа,  
Ҳар ким Колумбдай очар.  
Ҳар қалб — ўзича Данько,  
Севгига ёғду сочар.  
Ҳаёт бу пок туйғуга  
Албатта қилар дучор,  
Муҳаббатга чоғланган  
Азалдан бани инсон!  
Муҳаббатнинг йўлида  
Тиканлар, тошлари бор.  
Бу йўлга гаров Қайсу  
Фарҳоднинг бошлари бор.  
Унда гул ундирган қалб  
Қони, кўзёшлари бор,  
Муҳаббатда покланган  
Азалдан бани инсон!  
Ажаб туйғу экан ишқ:  
Кимни лол, ҳайрон қилур,  
Кимни гунг-у, кимнингдир  
Тилларин бийрон қилур,  
Кимни — сайёд, кимнидир —  
Унга дуч жайрон қилур,  
Севги сабаб — оқланган  
Азалдан бани инсон!

Ҳа, муҳаббат инсонга буюк қудрат, хайрли ишларга рағбат беради. Муҳаббат йўлида инсон олижаноблик, мардлик, матонат синовидан ўтади, ўзининг олмос янглиғ қирраларини кўрсатади, оловда тобланган пўлатдек ирода касб этади. Муҳаббатнинг сеҳри-салоҳияти ҳам, жозиба ва мағноси ҳам шунда. Шунинг учун ҳам мурғак қалбда ниш урган нафис туйғуни авайлаш, уни парварши қилиш аввало ота-онанинг, қолаверса, ўқитувчиларининг бурчидир. Уларнинг зигирдай бепарволиги бу нозик майсани изгиринда қолдиришдан бошқа нарса эмас. Ота-она мен фарзандимни яхши едириб, яхши кийинтирияман, бошқаларнинг фарзандидан юриш-туриши ортиқ-ку, деб гафлатда қолмаслиги, ҳамма ташвишларни ўқитувчилар гарданига юклаб қўймаслиги керак. Ахир кўз ўнгингизда ўсаётган, тетапоя бўлганидан буён юриш-туриши ўзингизга аён фарзандингиз қалбида бошланган муҳаббат исёнидан наҳот озоҳ бўлмасангиз? Наҳотки шу фарзандингиз ёшида ўзингизнинг қандай ўй-хаёл билан яшаганингни унутган бўлсангиз?..

Оила — муҳаббат пойдеворига қурилган мўътатар қасрдир. Шундай экан, нега энди ота-она фарзандларининг ҳам муҳаббат билан, зийраклик билан, ақлу донолик билан ҳаёт қуриши борасида ташвишланмайди? Бу ўринда сал мулоҳазакорлик зарур эмасмикин? Мактабда эса «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» курси (бу курс тўққизинчи синфда ўтилади) ўқитилади. Назаримизда, бу курс аслида саккизинчи синфдан бошлаб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки кузатишлардан, ўқитувчилар тажрибасидан маълумки, энг «хавфли» давр — ўн беш-ўн олти ёш экан. Одатда «муҳаббат можаролари» ҳам саккизинчи синфдан бошланади...

Мактаб коллективи билан ота-оналар ўртасидаги муштарак вазифалар, назаримизда, кейинги пайтларда фақат болаларнинг «ўзлаштириши», мактабнинг ремоти масалалари атрофида ўралашиб қолаётганга ўхшайди. Ота-оналар ёки ўқитувчилар «ҳамкорлиги» то бирон «кори-ҳол» чиқмагунича сезилмайди.

Асримиз — тезкор, шитоб одимламоқда. Вақт кутиб турмайди. Инсон ҳамма ишни қилиб улгуришига шошади, ҳаётдан ҳаққимни олиб қолай, дейди. Ёшликнинг ҳам шошиши, интилиши, вақт билан мусобақаси олқишга сазовордир. Лекин Нафисанинг муҳаббат йўлида шошгани бизни ҳушёр тортириши керак. Биз катталар нималарнидир ҳисобга олмаётганга, нималарнидир унутаятганга ўхшамаймизми? Менимча, биз ўсмирлар қалбига қулоқ солмай қўйдик шекилли. Ўсмирлар қалби эса ўзича янги бир дунё — ҳеч ким кашф этмаган сирли диёр. Шу ўринда мен Нафисага, унинг ёшидагиларга қуйидагиларни айтмоқчи эдим:

Муҳаббатнинг йўллари олис,  
Бу йўлларда толишинг мумкин.


Баъзан ҳамроҳ бўлиб ёрқин ҳис,  
Баъзан маҳзун нолишинг мумкин.

Муҳаббатнинг йўллари олис,  
Унда учрар дўстлар, ағёрлар.  
Бу йўлда гоҳ тентирсан ёлғиз,  
Бошингдан қиш ёғдирар қорлар.

Муҳаббатнинг йўллари олис,  
Ким — гул тутар, ким эса — тикон.  
Ким қўлини узатар холис,  
Ким ҳасаддан ёнади экан...

Муҳаббатнинг йўллари олис,  
Насиб этсин унда саодат.  
Муҳаббатда «оқ йўл» сенга, қиз,  
Виждонингдан сўрагил мадад!

Сўз айлади инсонни ҳайвондин жудо.  
Алишер Навоий



## ТИЛ САНДИҒИ

- Сирғоқ** — қурғоқнинг антоними; узлуксиз ёғингарчилик бўлган паллалар
- делагай** — аёллар киядиган астарсиз кийим (ҳозирда уйда кийиладиган халатга ўхшайди)
- тўркун** — келиннинг ота юрти: халқ оғзаки ижодида кўп қўлланилади.
- оқсим** — фаросатсиз
- кайпанг** — ўринли-ўринсиз гапириб юбораверадиган киши
- киланг** — қиш кунларидаги илиқ ҳаво
- напрамач** — жундан ясалган сандиқ; кўчилганда туяларда, олиб юриш учун махсус ишланган бўлади; пишиқ ҳам қулай буюм

Зулфия ҲАЙДАРОВА,  
Жиззах области,  
Фаллаорол райони,  
Қангли қишлоғи





Биламан осмонга қўлим етмайди,  
Аммо қўлларимни чўзавераман.  
Чунки хаёлимдан сира кетмайди,  
Чунки хотирамда кезаверади  
Осмон тиниқлиги, осмон кенглиги...

## Армон


Олисларни қўмсарди бола,  
Чиқмагани қишлоқдан нари.  
Ҳавас қилар эди шамолга:  
«Кезиб юрар ҳамма жойларни».

Ниҳол униб бўлгандай дарахт,  
Уктам йигит бўлди бола ҳам.  
Йироқларга кетди ниҳоят,  
Она қолди: «Омон бўл, болам...»

Орзулари ушалди бир-бир,  
У шаҳарда бахтини топди.  
Кўнгли тўлмас эди барибир,  
Юрагида армон ўт ёқди.

Узоқларга келар кетгиси,  
Шамолларга қилади ҳавас —  
Болаликнинг маъсум туйғуси  
Тарк этмайди уни бир нафас.

Ғулом  
Мирзаев



## Юрт баҳори

Манзара устаси рассом-табиат  
Бўёқ сандиқчасин очмасдан ҳали,  
Никоҳ тунидаги келинчак сифат  
Оқ кийди тезпишар тўп-тўп зардоли.  
Бўрдоқи-бўрдоқи булутлар келди  
Қаршининг даштдай кенг осмонларига.  
Қишлоқлар, ўтлоқлар, овлоқлар тўлди  
Кислороднинг манфий ионларига.  
Девор ошаётган «ўғри» боланинг  
Қўйнидан довуччалар тўкилганидай,  
Томчилар шовқини кўмиб оламни,  
Жигарранг заминга тўкилди тинмай.

Ермаган қорлардан ёмғир яхшироқ,  
Ҳар қалай бир қадар қонар дала-туз.  
Эртага гуркираб чиқар исмалок,  
Чиқади қоқигул, қушоёқ, ялпиз.  
Эртага кенгликлар қиздек ясаниб,  
Қуёш ошиқ бўлиб кўкда балқигай.  
Эрта ёқмай қолар қушларга жануб,  
Қушлар қайтиб келар яна шарқиға.  
Жаннатни рад этиб яшаган очун  
Эртага барибир уни кўражак.  
О, агар Қаршидан кетмасам бугун,  
Эртага қувончдан ёрилсам керак.


\* \* \*


Мен кетаман,  
Юрагининг кулбачасида  
Туғилади бир гўдак шу он.  
Ном кўясан телбачасига:  
«Ҳижрон... Ҳижрон... Ҳижрон.»  
Туғилади бир гўдак, лекин  
У на вужуд ва на бир соя.  
Унинг униб ўсмоғи учун  
Сендан олислигим кифоя.  
Мени қанча суйганинг сари,  
Мен деб қанча куйганинг сари,  
Йўқлигимни туйганинг сари  
Болакайинг борар каттариб.  
У сенга кўп зулм ўтказар,  
Буни менга хатлар етказар.  
Қандай ёмон, ёмон, алҳазар!  
Ўз фарзандинг аямаса гар.  
Мен қайтаман

Бульбачасига —  
Қўлларимда ўлгай бегумон  
Юрагининг кулбачасида  
Мен туфайли туғилган ўғлон —  
Ҳ И Ж Р О Н...

## Куз. Соғиниш

Ёр, келсайдинг, кела қолсайдинг,  
Айриликлар бўғмоқда мени.  
Шубҳа ҳар гал ўлдирар-да, сўнг  
Умид қайта туғмоқда мени.  
Ёр, келсайдинг, кела қолсайдинг.  
Дарахтларнинг кўйлаклари кир,  
Биоларнинг эгни оҳорсиз.  
Шаҳар — ёлғиз яшаётган эр,  
Қийналади у ҳам баҳорсиз.  
Ёр, келсайдинг, кела қолсайдинг.  
Кўкнинг жанда кийимларидан  
Кўринади киндиги — ҳиллол.  
Булутларнинг уюмлари-ла  
Яширади бу айбни шамол...  
Ёр, келсайдинг, кела қолсайдинг.  
Менинг йиртиқ кўйлагим — соғинч,  
Сен кетдингу кийганим шулдир.  
Ясанмоққа пайт келарми ҳеч?  
Бадларимга урди бу жулдур,  
Ёр, келсайдинг, кела қолсайдинг...





Қудрат Дўстмухамедов

# Кўз илғамас қахрамонлар



Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романи ўқувчини воқеалар драматизми билан ларзага солади, қалбдан отилиб чиққан қайноқ сўзлари билан сеҳрлаб, уни воқеалар ичига бошлаб киради-да, бевосита иштирокчига айлантириб қўяди. Асарнинг таъсир доираси фақат шундагина эмас, унинг бошқа бир яширин, ички қуввати бор. Муаллифга тинчлик бермаган фикрлар кенг ўқувчилар оммасининг дили билан ҳамоҳанглиги бу қувватни юзага келтиради. Бу қувват ўқувчининг онгида мудраб ётган ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий дунёқарашларни кўзгаб, бўрон ҳосил қилади, уни фаол граждандлик позициясига ўтишга чақиради.

Бир иқтисодчи сифатида кўнглимда йиғилиб қолган фикр-мулоҳазаларимдан айримларини ўртоқлашиш эҳтиёжини сездим. Халқ хўжалигининг плани ва унга раҳбарлик қилиш мавзусида тўхталиб ўтишим ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Кўплар қатори бу икки масала Чингиз Айтматовни ниҳоятда тўлқинлантиради. Бошқа муамминсоний ва ижтимоий муаммолар қатори «план» ва «раҳбарлик» масаласини ёритиш учун у бутун маҳоратини, санъатини сафарбар этган. Китобхон ҳам персонажлар тақдирдан қанчалик ҳаяжонга тушса, планли системанинг камчиликлари ва раҳбарликнинг хатолари юзага келтираётган натижаларни кўриб-билиб, шунчалик изтиробга тушади, наҳотки, буларнинг давоси бўлмаса, деган саволни ўз-ўзига беради, асар орқали автор билан хасратлашгандек бўлади ва ниҳоят, кейинги йиллар ичида жамиятимиздаги салбий ҳодисаларнинг фаш этилганини, рўй бераётган ижобий ўзгаришларни эслайди, мушоҳада қилади.

«План» сўзи асарнинг баъзи ўринларида қистириб кетилган, холос. Китобхон кўз ўнгига планлаштирувчи ёки планни талаб қилувчи муайян бир шахс намоён бўлмайди ҳам, лекин улар қайси мансабдор шахслар эканлигини ҳар ким ўз ҳаётий тажрибасидан билиб туради. Ҳар қандай йўл билан планни дундириб, ўзидан юқори амалдорлар олдида юзи ёруғ бўлишга интилувчи, олий мукофотлар кутиб, тамшаниб тургувчи кўз илғамас бу қахрамонлар китобхоннинг ғазабига лойик. Улар олдида ярамас Қаңдалов ҳам иккинчи даражали тип бўлиб қолади, чунки ўшалар бошқачароқ фикр юритганларда, табиатга, жамиятга ҳақиқий жонкуяр бўлганларида қандаловчиларнинг Мўйинқумдаги жинойти содир бўлмас эди.

Айтматовнинг план ҳақидаги сўзлари ўқувчининг ёдида кўп воқеаларни жонлантириб юборади. Яқин ўтган йиллар давомида ўрнидаги йўқ пахтани пландаги миқдорга етказиш йўлидаги уринишлар ва бунинг натижасида миллионлаб шахарликлар ва қишлоқ ахлининг тортган азоблари, рўй берган ноҳақликлар, салбий ҳодисалар ҳозир ҳар бир кишининг юрагини ўртади. Бу воқеалар ўтмишга айланиб қолганига қарамай, барибир қаерлардадир кичикроқ ҳажмда бўлса ҳам такрорланаётгани яна ҳам ташвишга солади, чунки назорат жилови салгина бўшатилган ондаёқ салбий ҳодисалар катталашиб кетиш хавфи бор. Биргина пахтачиликда эмас, халқ хўжалигининг барча соҳасида шунга ўхшаш ёки бутунлай аксинча салбий ҳодисалар мавжуд. Чунончи, пилла ва ҳўл меваларнинг пландан ортинги давлат корхоналари қабул қилмаётганини қандай баҳолаш керак? Бу тўрида матбуотда неча марта бонг урилди! Нега айрим маҳсулотларни ернинг тагидан бўлса ҳам топасан, деймиз-у, бошқаси чириб кетса ҳам қайрилиб қарамаймиз? Демак, объектив шарт-шароитлар тақозоси билан бир маҳсулот истеъмолчиси чеклаб қўйиш мумкин экан, бу дегани, бошқа бир маҳсулот ишлаб чиқариш планини ҳам худди шундай сабабларга кўра бажармай қолиш мумкин, дегани эмасми? Шуниси ҳисобга олиб пахта ёки гўшт масаласида ҳам оқилона иш тутаск бўлмасми?

План шунчалик улкан ва жамиятимизда чуқур илдиз отган муаммоки, унинг дарду хасратларини битта-иккита романда ёзиб адо этиб бўлмайди. Лекин ҳамма ёзувчи ҳам уни тилга олиб, дилидагини рўйи-рост айтишга журъат этавермайди, айримлар нари борса, ишлаб чиқаришни бош мавзу қилиб оладилар-да, план атрофида бўлаётган муносабатларни, тақдирларни, характерларни тасвирлайверадилар, гўё план деган муаммонинг ўзи йўқдек!

Марксча-ленинча диалектика ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг негизини топишга, уни ўргана туриб, хулоса қилишга, сўнг муайян қадам ташлашга ўргатади. Шундай қиламиз ҳам, лекин ижтимоий ҳаётнинг таҳлилига келганда ўша негиз «план» деб аталмиш муаммо эканлигини негадир унутамиз, планли системанинг камчиликлари ҳақида баралла гапириб, уларни



йўқотиш йўллари тўғрисида бош қотиришдан ўзимизни олиб қочамиз, ғанимларимизга дастак топиб берган бўлмайдик тагин, деб кўрқамиз. Бу турган-битгани зиён эканини энди-энди тан оляпмиз. «Кунда» романи шу жиҳатдан ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Бизнинг халқ хўжалигимиз марказлаштирилган планли системадир. В. И. Ленин тавсияси билан 1921 йилда тузилган Давлат План Комитети шу системанинг бошида туради. Унинг фаолияти машҳур ГОЭЛРО планидан бошланган. Мамлакат тарихида муҳим ўрин тутган беш йилликлар, ҳар бир йилнинг режалари шу Комитетнинг маҳсулидир. Мен план Комитетини маҳалланинг улкан дошқозонига қиёс қиламан. Бу қозонга ҳар томондан (корхоналардан) масаллиқ (кейинги беш йиллик ёки йиллик ишлаб чиқариш плани лойиҳаси, техника ва иш кучига эҳтиёж ва ҳоказолар) келиб тушади. Белгиланган муддатда масаллиқ оқими тўхтайдди, энди палов (Давлат плани) пишириш жараёни бошланади. Паловнинг қандай чиқиши кўп омилларга: масаллиқ ўз вақтида келдими, сифатлими, сифатсизми, ҳаммаси етказиб берилдими, йўқми, энг биринчи галда ана шуларга боғлиқ. Қолаверса, ошпаз ва қозонга ўт ёқувчининг иш услуби ва маҳорати ҳам паловнинг сифатини белгилайди.

Халқ хўжалигининг кейинги йиллар давомида режадан чиқиб кетишлари, тармоқлар, корхоналар ўртасидаги келишмовчиликлар, моддий маблағларнинг нотекис тақсимоти ва шунга ўхшаш бир қанча салбий натижаларга қараганда «палов» яхши дамланмаепти: гоҳ таги куйиб кетса, гоҳ гуручи тирик ёки аксинча, ланж бўлиб қоляпти; гоҳида шўр, гоҳида тузи паст. Лаганга сузиб, хўрандаларга тортилаётганда эса, намагини етказиш мақсадида йўл-йўлакай ошнинг юзига туз сепаляпти ёки ёғи кам бўлиб қолибди, дея бир қошиқ доғланмаган мой куйиб юбориляпти. Утган сафар бир ҳисса ошни паққос туширган эдинг, энди мана бунисидан бир ярим ҳисса ейсан, дейдиган ҳолатлар ҳам кўп.

Юқоридаги қиёслаш бир оз эриш туюлиши мумкин, лекин бунда маълум ҳақиқат бор. Уни далиллаш учун бир неча ҳаётий мисоллар келтирамиз.

Бундан ўн йил муқаддам Тошкентдаги олий ўқув юртиларидан биттадан-иккитадан ўқитувчини Олий таълим министрлигига тўпладилар. Бизни Давлат План Комитетининг айрим масъул ходимлари ҳам кутиб олдилар ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидан келган бир маълумотни қайта ишловдан ўтказиб беришда ёрдамимизни сўрадилар. Қоғозлар ниҳоятда кўп, ЭҲМни қўллашнинг ўша кезлари иложи йўқ экан. Айтилган маълумотлар кейинги беш йиллик учун олий маълумотли мутахассисларга «хомашё» бўлиб, вазифамиз қоғозлардаги рақамларнинг устидан чизиб чиқиб, оддийгина ҳисоблаш усуллари билан бошқа рақам ёзишдан иборат эди. Ҳар биримизга ўн-ўн бештадан министрликнинг талабномаси теғди. Камина ҳам чамаси бир соат ишлаб ўтириб, план комитетининг масъул ходимига ҳисоблаш усули ҳақида савол билан мурожаат этдим. Менинг фикримча, ҳисобни бошқачароқ усулда бажарсак, ҳақиқатга яқинроқ бўларкан. Масъул ходим сўзимни эшитиб бўлгач: «Ие, шунақа ҳисобласак ҳам бўлар экан-ку!», деди.

Буни қарангки, Давлат План Комитетининг ишига умрида биринчи маротаба аралашаётган ўткинчи бир одам ҳам ҳисоблашнинг янгича усулини топа оларкан! У ҳолда, республикадаги олий ўқув юртилари тақдирини ҳал қилувчи масъул ходимга қандай баҳо бермоқ керак? У «Кунда» романидаги кўз илғамас қахрамонларнинг биттаси эмасми?

Битта ё иккита олий ўқув юртида эмас, бутун республикада олий маълумотли мутахассис тайёрлаш планини энди тасаввур қилаверинг. Кошки эди, план қоғозда қолиб кетаверса! Уни бажариш керак. Планини тўлдираман деб раҳбарлар кўнғирокбозлигу мажлисбозликка ружу қўйишади, кези келганда ўқитувчиларга дўқ-пўписа, дағдаға қилади, ўқитувчилар эса студентнинг билими бўлмаса «уч қўймайман», деб оёқ тирайди, иродаси пастроқлари порахўрликка юзтубан кетади... эҳ-ҳе! Мўйинқум фожиасидан қаери кам?!

Буларга ким айбдор? План эмас, уни «ҳисоблаб» чиққанлар, қандай бўлмасин бажарасан, деганлар айбдор эмасми?!

Уша воқеадан кўп ўтмай, бизни яна тўпладилар. Бу сафар капитал қурилиш маблағларини «планлаштириб» бердик. Естиқдай-ёстиқдай ҳисоботларнинг ҳар ер-ҳар еридан рақамларни билганча, хафсаламиз етганча қидириб топиб, қўшиб-чатиб чиқдик, хуллас, давлат планини (!) ясадик.

Бу гапларга ўн йил бўлди. Ушандан бери қанча сувлар оқиб ўтди, халқ хўжалигида ЭҲМларни қўллаш кенг тарқалди, режалаштиришнинг янги усуллари топилди, эҳтимол, олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни ёки капитал қурилиш маблағларини ҳисоблаш усуллари ҳам мукамаллашгандир. Лекин, камчилик қолмаган деб ким қафолат бера олади? Бошқа соҳаларнинг режалаштириш усулида хатolik йўқмикин? Уларда ҳам Мўйинқум фожиаси рўй бермаептимикин?

Халқ хўжалиги ишини нотўғри планлаштиришда қуйи поғона — бевосита корхоналарнинг улуши ҳам катта. Мисол тариқасида, ўзим олтмиш учинчи-олтмиш бешинчи йилларда заводда технолог бўлиб ишлаган кезлардаги тажрибамдан бир шингил келтираман.

Ушанда мен, институтни янги битириб келган ёш инженер, бош технологдан топшириқ олдим: келгуси йил учун заводи-мизнинг пўлат-тунукага бўлган эҳтиёжини ҳисоблашим керак экан. Маҳсулот чизмаларини ўргандим, тунуканинг қалинлиги, катталиги, маҳсулот миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳаммаси бўлиб неча тонна тунука кераклигини топдим. Шунга икки кун ишладим. Учунчи кун бошлигим ҳузурига қоғозларни олиб кирдим. У умумий миқдорга қаради. Қаноатланмади. Уйлаб туриб: «Бу йилга фалон тонна планлаштирилган, келаси йил учун ҳам тахминан шунча керак бўлади, аммо биз икки марта кўп ёзамиз», деди-да, мен ҳисоблаб топган рақамнинг устидан чизиб ташлаб, ўзи айтган сонни ёзди. Шу билан планининг битта рақами аниқланди. Менинг икки кунлик меҳнатим шамолга учди, бироқ зое кетмади: китобий эмас, ҳаётий сабоқ олдим. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ва поғоналари доимо ҳар эҳтимолга қарши қабилида иш тутиб, керагидан ортиқча маблағ сўрашига, ишлаб чиқариш планини эса, имкони-ятлардан сал пастроқ олишга ҳаракат қилишини ўшанда сезганман. Афсуски, шундай аҳвол ҳозирги кунларда ҳам учрайди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида шундай дейилади: «Кўпчилигимиз мана бундай аҳвол билан неча бор дуч келганмиз. Дейлик, ҳозиргина беш йиллик ва йиллик план мўҳомадан ўтади, тасдиқланади. Демак, у қонун кучига кириши керак. Аслида эса нима бўлади? Гоҳ у, гоҳ бу ташкилотнинг ёки областнинг вакиллари ҳеч қандай асоссиз равишда, ўзларига планда кўрсатилгандан кўпроқ моддий ва молиявий маблағ талаб қилиб келаверадилар. Тўғрисини айтиш керак, бу бизнинг эски касалимиз. Баъзи ўртоқлар эса бундай аҳволга шунчалик кўникиб кетганларки, уни таомилдадек деб қабул қиладилар». Бундай аҳволда планлаштириш учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Бир ҳисобда, жавобгар қилиш ҳам инсофдан эмас. Чунки заводга керагидан икки ҳисса кўп тунука талаб қилган бош технолог кўп йиллик меҳнат фаолиятида қоқилавериб тажриба орттирган: биринчидан, ўзи ёзиб юборган рақами юқори поғоналарда «қайта ишлов»дан ўтавериб, илмийлигини йўқотади, иккинчидан, айтган рақами ўзгармаган тақдирда ҳам, тегишли тунукани олишнинг ўзи бўлмайди, гоҳ ундай, гоҳ бундай баҳонаю сабаблар топилиб туради, оқибатда таёқ ўзига келиб тегади. «Ҳар эҳтимол» деймиз-у, планда тасдиқланган моддий маблағларни тегишли ташкилотлардан, айниқса, моддий-техника таъминоти корхоналаридан олиш мушкул. Машина эҳтиёт қисмлари, янги техника, суюқ ёқилғи, металл, прокат кабилари олишнинг ўзи бўлмайди. Албатта бирор «чиқим» қилиш зарур. Қурилиш ташкилотларида ишлайдиган ўртоқлар қизиқ воқеани айтиб беришди: эмишки, қурувчилар маблағ етказиб берилавермагандан безор бўлиб, автомобиль ҳайдовчиларига пул йиғиб бериб, ишни тезлаштирибдилар. Охир оқибатда, улар кўпроқ иш ҳақи олиш эвазига чиқимни қоплаб юборибдилар.

Планини бажаролмаган корхона раҳбарлари матбуот, радио ёки телевидение орқали халққа ҳисобот бераётганларида албатта қайсидир ташкилот ўз вақтида хомашё етказиб берилавермагандан нолишлари бежиз эмас. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда корхоналар шартномада ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришлари фавулодда ҳодиса бўлиб қолдики, ҳатто умумий фаолиятни шунга қараб баҳолашга ўтмоқдалар. Бу бир ҳисобда яхши, лекин бошқа нуқтаи назардан қараганда, кулгили: корхона шартнома мажбуриятларини бажарса — яхши ишлаган ҳисоблаймиз, мукофотлар берамиз. Бундан, мажбуриятларни бажармаслик ҳам мумкин, деган маъно чиқиб қолмайдимиз? Бир корхона иккинчи корхона

билан шартнома тузиб, ўзига мажбурият олди — бас, ваъдага вафо қилиш керак. Демак, планни бажариш фақуллода ҳодиса эмас, қонуний ва табиий бир ҳол, десак мантиққа яқинроқ бўлмасмиди?

Бизда планлаштириш икки босқичда ўтади. Биринчисида кўйи поғоналардан юқори поғоналарга лойиҳа юборилса, иккинчисида тасдиқланган план юқоридан пастга йўналтирилади. Ҳамма тармоқлар учун тааллуқли бу жараён ярим йилдан ортиқ вақт ичида рўй беради ва табиийки, маълумотлар кўп маротаба қўлдан-қўлга ўтавериб, субъектив таъсирларга учрайди, илмийлигини, қимматини йўқотади. Ҳатто, ЭҲМларни қўллаш ҳам кутилган натижаларни бермай қолади, чунки машиналар ҳам одамнинг буйруғи билан ишлайди-да.

Кўриниб турибдики, планлаштирувчи марказий ташкилотимиз — Давлат План Комитетига ҳам осон эмас экан.

Одатда, план имкониятларга қараб эмас, эришилган кўрсаткичларга нисбатан юқоридан берилади. Масалан, шароитлар қўлай келиб қолгани учун корхона бу йил планни бир юзу ўн фоиз бажардим, кейинги йил бундай қўлайлик бўлмаслигини билсак ҳам план «юзу ўн»нинг нариги ёғидан белгиланади. Бунда юқори ташкилот маъмурий йўл билан ҳукмини ўтказиши, ҳеч қандай иқтисодий далиллар ҳам ёрдам бермайди.

Тошкентдаги автохўжаликлардан бирида кўп йиллар давомида ишлаган тажрибали, ўқимишли ҳайдовчини директор ўринбосари этиб тайинладилар. У енг шимариб ишга тушди. Ҳайдовчиларнинг ишини, тилини, дилини яхши тушунадиган раҳбар бўлгани учун коллектив астойдил ишлади, натижада учинчи декабрдаёқ йиллик план бажарилгани ҳақида рапорт берилди. Бу хушхабар директор отпускуга кетган пайтда юқори ташкилотларга етиб боради. Янги йил ташвишлари кучга киргандан сўнг, директор ўз ўринбосарини айблади: автокорхона планини ошиғи билан бажаргани учун энди каттароқ план беришибди, мабодо, ўринбосар рапорт беришга ошиқмасдан, ортиқча бажарилган ишни кейинги йилга асраб қолганида эди, корхона бундай қийин аҳволга тушмаган бўларкан.

Оддий ҳайдовчидан чиққан раҳбар-да, нима қилсин, ҳали тажрибаси йўқ, қаллобликни ўрганмаган, ишлайверади, яширмасдан кўз-кўз қилаверади. Уша директорга ўхшаган раҳбарлар омон бўлса, ажаб эмас, уни ҳам ўз измларига солиб олсалар.

Агар шу гап ростга айланиб қолгудек бўлса, айбни қари ёки ёш раҳбарлардан қидиравермай, планлаштириш системасининг камчиликларидан ҳам қидириш керак. Имкониятларга қараб режалаштиришни ҳозирча ўрганганимиз йўқ.

Халқ хўжалигининг плани ҳақида гап очилганда, бошқа бир хил плани — мажлислар планини унутиб қўйиш инсофдан эмас. Бу ҳам «Кунда» романи уйғотадиган фикрлар инсирасига кирди.

Мажлисбозлик кимларнинг меъдасига тегмаган, қайси бир шонинг дилини ғалаёнга келтирмаган дейсиз! Мажлисбозлик ҳақидаги шеърларни мароқ билан ўқиймиз: «Буни қара, бопплати, азамат!» деймиз, олқийлаймиз. Лекин ҳамма гап гаплигича қолиб кетади. Уз-ўзимизга ёки бир-биримизга: «Нега шунақа? Нега мажлисбозлик қилаверамиз? Бунга қачон барҳам беришаркин?» деймиз-да, кетидан бўлажак мажлисларни режалаштираверамиз. Ҳар бир корхонада ўзига хос махсус кенгашлар, планёра, «бешминутлик» каби «маърака»лар бор. Ҳаммасини қўшиб чиқсак, талайгина мажлис органлари борлигига амин бўламиз.

Одатда, мажлис планлари бир йилга мўлжаллаб тузилади. Бу — жамоатчилик иши ҳисобланади ва ҳеч қандай жавобгарлиги бўлмайди. Қани энди, бир ўйлаб кўрайлик-чи, ким бундай юмушларни макон ва замон тушунчаларини ҳисобга олган ҳолда аниқ режалаштира олади? Ишонч билан айтиш мумкин: ҳеч ким! Планга киритилган мажлисни эса, белгиланган вақт етиб келдими, эҳтиёж бўлса-бўлмаса ўтказиш шарт! Утказмаслик гуноҳи азим ҳисобланади.

Гўш тайёрлаш плани фалонча, бажармасам бўлмайди, деб сайғоқларга қирғин келтиришдан нимаси кам бунинг? Мажлисбозликда «план» касалига йўлиққан раҳбарнинг, қандай бўлмасин гўш планини бажармоқчи бўлган раҳбардан фарқи борми? Одамларнинг вақтини ўғирлаб, ижтимоий фойдали меҳнатдан қолдириш сайғоқларни қириб ташлашга ўхшаб кетмаётгани ахир!?

Афтидан, мажлисбозликни «меҳнат маҳсулотига айланти-

риб олган кишилар кўпайиб кетганга ўхшайди. Улар катта-катта мажлислар ўтказадиларда ўтиравериб чарчаганларидан кейин: «Ўртоқлар, мана икки соат ишладик», деб миннат қилиб қўядилар. Бундай кулгили гапни ўз вақтида Н. В. Гоголь эшитганда эди, ҳозир биз «Ревизор» каби яна бир дурдона асарга эга бўлардик. Биз эса, бундай гапни эшитганда негадир кулолмаймиз.

Мажлисбозлик экан-ку, ундан бешбаттар даҳмазалар жамиятимизда учрамасмикин? Ўйлаб кўриلسа чакки бўлмасди.

Бизнинг жамиятимиз планли система. План — биз учун муқаддас тушунча бўлиб қолиши керак, уни фақат маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўллаш лозим кўринади. Ҳар қандай яхши тошми ўринсиз истеъмол қилиш соғлиққа зиён бўлгани каби, «план»ни ҳамма соҳага олиб бориб тиқиштиравериш мажлисбозлик, қўшиб ёзиш ва бошқа турли-туман иллатларни туғдиради.

Социалистик экономикага раҳбарлик қилишнинг қатор ленинча қоидалари бор. Ҳаммаси муҳим. Улар барча раҳбар қодимлар учун қонун бўлиши керак, биронтасини бажарилмай қилиши айб саналади. Шулардан биттаси «Иқтисодий ва сиёсий раҳбарлиқнинг бирлиги» деб аталади. Бу икки талабдан биттаси тарози палласини босиб кетдими, хатолик юзага келади.

Иқтисодий ва сиёсий раҳбарлиқнинг посангисини бара-варлаштириб турувчи мансабдор шахс Қўтбоев эди. Лекин у кўрқоқ одам, Қўчқорбоевдан ҳайиқади. Бўстон айтаётган таклифлар фойдали эканини билиб турса ҳам унга (Қўчқорбоевга) қарши чиқа олмайди, тинчгина, сан-манга бормасдан ошини ошаб, ёшини яшаб юришни афзал кўради. Бундай раҳбарлар кўпинча юқоридагилар олдида ҳам, эл-юрт орасида ҳам умуман ҳурматли, эътиборли одам бўлиб қоладилар — эгалланган мансабларида узоқ турадилар. Лекин ниманинг ҳисобига? Бунинг сабабидан ҳамма ҳам баҳардор бўлавермайди.

Қўчқорбоев романнинг марказий персонажларидан бири, партиянинг ишонган вакили сифатида совхозга фақат сиёсий раҳбарлик қилмоқчи бўлади ва директорнинг заифлигидан фойдаланиб, сўзини ўтказиб юраверади. У қачонлардир миясига қўйилиб қолган хусусий мулкчилик ҳақидаги ибораларга маҳкам ёпишиб олиб, Бўстоннинг таклифини рад этаверади: «Социализмга қарши чиқаясанми?» деб рақибини мағлуб қилмоқчи бўлади. Эҳтимол, Қўчқорбоев ўзини партия ишига содиқ коммунист деб ҳисоблар, лекин унинг алимосқдан қолган, ҳозирги замонга тўғри келмайдиган гап-сўзлари ўқувчининг юрагига ништардек қаладади, кўр-кўроналиги, «китобий»лиги билан нафрат уйғотади, Қўчқорбоевнинг совхозда, районда улкан ваколатлари бўлмаганда эди, ўқувчи шунчаликка бормаган бўларди. Қўчқорбоев Бўстон, Эрناзар ва бошқаларнинг тақдирини ўчмас, мудҳиш из қолдирган, тўтиқушдек ёдлаб олган сўзлари билан совхоз ишини яхшилашга муттасил тўсқинлик қилиб келган «сиёсий раҳбар». Чингиз Айтматов Кандалов ва Бозорбой образларига қандай ёндашган бўлса, унинг шахсиятига ҳам шундай муносабатда бўлган кўринади, мунаққид Е. Сурков тили билан айтсак, уни ҳам индивидуаллаштирмоқчи эмас. Фикримизнинг далили учун Бўстоннинг сўзини келтириш kifоя: «Ҳамма бало шундаки, Қўчқорбоевга ўхшаганлар бошқа жойларда ҳам тиқилиб ётишибди». М. С. Горбачев январь (1987 й.) Пленумида: «Лениннинг социализм тўғрисидаги қоидалари жўн тарзда талқин этилар, кўпинча бу қоидаларнинг назарий чуқурлиги ва моҳияти саёзлаштириб юборилар эди», деганда Қўчқорбоев каби сиёсатдонларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Дарҳақиқат, Қўчқорбоевга ўхшаган сиёсий раҳбарлар озмунчамиди? Кейинги йиллардаги ўзгаришлар уларнинг қанчасини фош қилиб ташламади! Ҳозир ҳам у ер-бу ерда ниқобланиб юрган кўчқорбоевлар йўқмикин? Ишонамизки, бор бўлса, секин-аста суриб ташланажак. Аммо бу ўй билан ҳеч ким ўзини юпата олмайди, чунки ленинча принциплар энди бузиламасмикин, деган савол кишини барибир ташвишга солади.

Ташвишланшга арзигулик сабаблар бор. Субъектив омилларни айтмай қўя қолай, мен объектив сабабларни — ленинча принципларнинг амалда жорий қилиш механизмлари ҳозирги кун талабларига етарли жавоб беролмаётганини назарда тутяпман.

Сиёсий ва иқтисодий раҳбарлиқнинг бирлиги деган тушунчанинг маъноси кенг, уни мукамал таърифлаб берган махсус





**8-қаватдаги  
учрашувлар**



# Халоскор қўшиқ




Қўшиқ ва фронт... Бу сўзларнинг республика театр жамияти қошида ташкил этилган Зебо Ғаниева номидаги ветеран онахонлар ашула ва рақс ансамбли учун қанчалар азиз ва муқаддас эканини чинакам ҳаётсевар қалб эгаларигина англай олади. Ансамблнинг фаолияти халқ, Ватан, қолаверса, бутун дунё тақдирига ўлмас, халоскор қўшиқлар билан боғлангандир.

Бу қўшиқлар дастлаб кўрғошин ўқ бўлиб фронтда яралди, фашист юрагини нишонга олиб учди. Айти бир вақтнинг ўзида бу қўшиқлар ярадор қизил аскарнинг қонталаш кўкрагига меҳр билан босилган оппоқ пахта эди. Лекин у қонга ботмади. Бутун фронт бўйлаб баралла янграб турди:

**Олға бос, олға бос, доим олға бос,  
Эй совет ботир эрлари!  
Олға бос, олға бос, доим олға бос,**







**СССР қаҳрамонлари!  
Фашистларга қарши жангга отланинг  
Эй Ватан жонажонлари!**

Оқоларда, казарма ва госпиталларда, ҳарбий кемалару жанг майдонларида янграган бу қўшиқлар миллионларнинг хотирасида, юрагида ҳамон тирик — акс-садо бермоқда, қайта тугилмоқда. Бир вақтлар фашист кўкрагини нишонга олгани каби, улар бугунги кунда ҳам инсонлар руҳидаги ёвузлик, худбинлик, лоқайдлик сингари ҳар қандай иллатни батамом йўқотиш учун курашаётир.

Биз Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги ансамблнинг бир гуруҳ санъаткорлари билан учрашдик. Уларнинг буюк Тинчлик ишига сафарбар этилган қўшиқларини тингладик ва бу қўшиқларнинг халоскорлик куч-қудратига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Фотомуҳбиримиз эса табарруқ онахонларимизнинг сиймоларини плёнкага туширган эди, одатдагидек, уларни сиз азиз жуналхонларга тортиқ этяпмиз.

Суратларда: 1. Ўзбекистон ССР халқ артисти, ансамблнинг бадий раҳбари **Гавҳар РАҲИМОВА**. 2. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Меҳри АБДУЛЛАЕВА**; 3. Чапдан: **Шураҳон ОҚИЛОВА**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Розия КАРИМОВА**, **Розия ҚУРБОНОВА**; 4. чапдан: **Роҳатой МАННОНОВА**, **Уғилой ШАРИПОВА**; 5. **Ойхон РАҲИМОВА**; 6. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лизахоним ПЕТРОВОВА**.







тўғрисида ташвишланамиз, лекин унинг қуриши умуман регионда қандай экологик оқибатларга олиб келишини ҳали тўла тасаввур қилолганимиз йўқ.

Энг ёмони шундаки, табиат қонуниятларига қўпол «тузатиш» киритгандан сўнг, унинг «тузилиши» — қонуний ўчи бирданига билинмайди, балки аста-секин, аммо муқаррар суратда кучайиб бораверади, ошқора тус олгандан кейин уни тўхтатиш жуда оғирлашади. Экология илмида шундай парадокс бор: «Қақраб ётган чўлу биёбонларни гуллаб-яшнайдиган боғу роғларга айлантириш — гуллаб яшнаб ётган боғу роғларни қақраган чўлу биёбонларга айлантиришдир». Демак, бу борада етти ўлчагандан сўнг ҳам кесмай, бир оз ўйлаб олиш керак — балки минг-минг йиллардан бери чайқалиб ётган Оролнинг насибасини кесишимиз, умуман юз ўйлаганда ҳам тўғри эмасдир...

Ахир, атроф-муҳит, табиат қўриқхоналарда намуна сифатида сақлаб қўйиб, томоша қилиш учун эмас, балки яшашимиз, келажакда болаларимиз, болаларимизнинг болалари яшаш учун керак, уни забт этишга ҳаддан ортиқ зўр беришимиз — ўзимизга, авлодларимизга қарши кураш билан баробар.

Гап фақат Туямўйин сохта денгизининг деҳқончилик учун фақат лойқа сув талаб қиладиган Хоразм тупроғига тиниқ сув оқизиб, ҳар йили лойқа чўқиндилар билан бекиладиган майда капилляр найчаларининг оғзини очиб, сизот сувларини тепага кўтарганида ёки Кампирравотнинг тубида ётган яхдай «оби ҳаёт»нинг ҳароратталаб пахтазорга оқизилиши, оқибатда тупроқни табиий шарбатдан, ғўзани тафтан маҳрум қиладигани тўғрисидагина эмас, булар бугунги куннинг муаммолари, аҳвол тубдан ўзгаририлмаса, пахтачиликни кенгайтиришни ўйлаб қурилган бу иншоотлар яқин ўн йилликда айни пахтачиликдан ўч олиши ҳеч гап эмас. Агар бунга сувомборларнинг йил ўтган сайин атроф-муҳит иқлимига, ҳайвонот оламига, умуман табиатга киритадиган «таҳрирлари»ни ҳам қўшсак, масала жуда жиддийлашади.

Алам қиладиган жойи шундаки, шу ва шунга ўхшаш ишларни меҳнаткаш халқимиз ўйлаб топмаган, уч-тўрт одам, бориники, ўн-ийгирма «авторлар коллективи» ихтиро қилган, сарфу харажати ақлли ЭХМларида ҳисоблаб чиқишган, фақат бугун келадиган фойдани ўйлаб ўн йил нарига фаҳми етмаган олиму фозиллар «Добро!» дейишган, энди яна шу бир тўда одамнинг қилгуликлари жабрини бутун халқ тортиши, уларнинг хатоларини кўплашиб тузатиш керак.

Мен ҳали матбуотда бутифосни ихтиро қилган, уни қўллашга рухсат берган «мутахассис-олим»лардан бирортаси ё хатосини тан олганини, ё ўзини ҳимоя қилганини ўқимадим. Аксинча, улар ҳали ҳам: «Бутифосдан мунча минг тоннаси заҳирада турибди, ишлатмасак бўлмайди», деб юришибди. Ундан тамомила воз кечиш ўрнига фақат ҳидини камайтириб, янги бухлофос (90 фоизи бутифос) деган заҳарни тавсия этишяпти. Нима бу — ўжарликми ё душманликми?

Ҳозир Оролни қуритаётган насос станцияларини лойиҳалаштирган ўша доно бошларнинг энди нима қилишимизни ўргатадиган ақлли маслаҳатларини ҳам эшитмаяпмиз.

Қилгуликни қилган улар, ўз ишини қўйиб, азбаройи виждони чидамаганидан бонг ураётган эса ёзувчилар!

Байкал, Исиққўл, Севан, Нева банди масаласини ҳам, бутифос фожиясини ҳам, Орол муаммосини ҳам асосан ёзувчилар кўтариб чиқишди.

Савол туғилади: олимлар бу муаммолардан беҳабармиди? Йўқ, албатта, улар ёзувчилардан юз чандон яхшироқ — аниқ илмий далиллар асосида билишади. Нега уларнинг асосий қисми ҳалигача жим?

Мен буну кўпчилик олимларимизнинг фаолиятларида илмий мушоҳада шаклланиб, хийла тараққий топгани ҳолда, граждандлик туйғулари кейинги ўринга тушиб қолганида, деб ўйлайман.

Илмий-техник изланишлар бир томонга «шоҳлаб» кетса, қутилмаган оқибатларга олиб келар экан.

«Зангори кема»лар дастлаб пахтазорга чиққанда кўп ҳам олқишламаган, лекин яхши кутиб олган эдик. Унга «эски», «қолоқ» раислар қарши чиқишди, «ғўзани чайнаб кетади», «пахтани тўкади, ифлос қилади, толасини узади» деган баҳоналарни рўқач қилишди. Уларни майна қилдик, терим машиналарига кенг йўл очдик. Ҳозир уларга қарши курашадиган одам йўқ, ҳамма унга ишонади. Лекин терим машиналари ишончимизни оқламади, «оқ олтини»мизни чайнаб-тўкиб тераверди. Териниши осонлаштириш йўллари йўлаб топдик: ғўзани шип-шийдон қилиб баргини тўкадиган химикатларни

ўйлаб топдик. Лекин бу машиналар такомиллашиш, сифатини ошириш, оддий инсоний талабларга мослашиш ўрнига икки ёнга кенгайиб бораверади: бир қаторли эди, икки қаторли бўлди, тўрт қаторли бирваракай теришга ўтди, саккиз қаторлиси ҳам яратилди, иш усули эса қирқ йил олдинги принципда тураверди — дориланмаган далага тушалмайдиган бўлиб қолаверди. Уларнинг «кучоғи» кенгайгани сайин далаларимиз ҳам кенгайиб бораверди. Ундан ҳам ёмони — баргани тўкадиган заҳарлар ҳам кўпаяверди. Ҳой, оғайнилар, нима қиялпмиз, машинани энига ялпайтиргунча, баргини писанд этмайдиганидан ишлаб чиқайлик, деган одам топилмади, топилса ҳам унинг додини ҳеч ким эшитмади.

Сабаби — конструкторларимизда пахтапарварлик бисёр, одампарварлик камроқ эди.

Оқибатда, пахтакорнинг «пўлат оти» шпинделини эгасининг соғлиғи ҳисобига айлантирадиган бўлиб қолди — неча-неча йиллардан буён бир хил манзара: пахта очилгандан кейин ваф-ғ этиб осмонга «кумуш ҳумоларимиз кўтарилади-да, олам-жаҳонни саситиб, қанча жонлини жонсиз қилиб кетади, бу офат майдонига кейин саломатлиги қанча заха еяётганидан беҳабар дарғаларимиз бошқараётган «Зангори кема»лар савлат тўкиб қиради, сўнгра бу «беминнат дастёр»ларимиз тўкиб-сочган супуринди пахтани ҳали суяги қотмаган укачаларимиз йиғиштиришга тушадилар...

(Мана, шунча курашдан кейин бутифос, бухлофосларни трактор билан чанглатишга ўтдик: гўё тракторчининг ўпкаси, жигари заҳар таъсир қилмайдиган ўта чидамли полимерлардан ясалган!)

Мутахассис-олим эмасман, лекин шу мутахассис-олимларнинг сентябрь, октябрь ойларида ўз болаларини сўлим қишлоқларимизнинг «тоза» ҳавосидан нафас олиб, ҳордиқ чиқариб келишга юбормасликларини яхши биламан.

Мутахассис бўлмасам ҳам, бутифос, бухлофос сочилган далаларга ўн-ўн икки кун ўтказмай туриб ўқувчиларни чиқармаслик кераклигини яхши биламан ва шу муддатдан кейин ҳам қовжироқ баргларда, лўппи, намни шмиб қоладиган пахтадаги дефолмантларнинг норасида болалар соғлиғига таъсир қилмаслиғига ишонмайман...

Халқимизда «фалокатнинг шарофати...» деган гап бор.

Терим машинаси — халқимизнинг оғир меҳнатига кўмак — шарофат бўлди, аммо табиат билан, одамларнинг соғлиғи билан ҳисоблашмай, унинг иш усулини ўзгартирмаслик, халқ ишлатадиган оғоҳ-умидли гапнинг тескарисини келтириб чиқаради — «шарофатнинг фалокати!»

Деҳқоннинг беминнат дастёрини чиндан ҳам шарофатли қилиб яратишга жуда кечикиб кетилди, бу кечикиш жуда қимматга тушяпти.

Башариятнинг қодир ақли миллиардлаб қақирим йўл босиб, Галлеига ўхшаган сайёра жисмларини қарши олган ускуналарни яратган бир даврда бугунги куннинг эмас, эртанги куннинг эмас, ҳеч бўлмаса, куни кечанинг талабларига тўғри келадиган терим машиналарини ярата билмаслик кечириладиган ҳол эмас!

Қайта қуриш ҳамманинг бирдек ишлашини талаб қилади, агар шундай бўлмаса, унинг амалга ошиши душвор. У олимга ҳам, ишчига ҳам, раҳбарга ҳам, деҳқонга ҳам, ёзувчига ҳам бирдай тегишли.

Бу давр шу пайтгача эътибордан четда ётган, лекин ҳал бўлиши жуда зарур, долзарб турган талай-талай муаммоларни кўндаланг қўйди.

Биргина маориф соҳасининг ўзида бажарилиши шарт бўлган ишлар қанча.

«Монокультура»ни танқид қиламиз, танқидимиз унинг тупроқ структурасини бузганлиги, ерларимизни ишдан чиқаргани билан чекланади; «монокультура»нинг маънавиятимизга қанча зарар келтирганлигини гапирмаймиз.

Ахир, ўрта ва олий мактабларимизда таълим олаётган ўқувчию талабаларнинг савияси пасайиб кетганлиги, университетни битириб чиққан ёш зиёлининг ҳатто аризасини ҳам чандон хато билан ёзиши ҳам шу «монокультура»га бевосита боғлиқ-ку! Йил бўйига ҳисоблаганда тўрт-беш ойлаб (ер текислаш, яганалаш, чопик, ўтини ўлдириш, чилпиш, яна ўт юлиш, ниҳоят, бу йил бир ойдан ошқироқ, шу пайтгача уч ойгача чўзилган терим) пахтазорда гиргиттон юрадиган ўқувчининг кейин қолиб кетган дарсларни отчопардаги пойгадек ҳайда-ҳайда қилиб ўқишида билим савияси қандай бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

# Шеър фош қилади



МУТОЛАА ♦ МУТОЛАА ♦ МУТОЛАА ♦ МУТОЛАА

Сабаби шундаки, шу «монокультура»ни деб ёш авлодни тарбиялашдек долзарб ва муқаддас ишимиз ҳам кейинги ўринга сурилиб қолди. Хўжалик учун жон куйдирадиган раҳбарларимиз эса мактабга ҳар доим тайёр ишчи кучи манбаси деб қарашга ўрганиб олдилар.

Мактабда таълим-тарбиянинг «монокультура»га мослашганлиги олий ўқув юртлирининг ўқитиш жараёни, савиясига ҳам «таҳрир» киритди, бу «таҳрир» институт, университетларни битириб борган ёш ўқитувчиларнинг олган чала билими билан яна мактабга қайтди — учи туташ халққа айланди-да, ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам савияси тушиб кетгандан кейин, савияга «қўшиб ёзиш», яъни «ўзлаштириш кўрсатгичи» деган талаб пайдо бўлди.

Яъни, ярим пахтакор, ярим илмталаб бўлган ўқувчининг «аъло»га, «якши»га ўқиши амримаҳол эди, унинг билимини ўзида бўлмаса ҳам, қоғозда кўтариб керак эди, ҳамма соҳа «ривожланиб» кетган бир пайтда маорифнинг орқада қолиши кўп гап-сўзга, чора-тадбирлар кўришга олиб келар эди, кейин биз ўзимизни қолақ қилиб кўрсатишни хоҳламас эдик.

Мактабда «аъло»га «ўзлаштирган» укаларимиз олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонларида «қониқарли»га ҳам жавоб беролмай қолдилар, бу эса ўз навбатида бошқа иллатларга — таниш-билишчилик, ошна-оғайничилик, булардан ҳам ёмони — порахўрликка кенг йўл очиб, илм масканларидаги тарбиявий жараёни саёзлаштириб қўйди.

Мактабда пахтага ўралашиб юриб қандай ўқиганию қандай қилиб институт оstonасидан хатлаганини бўлғуси зиёлининг ўзи билмайдими? Ҳар пул сўраб борганида отаси: «Болам, сени ўқишга киритаман деб толган-дугганими сарфладим, энди юзимни ерга қаратмай, шу дипломини бир амаллаб олгин, у ёғига — худо пошшо», деб эслатиб тургандан сўнг унинг келажак ҳақидаги пок хаёллари, тўғрилиқ, адолат учун курашга чоғланиши қайси йўсинда кечиши маълум эмасми?

Агар биз мактаб — арзон ишчи кучи берадиган ё болаларнинг миясига ўн йил фақат бошланғич билим асосларини қуядиган муассаса, деб қарайдиган бўлсак, келажак олдида жуда ноқулай аҳволда қоламиз.

Мактаб — биринчи галда ёш авлод маънавиятининг соғлом ўсишини таъминлайдиган, шахсни тарбиялайдиган, граждanni вояга етказадиган қутлуғ даргоҳ. Олимимиз ҳам, мутахассисимиз ҳам ва соддагина ватанпарвар деҳқонимиз ҳам шу даргоҳда улғаяди, ҳаммамизнинг ҳақиқат учун масъуллимиз шу маскандан бошланади.

Халқнинг ташвишидан йироқ раҳбар, ҳамюртларининг соғлиғига бепарво доришунос олим, одамга меҳрни машинапарварликка алмаштирган конструктор, бир фикрни қоғозга тушириш учун юқоридан имо кутадиган ёзувчи ҳам балки шу мактабда чала билим олиб, халқпарварлик дарсини ўқимаган чиқар.

Кейинги ўн йилликларда секин авж олган, кейин ошкора хуруж қилган кўп иллатларнинг илдизи шу тарбия жараёнига бориб тақалар...

Орол, бутифос фожиалари, «монокультура», умуман экология ташвишлари балки бизда шу пайтгача тарбия «экология»си жуда ёмон аҳволда эканидан далолат бера...

Бу борада — қайта қуриш ҳақида кўп гапириб, уни амалда оширишга келганда ҳали сусткашлик қилаётганга ўхшаймиз.

Ғафур Ғулом асарларини ўқир эканман, ҳар гал ундан янги мазмун, янги қирра, янги жило топаман. Шоирнинг «Танланган асарлар»ни varaқлаётим, нигоҳим «Поль Робсонга» шеърига тушди. Қанчалик истеъдод билан битилган фалсафий асар! У бундан ўттиз етти йил муқаддам ёзилганига қарамасдан, шу бугун қоғозга туширилганга ўхшайди. Америкалик занжи қўшиқчисига бағишланган бу бадиий тафаккур мевасида буюк башорат билан айтилган қуйидаги мисраларни ўқийман:

**Ҳар халқнинг ўз хоҳиши, иродаси, ҳуқуқи,  
Тузми ва тўзими ўз-ўзининг ишидир.  
Қўшнилар деворидан мўралаб сир ахтарган  
Худди шу қўшнисига душман бўлган кишилар.**

Дарҳақиқат, Чилида халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаган, Сальвадорда озодлик ҳаракатини бўғаётган, Никарагуа мустақиллигига таҳдид солаётган «қўшни» — Америка Қўшма Штатлари эмасми?

Маълумки, «жаҳоний ҳукмронлик» ҳақида сафсатани қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмида АҚШга президентлик қилган Трумэн бошлаб берган. Ғафур Ғулом ўша йиллардаёқ бу сафсатанинг таги пуч, хом хаёл, сароб эканини исботлаб берган эди.

Жаҳонга ҳукмронлик қилиш ниятида қуролланиш пойгасини авж олдираётган, бутун дунёда тинчликка хавф солаётган Америка империячилари (жумладан, Трумэннинг ғоявий маслакдоши бўлган Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги президенти Роналд Рейган ҳам), қуйидаги мисраларни ўқишса, ўзларининг башараларини кўзгуда кўргандек бўлишармиди:

**«Америкача интизом», «жаҳоний ҳукмронлик»  
Ер юзида жаҳаннам қопқасин очиб халққа.  
Булар бари Трумэн нияти, ширин хаёл,  
Бармоқни кўзга тикса, кўринган тилла ҳалқа  
Форрестол деган бири девони бўлган билан  
Девона бўлмаajak жаҳондаги ақллар.**

Узининг муқаррар ҳалокатини кўриб турган капитал дунёси ҳозирги кунда яна ҳам талвасага тушмоқда. Аммо тарих ҳукми шафқатсиз. Шеърнинг сўнгги мисраларида мана шу ғоя ўз аксини топган:

**Тинглар хайрихоҳ эллар, Поль Робсон қўшиқ айтар,  
Қуёш аниқлиги-ла эртдан бериб хабар.  
Бали, доллар зулматин эркининг нури эгаллар,  
Том тоға кулбасида тонг отиши муқаррар.**

Салимжон ХИДИРНАЗАРОВ,  
СамМИ қошидаги медицина  
билим юртининг ўқитувчиси



Яшар Қосимов

# Шеърятда гражданлик руҳи

Кейинги чорак аср мобайнида назарий-эстетик фикр муттасил шуғулланиб келган жиддий муаммолардан бири ҳозирги поэзиянинг гражданлик пафоси, ижтимоий-маънавий фаоллиги масаласидир. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган қайта қуриш ва янгиланиш жараёнлари социалистик реализм эстетикасининг қатор проблемаларига, жумладан сўз санъатида гражданлик руҳининг инъикоси масаласига ҳам янгича — ҳушёр ва ҳаққоний илмий муносабатни тақозо этади.

Маълумки, «гражданлик шеърятти» ва «шеърятда гражданлик руҳи» каби атамаларни адабий-танқидий ишларимизда тез-тез қўллаймиз. Бу ифодаларни истаган мақола ёки тақризда учратиб қолиш мумкин. Синчиклаб эътибор берилса, иккита муҳим жиҳатни илғаб олиш қийин эмас. Биринчидан, деярли барча муаллиф «гражданлик шеърятти» билан «шеърятда гражданлик руҳи» атамаларини ҳаммаса синоним тушунчалар сифатида ишлатишади. Иккинчидан эса, «гражданлик» ёрлиги кўпинча муайян (масалан: инқилоб, ижтимоий-сиёсий, халқаро, уруш ва тинчлик, Ватан, меҳнат, халқлар дўстлиги ва ҳ.к. сингари) мавзулардаги поэтик асарларга нисбатан қўлланилади. Шеърятни гражданлик хислати нуқтаи назаридан «тақсимот» қилганда мазмун ва мундарижа билан бирга ифодавий-услубий сифатлар ҳам ёддан чиқарилмайди; шеърятда гражданлик руҳидан сўз кетганда эса, асосан, публицистик услубдаги намуналар кўзда тутилади.

Масалага бундай бир ёқлама муносабат охир-оқибатда гражданликни бир ғоявий-эстетик тушунча сифатида нотугал ва ноилмий изоҳлашга олиб келади. Чунки бундай принцип шеърятда гражданлик руҳини фақат муайян мавзулардаги асарлардан изоҳлашга ундайди. Поэзиянинг гражданлик туйғуси эса мавзу, проблема сарҳадларига сифмайди.

Ҳодиса ва тушунчаларни объектив характерлаш эҳтиёжи, табиийки, уларни ўз номлари билан аташ заруратини

туғдиради. Зеро, атамалардаги чалкашлик тадқиқотчини ҳар қандай илмий муаммони тўғри ҳал қилиш имкониятидан маҳрум этади. Бизнингча, гражданлик атрофидаги фикр ихтилофларининг сабабларидан бири худди шу билан — «гражданлик шеърятти» ва «шеърятда гражданлик» тушунчаларининг аралаштириб юборилиши, турли поэтик ҳодисаларнинг бир хил қабул ва талқин қилиниши билан изоҳланади. Гражданликнинг моҳиятини ҳаққоний ёритиш вазифаси аввал ўша атамалар орасидаги фарқларни оидинлаштиришни талаб этади. Дарвоқе, улар ўртасида муайян, аҳамиятли тафовут бормикан ўзи? Бадий тажриба мана шу саволга ижобий жавоб беришга чорлайди.

80-йилларнинг бошларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Литературная газета» саҳифаларида шу мавзуда бўлиб ўтган мунозаралар ҳам узил-кесил бир хулосага келиш имконини бермади. Лекин ўша баҳслар беиз кетгани йўқ. Камида масаланинг илмий-методологик жиҳатдан тўғри қўйилиши, гражданлик муаммосига қандай ёндашиш кераклиги хусусида маълум бир «битим»га келишга кўмаклашди. Биринчи бўлиб атамалардаги чалкашликка Л. Васильева эътиборни қаратди: «... Шеърятда гражданлик масаласига келсак, биз шунчаки «гражданлик» сифатини отга айланган «гражданлик» сўзи билан аралаштириб юборяпмиз, холос». Русчада-ку бу иккала тушунча шаклан ҳам бир-биридан фарқланади. Ўзбек тилида эса «гражданский» ва «гражданственность» сўзларининг иккаласи ҳам фақат бир хил — «гражданлик» деб ифодаланади. Шу сабабдан ҳам ўзбекча матнда «гражданлик шеърятти» («гражданская поэзия») билан «шеърятда гражданлик» («гражданственность поэзии») атамаларининг шаклий ўхшашлигига маҳлиё бўлиб, уларни чалкаштириб юбормаслик даркор.

Энди икки оғиз сўз ушбу атамалар ифодалаётган тушунчаларнинг ўзаро муносабати ҳамда фарқлари ҳақида.

Аёнки, адабий танқид ва адабиётшуносликда лирикани (жумладан бошқа адабий турларни ҳам) мундарижасига ҳамда тематикасига кўра тасниф қилиш тажрибаси мавжуд — масалан: инқилобий лирика, сиёсий лирика, ҳарбий лирика, ишқ-муҳаббат лирикаси ва ҳ. к. Мазкур атамаларнинг ҳаммаси шартли бўлиб, фақат мавзу ва мундарижа белгиларининг ўзида акс эттиради. «Гражданлик лирикаси» ҳам худди шу характердаги атамалар гуруҳига мансуб бўлиб, гражданлик мавзуидаги асарлар демакдир. Машҳур поэзия танқидчиси Ал. Михайлов гражданлик лирикасига бундай таъриф беради: «Гражданлик лирикаси — аввало, ижтимоий фаол лирикадир, унда ўз юртининг граждани, жамиятнинг бир вакили сифатида шоирнинг ижтимоий йўриги эстетик жиҳатдан кўп қиррали бўлиб ифодасини топади». Бошқачароқ айтганда, гражданлик мавзуидаги шеърларда ижтимоий-сиёсий муаммоларга, факт ва жараёнларга муносабат шоирнинг диққат марказида туради. Лекин бу нарса лирикада гражданлик руҳининг инъикосини белгилайдиган ягона омил эмас. Дарҳақиқат, гражданлик юзасидан кечаётган баҳсларнинг энг муҳим сабабларидан яна бири шу билан — шеърятда гражданлик руҳини гражданлик шеърятти моҳиятидан чиқиб келиб, шунга суяниб изоҳлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Хуллас, «гражданлик лирикаси» атамаси муайян шеърда унинг гражданлик мавзуида ёзилганига аналгас, «лирикада гражданлик руҳи» истилоҳи эса анча кенг ва кўп қиррали тушунчадир. «Шеърятда гражданлик руҳи» — бевосита ижодкорнинг маънавий оламига тааллуқли бўлиб, ҳар қандай мавзу ё проблемадан қатъи назар, ҳаммаса лирик асарда реаллашган шоир шахсияти ва маънавий ҳолати характерини, ўзига хос поэтик идрок-мушоҳада тарзини, воқеликка бетакрор муносабатини, фикр ва кечинмаларининг, туйғу ва таассуротларининг ижтимоий-эстетик қимматини белгилайди. Бошқа сўз билан айтганда, бадий-ғоявий баркамолликни, намунавийликини билдиради. Бу фикрни Ев. Евтушенко жуда ихчам ва гўзал ифодалаган эди: «Гражданлик ўзликни намён этининг олий босқичидир». Шу боис ҳам «гражданлик ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Ёмон гражданлик шеърлари қанча бўлса топилади...» (Л. Васильева). Олимнинг ушбу тақлифи ҳам жуда ўринлидир: «Биз ниҳоят атамалар масаласида бир битимга келсак ва тўғрини нотўғридан фарқлай билсак, баҳсларимиз ҳозиргидан оқилроқ тус олади...»

Масалага шундай ёндашишга ҳозирги шеърятда гражданлик руҳининг моҳиятини ёритишда очқич вазифасини ўташи

мумкин. Гражданлик шеърятти билан шеърятда гражданлик руҳининг турли ғоявий-эстетик тушунчалар эканини тан олмасдан туриб муҳокама юритишнинг ўзида бир мантиқсизлик бор. Чунки уларни бир-бирига тенглаштириш, эквивалент атамалар каби қабул қилиш поэзиянинг тематик сарҳадларини сунъий суратда торайтиришга олиб келади. Гражданлик мавзуи ва ғояларини поэзияда гражданлик руҳининг ягона ва мутлақ атрибути деб эълон қилиш — охир-оқибатда муайян бир мавзудаги шеърларни бошқа мавзудаги шеърларга, умуман бутун поэзияга қарши қўйиш эмасмикин! Ахир, «роллинг катта-кичиги бўлмаганидай» (Станиславский), мавзуларнинг, проблемаларнинг ҳам зарур-нозарури, майда-йириги бўлмайди-ку! Чинакам шеър идеяси ва кўтарган муаммоси қанақалигидан қатъи назар, гражданлик туйғусидан маҳрум бўлиши мумкин эмас. Қисқаси, лирикада гражданлик руҳи фақат гражданлик мавзусидаги шеърлардагина намоён бўлади, деб ҳукм чиқариш ҳеч қайси мантиққа сиғмайди. Ушбу нуқтаи назар моҳиятида ижодкор ижод предметида бўйсунди, санъаткорнинг характер ва шахсиятини, ғоявий-эстетик олами, ички-руҳий ҳолатию вазиятларини, бадий дунёқарашини мавзулар, масалалар, проблемалар белгилайди» деган сохта, субъективистик ҳамда ўта ноилмий қараш ётади. Бу эса, биринчидан, бадий ижод жараёнида, айниқса, лирикада субъект ва объектининг ўзаро таъсир диалектикасини ҳақиқатга хилоф тарзда талқин қилиш бўлса, иккинчидан, умуман санъатда яратиш, ижод эркинлигини, фикр озодлигини тан олмаслик, инкор этиш демакдир. Энг муҳими, бундай меъёр билан ёндашадиган бўлсак, истасак-истамасак, амалда гражданлик ғоялари ва тематикасини идеаллаштиришга, бошқа мавзулардаги шеърларни эса камситишга ёки уларда гражданлик руҳи акс этмаган, деб нодонларча даъво қилишга мажбур бўламыз.

Аслида, Ойбекнинг «Товушим» ва «Наъматак», М. Шайхзоданин «Асримизнинг саволларига жавоб» ва «Хиёбон», Зулфиянинг «Мушоира этади давом» ва «Ҳижрон» туркуми, Э. Воҳидовнинг «Мажнун» ва «Ўзбегим», А. Ориповнинг «Ўзмаюз» ва «Баҳор», Р. Парфининг «Ватан ҳақида Бернд Иенцшга мактубим» ва «Бир лаҳза дoston», О. Матжоннинг «Коммунистнинг юраги» ва «Сени яхши кўраман, Й. Эшбекнинг «Бахтиёрнинг қўшиги» ва «Йиғлаётган қиз» шеърларида гражданлик пафоси айна даражада теран, мукамал ифодаланган эмасмикин! Аммо севги ва табиат лирикасида, трагик-дардманд кайфиятли шеърларда гражданлик туйғуларининг мавжудлиги (!) баъзиларга негадир ҳали ҳам гаройиб туюлаверади. Наҳот гражданлик туйғуси деган тушунча инсон қалбининг ярмигагина тааллуқли бўлса? Наҳот инсоннинг гўзалликдан ҳайратланиш туйғуси, севги азоблари, висол севинчи, ҳижрон, йўқотиш қийноқлари, омадсиз, фожиавий тақдир, дунёни англаш, ҳақиқатга этиш изтироблари «гражданлик ҳисси»га кирмасми? Бундай чеклаш-чегаралашлар «гражданлик пафоси» сингари юксак, серқирра ғоявий-эстетик тушунчани қандайдир бир саёз, жўн, ясама қолигга, сўз санъатида, бадий тафаккур оламига бутунлай алоқасиз, яроқсиз бир нарсага айлантиришга интилишдан ўзга нарса эмас. Шундай муносабат, айна пайтда, поэзияга унинг ўз табиатидан чиқиб келиб эмас, балки тайёр, қолиб ғоялар билан ёндашиш кўникмасининг кўринишларидан биридир, холос.

Шеърятда гражданлик пафоси ҳақидаги бахсларга атамалардаги чалкашликка барҳам бериш йўли билан чек қўйиш қийин, албатта. Бу тарзда соддадил фикр юритиш мазкур нуқтаи назар айрилигига юзаси, энгил-елпи қараш бўлур эди. Бу соҳадаги фикр ихтилофларининг янада чуқурроқ, туби сабаблари мавжуд. Уларни, қисқача шаклда бўлса ҳам таҳлил этмасдан туриб, ушбу масалага аниқлик киритиш амримаҳол.

Уша жиддий сабаблардан бири ва энг муҳими шеърятимизнинг иккита катта тараққиёт босқичи — янги ўзбек лирикаси (60—80-йиллар) ва 60-йилларгача бўлган шеърят ўртасидаги аҳамиятли фарқлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу фарқлар, ўзига ҳосликларининг миқёси ва моҳияти — воқеликка турли, оригинал муносабатдан тортиб бадий тасвир-ифода воситаларининг ўзгачалигига ҳам — ўзига нисбатан ҳосил муносабатни тақозо этади. Ушбу фарқлар эътибордан сақот қилинган заҳотиёқ Ғ. Фулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А. Мухтор каби забардаст санъаткорларимиз ижодига хос бўлган гражданлик пафоси янги ўзбек лирикасида етишмаётгандек туюлаверади. Аммо бу алдамчи

таассурот, илк қарашдагина шундай туюлиши мумкин. Аслида бундай нотугал хулоса мазкур иккита даврнинг поэтик дунёқарашига, эстетик оламига, бадий идрок тарзига ва услубий хусусиятларига эътиборсиз, белисанд ёндашишнинг натижасидир. Янги ўзбек лирикаси билан урушдан кейинги давр (45—50-йиллар) шеърятти орасидаги ғоявий-эстетик тафовутлар, айниқса, яққол сезилади. Адабий танқид эса бу фарқларни ҳамisha ҳам етарли даражада инобатга олавермайди, жорий бадий жараёнга ўз умрини ўтаган, эскирган поэтик андозалар, меъёрлар билан ёндашаверади. Эллингичи йилларнинг тематик ва услубий бир хиллигига одатланган мунаққид (ўша даврда публицистик услубнинг ва гражданлик мавзуларининг суистеъмол қилинганини эслайлик) янги шеърятдаги услубий ҳар хилликини, мавзу ранг-баранглигини англаёлмай ёзғиришга тушади. Замонавий бадий фикрлаш тарзи, мураккаб ва тағдор образлар одами унга тушунарсиздир.

Танқидчи Норбой Худойберганов янги ўзбек лирикасининг гражданлик пафоси хусусида Абдулла Орипов ижоди мисолида куйидагича ёзган эди: «...у гражданликнинг янги мазмун касб этиб, янги воситалар орқали намоён бўлишини кўрсатди. Янги мазмун, янги воситаларни бир гуруҳ китобхон яхши тушуниб, кадрлади, бошқа бир гуруҳ китобхон, айрим қаламашлар, танқидчилар эса Абдулла Орипов шеърятининг ўзига хос хусусиятларини, ундаги гражданлик моҳиятини етарли даражада англаб етмади». Бугунги кунда ҳам янги ўзбек шеърятининг гражданлик руҳи адабий танқид томонидан етарли даражада англалмагани унинг эллингичи йилларнинг бадий тажрибасидан, конфликтсизлик асоратидан ҳай тугал ўзилиб кетолмаганидан дарак беради. Хуллас, адабий танқиднинг поэзияда гражданлик туйғусини битта мавзу (ижтимоий-сиёсий, гражданлик мавзулари) ва бир хил услуб (кўтаринки, баландпарвоз, публицистик услуб) билан маҳдудлаштиришга уриниши, асосан, урушдан кейинги давр адабиётининг бадий тажрибасига суянган бўлиб, назарий-эстетик фикрда конфликтсизлик инерциясидан бўлак нарса эмас.

70—80-йиллар шеърятда гражданлик руҳининг инъикоси масаласига адабий танқиднинг безовтаҳол ва илмий жиҳатдан кўпинча нотўғри муносабатда бўлишининг асосий сабаблари шулардан иборатдир. Тўғриси, мени янги шеърятга эскича ёндашувдан кўра, ўша қарашнинг яшовчанлиги кўпроқ ажаблантиради. Наҳотки қачонлардир шаклланган асоссиз, сарбосимон кўникмалардан воз кечиш шунчалик қийин бўлса?! Мана шу фактнинг ўзиёқ, ижтимоий-бадий тафаккурда кечаётган янгиланиш ва қайта қуриш жараёнларининг нечоғлик мураккаб, зиддиятли эканини тасдиқлаб турибди. Чунки сўнги чорак аср давомида адабий танқидимизнинг илғор кучлари томонидан мазкур қараш қайта-қайта жиддий суратда инкор этилганига қарамай, унинг тарафдорлари ҳам аҳамиятли даражада қамаймаган. Шу кеча-кундузда ҳам қатор мунаққидлар баъзи шеърларда «ғам-алам руҳи, фожиавийлик устун» дея нолишади, «муҳаббат, табиат лирикасида гражданлик туйғуси нима қилади» деб ёзғиришади, ярим бадий-публицистик услуб, баландпарвоз «қизил» шеърлар даврини аччиқ армон билан кўмсашади... Беш-олти йил бундан муқаддам ҳассос шеършунос олим О. Шарафиддинов «Инсон қалбининг манзаралари» мақоласида шу масала юзасидан куйидагиларни таъкидлаган эди: «...Бу қарашга кўра, шеърятда гражданлик пафоси фақат бир хил шаклда — публицистик шаклда, яланғоч шиорлар шаклида, минбар шеъри шаклида ифодаланади. Фақат шундай шеърлардагина гражданлик руҳи бўлади-ю, қолганлари интим лирикага кирди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфилар авлодининг энг катта хизматларидан бири, эҳтимол шудирки, улар бу қарашнинг мутлақо хатолигини, лирикани интим поэзия ва гражданлик поэзияси деб ажратиш сунъий эканини ижодда узил-кесил исботлаб бердилар. Улар бир қарашда энг интим кўрнадиган туйғуларни куйлаганда ҳам, аънавий гул ёки булбул образини куйлаганда ҳам шоир гражданлик пафосини ифодалашга мумкинлигини исбот қилдилар».

Шеърятимизда 60-йилларнинг ўрталаридан эътиборан дадил буй кўрсата бошлаган ғоявий-бадий сифат ўзгаришлари илк аввал изҳори дил самимиятида, услубий изланишларнинг йўналишида намоён бўлди. Янги лирик кайфият ёлғондакам баландпарвозликка, публицистик шовқин-суронларга бутунлай



қарама-қарши эстетик ҳодиса сифатида кўриниш берди. Янги лирик қаҳрамоннинг овози қандай майин, нақадар маҳзун, нечоғлик энтиктирувчи эди!...

**Қайтгим келди, онам, ёнингга,  
Юрагимда исмсиз дардлар.**

**(А. Орипов)**

Шеър ўз дардларига исм излайди ҳали. У боқир, беғубор ҳисларини нобакор теваракка ишонмайди. Ўз пинҳоний сирларини яланғоч мисраларга тизишдан уялади...

**Она, куйланмаган бир куй истайман,  
Ва лекин алдоқчи ҳислар олур жон.  
Эҳтимол, қаламини бекор қистайман,  
Нетайин, ростини айтгил, онажон.**

**(Р. Парфи)**

Булар бари янги лириканинг илк самимий саслари, шивирлари эди. Қалбнинг ўз сирларини ёлғиз онагагина ишонган маҳали эди. Шеър «исмсиз дардларига» «куйланмаган куйлар»дан тўнлар бичарди. Поэзия Буюк Дардларни куйлашга шайланарди...

Янги лирикада гражданилик эҳтироси шу тариқа туғила, шакллана борди. Янги лириклар баландпарвозликка қарши ички самимиятни, сохта беғамликка, ясама некбилликка қарши чуқур инсоний, ҳаётий дардқашликни қўйдилар... «Теранроқ кўради қайғули кўнгил» (Евг. Евтушенко). Бу — воқеликка янгича муносабатнинг ахлоқий-бадий фалсафаси эди. Йўқ, унинг замирида қайғу-аламлар сираям идеаллаштирилмаган эди. Янги лирик қаҳрамон ҳеч қачон «Дунё фожиага тўлиб кетган» дея айюҳаннос солган эмас. Асло! У фақат беғамлик билан келишмади, «Бахт ва Шодлик» муболағасини «Бахт ва Ғам» тазоди билан алмаштирди, холос. Муболағадор, ҳаво-йироқ фалсафани нисбатан ҳаққоний, ҳаётийроқ фалсафага ўзгартирди. Замондошимиз ҳақида «Бахтининг ёнида ғами кўринар, Ғами кўринида бахтида унинг» (А. Орипов); «Шодлик, сени ўйлаб ғамга ботаман» (Р. Парфи), деди у жўшқин гражданилик эҳтироси билан. Янги поэзиянинг гражданилик пафоси кўпроқ изтиробли ҳақиқат изланишларида намоён бўлди. «Изтироб билан гражданилик пафоси бир орага сиғмайди-ку!» дея ғижинади «бахтчи» мунаққид. Нега? Гражданилик туйғусининг замирида кўпроқ Ватан учун, халқ учун, она табиат, гўзаллик, эзгулик, яхшилик учун курашиш, куюниш, қайғуриш ётмайдими?! Янги шеърят вакиллари ҳамма нарсани, ҳаётда кўрган-кечирганларини ўз номи билан аташга уриндилар. Бу уларнинг катта гражданилик жасорати эди... Поэзиянинг ҳаққонийлик туйғусининг ўсишида навбатдаги босқич эди.

60-йиллар шоирлари авлодининг улкан хизматларидан бири шуки, улар поэтик фикр ва туйғу миқёсларини кескин суратда кенгайтириш билан бирга шеърнинг тасвирий-услубий имкониятларини ҳам мислсиз даражада бойитдилар. Улар сохта публицистик пафосга қарши чинакам гражданилик пафосини, тараннумчиликка, баёнчи ва мадҳиябоз публицистик услубга қарши юксак образлиликни, аналитик-бадий услубни қўйдилар. Янги шеърят вакиллари поэтик туйғу ва кечинмалар, фикр ва ғоялар ифодасида, гражданилик руҳининг инзиковида публицистик услубнинг имконсизлигини, тўғрироғи унинг ягона ва бирдан-бир йўл эмаслигини амалда намоёйш қилдилар. Поэтик тафаккурдаги ушбу янгиланиш жараёни 70-йилларнинг навқирон шеърӣ изланишларида ўзининг ёрқин ва изчил давомини топди. Бироқ поэзиянинг камида иккита катта ва истеъдодли авлодининг бадий тажрибаси тасдиқлаб турган, эндиликда ҳозирги ўзбек шеърятининг қиёфасини белгилловчи мазкур серқирра, мураккаб ғоявий-эстетик жараёнга адабий-танқидий фикрнинг муносабати ажабланарлидир. Ҳали ҳам шеърга шеърдай ёндашмайдиганлар, ҳатто энг гўзал шеърларни ҳам публицистик аниқликлар, тафсилотлар йўқлигида айблайдиганлар топилди. Баъзан эса публицистик ва бадий ҳақиқатларнинг қадри наинки тенглаштирилади, ҳаттоки биринчиси иккинчига нисбатан юқори қўйилади. Хуллас, ўйлаб-нетмасдан, кўпинча, «Камроқ поэзия, кўпроқ публицистика бўлсин!» дея бонг урамиз. Донишманд Э. Межелайтис

эса бугунлай ўзгача ҳукм беради: «Боши билан турган бу формулани энди оёққа қўйиш керак: камроқ публицистика — кўпроқ шеърят бўлсин, кўпроқ образлилик ва дадиллик бўлсин». Турли тақриз ва мақолаларда «публицистик услуб», «публицистик шеър», «публицистик лирика» деган атамаларни тез-тез учратамиз. Лекин ҳеч қачон ўзимизга ҳисоб бериб кўрмаймиз: «Публицистик услуб»нинг шеърятга нима дахли бор? «Публицистик шеър» нима дегани? «Публицистик лирика» ҳам бўладими?! «...Публицистик шеърят ҳам тоза ҳолда мавжуд бўлолмайди! Бу ўйлаб топилган тушунча. Фақат икки хил баҳо бўлиши мумкин: у ё шеърят, ёки шеърят эмас... Чинакам шеърятга ҳар хил воситалар қўл келиши мумкин. Жумладан, публицистиклик ҳам. Бироқ бу энди бошқача маъно касб этади. Ҳеч қачон бунни унутмаслик лозим...» (Э. Межелайтис.)

Янги поэтик тафаккур тажрибаси, эришилган ютуқлар ҳозирги шеърятимизнинг публицистика асоратидан бутунлай қутулганидан далолат бермайди, албатта. Ҳатто энг истеъдодли шоирларимизнинг ҳам айрим асарларида, айниқса, дostonларида публицистик пафоснинг алдамчи сеҳрига берилиш ҳоллари учраб туради. Янги шеърӣ йўлдан йироқ, янги лириканинг мусоффо об-ҳавосини публицистика тракторлари ёрдамида чангитиб юбораётган ўнлаб, юзлаб ўртамакка қаламкашларнинг жозибасиз назми ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Уларнинг ҳозир ҳам ўттиз-ўттиз беш йил олдинги тасавурлар инерциясидан узилиб кетолмагани жуда ачинарлидир. Адабий танқид эса шеърят осмонидан публицистиканинг эркин парвозини лоқайдлик билан ёки ажабтовур бир қизиқиш билан кузатади.

Бадий тахайюлга бўй бермайдиган, шеърга тушмайдиган мавзулар йўқ. Янги ўзбек лирикасининг ўнлаб баркамол намуналари гражданилик тематикасида ҳам, хилма-хил ижтимоий-сиёсий ғояларга бағишлаб ҳам чиндан гўзал шеърлар яратиш мумкинлигини аллақачонлар исботлаган. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари эстетик диди, сўз завқи юксак санъаткорларимизнинг бу йўналишдаги тажрибаси фикримизнинг далилидир. Фақат чинакам, қудратли истеъдодгина «публицистик услуб» инерциясини енгиб, ижтимоий-сиёсий ҳақиқатлар романтикасини кашф этишга қодирдир. У минг маротаба қаламга олинган мавзуларни ҳам ўз нигоҳи билан ёрита олади. Масалан, Мухаммад Раҳмоннинг «Майна Ҳасанова» шеърларида бўлгандай:

**Олам аро топганим  
Беқиёс олам, алла.  
Эртам,  
Эркам,  
Оппоғим,  
Инқилоб-болам, алла...**

Тан олиш керак, буюк инқилобимиз ҳақида бундай самимий, ёниқ, ёлқинли мисраларни ҳар куни ҳам учратавермаймиз. Ҳозирги ўзбек шеърятининг юксак ғоявий-сиёсий пафоси ва теран гражданилик туйғуси безовталанишга ҳеч қандай асос бермайди. Лекин ҳиссиёт ва кечинмаларнинг бадий ифодаси хусусида, шеъримизнинг тил-услуб гўзаллиги, ранг-баранглиги тўғрисида ҳар қанча ташвишланда арзийди. Абдулла Орипов таъкидлаганидай, «Бугунги кунда интим лирика ва шаклий изланишлар қобиғига қамалиб қолган қаламкашлар камданкам. Яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик «ўлим ё қолиш» муаммолари бениҳоя кўпчилик шоирлар ижодида ўз ифодасини топмоқда. Бизда профессионал малака ва гражданилик ҳисси ҳам етарли». Аммо ҳозирги поэзиянинг услубий-ифодавий манзараси хотиржамликка ўрин қолдирмайди: «...ҳозирги замон шеърятӣ, барча осмоний атрибутларидан қатъи назар, ерга қапишиб қолаётгандек. Ахир, бизнинг шеърятимизда — айнан реалистик шеърятимизда руҳ, муқаддас туйғулар, яхши маънодаги соддалик, дунёвий ҳайрат ҳисси, боринги, сирасор, сеҳр-жоду ҳам бўлиши керакмасми? Демокчиманки, бизга аввало шеърни киройи шеър қилгучи омиллар керак!» (А. Орипов). Жорий шеърӣ жараёнга айна шундай муносабат адабий танқиднинг хаёлига ҳам келмаётган бир пайтда ҳассос шоиримизнинг ҳушёр қақирғи нақадар ўринли, фойдалидир. Шеърятнинг гражданилик руҳи ўша «дунёвий ҳайрат ҳисси»дан, то дунёни фожиона идрок этишгача барча-барчасини ўзида мужассамлаштиради. Демак, «гражданилик руҳи» тушунчасининг ҳудудлари ҳақиқий поэзиянинг сарҳадлари билан туташади.



Шомирза Турдимов

# Бирнинг Минг Жилваси

Халқ қўшиқларининг барча гўзаллиги, жозибаси уларнинг ботиний мазмунга ва аънанавий рамзий маънога эга бўлишидадир. Қўшиқларнинг «қатрада уммон, заррада қуёш» мазмунини акс эттириш замирида ҳам мазкур рамзлар ётади. Бинобарин, рамзий маъно эътибордан соқит қилинса, қўшиқ жўнлашиб қолади. Оддий бир мисол:

**Тол барги толим-толим,  
Толда қолди рўмолим.  
Орқа тўла ҳайдарим,  
Ҳар жойда харидорим.**

Тажриба учун тўртлик сўзларини луғавий маънолар асосида талқин қилиб кўрсак: лирик қаҳрамон рўмолини толим-толим баргли толда қолдирибди. У бунга жавобан «Орқа тўла ҳайдарим, ҳар жойда харидорим», демоқда қабилдаги жўн хабарни англаймиз. Бироқ қўшиқларда «тол»нинг «ошиқ», «рўмол»нинг «оила» рамзи эканини англаб тўртликка ёндашсак, ўзгача ҳолат намоеён бўлади. Йигит ўзини чин ошиқ сифатида кўрсатиб қизга оила ваъда қилди. Лекин ваъдасини унутди. Яъни, «рўмол» (оила, оила ҳақидаги орзу, ўй) «тол»да (бевафо ошиқда) қолди. Қизга мевасиз муҳаббат ўйлари аламли, аммо ўзига ўзи: «орқа тўла ҳайдарим, ҳар жойда харидорим», яъни «ҳали ўн гулимдан бир гулим очилгани йўқ...», деб таскин бермоқда. Сўз ботиний маъносининг қўшиқ мазмунини очишда бир калит вазифасини бажараётгани шу биргина мисолда ҳам кўриниб турибди.

Ҳар бир рамзий образнинг тарихи, туб поэтик маъноси, муайян матндаги маъно кўламини атрофлича ўрганмай қўшиқларни тўғри талқин этиб бўлмайди. Шу мақсадда биз нисбатан кенг тарқалган бир қатор рамзий образлар бўйича ўз кузатишларимизни баён этмоқчимиз.

**О**лма билан боғлиқ мотивлар дунёдаги кўпчилик халқлар оғзаки ижодида учрайди. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг аксарият жанрларида ҳам олма муҳим бадийий унсур бўлиб келади.

Қатор эртақ ва дostonларда фарзандталаб ота-онага бирор қаландар ёки қандайдир сеҳргар олма совға қилади. Олмани еган ота-она вақт соати етиб фарзанд кўришади. Қаҳрамоннинг бу тарздаги ғайритабiiий туғилиши дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги олма билан боғлиқ иккинчи бир мотив — олма отиб ёр танлаш. Этнограф ва фольклоршунос олимлар бу мотивларнинг туб асосини қадим тасаввур ва инончлар билан, аниқроғи — ҳосилдорлик тангрисию дарахт топинчи (культи) билан боғлаб изоҳлашади<sup>1</sup>.

Ўзбек фольклори ва этнографияси материаллари халқимиз тасавуридаги олма ҳақида қадим мифологик дунёқарашнинг бутун тарихини яққол намоеён қилади. Жумладан, Мамадали Нейматов айтган «Гўрўғлининг туғилиши» дostonида Гўрўғлининг онаси ариқда оқиб келаётган олмани еб юкли бўлади. Одамлар уни гуноҳкор санаб гўрга элтиб ташлашади, сўнг Гўрўғли дунёга келади. «Хуршид билан Лайло», «Зар қоқилли йигит» эртақлари, «Тоҳир ва Зухро» дostonида ота-она сеҳргар берган олмаларни егач фарзанд кўришади. «Олтин олма» эртагида камбағалнинг олтин олмалари — фарзандлари эканлиги тасвирланган.

Этнограф Г. П. Сенсарёв Хоразмда ўтказилган «Қизил гул» сайлида шевишганларнинг бир-бирига олма отишганини, рамзоннинг иккинчи куни «олма отиш» маросими бўлганини ёзган. «Мастурахон» эртагида бу маросимнинг бадий тасвирини учратамиз. Келтирилган фактлар кўрсатмоқдаки, олма — ҳомила уйғотувчи мева, ёр танлаш, сеvgи рамзи сифатида халқ тасавурида қадимдан турғунлашган экан. Аини тасаввур умуман ўзбек халқ лирик қўшиқларида кенг томир ёйган «олма» рамзи учун ҳам асос бўлади.

Адабиётшунос А. Шаропов ўзбек шаъриятидаги поэтик рамзларни тадқиқ этган «Оламлар ичра оламлар» китобида шеъриятимизда «олма» рамзи халқ қўшиқларидаги аънанавий рамз асосида пайдо бўлганини ёзади. Тадқиқотчи бевосита халқ поэзиясидаги олма рамзи тарихини текширар экан, биз юқорида келтирган аксарият фактларни қайд этиб, бу рамз маъновий жиҳатларини асосан муҳаббат мотиви билан боғлаб талқин қилади ва уларнинг тарихини негадир «Греция турмуши» билан боғлиқ деб изоҳлайди<sup>2</sup>. Ваҳоланки, бу хулосанинг бир ёқлама эканлигини мавжуд фактлар инкор этади.

Олма рамзининг лирик қўшиқлардаги поэтик маъно кўламини биргина сеvgи, муҳаббат мотиви билан чегаралаб бўлмайди. Синчиклаб қаралса, халқ тасавуридаги бу рамз семантикасининг барча қатламлари (олмаларни ҳомила уйғотувчи мева; фарзанд, ёр танлаш, сеvgи маънолари) қўшиқлар мазмунинида мужассамлашганини кўриш мумкин.

**Олма — фарзанд. Қўшиқда айтади:**

**Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай,  
Бир тўққиз олмага қўйингиз тўлғай,  
Аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай  
Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қурғай.**

Қўшиқларда «бозор» — сеvgи муносабатларини реаллаштирувчи рамз. «Рўмол» (қўлрўмол) — оила рамзи.

Қўшиқ талқини: «Лирик қаҳрамон (маъшук) ошиққа, мабодо сеvgингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўз қилмай совчиларни жўнатаверинг («Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай», «аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай»). Умидим умидингиз. Фарзандларингиз кўп бўлсин («Бир тўққиз олмага қўйингиз тўлғай»). Шунчаки кўнгил хуши деб келаётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз («Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қурғай»). Келтирилган тўртликда олма илкин (рудумент) маънога — фарзанд маъносига эга. Шунингдек, қуйидаги тўртликларда ҳам «уч олма» рамзий бирикмасининг фарзанд мазмунинида келганини илғаш қийин эмас:

<sup>1</sup> В. И. Пропп. Фольклор и действительность. М., 1976. стр. 205, 212. Д. Фрозер. Золотая ветвь. Выпуск 11. М., 1928. стр. 128—131.

<sup>2</sup> А. Шаропов. Оламлар ичра оламлар. Т., 1978, 28—29, 37—38 бетлар.



Ерим берган уч олма,  
Учаласи қўйнимда.  
Ухлаб чўчиб уйгонсам,  
Ернинг қўли бўйнимда.

Ёки:

Уч олма қўйибман учиси бирдай,  
Менинг бир ёрим бор очилган гулдай.  
Душманлар кўрсалар ёниб ўлгудай.  
Дўстларим кўрганда жонин бергудай.

Қўшиқларимизда олма «фарзанд» маъносида келган тўртликлар камчиликни ташкил этади. Лекин мавжуд мисоллар илкин маънонинг узоқ асрлар давомида сақланиб келаётганидан далолат беради.

Олма отиш — севги, ёр танлаш. Қўшиқлар таркибида «олма отиш» рамзий бирикмасини бевосита ана шу маросимга ишора ёки унинг қуруқ тасвири деб қабул қилиш ҳам тўғри эмас. Маросимдаги магик рамз қўшиқда лирик қахрамон ҳаёти ва туйғуларини ифодаловчи психологик рамзга айланганини унутмаслик керак.

Масалан:

Олма отдим отганга.  
Нима, нима, нима дейсиз!  
Гул боғчада ётганга.  
Нима, нима, нима дейсиз!

Аччиғингиз келмасин.  
Нима, нима, нима дейсиз!  
Қўл ушлашиб юрганга.  
Нима, нима, нима дейсиз!

Қўшиқнинг иккинчи бир вариантда ҳаётий мотив:

«Аччиғингиз келмасин,  
Бир қучоқлаб ўпганга»,

деб айтади. Талқини: «Мени танлаганини танладим (мени севганим севдим). Сизни севганимдан кейин бирга бўлсам, кўнглим ийиб суйсам, аччиғингиз келмасин».

Олма деб отганинг кесак экан-эй,  
Кошки олма бўлса есак экан-эй.  
Иккимизни ошиқ-маъшук дейдилар,  
Кошки ошиқликни билсак экан-эй.

Талқини: «Мени танлаганинг (севганинг) ёлғон экан. Кошки эди рост бўлиб фахрлансак. Билмаганлар бизни ошиқ-маъшук дейишади. Кошки эди, ошиқ-маъшукликни билсак».

Халқ ўртасида машҳур:

Олма деб отган отам,  
Беҳи деб сотган отам,  
Севмаганимга бериб,  
Жабрини тортган отам.

(Бошқа вариантда ҳаётий мотивда: «Қари чолга қиз бериб, Жабрини тортган отам», деб куйланади.) Ёр танлаш қиз отасининг измида. Ота қизнинг тақдирини ўз хоҳиши билан ҳал қилди — олмани отди. Ота қизни олтин («беҳи») эвазига сотди. Лекин фарзанднинг бахтсизлигини кўриб пушаймон қилди.

Юқорида кўриб чиқилгандек олма рамз сифатида икки мустақил туб поэтик маъно ташимокда. 1. Фарзанд. 2. Севги. Олма — севги туб поэтик маъносида келган тўртликлар ҳажм жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади ва муайян матнда турли рамз атрибутлари асосида бу маъно кўлами у ёки бу тарзда ўзгаради.

1. Олма ейиш — висол. Олма емаслик — ҳижрон.

Боққа кириг олма-узум есангиз,  
Уйга кириг чиндан мени десангиз.  
Жонимни бераман мени деса ёр,  
Унғоя келганда ўйнаб кулсангиз.

Ёки:

Қалъадан келасиз уюмлар уюб,  
Қўлимда олма бор есангиз суйиб.  
Мунча мени узоқ ташлаб кетасиз,  
Бир замон турмадик дийдорга тўйиб.

Учинчи бир тўртликда:

«Бораман демадингиз,  
Уйнашиб кулмадингиз.  
Шартингиз қизил олма,  
Тишлашиб емадингиз»,

деб куйланади. Инқилоб арафасида яратилган қуйидаги тўртликда ҳам йигитнинг улғайиб, висолга етай деганда мардикорликка кетгани тасвирланган:

Оқ олма оқиб келди,  
Йигитлари есин деб.  
Оқ пошшодан хат келди,  
Талабкори келсин деб.

Оқиб келган оқ олманинг ейилмаслиги — йигит тақдирдаги айрилиқдир.

2. Олма гули — қалбаки муҳаббат.

Олма гули гул эмас,  
Тақсам чаккамда турмас.  
Ўзганинг ёри ёр эмас  
Бирпас ёнингда турмас.

Ёки:

Олма гулин тўқади,  
Юрсам акам сўқади,  
Кўп сўкмангиз акажон,  
Беш кун умрим ўтадир.

Олмага атрибут бўлиб келаётган гул (олма гули) ўзининг табиий белгилари асосида поэтик мазмун ташимокда. Маълумки, олма гули чиройли ва муаттар ҳидли бўлиши билан бирга қисқа умрга эга. Келтирилган тўртликларда ўткинчи муҳаббат билан боғлиқ туйғуларнинг, ўй-кечинмаларнинг «олма гули» орқали ифодаланиши ана шу табиий асос билан изоҳланса бўлади.

Қатор тўртликларда «олмали боғ» рамзий ифодаси иштирок этади. Бундай ҳолатларда табиий манзара қуйидагича кўри-нишларда тасвирланади:

- Маъшук ошиғини олмали боққа таклиф этади;
- Ошиқ олма учун боққа киради;
- Ошиқ боққа кириб олмаларнинг етилганини кўради;
- Маъшук олмалар пишганда ошиғини чорлайди;
- Маъшук ошиқнинг олма учун боққа кириб шафтоли еганидан оғринади... ва ҳоказо.

Бир сўз билан айтганда, «олмали боғ» билан боғлиқ бу рамзий ҳолат ва тасвирлар ошиқ-маъшук муносабатларининг рамзий ифодасига айланади.

Лирик қўшиқларда олма ўзига зид поэтик маъноли рамзий образ — «шафтоли» билан қарама-қарши қўйилиб айтилган тўртликлар ҳам анчагина:

Олмали боққа кириб,  
Шафтолини ерму киши.  
Ўз ёри уйда туриб,  
Бегонани дерму киши.

Мисолда лирик қахрамон ошиқнинг ўз севгиси, севгилиси бўлатуриб, макрли сатанг тузоғига илинганидан шикоят қилмоқда. Бу ўринда «шафтоли» бевосита табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамз бўлиб «қалбаки муҳаббат» туб поэтик маънога эга.

Умуман, юқорида айтилган барча фикрларни жамлаб «олма» рамзи ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

- Олма қадим халқ маросимларидаги магик рамз асосида пайдо бўлган поэтик рамздир;
- Лирик қўшиқлар таркибида олма рамзи икки мустақил туб поэтик маънога эга: а) фарзанд; б) севги.
- Муайян матнда барча рамзлар қатори «олма» ҳам ўз поэтик маъно кўламини у ёки бу даражада кенгайтиради.











Тансиқбоевнинг йигирманчи, ўттизинчи йилларда чизилган ажойиб асарлари Нукус музейида эди. Тансиқбоев бу асарларни бир пайтлар Савицкийга, музей директорига совға қилган. Мана шу унинг хатоси бўлган, деб ўйлайман. Негаки, рассом ёшлиги бахшида қилинган асарларга вақти-вақти билан муурожаат қилиши, улардан тегишли хулосалар чиқариб туриши лозим. Шу билан бирга, ёшликка ҳаёлан тез-тез қайтиб туриши имконияти туғиларди. Тансиқбоев эса бу асарларини орадан ўттиз йил ўтиб, кўришга борди. Ана шунда... у ўша ерда, Нукусда қаттиқ ҳаяжондан вафот қилди. Ўттизинчи йилларда яратилган ўша «Сирдарё», «Овул», «Ўтовда» асарлари янгича бир услуб билан, она юрт рангларига мос оҳангда яратилган...

Тансиқбоев услубининг характерли томони шундаки, у табиат манзарасини маҳобатли, улугвор қилиб чизади. Мен юқорида айтдим: унинг асарларида қайтариқлар сезилади. Тўғри, масалан, бундай қайтариқлар техник жиҳатдан Ван Гогга ҳам учрайди. Аммо унинг ҳар бир асари фалсафий жиҳатдан янгича маъно касб этади.

Тансиқбоев менинг хотирамда доимо оққўнгил, катта рассом сифатида гавдаланади. Эсимда бор, мен 1963 йил «Сухбат» деб аталган картинани чизиб, комиссия ҳукмига топширдим. Ушанда, комиссия аъзолари орасида Тансиқбоев ҳам бор эди. Институтни энди битириб келганман. Ҳаяжонланиб турибман. Кўпчилик рассомлар ҳали фикр айтмасдан, «Қаранглар-а, худди мадоннанинг ўзи-ку бу», деди у асарга қараб.

Асарда ёш ўзбек аёли, ёнида бешик тасвирланган эди. Унда Беньков услуби унсурлари сезилади. Унинг бир оғиз сўзи ҳаммага равшан бўлган эди: демек асар қабул қилинади.

Мен ўз хотираларимда Тансиқбоев ҳақида шундай ёзганман: «Мен у билан кам мулоқотда бўлганман. Аммо бу мулоқот оз бўлса ҳам, жуда мазмунли, мен учун кўнглим бўлган эди...»

Ҳақиқий рассомга, ижодкор кишига маҳтал бўлган пайтларим эди. Шунга қарамай, у билан ўйлаб муомала қилганман, ёнига кўп бормаганман. Унинг портретини чизмоқчи эдим, аммо иложи бўлмади...

Унинг ижодида ёд бўлиб кетган ишлаш услуби кўзга ташланади. Мен унинг осмонни, уфқни ўрта планда, олдинги планда қандай ишлаганини кўп кузатганман. Унинг бу услуби чапдастлигиданми ёки катта маҳорат эгасилигидан даракми — билмадим. Унда рангтавсирни тўла ҳис қилиш сезилмасди. Тўғри, бу хислат унинг илк ижодиди озроқ бор эди. Мен шундай деб ўйлайман: ҳар қалай у Ўрта Осиё яйловларини, овул ва ўтовларини, даштларини яхлит чизишга интилди. Аммо улар нимаси биландир Сарьянини, Павел Кузнецовни эслатади. Умуман, ҳар бир рассом ўз авлодига хос бўлган рангтавсирни, санъатни тўлдиришга ҳаракат қилади, шекилли.

Менга бир нарса алам қилади: Тансиқбоевнинг давомчилари, шогирдлари йўқ. Тўғри, бу соҳада Юнусов, Тоҳиров, Мирсоатов, Мўминовлар ижод қилишяпти. Аммо том маънода олганда... унинг бевосита шогирди йўқ-да.

Манзара жанри энг қадимий жанр. Ибтидоий рассомлар ҳам илк ижодини қуёшни, ойни, табиат манзарасини чизишдан бошлашган. Деворий суратлардаги манзараларни эсланг. Ҳатто миниатюра асарларимизда ҳам, манзара бор. Аммо уларда безак сифатида акс эттирилган. Тўғри, бўёқлар муносабатида янгича услублар мени мафтун этади. Бу жиҳатдан мен Беҳзоддан кўп нарса ўрганганимни айтиб ўтишим керак.

Менимча, ўз юртини, табиатини, ўз тупроғини тасвирий санъат тили билан куйлай олган рассом энг бахтиёр инсон деб биламан. Эсингиздадир, Леонардо да Винчи «Жоконда» асарида бутун Италияга хос бўлган табиат манзарасидан фонда фойдалана олган. Бу анъана Тициан, Боттичелли, де ла Франческа асарларида ҳам давом эттирилган. Мен бу гапни бежиз айтмайман. Ҳозирги баъзи санъаткорларимиз ижодларида бегона колорит асосий стимул бўлиб қолаётир...

Пейзаж ҳақида гапира туриб, мен Констеблни, Сезанни, Клод Монэни, Корони, Гоген билан Ван Гогни эсламай иложим

йўқ. Мен шу рассомнинг пейзажларини жуда яхши кўраман. Ўрта Осиё манзарачи рассомларидан эса албатта Беньков билан Урол Тансиқбоевни. Рус рассомларидан Нестеров ёқади. У Россия манзараларини теран ҳис қилади, томошабинга етказа олади. Яна, Қримов ҳам ажойиб манзарачи рассомлардан. Левитаннинг «Гирдоб ёнида», «Оқшомги садо» асарлари мени мафтун этади. Левитан асарларида куз манзаралари катта маҳорат билан куйланган. Унинг бу мавзуда юзга яқин картинаси бор. Уларда нима тасвирланганини Константин Паустовский бундай ифодалаган: «Намликдан қорайиб кетган бир боғ пичан, анҳорлар, секин оқаётган сувга тушиб қолган барглари айлантираётган гирдоблар, танасини ҳали шамол яламаган тиллардан ёлғиз қайинлар, юпқа музга ўхшаш осмон, кесилатган азим дарахтлар устида ёмғирнинг савалаб қуйишлари... Аммо бу манзараларнинг ҳаммасида ҳам уларда нима тасвирланишидан қатъи назар, ўтган кунларнинг қайтмаслигидан инжиш, тўкилатган барглар, сўлаётган ўтлар, ерни зўрга иситаётган тирамоҳ қуёши ва совуқ олдиндан асаларининг секин гўнғиллаши жуда гўзал ифодаланган эди». Ҳар қалай ёзувчи ёзувчи-да, рассом тасвирларини сўзларда аниқ ифода этган.

Пейзаж билан шуғулланадиган рассом табиатдаги қўшиққа, ундаги катта ҳаётнинг кўз илғамас иккир-чикиригача бепарво бўлмаслигини яхши биламан. Табиат битмас-туганмас қудратли, илҳомлантирувчи куч. Устахонада ўтирганганда ҳам, агар ёмғир томчилай бошласа, беихтиёр дераза ёнига боргинг, уни кузатгинг келади. Шунда бирдан ишлаш иштиёқи туғилади. Қуёш рассомни болаликдан бошлаб қувониб яшашга ўргатади. Унинг нурига интилмаган ҳеч бир ижодкор йўқ. Альбер Маркенинг бир асари «Париж устидаги қуёш» деб аталади. У йигирманчи аср рассомни нигоҳи билан француз шаҳарлари манзарасини чизди. Шу билан машҳур бўлди.

Мен учун пейзаж азиз нарса бўлса-да, бу жанрда жуда катта асарлар яратганим йўқ. Сабаби — ўзимни толганим йўқ. Урол Тансиқбоев бу жанр билан муттасил шуғулланди, унинг устунлиги шунда. Мен ҳар сафар Сурхондەرё борганимда, албатта фақат манзаралар чизаман, деб ниёт қиламан. Аммо одамлар эътиборимни тортадию чалғиб кетаман. Портретлар чиза бошлайман, картинага ўтиб кетаман. Тоғларни чизаман дейман, улар ҳеч бир тоғларга ўхшамайдиган, қизғиш, рангларга бой. Аммо рўпарамда яна одамлар пайдо бўлади, улар кўзимга тоғлардек улугвор бўлиб кўринаверади. Шунинг учун ҳам мен ҳали Сурхондەرё манзараларини ўз ижодимда тузук акс эттира олганим йўқ. Бир-иккита асарим бор, аммо уларни мен ҳали безак деб ҳисоблайман. Ҳа, ёлғон бўлмасин, ўзимга ёқадиган бир-иккита манзара асарим бор. «Болаликдан қолган кадрдон дарахт» деб аталади шулардан бири. Дарахт, ариқча, лойсувоқ уйлар тасвирланган унда. Иккинчиси эса, «Пош-хуртдаги уйчам» деб аталади. Иқтилай-йиқтилай деб турган шу уйда мен туғилганман. У энди бузилиб кетди. Бу асар менинг «Қиз боланинг туғилиши» асаримнинг яратилишига сабабчи бўлган.

Мен анча-мунча манзаралар чизганман. Олмалиқда, Чорвоқда, Фарғона водийсида... Аммо Урол Тансиқбоевни эслаганимда, нақадар бу жанрда оз иш қилганимни пайқаб қоламан. У кенг кўламада ижод қилди, Ўрта Осиё манзараларини ўз ижодига олиб кирди. Улардаги товланишлар санъаткор қалбининг ноизиқлигини, жўшқинлигини, серзавқлигини англа-тиб турибди!...

<sup>1</sup> Урол Тансиқбоев ижодидан айрим намуналарни журналнинг зарварақларида кўришингиз мумкин. — Ред.





ажойиб инсонни унутиш мумкинми? Йўқ, албатта! Фарҳодга муносабати мана шундай чигалликлар вазиятида синовдан ўтади; Меҳинбону ташвиш билан ўртанади:

**Келиб ёдига Фарҳоди ситамкаш,  
Хазин кўнгли бўлур эрди мушавваш.**

Совчилар Меҳинбонудан турли баҳоналар эшитиб, ортларига хафа бўлиб қайтадилар. Ширинга осонгина етиша олмаган шохга алам қилади: яна бир бор Меҳинбону саройига совчилар юбориб, дағдага қилади. Фарҳоднинг шаънига ҳар хил бўлмағур гаплар айтади. Меҳинбону эса, бу гаплардан, тўхматлардан жаҳли чиқиб, Фарҳоднинг нақадар буюк инсон эканини таъкидлайди:

**Ким улким Хисрав айтибтурки, Фарҳод  
Эмас сийратда мисли одамизод.  
Бизнингдек юз туман васф этса юз йил,  
Деёлмас васфининг мингдин бирин тил.**

Бу ёғи энди барчамизга маълум: маккор Зол Фарҳоднинг олдига келади, ҳар хил йўллар билан унинг ишончини қозонади ва бирин-кетин ёлгон хабарлар айтаверади — Меҳинбону Хисрав билан ярашди, ўртада сулҳ тузилди, Ширин исмли гулруҳ эса бундан ғамга ботиб, заҳар ичиб, Фарҳод деган қандайдир йигитнинг ёди бирла ўзини ўлдириди, дейди. Фарҳоднинг вужудини аланга қоплаб, қалби бу шум хабардан оғир ҳолатга келади. Унга маккорнинг узундан-узоқ ёлғони ростдек туюлади. Фарҳод машуқасининг «ўлими»дан доғда ўзи ҳам ўла бошлайди. Асарнинг бу ўрни ишончли чиққан, чунки Фарҳоднинг ёлғонни рост деб қабул қилиши Золнинг устакорлигидандир.

Навоий Фарҳоднинг — ўзи севган қаҳрамоннинг ўлимини ғоят таъсирли чизади. Юқорида айтганимиздек, Фарҳод ўлиmidан аввал атрофини ўраб турган борлиқ билан, барча жонли ва жонсизлар билан видолашади. Унинг фиғонига жавобан тоғ, дашт, жониворлар ҳам фарёд чекадилар. Чунки Фарҳоддек буюк, ҳамма яхшиларнинг раҳнамоси ўлимга юз тутар экан, бефарқ қолиш мушкул, албатта. Фарҳод табиатга, шамолга, ота-онасига, кўкалдоши Баҳром, меҳнатда устодаи Моний, Қоран, қисқаси, ҳаммага мурожаат қилади. Аммо Меҳинбонуга қарата ҳеч нима деймайди. Ширин номини қайд этган, унинг исмини тилидан қўймай ўлганини таъкидловчи байтни биз аввалда ҳам келтирдик.

**Қилиб жонони отин тилга таълим,  
Тутуб жонон отин, жон этти таслим.**

Эътибор беринг: жонони отин тилдан қўймай жон таслим этди. Асар давомида ошиқ ва машуқаларнинг муҳаббатлари ҳақида кўп гапирилади, шу сабабдан Фарҳоднинг ўлими таъкидига бир байт ҳам етарлидир. Хисравни ёдга олмаслигини-ку тушунса бўлади, чунки бу қабих шохга Фарҳоднинг муносабати илгаригидан маълум. Меҳинбонуга қолганда сукут сақлаши эса, Фарҳод характери ва Меҳинбону билан муносабатларини кузатган ўқувчига барибир ўринли бўлиб туюлади.

Фарҳод Шириннинг ўз жонига қасд қилишининг сабабини уни Хисравга узатганларида деб билиши турган гап. Фарҳод назарида, ярашувга рози бўлган инсон — Меҳинбону. Шунга кўра, Фарҳод ҳеч нима деймайди. Модомики Меҳинбону — юксак заковату ибодат эгаси — бунга кўнган экан, демак, буну у ўз хоҳишига кўра қилган, ҳатто, Фарҳод ҳам бирор нарса дея олмайди: Меҳинбонудан ўқсимаган ҳолда тақдирга тан беради.

Фарҳоднинг сукутидан икки хил савол уйғониши мумкин: 1) Фарҳод Меҳинбонудан хафа бўлган унга айтадиган гапи йўқми? 2) Эки унинг кўнглидаги гапларни кўрсатишга зарурат бўлмаганми? Бизнингча, Фарҳод Меҳинбонудан хафа бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, кейинги савол тўғри қўйилганга ўхшайди. Шунга кўра, Фарҳоднинг Меҳинбонуга нисбатан жим кетишини салбий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Яна савол туғилиши мумкин: хўп, ана, Фарҳод ўзининг ирода қудрати ва ақли билан шундай инсоний йўлни тугишти, дейлик, унда шoir Фарҳоднинг кўнглида Меҳинбонуга нисбатан ёмон гап ҳам бўлмаганини қайд этувчи бирор байтни киритиши, масалани ойдинлаштириб бериши мумкин эди-ку! Навоийнинг бундай сўнги мурожаатни киритмагани ғоят ўринли, мантиқан

тўғридир. Фарҳод агарда Меҳинбонуга мурожаат этгудек бўлса, Хисрав билан иттифоқ тузгани, Шириннинг ўлимига сабабчи бўлгани учун уни ёмонлиқ сифатида тилга олиши шарт, аслида эса Фарҳодда бундай адоватли ният йўқ. Айни чоқда, кўнглида илқ сўз айтиш истаги ҳам сезилмайди. Сабаби — Фарҳод Меҳинбонунинг ҳурмат қилиши турган гап бўлгани ҳолда, у муте шахс эмас, мағрур инсон. У иродаси бақувватлиги туфайли ҳам тишини тишига кўяди. Меҳинбону ўз хоҳиши билан (Фарҳод назарида) шундай қилган экан, бундай пайтда Фарҳод нима ҳам дея оларди. Ёмон гапириш асло мумкин эмас, яхши гап айтиш ўринли эмас. Демак, Фарҳоддек андишали инсон бундай ҳолатда фақат сукут сақлаши мумкин эди, холос. Инсон ўлими арафасида ҳақиқатнигина гапириши турган гап. Фарҳоднинг Меҳинбонуга «айтадиган» рости — сукут.

Умрининг поёнида Меҳинбонуга гарчи очиқ муносабати достонда кўринмаса-да, воқеалар жараёни, Фарҳоднинг характери хусусияти, руҳий олами таҳлили унинг Меҳинбонуга муносабатидан яхши далолат беради. Сукут Фарҳоднинг ички оламини акс эттиради, психологик кечинмаларини далиллайди. Навоийнинг қаҳрамони руҳий кечинмаларини сукутли ҳолат яратиб билан ҳам акс эттиргани диққатни жалб этади. Улуғ бобомиз қўллаган шу усулнинг ундан қарийб тўрт юз эллик йил кейин яшаб ижод этган яна бир улкан ёзувчимиз Абдулла Қодирий асарларида-да учрагани ҳам эътиборга лойиқ, ҳам қувончли ҳолдир.

Келинг, энди Абдулла Қодирий романларидаги қаҳрамон сукут сақлаган вазиятларга қисқача тўхталиб ўтайлик. Фарҳоднинг сукути, гарчи кўполроқ ўхшатиш қилаётган бўлса-да, «Меҳробдан чаён» романидаги Анварнинг ана шундай ҳолатини эслатади. Анвар Раённинг Худоёрхонга узатилишини эшитгандан сўнг, юраги аламдан нечоғли типирчилаётган бўлса ҳам, севгилисининг отаси Солиҳ маҳдумга ҳеч нарса деймайди. Албатта, Анвар билан Фарҳоднинг сукутлари сабабига кўра ҳеч ўхшаш эмаслар, аммо маълум жиҳатларда муштаракдирлар ҳам. Қуйида биз буну исботлашга ҳаракат қиламиз.

«Меҳробдан чаён» романининг персонажларидан бири Солиҳ маҳдум табиатан хасис, манфаатпараст шахс. Унинг бу хислатлари романда ғоят таъсирчан, ишонarli чиққан. Солиҳ маҳдум онасининг истагига кўра ёш етим бола — Анварни шогирдликка олиб, уйдан жой беради. Аввалига унга ўта паст назарда қарайди. Аммо бора-бора Анвар ўзининг иқтидори, одамлиги билан эл орасида кўзга ташланади, оқибат Худоёрхон саройида бош мирзолик вазифасига тавсия этилади. Албатта, бу мартаба Маҳдумга Анвар келтириши мумкин бўлган даромаддан ҳам «қизиқарлироқ» эди. Маҳдумнинг онаси Анварни асраб олаётганларида, келажакда унга Раённи беришни ният қилганини эсласаларинг керак. Маҳдум эса бу сўзларга «беъмани, аҳамиятсиз» нарса деб, энсаси қотиб қарган. Бош муншийлик мартабаси ҳақидаги миш-мишларни эшитгач, «ҳалигидек Анварнинг бахти очилиб кетса, нима маломати бор. Етимлик айб эмас, инсон учун фазлу камол лозим, кулиб турган бахт ҳожат, наслу насабнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Раённинг ҳўсинга ҳар ким ҳам таҳсин қилур, Анвар албатта йўқ демас... Бу борада мол ва жонни бир қилишдан бошқа маслаҳат йўқ деган!» деб ўйлана бошлайди. Қаранг-а, сердаромад мансабининг дараги чиққач, Анвар Раёнога куёвликка энг муносиб номзодга айланди!

Аммо Анварни бу мансаб қизиқтирмас эди. У Худоёрхон саройида бош мирзо бўлишни хоннинг ноҳақ ишларига шерик бўлиш деб биларди. Маҳдум Анварни бу ниятидан қайтаришга иложи борича ҳаракат қилади. Анвар севгилиси Раёно билан суҳбатда ўзининг қийин вазиятда қолганини айтади: «Даданнинг феъли сенга маълум, Раёно. Дунёда манфаатдан бошқани кўрмайди. Менинг нима учун бу мансабдан қочанлигимнинг фарқига бормай, «куфрони неъмат қиласан, ойига фалон тилло» деб дафъатан кўрқоқлимга ҳўкм чиқаради. Даданга боғлиқ узрларни кўрсатиш тошининг қўлоғига азон айтиш билан бир бўлгани учун, сукут қилдим. Агар орада бир киши бўлмаса эди, гарчи бош мирзолик ҳозир бир хаёл эрса-да, ўшанда ҳам шу овозага бўйсунмас эдим, Раёно!» Анвар айтган «орадаги киши» Раёно эди. Анвар бош мирзо бўлиб кўтарилмаса, Маҳдум қизини унга узатишга қарши чиқиши мумкин. Шу боис қаҳрамонимиз Маҳдумнинг гапларига эътирозини ниҳоясига етказмайди.

Ҳар қандай манфаатпарастлик ўзига хизмат этувчи разиликни эргаштириб юради. Солиҳ маҳдум ўз чўнтагини ўйлаб Анвар билан Раънонинг турмуш қуришларини қанчалар истаган бўлса, хондан совчи келгач, ўйга толади. Бир «тўйни илгарироқ қилиб қўйсак бўлар экан», деб ўйласа, иккинчи тарафдан, «хонга падари аруслик» (хонга қайнота бўлиш — Э. А.) масаласи орага кўндаланг тушиб, фикр яна чувалаб кетарди». Бу мунозарада «Анвар тўғрисидаги кўнгил ғашлиги бир турли бўлса ҳам, бошқа тарафдан анчагина яхши умидлар туғилиб қолди...» Маҳдум ширин хаёлларга берилди: у «ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб, илжайди...»

Қисман кузатганимиздек, Маҳдумни Анварга даромад, Анварни эса Маҳдумга севгилиси Раъно боғлаб турарди. Мана шундай ҳолда, Раънонинг хонга фотиҳа қилинишида асосий айбдорлардан бири Солиҳ маҳдум эканига қарамай, Анвар сукут сақлади. Аммо бу ҳол Маҳдумдек паст кишиларга Анварнинг юрагида гапи бўлмаганини билдирмайди. Аввалам бор, Солиҳ маҳдумнинг тузини еб ўсган Анвар унинг тузлуғига тупура олмасди. Иккинчидан, Солиҳ маҳдум сингари кишилардан инсофу адолат ишташнинг ўзи кулгили. Бинобарин, Анварнинг сукути замирида мардлик, адаблилик, андиша ва ғурур яширинган.

Зеро, Анварнинг Худоёрхонга қаратилган мардонавор нутқи, ўша XIX асар жамиятидаги ҳамма разил, паст кишилар устидан чиқарилган ҳукм эди. Шу жиҳатдан олганда ҳам Анварнинг сукути унинг характери мантиқиға мос келади. Романда бу сукутнинг маънолари очиқ кўрсатилмаган бўлса-да, китобхон Анвар қалбида нималар пинҳон қолиб кетганини аққол ҳис қилади.

Энди Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи оламига озгина саёҳат қилиб кўрайлик. Бу ерда ҳам биз қаҳрамон ички кечинмаларини чизишда адиб сукутдан жуда унумли фойдаланганига дуч келамиз. Бироқ, аввал-бошдан айтиш керак, романинг бош қаҳрамони Отабек билан боғлиқ бу ҳолатлар хийла мураккабдир.

Тошкентлик Отабек билан марғилонлик Кумушнинг ораларига фитна аралашиб, сохта мактублар уюштирилгач, Отабек таажжубда Марғилонга келади ва Мирзакарим қутидор хонадонидан «ноҳақ» ҳайдалади. Кейин Отабек учун сукут кунлари эмас, сукут йиллари бошланади. Унинг сукути биратўла кўпчиликка «қаратилган» эди. Хўш, Мирзакарим қутидор Отабекни эшиги тагидан ҳайдаб солган экан, бу тушуниб бўлмас савдон у уйига қайтганда нега ота-онасига айтмади? Уста Олимга кўнгил розини очиш ўрнига нега аламини ичига ютди?! Сабаби... Ўзбек оғим ўғлининг бошқа шаҳарнинг «анди»сига уйланганидан норози, демак, у қиздан ўғлининг кўнглини совитиш пайида дам солдириб, гина қилиб юрган эди. Агар Марғилон воқеасини Ўзбек оғим эшитса, нотинчланиш у ёқда турсин, аксинча, хурсанд бўларди.

Муаллифнинг асарга уста Олим образини киритишидан мақсади эса, Отабекнинг ички дунёсидаги ўзгаришларни ёрқинроқ очиш, уни Марғилонга кўпроқ боғлаб, Ҳомид ва унинг дўстлари уюштирган фитна сирининг очилишига сабабчи бўлишни таъмин этиш эди. Бироқ Отабек уста Олимга ҳам дардини айтмайди, ҳатто ўзини танитмайди. Сабаби — у пок қалбли бу кишидан андиша қилар, йигитлик ғурури ҳам бунга йўл қўймас эди. Агар унга ёрилса, бу киши ҳеч қандай гап-сўзсиз Мирзакарим қутидорникига ҳақиқатни ойдинлаштириш учун бориши муқаррар эди. Отабек эса буни истамасди.

Отабекнинг кунлари шу зайлда ўтаверади. Кумушга бўлган муҳаббати уни ҳар гал Марғилонга етаклайди. Уста Олимникида туриб, севикли хотини уйига яқинликни ҳис этиш баробарида, у билан бирга кечган маъсум дамларини эсга олиб, энтикади. Дардини атрофдагилардан яширади, муҳаббат тўғриси эса юрагини ўртади.

Албатта, муносабатлардаги бу чигалликни шундайича қолдириш — муттасил сукут сақлаб юриш мумкин эмас эди. Тез орада Отабек уста Олим ва унинг дўстларидан ўзи билан Кумушнинг ораларини бузган фитначилар Ҳомид ва унинг ҳамтовоқлари эканини билиб олади. Шунда ҳам у ўзини танитмайди. Душманларининг қабих режаларидан хабар топиб, уни ҳаммадан сир тутиб, ўғирлик уюштирилаётган жойда уч душманини ҳам ер тишлатади. Шу воқеадан кейингина у уста Олимга ўзининг кимлигини билдиради, Мирзакарим қутидорга ва Кумушга хат бериб юборади.

Мирзакарим қутидор ва Кумуш хатни олиб, ҳақиқатни англашгач, шунга кўра иш юритишади. Отабекнинг мағрур,

чинакам эрларга хос ҳаракатларидан мамнун бўлишади, Отабекнинг қачон қайтишини айтмай кетганини билиб, ўзлари Тошкентга боришни ният қилишади.

Бу орада Отабек қийин аҳволда қолган эди, муносабатлардаги чалкашликлар бартараф қилинган бўлса-да, вазият унинг учун ҳамон оғир эди: «Мен нега икки йил сарсон бўлиб юрдим-да, бу сарсонликнинг натижасига бориб чиққанда, шундай аҳмоқликка тушдим?!» дер ва Марғилон йўлини кўзлар эди. Аммо энди унга Марғилонга бориш ўнақайи сира келмас: «Мен нега келдим-да, энди нега бораман ва нима деб бораман? Қизингизни Тошкент олиб тушарсиз деб кутган эдим... Сиз олиб туша бермаганингиздан кейин ўзим қайтиб келдим, дейманми?» деб ўйлар, куюнарди...

Отабекнинг бу ҳолати Мирзакарим қутидор ва Кумушларнинг Тошкентга келишлари билан ўз жавобини топади.

Отабек билан Кумуш бир-бирларига етишадилар...

Биз ўзбек адабиётининг уч буюк намунасидаги қаҳрамонлар қиёфасига хос уч хил сукутни кўриб чиқдик. Бу сукутлар чиқиб келиши, «қаратилган» одамига кўра бир-бирдан тамоман фарқ қилади. Айни чоқда, агар сезган бўлсангизлар, улар муштарак жиҳатларга ҳам эгадирлар. Сукут ҳолатини изоҳловчи шарқона адаб, ғурур каби фазилатлар ана шу жиҳатлардир. Лекин асло бу сукутлар қаҳрамонларнинг пассивлигини кўрсатмайди. Негаки, Фарҳоднинг Хисравга, Анварнинг Худоёрхонга қарата айтган гаплари мардлик ва жасоратдан нишонадир.

Фарҳод, Анвар ва Отабекнинг сукутлари андиша, адабликнинг оқибатидир дедик, аммо бу фазилатлар Шарқ кишисига хос ғурур, мардлик билан биргаликдагина мавжуд бўладилар ва Шарқ кишининг индивидуал қиёфасини чиқишга ёрдам берадилар. Халқимиз ўзининг серандишалигини асло кўрқоқлик оқибати эмаслигини таъкидлаб, «андишанинг отини кўрқоқ қўймайлик» деган иборани яратган. Шу иборанинг руҳи инсонийлик, адаб билан биргаликда биз кузатган қаҳрамонлар руҳий оламида юзага келган сукутда мужассамлангандир. Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, сукутли вазиятлар ўта нозик масала — муҳаббат масаласи билан боғланган, шунинг учун ҳам қаҳрамонларимиз тутган йўллар назокатлилиги, мақбуллиги билан ажралиб туради.

Албатта, сукутли ҳолатлар тасвирига мисолларни кўп асарлардан ахтариб топса бўлади, бироқ шу уч мисолимиз ҳам етарлидек. Негаки, биз бир хил ҳолатлар яратишни у ёки бу адибнинг услуби деб тақдим қилмаётимиз, балки сукутнинг шарқона образлар яратишининг бир хусусияти сифатидаги иштирокини қайд этаётимиз, холос.

Ўзбек халқининг даҳо фарзанди Алишер Навоий ва ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий турли даврда, турли шароитда яшаб ижод этдилар. Аммо бу икки буюк истеъдод соҳибини бир нарса — инсонни улуғлаш, унинг ички оламидаги кечинмаларини бутун нозикликлари, ранг-бангликлари билан ифодалаш маҳорати бирлаштириб туради. Инсоннинг руҳий оламидаги тўғрени муайян халқнинг миллий заминидан келиб чиқиб тасвирлаш ҳам зўр маҳорат талаб этади. Бунга ўз халқининг истеъдодли фарзандларигина эришадилар.





Айтайми нимага ўхшайман,  
Юки йўқ кемага ўхшайман;  
Ўхшашим қидирманг шеърлардан,  
Масалга темага ўхшайман;  
Саҳарда хўрозга ўхшайман,  
Ичсам маст Урозга ўхшайман;  
Ўхшашим қидирманг асалдан,  
Мазаси сал озга ўхшайман;  
Юрсам ҳам чопганга ўхшайман,  
Топмасам топганга ўхшайман;  
Ўхшашим қидирманг мазмундан,  
Сўзларга қопқонга ўхшайман;  
Ўхшайман пероли ручкага;  
Ўхшайман салатли бочкага,  
(Шоирим, сизга бир саволим:  
Қачон сиз ўхшайсиз точкага?)

# ТОМОШАБОФ

## Толстойнинг кун тартиби

Машҳур рус адиби Лев Николаевич Толстой жаҳон адабиёти хазинасига муносиб улуш қўшган ёзувчилардан биридир. У тинимсиз ижод қилганга қарамасдан умрининг сўнги кунларигача иш қобилиятини ва саломатлигини сақлаб қолган. Бунинг асосий сабаби шундаки, Лев Николаевич қатъий кун тартибига риоя қилган, кескин ақлий меҳнатни фаол дам олиш билан алмаштириб турган.

Одатда у жуда эрта турган. Сўнгра бир ярим соат боф ва далаларни айланган. Сайрдан қайтиб келиб иш столига ўтирган. Дам олиш дақиқаларида тош кўтарган, бошқа жисмоний машқлар бажарган. Агар шерик топилиб қолса, тушдан кейин бир-икки партия шахмат ўйнаган.

Буюк ёзувчи отда сайр қилишни ёқтирган, яхши сузган, чанғида юришни, теннис ва городки ўйнашни ёқтирган. Кексайган чоғида эса велосипед минишни ўрганиб олган.

«Агар мушакларимни ишсиз қолдирганимда аҳволим аллақачон ёмонлашган бўларди. Ана шу ишгина менга ширин уйқу, тетик кайфият бахш этади», — деб таъкидлаган эди Лев Николаевич. У умри бўйи ўз эътиқодига содиқ қолди: ижоддан бўш вақтларида жисмоний меҳнат билан шуғулланди — ер ҳайдади, ўт ўрди, хўжалик ишларини бажарди.

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ.** Ленинобод (Тожикистон ССР) областининг Нов районида 1961 йилда туғилган. Тошкент Маданият институтининг кутубхонашunosлик факультетида сиртдан ўқийди. Шеърлари ва адабий-танқидий мақолалари республика матбуотида ёритилган.

**Зебо МИРЗАЕВА.** Қашқадарё областининг Китоб районида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетида ўқияпти. Шеърлари илк марта «Ёшлик» журналида эълон қилинган.

**Туроб НИЕЗОВ.** Жиззах областида 1959 йили туғилган. 1985 йилда ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. Айти пайтда «Ўзбекистон» нашриётида кичик муҳаррир бўлиб ишлайди. Шеърлари республика газета ва журналларида босилган.

**Олим ТОШЕВ.** Қаршида туғилган. 1979—81 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилган. ТошДУнинг журналистика факультети талабаси. Шеърлари республика газета-журналларида эълон қилинган.

**Йўлдош ЭШБЕК.** Иштихон районида (Самарқанд области) 1952 йили туғилган. ТошПининг механика, ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетларини тугатган. «Соғиниб яшайман» (1981.), «Юксак дарахлар» (1985 й.) каби китобларнинг муаллифи. СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси.

**Усмон ҚУЧҚОР.** Бухоро областининг Шофиркон районида 1953 йили туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил кўрган. «Ҳаяжонга кўмилган дунё» (1982 й.), «Аксиз садолар» (1986 й.) шеърый мажмуалари чоп этилган.

◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆

Муқованинг 1—4 ва 2—саҳифаларини  
А. СУХАРЕВ ишлаган.